

ВАЛЕНТИН КАТАЕВ

ДАВР, ОЛГА БОС!

Роман-хроника



ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1984

Р 2
К 28

САРВАР АЗИМОВ (РЕДКОЛЛЕГИЯ РАҲБАРИ), ХАФИЗ АБ-
ДУСАМАТОВ, ЗИЁД ЕСЕНБОЕВ, ЖУМАНИЕЗ ЖАЕБОРОВ,
ЗУЛФИЯ, САЪДУЛЛА ҚАРОМАТОВ, МИРМУҲСИН, МУҲАМ-
МАД АЛИ, НАЗИР САФАРОВ, ТУРОВ ТУЛА, АЛЕКСАНДР
УДАЛОВ, РАҲМАТ ФАЙЗИЙ, ПИРМАТ ШЕРМУҲАМЕДОВ,
КОМИЛ ЯШИН, МАТЕҚУВ ҚУШЖОНОВ.

ҲАМИД ЖАЛОЛОВ, таржимаси

Тақризчи

Сиддиқа Аззамова

Катаев, Валентин.

Давр олға бос!: Роман-хроника /[Ҳ. Жалолов тарж.;
Редкол.: С. Азимов ва бошқ.].— Т.: Адабиёт ва санъат
нашриёти, 1984.— 328 б.

Валентин Катаевнинг «Давр, олға бос!» асари совет классикасининг
ажойиб дурдоналаридан биридир. Дастлабки беш йилликлар ҳақида ҳикоя
қилувчи ушбу роман-хроникада адиб Магнитка қурувчиларининг беназир
фидойиликларини тасвирлаш орқали совет кишиларига хос ватанпарвар-
лик, интернационализм, она-Ватанга садоқат ҳождларини моҳирона тараф-
дан этган.

Катаев, Валентин. Время, вперед: Роман-хроника.

К 4702010200 — 36
М 352 (04) — 84 96 — 84

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 й.
(Тарж.)

2

Будильник бўшаган обаки қутичасидек жаранглади. Бу жигарранг тусли, Совет Иттифоқида ишланган арзон соат эди.

Олти ярим.

Соат аниқ юрарди. Лекин Маргулиес бу пайт уйғоқ эди. У соат жарангламаёқ ўрнидан турган, умуман Маргулнесни ҳеч қачон будильник уйғотмаган.

Маргулиес аслида бундай оддий механизмга вақтдек қимматли нарсани ишоналмасди.

Уч юз олти саккизга тақсимланади. Кейин олтмиш — ўттиз саккизу ўндан иккига.

Бунини Маргулиес хаёлида бир зумда ҳисоблаб чиқди.

Натижа — тахминан бир ярим.

Бу рақамлар қуйидаги маънони англатарди:

Уч юз олти — қоришма сони. Саккиз — иш соати. Олтмиш — минутлар.

Шундай қилиб, Харьков бетончилари бир қоришмани тахминан бир ярим минутда, яъни тўқсон секундда бажаришаркан. Ана шу тўқсон секунддан олтмиш секунди каталогда қоришма тайёрлашга сарфланадиган энг кам вақтдир. Бу ёқда ўттиз секунд қолади. У материалларни ташини, ковшга солиши ва уни кўтариши учун кетади.

Назарий жиҳатдан мумкин. Амалда-чи? Қайдам. Теқшириб кўриши керак.

Шу вақтгача қурилишда энг яхши бетончи бригадалар ҳам бир сменада икки юздан орттириб қоришма тайёрлашмаган. Бу юқори кўрсаткич саналарди. Энди аҳвол кескин ўзгарди.

Маргулиес олмосда сариқ қаламни тарашлай бошлади. У ёш инженерга хос олифталик ва нописанд чапдастлик билан ҳаракат қилар, ерга узун, ингичка, силлиқ қиринди буралиб тушарди.

Тепаликда маъдан порглатишяпти. Кетма-кет гум-
бурлаш овози эшитилади.

Ҳаммаёқни пала-партиш гумбурлаш овозлари босиб
кетади.

Маргулиес колинкор муқовали, зарҳал сарлавҳали
қалин бешта китобни варақлаб, сарғиш газета ҳошия-
сига қандайдир белги ва рақамларни ёзиб қўярди.

Газета телеграммасидан айтарли ҳеч нарса тушу-
ниб бўлмасди. Газетадаги рақамлар ҳаддан зиёд йирик
эди. Бундан ташқари, махсус справочникдан олинган
зарурий олтмиш секунд ҳам гоътда баҳсли кўринарди.

Маргулиес меҳмонхонанинг омонат столчаси олдида
либоссиз, башараси қурум юқи ҳолда ўтирарди. Дума-
лоқ столча ишлаш учун ноқулай эди. Маргулиес ғи-
жим чойшабга бадавий каби бурканиб олганди.

Атрофида хира пашшалар ғув-ғув учади. Маргу-
лиес бесўнақай бурнига қўндириқли кўзойнагини ол-
ди-да, уни қаршисидаги дастурхон устига чалқанча
ётган тошбақа косасидек бандини тепага қилиб қўйди.

Маргулиес елкаси, бўйни, бошига шапиллатар, ўл-
ган пашшалар газета устига қуларди.

Ҳали кўп нарса аён эмас:

Иш fronti қандай? Тронспорт-чи? Механизм мар-
каси қанақа? Кишилар сони қанча? Бетон ётқизилади-
ган жойгача бўлган масофа-чи? Қовш кўтариладиган
баландлик қандай бўлган?

Буларнинг ҳаммаси номаълум. Буларни ақл таро-
зисига солиб аниқлаш керак эди. Маргулиес энг мақ-
бул вариантлардан бир нечасини тахминан қоғозга
туширди.

У шимини кийди, қўнжи кенг, ингичка учли эти-
гига оёғини суқиб, бўйнига ғадир-будир сочиқни ўради.

Парусин парда Маргулиес билан кетма-кет хонадан
йўлакка учди.

У пардани ҳатто ичкарига суриб қўйишга уринмади
ҳам. Бунинг иложи йўқ эди. Елвизакка дуч келган
пардалар шапиллаб эшикка урилар, бамисоли қанот-
дек силкинар, жаҳл билан бураларди. Маргулиес пар-
данинг қилиғини яхши билади. Шунинг учун ҳам уни
эшик билан қисиб қўя қолди. Парда ташқарида кул-
ранг байроқдек осилиб қолаверди.

Меҳмонхона тўрт тарафдан келадиган шамол чор-
раҳасида. Бу нуқта денгизчилар тили билан айтган-
да — «гирдоб».

Тўрт томондан — ғарб, жануб, шарқ ва шимолдан

келадиган шамол шу ерда, ташқарида инсон билан олишиш учун ўзаро бирлашади.

Шамоллар даҳшатли чанг бўронини вужудга келтиради.

Қийра қуюн гирватлари қуёш бетини тўсиб ҳамлага ўтади. У бамисоли туя жунидан ясалгандек зич ва сапсариқ. Чор-атрофни қоронғилик чулғаган. Бўрон автомашиналарни поездлар билан тўқнаштиради, чодирларни юлқиб, кўзни ачиштиради, савалайди, опалубка ва бошқа пўлат қурилмаларни чайқалтиради.

Шамол кучайгандан кучаяпти.

Бу вақтда иниси — хонаки елвизак меҳмонхона ичкарисида шўхлик қилади. Хоналардаги пардаларни шишириб силталайди, балкон илгаklarини тахта-пахтаси билан суғуради, ойналарни синдиради, дераза токчасидаги соқол қирадиган асбобларни пастга итқитади.

Йўлак бошида — эшиги ёпиқ ҳожатхона ёнида уч киши турипти.

Улар ҳозир бу ерга нима учун келишганини унуттишгану, далил сифатида сочиқ ва тиш чўткасини тутганча иш ҳақида қизғин суҳбатлашяптилар.

Хуллас, улар шошилишар, ҳар дақиқада тарқалиб кетишлари мумкин эди.

Йўлак — бу икки қатор эшик тутқичи, бамисоли яшил тусли метил спирти тўлдирилган икки қатор йўгон пробиркалардан иборатга ўхшайди.

Оқ халатли фаррош аёллар сариқ полни қипиқ билан тозалашаётир.

Тўрт бурчак дераза йўлакнинг кўндаланг кесими — унинг баландлиги ва кенлигини билдирарди. Шарқ томонга қараган дераза кўзидан қуюқ алюминдек сарғиш тўзон елаётгани кўриниб турипти.

Тўзон бутун манзарани тўсиб қўйган.

Маргулиес хира кўзларини қисиб, жилмайганича инженерларга яқинлашди.

— Нима ҳақда гаплашяпсизлар?

Жазирама оппоқ қуёш деразада лентали магний каби шиддат билан нур сочади. Лекин нурлар йўлакка кирган ҳамано тўзон ва шамол исқанжасидан қутулиб, даҳшатли забти сусаярди. Ойнага урилиш натижасида мадорсизланган бу нурлар охра суртиқли ғадир-будир полга рўй-рост тўшаларкан, уй мушугидек мулойимлашиб, ювош тортарди. У сохта жилваланиб, сарин тонгни, ҳатто шудрингни эслатарди.

Маргулиес кўзини қисиб, бир оз чучук тил билан гапирарди. Паст бўйли, кўзойнак таққан, бесўнақай бурунли бу йигитнинг кўриниши имтиҳонга тайёрланаётган талабани эслатарди.

Ёқаси очиқ украинча кўйлак кийган семиз киши шу заҳоти ижирганиб ундан юзини тескари ўгирди.

— Гап шундаки,— дея тез гапира бошлади у Маргулиесни сезмаганга олиб,— гап шундаки, водопровод қувури бузилгани сабабли бешчала қаватдаги ҳамма ҳожатхоналар берк. Очиқ ҳавога марҳамат...

У жиркангандек бошқалардан намойишкорона бир тарзда тескари ўгирилди-да, энди айнан Маргулиесга мурожаат қилиб, гапида давом этди:

— ...Энди мана бу найрангларга келганда эса, агар менинг участкамда бирон-бир киши уч юз олти қоришма у ёқда турсин, ҳатто икки юз олти қоришма қўйганида ҳам у ярамасни, инженерларнинг султони бўлганида ҳам, ўша заҳоти думига челақ бойлардим, қайтиб объект яқинига йўлатмасдим. Бунга ишонавринг.

У жамoadан жиддий бурилди-ю, зинадан пастга бир неча қадам тушди-да, шу заҳоти ҳансираганича орқага қайтиб, тез қўшиб қўйди:

— Биз қурилишдамиз, французча курашда эмас.— Яна кетаётганга ўхшаб, зинапояннинг ўртасига бориб, яна қайтди.

Унинг гаплашиш услуби шунақа эди.

— Худди мана шу билан сизларни табриклайман,— деди Маргулиес водопроводнинг бузилиши хусусида ва югурганича зинапоядан тушиб кетди.

У Харьков рекорди эндиликда бутун қурилишга маълумлигини дарров фаҳмлади. У шуни кутганди. Шошилиш керак эди. •

Пастда, паспорт столчаси ёнидаги тугун ва чамадонлар устида янги келганлар ўтиришарди. Улар қирқтача. Бутун тунни шу ерда ўтказишган. 250 ўринли меҳмонхонада биронта ҳам бўш каравот қолмаганди. Лекин ҳар куни янги-янги одамлар келишарди.

Маргулиес юклар, велосипедларга қоқилиб-туртиниб, оёқларни боса-боса телефон ёнига борди.

Корнеев бир суткадан бери ухламаганлигига қарамай, участкадан ҳали кетмаган ва кетишни ўйламаётган ҳам экан. Буни марказий станция телефонисткаси маълум қилди. У Маргулиесни овозидан дарров таниди ва исми шарифи билан Давид Львович, деб атади,

Марказий станция телефонисткаси олтинчи участкадаги бетончилар ишидан хабардор эди. Бунинг ҳеч ажабланидиган ери йўқ. Инженер Маргулиес участкаси ҳозир энг муҳим участкалардан бири ҳисобланарди.

— Ҳозир сизга ячейкани улаб бераман,— деди телефонистка чечанлик билан.— Корнеев ўша ерда шекилли. Хотини ҳозиргина ячейкага телефон қилган эди. Бугун у Москвага, эрининг ёнига кетади. Вечора Корнеев! Айтмоқчи, Харьков рекордига қандай қарайсиз? Бир сменада — уч юз олти, бу жуда кам учрайдиган ҳол. Хўп, ҳозирча. Олтинчи участка ячейкасини улайман.

Бурма-бурма қилиб тикилган, белбоғли кенг кўйлак кийган қария «почта бўлими ва давлат меҳнат омонат кассаси» дарчасидаги «Ёпиқ» сўзи битиқли эски картон папкани олиб қўйди. Касса кираверишда жойлашганди. Чол дарчадан каккудек бош чиқариб қўйиб ўз ишини бошлади.

Ёнгинада ялангоёқ, бошланг қизча пештахтага газета ва журналларни ёйишга киришди.

Бир мухожир келиб, «Известия» билан «Правда» сотиб олди. Украинча кўйлакли семиз киши «Humanite» ва «Berliner Tagblatt» харид қилди. Кампир «Мурзилка»ни танлади. Бир болакай «Под знаменем марксизма»ни сотиб олди.

Жез қутича чақага тўла бошлади.

Ташқарида, борлиқни тутган қора тўзон пардаси орасидан термометрнинг симоб найчаси йилтираб кўринарди.

Ичкарига консерва банкасидек чуқур тунука қопламали кўзойнак таққан извошчилар кириб келишарди. Ҳаммалари чангга ботган чориқ ва бесўнақай этиклар билан зиналардан ҳаммаёқни тупроқ қилиб таптап юқорига кўтарилишар, номер рақамларини аранг ажратиб, эшик қоқишарди.

Маргулиес Корнеев билан гаплашиб бўлиб, яна станцияни чақирди ва соат тўққизга Москвани буюртма қилди.

Кейин хонаси томон шошилди.

Тез юз-қўл ювиб, йўл-йўл кўйлагини эгнига илди, юмшоқ ёқасини тақди, галстугини боғлаб, ҳалпиллаган ҳаворанг пиджагини кийди.

Кеча кечқурун у ювинишга улгурмаганди. Бугун умивальникда сув бўлмади. Хонаки славянь жавони

қаршисига бориб, кўзлари бурчагига тўпланган қурум зарраларини олиб ташлади.

Атир тамом бўлганди.

Маргулиес сочиқни тупуги билан ҳўллаб, узун тук босган катта бурнининг катаklarини артди.

Кенг, мўйна кепкасини бошига илди. У дағал, ҳурпайган сочлари устида доира шаклига кирди.

Будильник ўн минути кам еттини кўрсатарди.

Маргулиес номердан отилиб чиқаркан, елкаси ўт ўчиргичга урилиб кетиб, ошхонага шошилди. Буфетда балиқли бутерброд ва тухум бор экан, лекин навбат кутувчилар кўп эди.

У қўл силтади. Участкада овқатланса ҳам бўлади.

Эшик ёнида Маргулиесни оч сариқ рангдаги ёқаси қора футболка кийган гилай йигитча тўхтатди.

— Хўш, Маргулиес, Харьковга қачон киришасан? Маргулиес қошларини расмана чимирди.

— Кўрамиз.

— Бўш келма.

Меҳмонхона эшиги олдида кажавали урал тарантас¹лари инженерларни кутиб турарди. Уловлар гижирлар, гулдор дўғалари ялтирар, гуп-гуп от ҳиди анқирди.

— Ҳей, хўжайинлар, — чийиллаб қичқирди Маргулиес, — олтинчи участкага ким бориши керак?

Извошчилар индашмади.

— Олтинчи участкага нарядни Кустанаев олган, — деди бир оз жимикдан сўнг сеҳргарлардек духоба бўрк кийган кекса қирғиз.

— Кустанаев қаерда?

— Касалхонага кетди.

— Ҳа, майли.

Участка унчалик узоқ эмас, икки километрча юрилади.

Маргулиес қуёшдан кўзларини қисганича шамолга қарши, тупроқда этик изи қолдириб, темир йўл сари йўналди. Лекин аввал узун тахта мўрили, эшик тавақалари ланг очиқ ёғоч уй томонга бурилди.

Уйдан қуёш тафтида қаттиқ қизиган газета ҳиди келиб турарди.

Маргулиес баланд қути устига чиқиб, бўйнига тасмасини илди.

«Бизда янгиликни хўпам тез билиб олишади-да», — ўйлади у узун бармоқларини қисирлатиб.

¹ Тарантас — тўрт гилдиракли, соябонли арава.

Телеграф ёғочлари қоп-қора чанг булути орасида шамол томон юраётгандек туюларди.

3

Ҳамма нарса ўрнидан қўзғалиб, ҳамма нарса юра бошлади.

Дарахтлар ҳам силжимоқда. Урмондан кейин тош-қин дарё ҳавзаси бошланди.

Май ойи эмасми, бир туп дарахт учиб бораётган поезд ортида худди бошига гул ва бежама таққан янги аскардек тик турарди.

Биз бамисоли соядек ғарбдан шарққа томон кетяп-миз.

Булутлар ҳам, элеватору тахтадеворлар ҳам, водокачка, катерпиллерлар ҳам, эшелонлар, черков ва миноралар ҳам худди биз билан ёнма-ён силжиётгандай.

Қизиган қумлар устига ўтинлар уюб ташланган. Дарё қирғоқларида чопқиндию қайиқлар ғич-ғич. Шатакчи кема ҳаддан ташқари асов дарё билан курашади.

Сув бамисоли ёйма тўрдек кўпчиган. У тўрнинг оқиш ҳалқаларидек ялтирайди. Тўр жўш уради, ўзига илашган кемани судрайди. У бўлса «юзгичлари» билан урилади, «қизил ойқулоқлари» ҳилпирайди, букилади, кўприк тагига итқитилади.

Бетон устунлар тумшуқларини сувга чўзган бошвоқсиз ҳўкиз мисоли оқимга қарши бардам турипти. Ялтироқ бўйни теварагида кўпикли «бўйинтуруғ» жўш уради.

Кўприкдаги залварли темир панжара деярли бир километрга чўзилган. Улар бир-бирлари билан ачомлашиб турган устунлари дам ёришиб, дам соя ташлаб кўзга чалинади.

Биз Волгани кесиб ўтяпмиз.

Революция Ғарбга қайтиш шарти билан Шарққа кетяпти. Дунёдаги бирон куч энди уни тўхтатолмайди. Революция албатта Ғарбга қайтади.

Мана, Саратов — Уфа йўли.

Бу марваридгул ва булбуллар йўлидир. Булбуллар поезддан ҳайиқмайди, туни билан сайраб чиқишади. Бу овозлар тун қўйнида сопол қувачадаги ўткир, кишига тетиклик бахш этувчи, қўюқ, хушбўй ҳид та-

ратувчи майдек булқиллайди. Тун муздек шабнам билан лиммо-лим тўлган.

Станцияларда болалар марваридгул сотишади. Ҳаммаёқни марваридгул ҳиди тутиб кетган.

Телеграф ёғочлари нозик марваридгул новдалари янглиғ сузади.

Бир бурда ой кўк гумбазида марваридгул донасидек оқариб кўриңяпти.

Уралдан ўтяпмиз. Чапда — ўрмон, ўнгда буталар билан қопланган пастлик.

Вагон махсус халқаро вагон бўлиб, узунасига икки қисмдан иборат — чапда купе, ўнгда йўлак. Йўлак деразасидан кўринаётган манзара болаларнинг ажибужи ишлаган расмидек ноаниқ кўринади.

Йўловчилар йўлакка отилиб чиқишади. Оёқ остида линолеум. Пол худди трамплин сингари букилади.

Ҳар бир деразада — одам кўланкаси.

Йўловчилар машғулотларидан бош кўтаришди. Улар турли тоифада бўлганидек машғулотлари ҳам турлича. Америкаликлар покер ўйнашади. Немис какао стакандонига ёғдан бўшаган қоғозни тахлайди. Совет инженери кўз қисган кўйи чизма устига энгашган. Шоир, «Экономическая жизнь» газетасининг мухбири қўйидаги стенограммани ўқимоқда:

«...Давлатлар тарихида, мамлакатлар тарихида, армиялар тарихида шундай ҳоллар бўлганки, муваффақият учун, ғалаба учун барча имкониятлар бўла туриб, бу имкониятлар раҳбарлар назидан четда қолганда, ундан фойдаланишнинг урдасидан чиқинмаган, армия эса мағлубиятга учрайверган.

1931 йил контроль рақамларини бажаришимиз учун бизда барча зарур имкониятлар мавжудми?

Ҳа, бундай имкониятлар мавжуд бизда.

Бу имкониятлар нималардан иборат, уларни рўёбга чиқариш учун нималар қилиш керак?

Энг аввало мамлакатда: темир рудаси, кўмир, нефть, дон, пахта сингари табиий бойликлар етарли даражада бўлиши керак...»

Шоир тирноғи билан темир рудаси деган сўзлар тагини чизди.

«...Улар бизда борми? Бор. Исталган мамлакатдигидан кўра кўпроқ бор. Мана, лоақал Урални олиб кўрайлик. Бу ердаги хилма-хил бойликлар ҳеч бир

мамлакатда йўқ. Руда, кўмир, нефть, дон... Уралда нималар йўқ дейсиз!..»

Биз Уралдан ўта бошладик.

Деразадан «Европа-Осиё» обелиски чапдан ўнгга айланганча, гизиллаб ўтади. Обелискнинг оппоқ бўёги қовжираб кўчган. У бамисоли вилоят табрикномасидек бошдан-оёқ ёзувлар билан қопланган. Маъносиз устун. У орда қолди. Демак, энди Осиёдамизми? Кулгили. Биз жадал суръат билан Шарқ сари инқилоб олиб боряпмиз. Энди, Осиё ўз қиёфасини бутунлай ўзгартиради.

«...Суръатни секинлатиш ортада қолиш демакдир. Қолоқларни эса уришади. Лекин биз уришларини истамаймиз. Йўқ, истамаймиз! Дарвоқе, кўхна Россия тарихи шундай эди, уни қолоқлиги учун тинимсиз уришган. Мўғул хонлари ҳам, турк беклари ҳам, швед феодаллари ҳам, польша-литва панлари ҳам, инглиз-француз капиталистлари ҳам, япон баронлари ҳам уришган. Қолоқлик учун ҳамма урган. Ҳарбий қолоқлик, маданий қолоқлик, давлат, саноат, қишлоқ хўжалиги қолоқлиги учун уришган. Наф кўрганлари, жазоланмаганлари учун уришган...»

«...Шунинг учун ҳам энди сира ортада қолмаслигимиз керак...»

Поезд елиб бормоқда.

Феня станцияларда тушишга уялар, деразадан қараб борарди.

Тоғлар қоронгилашди, пўлатранг фазо чўққини эслатарди.

Қора ва қизилрангга бўялган темир йўл будкаси ёки трансформатор шкафи кўринади. У қояга тўрт бурчак магнитдан ясаб ўрнатилган. Тепасида майда япроқ урал арчаси тик қад кўтарган.

Қора билан қизил — штурм ранги, тротил қутисиде огоҳлантирувчи этикетка.

Поезд туннель оғзидан бамисоли шомполдек отилиб чиқди. У тоғ бағридаги палағда минерал ҳаво оқимини суриб чиққанди.

Поезд туннельга кираётганида деразалар ёпилганди. Қоронгилик тошкўмир тусли кўзгуга айлантирган деразада электр чироқлари қўшалоқ-қўшалоқ акс этади.

Лекин кейин атроф чунонам ёришиб кетди!

Тоғ оралигидаги станцияда бир қизча сариқ гул сотарди.

Феня пастдаги қизга деразадан қараб қичқирди:

— Ҳой қиз, бу ёққа кел! Бу ёққа кел!

Бироқ қизча унинг овозини эшитмай, вагонлар бўйлаб чошиб кетди. У гулларни бармоқлари керик кафтлари билан худди ўрдакчани босгандек кўксига босиб олганди.

— Вой тентаг-ей!

Почта вагонидан тошлоқ ерга газеталар боғлами, посылка ва хатлар солинган қопларни ташлай бошлашди.

Ерда туширилган қақир-қуқурлар: эски ошхона столи, йиғиштириб қўйилган ёғоч каравот, суянчиги бир-бирига боғланган стул ва абжағи чиққан табурет-калар.

— Қандалаларини ташиб кегияпти!

Буни бўлиқ оёғига қалин кулранг пайпоқ, эгнига кондуктор кийими кийган, қўлида рапида яшил байроқ тутган вагон проводниги Лизочка исмли қиз айтганди.

Лизочка Феня билан дугоналашиб олгач, унга ачингани учун қайноқ сув олиб келаётганди.

Халқаро вагон деразаси тагидан ўтаётган бола тўхтаб, бошини кўтарганча чанг босган заррин ҳарфларга тикилиб, узоқ ўқиди.

— Узоқ манзилга тўғри борувчи ётоқли вагон, — деди у, — лекин ичидагилар ухлашмаяпти.

Кундуз эди.

Ҳайрон бўлган бола вагон ғилдираklarига майда тош ота-ота йўлида давом этди. Деразадан шляпали хорижийлар қараб туришарди. Дераза ёнгинасидаги стаканларга оқ-яшил марваридгуллар солиб қўйилган. Стаканлар эса кумуш идишда. Сухарилар пергамент қоғозга ўралган. Мис кулдонларда чекиб ташланган папирос қолдиқлари.

Феня оддий вагонда Москва орқали Киев яқинидан келаётганди. Москвада Брянск вокзалидан Қозон вокзалига ўтишга тўғри келди. Ораси анчагина!

У қопни анча қаппайиб қолган қорни баравар кўтариб трамвай зинасига тикиштирди.

Одамлар уни тирсаклари билан итаришар, ўтқазिशар, уришишар, ачинишар, қарғашарди.

Феня шол рўмоли учи билан сарғайган, доғ-доғ бур-

нини артаркан, яхши букилмовчи, кумуш узук тақиқли номсиз бармоғи ёпилмай кўриниб турарди.

У пул тугилган дастрўмолини иссиқ, муштида маҳкам чангаллаб олганди.

Узукни ўзи сотиб олган. Костя билан жамоада никоҳдан ўтмаган бўлса ҳам, кўз ёришини билгач, узук сотиб олди. Барибир ўзини турмушга чиққан ҳисоблаб, умр йўлдоши деб билган йигити ёнига отланган. Никоҳдан ўтиш учун кетяпти.

Йигит бўлса уни кўришни ҳам истамас балки. Эҳтимол, аллақачон бирон-бир қизга илашиб қолгандир. Ким билсин!

Феня, ҳатто, Костянинг адресини аниқроқ билмайди ҳам. Лекин жуда соғинди, бундан ташқари, биринчи туғиши, қўрқинчли туюлди.

Шунинг учун йўлга чиқди.

Қозон вокзалига келгач, трамвайнинг орқа эшигидан қопни қучоқлаганича терлаб-пишиб, йўловчиларни тўхтата-тўхтата тисарилиб аранг тушди.

Қозон вокзалида нарсаларини ўғирлатиб қўйишдан қўрққани учун ҳеч нарса емай, кечгача қопи устидан турмади.

Кўнгли озиб кетди.

Поездга чиқиш эълон қилинганда, Феня қопини гоҳ қучоқлаб, гоҳ бўғзидан тутиб судраб, гоҳ оёғи билан туртиб, дам ёнламалаб атрофга аланлаганича орқаси билан одамлар кетидан йлгари суриларди.

Поездга яқинлашганида Феня айёрлик қилмоқчи бўлиб ўзини одам кам вагонга урди. Лекин жўрттага қилингандек вагонларнинг ҳаммаси тўғри келмасди: бири — плацкартали, бири юмшоқ, иккинчиси — махсус, анависи — қандайдир халқаро, — нақ азобнинг ўзи!

Хуллас, Феня айёрлигини темир йўлга ўткизолмади. Бекорга қопини тўғри келмайдиган вагонлар олди-га судрагани қолди.

Ноилож одам гиж-гиж вагонга чиқишига тўғри келди.

Барака топкур йўловчилар қисилиброқ ўтириб, унга ҳам жой беришди.

Ҳечқиси йўқ, жой тор бўлса ҳам феъл кенг бўлса бас.

Феня қопини ўриндиқ остига тиқиштирди, кейин оёғи қопга тегиб турар алфозда, тиззасини букди-да, рўмолини кифтига туширгач, чўқиниб қўйдди.

Ишбошқарувчи Корнеев рангпар парусия туфли кийиб олганди. Шура унга туфлисини оқлаб юришни маслаҳат берди. Прораб Корнеев Шуранинг гапига кириб нотўғри қилди.

Оқланган туфли шу қадар булғаниб кетгандики, ҳатто уни бемалол суткали рапорт ўрнида қурилиш комитетига юбориш мумкин эди. Бу туфлининг кўриниши участка қанчалар ночор аҳволга тушиб қолганини яққол исботларди.

Прораб туфлисини ҳар куни эрталабоқ оқлаб олиши зарур эди. Тўғри, бу анча кўнгилсиз иш, лекин илож қанча.

Мовий жомакор — шим ва денгизчилар кийими андозасида тикилган бир ёқлама тугмали камзул — шунга монанд оппоқ туфли кийиш одати бор.

Сирт чўнтаклари бесўнақай, чоки икки қават пишқипда дағал тикилган, мовий бўз камзулли Корнеев кема механигига ўхшаб кетарди.

У доим ана шу ўхшашликни сақлашга ҳаракат қилади.

Ғажаклари ўртамиёна, инглизча мўйлов қўйган. Тасмачали кумуш соатини сиртқи ёнчўнтагига солиб юради. Папиросни қора чарм партисигарда сақлайди.

Биринчи смена ишни соат саккизда тугатди.

Прораб Корнеев учун туннинг кун билан алмашиши у қуёш ёғдусида ўз туфлисини кўриш билан бошланди.

У бир кеча-кундуз ухламади.

Иккинчи сменани ишга туширгач, уйга жўнашни мўлжаллаганди. У кеча кечқурундан бери уйда бўлгани йўқ. Клава билан албатта гаплашиши керак эди.

Лекин мана бу Харьков воқеаси бошланди-ю, фурсатни бой берди. Тунда нимадир содир бўлган. Хўш, қандай воқеа у?

Ҳар нарса рўй бериши мумкин тунда.

Балки Клава яна кечаси телефонда Москва билан гаплашгандир. Эҳтимол Москвадаги қизи бетоб бўлиб қолгандир...

Тонготарда Клава Корнеевга телефон қилди.

Корнеев унинг гапини аранг тушунди. Тўғрироғи, чала-ярим англади. Аёл йиғларди. Гапи кўз ёшига арадашиб кетар, бошқана йўл тутолмаслигига онт ичаркан, уни девонавор севишлигини уқтирарди.

Корнеев хотини билан бегоналарга эшиттириб гаплашишдан хижолат чекарди. Одамлар ячейкада туни билан ишлашганди.

Ана, Филонов қулоқларини беркитганича қип-қизариб кетган кўзлари билан ведомостларни бир-бир нигоҳидан ўтказмоқда.

Атрофда ғала-ғовур.

Филонов шовқинни худди катта боши билан сузиб қайтараётгандек ўтирипти. Одамлар одоб юзасидан Корнеевга эътибор бермасликка ҳаракат қилишарди. Шундай бўлса ҳам унинг қулоқларигачан қизариб кетганди.

Корнеев телефонга бўғилиб қичқиради:

— Ҳеч нарса эшитмаяпман! Ҳеч нарса эшитмаяпман! Қаттиқроқ гапир. Эҳ, жин урсин... Қаттиқроқ гапир! Нима деяпсан? Бу ер шовқин, тушунтириброқ гапир, деяпман... Ту-шун-тириб-роқ!..

Телефон дам сайин узилиб қолар, орага бегона овозлар аралашарди. Гапираётганлар иложи борица тезроқ шағал жўнатилишини сўрашар, сўқинишар, завод бошқармаси коммутаторини сўрашар, карьер талаб қилишар, прорабларни чақиришар, рақамларни диктовка қилишарди...

Бамисоли дўзах эди.

Корнеев ҳозир сираям боролмаслигини айтиб бақирар, кетмай тур деб ялинар, билет олмай туришни илтимос қиларди...

Корнеевни тумов қийнади. Бу ернинг ҳавоси кундузи ниҳоятда иссиқ, кечалари эса аксинча — совуқ. У дам-бадам қизариб кетган бурнини шилқиллатиб тортар, ёш тўла, зўриққан кўзлари ачишарди.

Қуёш шуъласи тушган симёғочлардаги тонгги лампочка нурлари бўзариб хиралашмоқда.

Филонов ғўлабирдай жуссасига ярашиқли, қийиқ ёқа, қора сатин кўйлагини тартибга келтириб, ячейкадан йўлакка чиқди.

Йўлакда ҳамон тун ҳукмрон, қоронғилик, тутун билан қопланган бу ер. Одамлар қўлларида ҳисоб дафтарчасини ушлаганларича бухгалтерия дарчаси олдида уймалашади. Шоферларга ўхшаш извошчилар, извошчиларга ўхшаш шоферлар лампочка тагига бориб, йўл варақаси ва нарядларини кўздан кечирешади. Тахта девор ёнида кўзлари уйқули бошқирд чоллар чўққайиб ўтиришипти. Нариди хотинлар қўлларидаги

кружкани даранглата-даранглата бакдан сув олиб ичишарди.

Филонов ҳар хил ранг билан:

«Уртоқ! Кишида жичча инсоф бўлиши керак бу ерда 6 уч. рассомлик устахонаси жойлашган. Илтимос кирилмасин ва халақит берилмасин, кўряпсиз-ку — одамлар ишлашяпти».

Сўзлари ёзиқли кўпчиган фанер эшикни тортди.

Рассомлик устахонаси товуқ катагидек тор эди.

Бир-бирларига орқа ўтириб, табуреткаларда ўтирган икки бола тебраниб-тебраниб қўйишади. Улар шу қўйи кигиздан ясалган қўлбола мўйқаламда гулқоғоз орқасига ёнғинга қарши шиор ёзишмоқда.

Дераза тагида Шура Солдатова ёнламасига ўтирипти.

У сарғиш қошларини чимирганича кўк мой бўёқ билан қабрга ўрнатиладиган катта ёғоч хочни бўярди.

Бурчакда ана шундай хочлардан бири тайёр турибди. Унга: «Бу ерға Ишченко бригадасидаги Николай Саенко дафн этилган. Қабрингда тинч ёт, прогул ва нчкиликбозлик заҳматкаши» дея сариқрангга йирик-йирик қилиб ёзиб қўйилган.

Чапдан ўнгга бўш, ўнгдан чапга эса юк ортилган составлар юрляпти. Ёки, аксинча. Дераза рафида очик қолдирилган китоб саҳифалари оқариб кўринади.

Дераза тавақалари очилавериб, илгаги барак деворини деярли кўчириб юборган.

Бўёқчилик материаллари тўла тахтаванд хона дам ёришиб, дам қоронғилашади. Бўш жойларга селгитиш учун лавҳалар ёйиб ташланган.

Шура Солдатова баракнинг участка бўйлаб уёқдан бўёққа бориб келишини тасаввур қилишга ўрганиб қолган. Барак туну кун худди юк вагонидек титрайди.

Пол лопиллаб, тахталар гичирлайди. Узун тирқишда доим шуъла — кундузи қуёш нури, тунда лампочка ёғдуси.

Олтинчи участканинг партколлективи секретари, қирмизин лаби устидаги сабза мўйлови тиккайган, жайдари юзли Филонов рассомлик устахонасига мўралади:

— Қани, болалар, мана шуни бир бошлаб ташланглар!

У қўлидаги қоғозни узатди. Болалар унга мутлақо эътибор беришмади.

Ўнг ва сўлда ойнадан дераза рафи баравар ясси тупроқ уюмлари кўзга ташланади.

Барак участкадаги узун ёғочлар, сирти қорамой, ичи қизғиш канализация қувурлари, пўлат конструкциялар, похол ёнилган пишиқ гишталар, темир арматуралар, чипта, цемент, шағал, қум уюмлари, нефть, шаткчилар, машинистлар, шатунлар, поршинлар буг ёнидан ўтиб борарди.

Барак тўхтаб, силкинди, тормози чийиллади, буферлар қалпоғи бир-бирига урилгач, орқага қайтди.

Дераза ортида оқ фурашкали Корнеев шпалданшпалга сакраганича бораётгани кўринди. У югураётиб қалам билан деразани тақиллатади.

Шура мўйқаламини телефоннинг бўёқ солинган эски чинни косачасига ташлади, қўлини артган калта жун юбкасини кир-чир, ялтироқ тиззаси устига торти-да, ўрнидан енгил турди.

Кесилган дағал сочлари кўзига урилди. Шура уни олиб ташлади. Соч яна урилди. Қиз яна олиб ташлади.

Шуранинг жаҳли чиқди. У доим ўзи билан ўзи курашарди. Бу охири унинг жонига тегди. Кейинги вақтда Шура жуда тез ўсаётганди.

Юбкаси ниҳоятда тор ва калта бўлиб қолганди. Ювилавериб ранги бўзарган зангори футболкаси қўлини тагидан сўтилган. Енглари қўлига торлик ва калталик қиларди. Шунинг учун у енгини шимариб олганди.

У эндигина ўн еттига қадам қўйса-да, кўриниши йигирмага бориб қолганга ўхшарди. Бўйи бўлса ҳамон ўсиб борарди.

Шура юраги сиқилиб, бўлиқ қўллари, дароз оёқлари, гоят чиройли мовий кўзлари, ниҳоятда ёқимли кучли овозидан номус қилар, ер ёрилса ерга киргудек бўларди.

У лўппи сийнаси, хипча бели, оппоқ томоғидан уяларди.

У болаларнинг пахмоқ сочли бошлари оша Филонов узатган қоғозни олди.

— Бу нима, шиорми?

— Текстли плакат.

— Қачонга керак?

— Қачон тайёрлаб бера оласан?

Шура кифтларини қисди. Филонов бурнини жи-йирди.

— Ярим соатда битказа оласанми?

Болаларнинг бири Филоновга маънос қаради. Кейин кўзини қуёшдан яширгандек қисди.

— Ярим соатда эмиш! Ол-а! Чаққонвойни қаранг-лару!

Бола икки бармоғини оғзига суқиб, қаттиқ ҳуштак чалди. Иккинчи бола шу заҳоти яланғоч тирсаги билан унинг орқасига туртди.

— Туртма, газанда!

— Сен ҳам ҳуштак чалма, ялангоёқ!

Болалар шартта ўгирилиб, янги картошка каби пўст ташлаган юмалоқ бурунларини яқинлаштириб, бир-бирларига тикилишди.

— Ҳой!— бақирди Шура.— Уришиш бўлмасин!

Филонов хонага кирди.

— Нима гап?

— Улар ўзаро мусобақадош,— деди Шура жиддий.— Саккиз соатда ким кўп ҳарф ёзишга шартлашишган. Кечаси ўн иккидан бери тинишмаяпти. Жонлари ҳалқумларига келган.

Филонов селгиётган плакатларга кўз югуртириб чиққач, жилмайди.

— Савод зўр-ку. Сифат ўрнига сон экан-да. Бирон-та сўз ҳам тўғри ёзилмаган. «Яна» сўзи ўрнига — «яъна», «олов» ўрнига — «алов», «йўқолсин» ўрнига — «юқолси». «Юқолси» нимаси?

— Сиз бизга ўргатмай қўя қолинг,— деди дўриллаган овозда ҳалиги тирсаги билан туртган бола.— Узингиз жуда саводли бўлмасангиз керак. Бу ерга ҳамма киравериб, зарбдор ишга халақит бергани-берган.

— Биз ҳали текшириб кўрганимиз йўқ,— деди иккинчи бола.

Шура Филоновдан олган қоғозни ўқиди-да, қошларини ҳайратангиз чимирди.

— Нима, шу тўғрими, Филонов?

— Ҳа-да.

— Қойил-е, Харьков!

— Хўш, энди нима дейсан?

— Нечта нусха керак?

— Икки нусха. Биттаси ошхонага, иккинчиси про-раб идорасига.

Шура бир оз ўйлаб:

— Булардан ташқари яна битта зарур экан. Учинчи смена барагига ҳам осииш керак. Ишченко ҳам ўқиб кўрсин,— деди.

— Майли, ўқишсин, — рози бўлди Филонов ўйла-
ниб. — Қани, тезроқ.

Шура қогозни қўлида айлангирди, оёқларини бир-
бировига теккизиб, оқ ип ўтказилган шиппагига қа-
ради.

— Менга қара, Филонов, тўхта-чи.

Филснгов унга ўтирилди.

— Хўш?

— Расм ишласа ҳам бўладими? Ўзим ишлаб бера-
ман. Мана, бундай, ҳалиги кўм-кўк осмон, турли да-
рахтлар, чарақлаган қуёш, ўртада эса, каттакон ка-
лишда бизнинг бетончиларимиз ўтирипти. Харьковлик-
лар бўлса узун арқон билан уларни шатакка олганла-
ри тавсирланади.

— Сени қара-ю! Шундоғам ҳамма деворлар расм-
ларга тўлиб ётипти.

— Нима, ёмон расмларми? — деди тунд овозда
бояги уришқоқ бола. — Агар ёқмаётган бўлса ўзингиз
чизинг... Бу ерда маслаҳатгўйлар кўп ўзи. Киришаве-
риб, зарбдор ишга ҳалақит беришади.

— Э, ўргилдим сенлардан!

Филонов муштлари билан қулоқларини беркитга-
нича йўлакка отилиб чиқди.

Корнеев кирди. У бир оз бурнини тортиб тургач,
кейин ҳарфларни йирикроқ ёзишларини илтимос қил-
ди-да, жез қутичага оқ бўёқ қуйди.

Сўнгра барак орқасига ўтиб, гўлага оёқ қўйган
кўйи туфлисини эски тиш чўткасида ҳафсала билан
оқлади. Туфли олачалпоқ тусга кирди.

Ниҳоят Корнеев нам дўстрўмолида терлаган кир
юзини артиб тозалади.

У қурувчиларнинг омонат уйига буриладиган ерга
борганида туфлиси селгиб, сутдек оқарди. Лекин юзи
яна кирланганди.

Тонг ана шундай бошланди.

...Клава жўнаб кетаётганди...

5

Ишчиларнинг омонат уйи узоқдан кўримсиз, пас-
так туюлса-да, яқиндан бамисоли баҳайбат эди.

Ўтиш жойларида машинистларнинг маневр қила-
диган ёмон одамлари бор.

Узун состав ҳаракатни тўхтатиб, уёқдан буюкқа
оҳишта бориб-келяпти.

Мазкур состав Корнеевни омонат уйдан аррадек шартга кесиб қўйди.

Энди кутиб туришга тўғри келади. Корнеев чўнтагидан соатини олиб қаради. Еттидан йигирма уч минут ўтипти.

Тўзонли, иссиқ шомол эсяпти.

Ўтиш жойининг ҳар иккала томонида одамлар, транспорт тўпланиб қолган. Шошилувчилар юриб кетаётган вагон зинасига сакраб чиққач, ҳаракатга тескари кифт тутиб ёки олдинга қараган кўйи нариги томонга сакраб тушишарди.

Бир-бировларининг қўлларидан ушлаб олган гулли кофта, бурама юбкали ер қазувчи иккинчи смена қизлари қўлтиқлашишганча тизилиб ўтиришар, оёқларини узатиб юборишганди. Улар шодон куларканлар, ялтиллаб тарақа-туруқ елаётган филдиракларни бошдан-оёқ кузатардилар.

Нариги томонда ишчилар уйдан темир йўл сари ишбоши Мося шошиляпти. У кенг дарвоза ёнидан якка чўп устида қўлларини худди дарвозабондек олдинга чўзганича тебрана-тебрана келарди.

Мося кўринишидан ёноқ суяклари бўртиқ, чувак юз эди; бошидаги батума кепкаси башанг, шалпанг қулоқ; ихчам, ясси бурунли; ўткир кўзлари ўғриларникига ўхшаб ўйнаб турадиган йигит.

Мося билан Корнеев ўртасидан платформалар липиллаб ўта бошлади. Филдираклар залваридан шпаллар клавишдек ўйноқларди. Мося нариданоқ Корнеевни таниди.

— Ўртоқ прораб! — Мосянинг ўсмир боланики каби ўликни сескантиргудек ўткир овози янгради.

Корнеев эшитмади. У танг қиёфада ўзи билан ўзи гаплашганича ўтиш жойи бўйлаб уёқдан буёққа юарди.

«...Хуллас... Аҳвол шу кўйи давом этавериши мумкинми ёки йўқми? — Мумкин эмас. Доимо айрилиқда яшаб бўладими? — Асло!

— Яхши. — Хўш, нима қилиш керак? — Ҳал қилиш керак. — Нимани? — Ё айрилиқда, ёки биргаликда яшашни. Иккаласидан биттаси...»

Корнеев бурнини тўрта-торта уёқдан бу ёққа юришда давом этаркан, юзи тўхтовсиз дам бужмаяр, дам силлиқ тортарди.

«...Қизини Москвадан буёққа кўчиртириб келиши мумкин-ку, ахир. Қизи баҳона бўлолмайди. Бу ерда

бошқа болалар яшашяпти-ю. Уларга жин ҳам урмаяпти. Қайқдаги нарсаларни ўйлаб топади Клава. Эрига ёсин ана ҳаммасини. Телеграф орқали хабар берсин. Молния телеграммаси бериши мумкин. Биз ёввойилар эмасмиз. Эри коммунист. Тушунади...»

— Ўртоқ прораб!

Корнеев эшитмади.

Мося ирғиб буфетга чиқди-да, унда бир оз чайқала-чайқала тургач, орқаси билан нариги томонга сакради. Нафаси бўғилиб қолганди унинг.

— Ўртоқ Корнеев!

Корнеев сергакланди.

— Тамомладингларми?— сўради у.

— Тамомладик.

— Қанча?

— Тўқсон куб.

Тантанаси ичига сиғмаётган Мося кўзидаги чексиз шодлик ёлқинини аранг босиб туради. У Корнеевга тоқатсизлик билан тикилди.

Корнеев шошилмай Мосянинг қўлидан рапортичкасини олди.

Состав йўлни бўшатди. Паровоз Корнеевнинг туфли-сига нимтатир қаҳваранг уч томчигина нефть сачратиб ўтганди. Лекин бу барибир Корнеевга алам қилди.

«Бошланяпти»,— ўйлади у ижирганиб.

Ишчилар уйи эшиги узоқдан ёндафтарчадек мўъжаз кўринса-да, яқинроқ бориб қаралса — катта дарвоза эди. Дарвоза ичкарасига тор изли иланг-биланг рельс чўзилган.

Корнеев ишчилар уйигача чурқ этмай борди-да, рапортичкани дарвозага суяб сиёҳ қалам билан имзо чекди.

У фақат:

— Иккинчи смена жойидами?— деб сўради.

Бошқа ҳеч нарса демади. Мося тўқсон куб ётқизса-ю, у бир оғиз ҳам гапирмаса-я! Худди бу одатдаги ишдек.

Мося кўнгли ранжиб, рапортичкани кепкаси тагига бостирди-да:

— Иккинчи смена йиғияпти, ўртоқ прораб,— деб расмий ахборот берди.

— Яхши. Маргулиес ўша ердами?

— Йўқ.

Корнеев бурнини тортди.

— Яхши.

Дарвоза тепасида:

«Бу ерга прогулчи ва дангасалар кириши қатъий ман этилади».

«Чекиш мутлақо ман этилади. Уртоқ, папиросингни ташла! Қоидани бузганларга 3 сўм штраф. Ва дарҳол судга берилади».

«7 ва 8-батареялар — 1 сентябрғача!»
сингари плакатлар осиб қўйилган.

Плакатлар кўплаб ёрқин рамзий расмлар билан безалган. Уларда: фабриканинг улкан мўрисидек папиросдан чиқаётган тутун, прогулчиларни супураётган узун дағал супурги, қанотларига 7 ва 8 рақами ёзилган уч қаватли ажойиб конструкциядаги аэроплан, орқасига паррак ўрнатилган катак кепкали қирра бурун учар тасвирланган.

Ишчилар уйининг ичи сиртига қараганда яна ҳам катта кўринади.

Дарвоза олдида соқчи турипти. У Корнеев билан Мосяни танигани учун пропускарларини сўрамади.

Дарвоза ёнидан ёқасига тўқ-сарик петлица қадоқли, ҳарбийлашган соқчилар эскадроннинг чавандози қаҳваранг отида тор изли рельсга тарақа-туруқ қоқилганча ўтиб кетди. У осиеликларга хос садаф тишларини кўрсатиб, казакларникига ўхшаган юмалоқ юзини улар томон кескин бурди.

Ишчилар уйининг ичи кемасозлик корхонаси, дирижабль ва аэростатлар саройидек катта. Унга трансатлантик кема бемалол сиғиши мумкин.

Ёнгил конструкцияли тўсиқлар орасидаги ҳаво саккиз қаватли уй баравар баландликда муаллақ чайқалувчи дирижаблга ўхшайди; хаёлингда бир гишт билан бостириб қўйилган ингичка толада бошинг узра зил-замбил юкни осиб қўйгандек туюларди.

Яккачўп кўприк узра ҳавозаларда икки жуфт — сариқ ва оқ туфлининг олға силжиётгани липиллаб кўзга ташланади.

Корнеев масофани қисқартириш учун ишчилар уйига борадиган йўлни кесиб чиқмоққа чоғланади. Мося бирмунча олдинроқда Корнеевга кўз қирини ташлаганича деярли югуриб борарди.

Корнеев қошларини маъноли чимириб, лабини қимтиган, жим эди.

Мося қаттиқ ҳаяжонда. Узини базўр босиб турибди. У босмасди ҳам ўзини. Тупурарди. Лекин вазият талаб

қилипти бунди. Мана шундай оламшумул аҳамиятга молик қурилишда ишбошилик қилиш ҳазил эмас.

«Ишбоши резолюцион интизомли ва матонатли бўлиши керак». (Мося ўзи ўйлаб топган шу сўзларга жон-жаҳди билан ёпишиб олганди.)

Прораб ҳеч нарса демас экан, ишбоши ҳам индамайди. Тупурди.

Мосянинг ишончи комил: Корнеев ҳам, Маргулиес ҳам бу ишни шундай қолдиришмайди. Албатта Харьков ҳаракати ўзлаштирилади. Бу аниқ.

Лекин қайси смена рекорд қўяди? Қачон? Ҳамма гап ана шунда. Бу ўринда масала шахсан Мосянинг нафсониятига боғлиқ.

Агар иккинчи ёки учинчи смена рекорд қўйишга киришса, — яхши. Нур устига аъло нур. Лекин биринчи смена рекорд қўйса-чи?

Биринчи смена кечқурунги соат ўн иккида иш бошлайди. Мосянинг навбатчилиги ҳам шу вақтда тугайди. Албатта сменадан ваз кечиш мумкин. Лекин қайси бошқа аҳмоқ ишбоши бу шарафни Мосяга қўйиб беради?

Демак, агар рекорд биринчи сменада қўйилса, ҳамма нарса Мосясиз амалга ошади. Бу — даҳшат. Бундай бўлиши мумкин эмас. Бордию бўлса-чи?

Мося ўзини ушлаб туrolмади:

— Уртоқ Корнеев!

Мося ҳатто ишчилар уйига нисбаган ҳажми тиш пастаси тубигидай кўринувчи ёнғин ўчиргични мушти билан уриб юборди.

Ишчилар уйидаги ҳамма нарса бамисоли дурбиннинг тескари кўзидан қаралгандек кичкина кўринарди.

Мося қўлларини жон-жаҳди билан силкиди.

— Уртоқ Корнеев! Ахир!..

Уларнинг қаршиларидан баҳайбат вагонетка келиб қолди (Корнеев билан Мося ўзларини рельсдан икки томонга отишди). Икковларининг ўрталаридан ўтаётган бўй баравар вагонеткадаги бетон сатҳи чайқаларди.

Белигача ялангоч, кенг брезент шим кийган икки йигит бошларини қуйи эгганларича терлаган куйи вагонеткани орқасидаги призмасидан итариб келишарди.

Уларнинг гарданларидаги мускуллари ловиядек ялтиллайди.

Озгина бетон Корнеевнинг оқ туфлисига тушди. У тўхтаб, дастрўмоли билан бетонни эринмай артди. Барибир туфлида нам доғ қолди. Аттанг.

Мося тўпланган бугдан портлаш даражасига келган қовоннинг қулоғидан тутгандек иккала қўли билан кепкасига ёпишди.

— Уҳ!

Яна сал қўйиб берилса у ҳозир Корнеевни «амалдаги ўнг оппортунист»ликда айблаган бўларди.

Йўқ! Яхши ишбошининг яхши прораб билан бундай оҳангда гаплашиши ақлдан эмас.

Бошқача йўл тутиши керак.

— Уртоқ прораб, — деди Мося йиғламсираб, бунинг устига ялтоқланиб. — Уртоқ прораб, майли, бундан, кейин ҳеч қачон бахтли бўлмай қўя қолай... Тумшугим билан дарахтга... узр... Лекин бу факт-ку!.. Уч юз эллик қоришма қуяман, агар бир қоришма кам бўлса ҳам калламни узиб ташланг... Йигитлар бунинг уддасидан чиқишади... Иккинчи сменага' буюринг, ўртоқ, ўшанда кўрасиз...

Орқада питра сочилгандек вагонеткадан гуриллаб люкка бетон ағдарилди. Бешинчи батарея печи тагига плита қўйилаётганди.

Улар олтинчи батареяга ўтишди.

— Майли, майли, майли... — гудранди Корнеев паришонлик билан.

У Маргулиесни қидириб атрофга аланглади. Маргулиес ҳеч қаерда йўқ эди. Корнеев қадамини тезлатди.

Олтинчи батарея плитасидан опалубкани олишга киришишди. Янгигина кўкимтир бетон кўрина бошлади. Бетон орасидан қалин темир арматуранинг учлари туртиб чиққанди. Булар ишчилар уйига нисбатан кичкина соч қистиргич боғламларидек кўринарди.

6

Тошбақа маймоқ оёқларини чиқарганича судралади. Унинг косаси ғайритабиий, бамисоли тўнкарилган тунука косадек эгик ва баланд: мўйловли, туяники сингари тумшуги мотамсаро.

Қирчанги от бўйнини эгиб, думини осилтирганича ботқоқликда кетяпти. Суяклари туртиб чиққан, пастки жағи осилган, сузук кўзларидан ёғоч қошиқдек йирик-йирик ёш томчилари думалаяпти.

Унинг ёнида ҳаддан зиёд кўп спицалар тортилган қинғир ғилдиракли велосипед турипти.

Бригадалар уч сменага бўлиниб ишларди. Ҳар бири ўз бригадирига эга. Уларни Ханумов сменаси, Ермаков сменаси, Ишченко сменаси, деб аташарди.

Тошбақани ҳам, қирчангини ҳам, велосипедни ҳам бир хилдаги манзара — бениҳоя тиниқ қирққулоқ, ҳадсиз баҳайбат кўкат бутаси, паст бўйли бамбуқ, қипқизил хаёлий қуёш қуршаб турарди.

Тошбақа устида Ханумов ўтирипти. Қирчангига Ермаков тескари миниб олган. Ишченко велосипед ҳайдаб кетяпти.

Бригадирлар бир-бирларига жудаям ўхшаш бўлишиб, улар ўртасидаги тафовут портрет ўз оригиналидан фарқ қилган даражадагина эди, холос. Бироқ Ханумовнинг бошида гулдор дўппи, Ермаков қизил галстук таққан, Ишченко шир-оёқяланг. Худди шу жиҳат юқоридаги ўхшашликни яхши сифатлаш янглиғ янаям мустаҳкамларди.

Мозий бу манзара орасида тошбақа ва қирчанғи от Эвой ёки Крилов қаҳрамонлари Анри Руссонинг янги француз живописи мактабига бемаврид кириб келган истиорадек кўринарди.

Велосипед — асинча. У Поль Моран новелласидан тошкўмир флораси кўринишида қадимий тошбосма қомус лугатига кўчирилган адабий унсур каби кўҳна эди.

Картонга елимли бўёқ билан ярқироқ ва жўн чинзилган бу учта картина йўғон дурадгорлик миҳларда прораб Корнеев идорасига кираверинидаги эшик тепасига қоқиб қўйилганди.

Рандаланмаган янги тахтадан ошиқич тикланган идора ишчилар уйининг шундоққина орқасида. У ишчилар уйи олдида бамисоли океан кемаси ёнидаги эшкакли қайиққа ўхшарди.

Идорада чўт шақилляпти.

Биринчи смена ишни тугатди. Иккинчиси ҳали бошлаганича йўқ. Опалубкачилар қўлни тутишяпти. Биринчи ва иккинчи смена йигитлари ходалар устида ўтириб, плакатлардаги расмлар хусусияда ўзаро баҳслашишмоқда.

Шуранинг хўжалигида ҳар жиҳатдан тезликни мукаммал аниқловчи анчагина истиоралар бор эди.

Шура бу истиоралардан дори заҳар ўлчовчи аптекачидек оқилона аниқлик билан фойдаланарди. У шиллиққуртми, паровозми, аравами, автомобиль ёки аэропланми, хоҳлаган нарсани танлаши мумкин эди. Ниҳоят у салбий ҳолатни кўрсатиш учун ҳозир сира орқага юрмайдиган қисқичбақанинг тисарилишини чизса ҳам бўларди.

Лекин Шура ўтган ўн кунликдаги ҳамма кўрсат-

кичларни виждонан чамалаб, аввалгиларига таққосларкан, тошбақа, қирчанғи ва велосипедни танлади.

Бу ниҳоятда адолатли эди. Лекин, мана, саккиз кун бўляптики, сменадошлар шу расмларни кўрганлари кўрган. Расмлар камдан-кам — ўн кунда бир мартагина алмаштириларди. Кейинги саккиз кун ичида кўрсаткич кескин ўзгарди. Ханумов бир юз йигирма процент олдинга ўтиб кетди. Ишченко орқада қоларди. Ермаков Ишченкодан ўзиб, Ханумовга етиб олди ҳисоб. Ханумовнинг ишини парвозга, Ермаковни эса камида автомобилга таққосласа бўларди.

Эски расмлар бўлса жўрттага қилингандек, олдинги қолақликни қоралаган кўйи ҳамон осифлиқ турар, яна икки кун осифлиқ туриши керак эди.

Ханумов сменасидаги ориқ, бурни узун йигит тошбақага нафрат билан қараркан:

— Тошбақаси нимаси? Қанақасига тошбақа бўлсин? — деди чуқур хўрсиниб. — Қанақасига тошбақа?

Йигит ишдан кейин эгнидаги брезент жомакорини ечиб, устидан сув қуйган бўлса ҳам, ҳали нафасини ростлаганича йўқ эди. Унинг ҳўл сочлари пешонасига туганган, ёқа ва енгининг тугмалари ечиқ нушти чит кўйлақда, ингичка даҳанини баланд кўтарилган қилтириқ тиззасига қўйганича ўтирарди. Йигит дақиқа сайин ерга туфлар, пуштиранг юпқа лабини ялаб-ялаб қўярди.

— Қандайдир тошбақани ўйлаб топишганини-чи!

Ермаков сменасидаги шиппакли, чангга қарши кўзойнак таққан хушчақчақ бошқа бир йигит унга тегажаклик қилди:

— Ханумовчиларга тошбақа минини ноқулай шекилли. Қаттиқ-да жудаям. Автомобилда юришга ўрганиб қолишган улар.

Ханумовчилар сменадошларининг тарафини олишади:

— Нима, сизларга қирчанғида юриш қулайми?

— Улар умриларида қирчанғидан бўлак ҳеч нарса кўришмаган.

— Бекор айтибсан, аввалги сафар арава чоптиришганди.

— Сизлар-ку икки ўн кунликда ҳам шиллиққуртдан тушмаган, — гапни бўлди бояги хушчақчақ йигит. — Шундаям қаёққа борсанглар қизил байроқни қўлдан қўймайсизлар. Тошбақа устида кўтариб юрасизлар қизил байроқни. Уялсанглар бўларди.

Даврага яна бошқалар келиб қўшилишди. Улар ҳар кил кўринишда: чориқ кийган, оёқланг; жомакорда; жомакорсиз; бошмоқда; сариқ-суриқ; ювинган; кир-чир; тегирмончидек кўкиш цемент гардига беланган-лар; овози йўғонлар; майиң товушлилар; майкачан; футболка кийган; кўйлакли; хонумовчилар; ермаков-чилар; турли тоифадагилар; лекин ҳаммалари ёш, ҳаммаларининг кўзлари ўйноқи, ялтировчи...

— Беҳазил. Бугун етти соатда тўқсон куб бетон ётқизсагу қанақасига тошбақақадам бўларканмиз?

— Биз бўлсак кеча бир юз йигирма, ўтган куни эса тўқсон олти куб ётқиздик.

— Тўқсон беш.

— Йўқ, тўқсон олти. Идорада бир кубга янглиши-шипти.

— Йўлда тушириб қолдирган бўлсанглар керак ўша бир кубни. Ҳамма тахталарга бетон чаплаб юборипсизлар-ку. Бетон пулга келади, ахир.

— Сен тўламайсан у пулни.

— Ким тўлайди?

— Идора тўлайди.

— Ана халос! Эшитдингларми? Қойил-е! Шунақа тушунча билан умрбод қирчанғидагина тескари ўтири-ши турган гап.

— Намунча пеш қилавермасанг қирчанғини? Олиб ташлашсин бу ердан қирчанғи-пирчанғиларининг рас-мини.

Банқоғоқ бошқа овоз янгради:

— Олиб ташлашмаса ишга турмаймиз! Қирчанғи-миш-а! Эллик градус совуққа қарамай тўғонда қуруқ қўл билан...

— Олиб ташламагунларича иш бошламаймиз!

— Одамлардан уяламиз ахир!

— Бас!

— Бошламаймиз!..

— Ёмғир ҳам ювиб кетмайди ярамас ўша расм-ларни!

— ...Бу ерда йилига икки мартагина ёғаркан, холос-ку, ёмғир...

Идорадан қовоғи солиқ Ханумов чиқиб келди. Дар-ҳақиқат, унинг бошида дўппи бор эди.

У бамисоли юзи дўл савалагандек чўтир-чўтир, бу-нинг устига жудаям пучуқ, арзамаслик норғил, ранги қизғиш татар. Кўзлари эса мовий. Русдан сира фарқ қилмайди. Фақат ёноғи хиёл қийшиқ, оёқлари калтароқ.

Ханумов идорадан янги қизил ботинкада, катта қизил байроқни ҳилпиллатганча чиқиб келди.

Бундан икки ой муқаддам ханумовчилар оғир курашда кўчма қизил байроқни тортиб олишганди. Шундан бери маҳкам ушлаб келишади. Байроқсиз ҳеч қаерга боришмайди. Ишга боришганда ҳам, ишдан келишаётганда ҳам оғизларида қўшиқ, қўлларида байроқ. Ишлаётганда эса байроқни кўринарли ерга қўйишади. Маошга ҳам бутун сменадошлар байроқ билан боришади. Бир куни ҳатто кўчма театр — «Любовь Яровая» га ҳам байроқ билан бориб, уни буфетга топшириб қўйишди. То спектакль тугагунча клюква кваси тўла бочка ёнида турди ўша байроқ.

— Қани, — деди Ханумов билинар-билимас татарча оҳанг билан. Кейин байроқни ёйди.

У тошбақага ер остидан қарагач, байроқ дастасини чақиртошли ерга уриб қўйди.

— Икки марта ҳаракатимиз суст бўлганди, мана, саккиз кундан бери шу ярамаснинг устида ўтирибмиз. Яна икки кун калака бўламиз. Қойил.

У байроқни шитоб билан елкасига олди.

— Смена, сафга.

Ханумовчилар байроқ остида саф тортишди.

Моторист қўлини зиғирпоя толасига артганича югуриб-елар, у механизмни ермаковчиларга топшираётганди. Ниҳоят моторист қўлидаги толани ерга ташлаб, байроқ остидаги сафга турганда, юзи чироғи ёнган абажурдек баралла қирмизи тус олди.

— Ҳаммами?

— Ҳамма.

— Кетдик унда!

Олақуроқ тўда Ханумовнинг ортидан эргашди.

— Менга қара, Ханумов, Харьков масаласи нима бўлди? — сўради озгин йигит елвагай қизил энгли қўлининг орқаси билан пешонасидаги терни артиб.

— Харьков борасида ташвишланма, — жавоб қайтарди Ханумов унга қарамай тиши орасидан. — Харьков ўз тегишини олади.

Шу пайт бурма юбкали, оёқлари ихчам юккаш қиз — Душа тиниқ, ўткир, қишлоқона бор овози билан қўшиқ бошлаб юборди:

Ях-ши-дир ғам чекмак ба-ҳор-да,
Қо-либ кўм-кўк қа-ра-ғайзор-да...

Иигитлар дарҳол унга жўр бўлишди:

Эзилган юрак-бағрим...
Термилар кўз ёшимга.
Мен кўрган уқубатлар
Тушмасин-а бошингга¹.

Улар бамисоли фронтдан ичкарига қайтаётган жангчилардек ишдан баракка қайтишаркан, қурилиш материаллари, уюм-уюм тупроқ, чанг-тўзон қаърида ғойиб бўлишди. Бир оздан кейин қўшиқ ва байроқ билан ялангликда рўй-рост кўзга ташланишди.

7

Маргулиес меҳмонхонадан тўппа-тўғри ишчилар уйига йўл солди. У қуёш нури ва чангдан кўзини қи-сарди. Кўзойнагига урилган қуёш шуъласи чанг билан қопланган қақроқ манзарани кесиб учади.

Ярим йўлда унга Ишченко сменасидаги комсомол аъзоси—Сметана лақабли Вася Васильев қўшилди. У дум-думалоқ, мулойим, худди сметанадай оппоқ юзли эди.

Маргулиеснинг қорамтир лабларида нимтабассум жилваланди. У кўзларини яна ҳам қисиб, Сметанага синчковлик билан тикилди. Маргулиеснинг кўзойнак остидаги қисик кўзлари ялтиллаб, иккита узун, сертук қуртдек ҳаракатланарди.

— Йўл бўлсин, Васильев?

Сметана ишчилар уйи томонга қўл ниқтаб қўйди.

— Намунча вақтли?

— Вақтли эмас,— деди Сметана дудмал қилиб.

— Ишченко ишни қачон бошлайди?— сўради Мар-гулиес.— Ун олтидами?

— Ҳа, ўн олтида.

— Ҳозир соат саккизми?

— Саккиз.

— Демак вақтлими?

Улар бир-бировларига яна синчковлик билан қараб жилмайишди. Маргулиеснинг кулгиси унчалик сезил-мас, фақат лаблари пича чўччайса, Сметананинг кул-гиси рўй-рост, ҳатто қулоқларигача қимирлаб кетарди.

¹ Шеърларни М. Мирзаев таржима қилган.

— Оббо, сен-ей,— деди Сметана уюмга ҳарс-ҳурс кўтарилаётиб.

— Қани-қани,— гўлдиради Маргулиес кўтарилаётиб қоқилгани учун ерга бармоқларини тираб.

Ҳар икковлари ҳам бир-бирларининг фикрларига энди яхши тушуниб олишганди.

Маргулиес ишченкочилар Харьков рекордини эшитиб, эҳтиёти шарт разведкага одам жўнатганларини пайқади. Сметана ҳам Маргулиес ҳаммасидан кабардору, лекин аниқ бир қарорга келмаган, уни бир ёқлик қилмагунча, ҳеч кимга ҳеч нарса демаслигини тушунди.

Қурилиш майдони ҳар куни бутунлай ўзгариб қоларди. Шунчалик ўзгарардики, четлаб ёки қулай жой топмай тўғри ўтиб бўлмасди. Бу ерда муқим йўл йўқ. Ҳар куни ўрганилмаган жойдан ўтилаётгандек янги йўл очишга тўғри келар, эртасига эса, бу йўл яна яроқсиз бўлиб қоларди. Кеча баландга кўтариладиган жой бугун чуқурга айланар, чуқур жойда эса гишт терилиб, қурилиш кетаётган бўларди.

Маргулиес билан Сметана тун бўйи экскаватор қазиган кенг ҳандаққа жимгина тушишгач, унда худди окопнинг алоқа йўлида кетаётгандек одимлашаркан, теварақларида берч тупроғу бошлари узра бир парча осмондан бўлак нарса кўришмасди. Улар бирдан бениҳоя чуқур котлованга дуч келишди (котлован тубидаги одамлар гулқоғоз миҳидек ҳажмда кўринарди); котлованни четлаб, қирғоғида юра туриб телефон ва электр симларини фрондагидек бошларидан ошириб ташлай-ташлай силжиб бораверишди.

Маргулиес билан Сметана котлован лабида кетишаётганда пастда Ханумовнинг байроқ остидаги сменаси кўшиқ айтиб, улар томон келаётганди.

Сметана тепадан Ханумовнинг гулдор дўпписи, мукофотга олинган ботинкаси, елкасида кўтарган байроқнинг оғир дастасига қаради.

— Оббо сариқ шайтон-ей! — деди Сметана.

Маргулиес пастга бир нигоҳ ташлаб қўйгач, яна сезилар-сезилмас жилмайди. Энди унга ҳаммаси мутлақ равшан эди. У Корнеевнинг нима дейишини, Мося эса қўлларини салаңглатганича атрофида гирдикапалак бўлишини кўз олдига келтирди...

Семечкин ҳам албатта пайдо бўлади. Семечкинсиз иш битмайди.

Улар Корнеев идораси ортидаги девор ўрнида тор-

тилган чангал симга етай деб қолишганда, Маргулиеснинг кўзойнаги ойналари шуъласига учинчи шуъла — никелланган пучоқ портфелнинг шуъласи қўшилди. Портфель водопровод трубаси уюми ортидан чиққан Семечкиннинг узун, сертомир қўлида саланглаб келарди.

Семечкин томоғини тозалагандек оҳиста, бўғилиб йўталаркан, жимгина хўмрайиб, терчираган совуқ қўлини Маргулиес билан Сметанага узатди.

У ғалифе шим кийган. Оёғида сариқ туфли. Тасмаси бантикли. Рангсиз яккам-дуккам ўсимта тошган озгин юзида катта, қоп-қора ёқимсиз кўзойнак. Лаблари атрофига пуштиранг ҳуснбузар тошган. Бўйнидаги тўқима галстуги катта мис қисқич билан қисилган, кулранг костюмда. Кўксида КИМ, осоавиахим ва санитар значоклари, бошида эса орқаси қийиқ, худди роз тумшугидек узун «айвонли» шапка.

Майдонга ўтиш учун чангал сим (кеча йўқ эди) устидан ошиб ўтишга тўғри келди. Сметана ўтадиган қулай жой қидириб тўсиқ бўйлаб кетди.

Маргулиес қандайдир тарадудланиб устунчага қаради.

Семечкин нарироқ бориб, оёқларини керди-да, орқасига олган портфелини иккала қўли билан ушлаганича тақимига ура бошладӣ, тиззалари эса нуқул дикирларди.

Сметана охири қулай жой топди. У пастдаги бўшашганроқ симни босиб, қўли билан иккинчисини кўтарди-да, инқиллаганича туйнукка суқулди. Бироқ елкаси симга илиниб қолгани учун ўтолмай, тиканли симга илинган қўйлагини аранг чиқаргач, сўкиниб қўйди.

Маргулиес эса берироқда устуннинг мустаҳкамлигини синамоқчидек уни хаёлчан қиёфада силкитди.

Семечкин бурни билан йўғон, нохуш товуш чиқариб, елкасини қисди-да, абжирлик билан югуриб сим устидан сакради, туфлисининг таг чарми унга илашиб кўчиб кетди, ўзи нариги томонга ўмбалоқ ошганича эмаклаб тушди. У тез портфелини олиб, бир оёқлаганича гўла томон кетди.

У телефон сими билан таг чарми кўчган туфлисини боғлагунча Маргулиес ўнг қўли билан устунни маҳкам ушлаб, чап қўли билан кўзойнаги ва кепкасини тўғрилади-да, сербар тос суякли кичик жуассасини деярли ҳеч қандай қийинчиликсиз симнинг нариги томонига

отди. Кейин маймоқ оёқлари учи билан шопилмай тупроқни сидириб, Корнеев томон одим ташлади.

Шура Солдагова тошбақа, қирчанғи ва велосипед расми ишланган плакат ёнига гишт билан янги плакат қоқиб қўйди. Унда харьковликлар дўшпили Ханумов, галстук таққан Ермаков, оёқяланг Ишченко ўтиришган бесўнақай калишни арқонда тортиб кетишаётгани тасвирланганди.

Калишни қуршаган мозий манзарани афсонавий қизил қуёш ўз нури билан ёритиб турипти. Калиш эса рўҳсиз маъносини йўқотиб, истиорага айланган эди.

Калиш тагига йирик-йирик кўк ҳарфларда:

**ХАРЬКОВЛИКЛАР БИЗНИНГ БЕТОНЧИЛАР-
НИ ШАТАККА ОЛИШЯПТИ
ХАРЬКОВЛИКЛАР ЖАҲОН РЕКОРДИ ҚУ-
ЙИБ, МИСЛСИЗ СУРЪАТГА ЭРИШДИЛАР —
БИР СМЕНАДА 306 ҚОРИШМА ҚУЙИШДИ.
БИЗ БЎЛСАК КАЛИШДА УТИРИБМИЗ, ЖУ-
ДАЯМ УЯТ, ЎРТОҚЛАР!—**

сўзлари ёзиб қўйилганди.

Шура табуреткада оёқ учида туриб, лабини тишлаганича гишт билан плакат қоқарди.

Маргулиес унинг ёнидан ўтаётиб, йўл-йўлакай плакатни ўқигач, жилмайди.

Бу орада гиштни қўлига уриб олган Шура ҳам алам, ҳам уятдан қизариб кетди-ю, лекин Маргулиесга қайрилиб ҳам қарамай ишини давом эттираверди.

Хиёл нарида толь уюми кўриняпти. Қуёш толь ва ишчилар уйининг қарагай тахтасини қиздирмоқда. Атрофни креозот ва скпидарнинг аччиқ ўткир ҳиди тутиб кетган. Сирень бўйи ҳам таралаяпти. Балки ҳақиқий сирень учун бу ҳид ўта тезкор ва кучлидир. Балки ўта кимёвийдир. Эрта тонг бўлишига қарамай, чанг кўтарилган иссиқ шамол эсар, ишчилар уйи ёнида қоғозлар чирпирак бўлиб айланар, сирень ҳиди кимёвий бўлса ҳам димоққа кучли ва аччиқ уриларди.

Маргулиес иш ҳисобини кўриш учун бир дақиқага Корнеев идорасига кирди.

Корнеев дераза рафидаги кружкада тахта қопқоқли пақирдан сув олиб ютоқиб ичди. Сувдан медицина до-касининг таъми келарди. Омонат водопроводнинг суви хлорланган эди. Лекин Корнеев аллақачон хлорланган сув таъмига кўникиб қолгани учун буни сезмади. У Маргулиеснинг рўпарасига келди-да, фуражкасини қаншарида сурганди, терлаган ошпоқ пешонаси очилиб қолди.

— Хўш, қандай фикрдасан?

— Нима хусусда?— сўради паришонлик билан Маргулиес.

— Харьков тўғрисида.

Маргулиес қалин қошлари остидаги тиниқ кўзлари-ни қоғоздан олмаган кўйи ташвишли қиёфада биқин-ларига уриб-уриб қўйди. Кейин пиджаги чўнтагидан нимадир ўралган қоғоз олганда чўнтагининг чит ас-тари ағдарилиб чиқди. Ерга тупроқ, майда тошлар тў-килди. Маргулиес ҳамон қоғоздан кўз узмай халтача-ни Корнеевга узатди.

— Ма, татиб кўр. Қандайдир шакар қўшилган нар-са. Кеча буфетдан олдим. Жудаям ширин. Қовун ше-килли.

Корнеев тотиб кўргач, мақтаб қўйди.

Маргулиес ўша ширин нарсадан бирваракайига беш бўлагини оғзига солди.

Эшик олдида Мося интиқ турарди. У халтачадан ширинликни шошилмай олаётган Маргулиеснинг қис-қичнухса узун бармоқларига нафратомуз сабрсизлик билан тикиларди. Маргулиес бармоқлари учини ялагач:

— Бугун туз ҳам тотмагандим,— деди у уялиқчи-раб.— Тетиб кўринг, Мося. Тўрт юз грамма уч сўм экан. Мазали нарса.

Мося мулойим яқинлашиб, думалоқ ўралган қоғоз-га кўз қири билан қуш қараш қилди.

— Олинг, бемалол олаверинг.

«Оғзимни ширинлик билан боғлаб қўймоқчи...» — ўйлади Мося ғазаби қўзиб. Аммо ўзини тутиб, жағ-дор, заҳил юзида ясама, чучмал жилмайиш жилвалан-ди.

— Уртоқ Маргулиес... Чин сўзим... Майли, туққан онам юз ўғирсин мендан. Майли, сингилларим, укаларим дийдсридан жудо бўлай. Фақат илтимос: иккинчи сменада ишланганга рухсат беринг.

У Корнеевга илтижолни термилди.

— Уртоқ прораб, сиз ҳам қўллаб юборинг.

Корнеев хонани чаққон икки бор кезиб чиқди. Хона шунақанги тор эдики, унинг икки бор айланиши калитнинг икки марта айланганидек эди.

— Ҳақиқатан ҳам, Давид. Ҳал қилиш керак. Кўр-япсан-ку, йигитлар ҳаловатларини йўқотишган.

— Худди шундай, — маъқуллади Мося. — Йигитлар ҳаловатларини йўқотишган, кўриб турибсиз, ўртоқ Маргулиес. Ермаковга топшириқ беринг.

Корнеев остидаги табуреткани шартта суриб, Маргулиеснинг ёнига ўтирди.

— Хўш? Сен нима дейсан, Давид?

— Нима ҳақида?

Корнеев кафти билан пешонасини артди.

Маргулиес ҳавода муаллақ қолган қўлини туширишни ҳам унутганди. Хаёлида нуқул ҳисоблар. Ортиқча саволлар билан алаҳситишгани учун қўлидаги халтача саланглаганча турарди.

Мося идорадан ташқарига отилди. Жин урсин! Етар! Ҳар қандай Маргулиесларни йиғиштириб қўйиш керак, Ҳозир ор-номус, шон-шухрат, шавкат иши ҳал этиляпти-ю, бу одам минг марта текширилган ўша ярамас ҳисоб-китобни тўнқадай ўйлаб ўтиргани ўтирган. Йўқ! Тўғри йигитлар олдига — Ермаков ҳузурига бориш керак. Ермаков ҳузурига бориш керак. Маргулиесга ўхшаганлар билан иш битириб бўлмайди.

Мосянинг қони қайнар, сира ўзини қўлга ололмасди. Ҳар нарсага тайёр эди ҳозир у.

Мося турфа гулларнинг кишига ҳузур бағишловчи ажсейиб бўйи таралиб турадиган гаройиб шаҳар — Ботумида туғилган. Бу шаҳарда одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса бор: пальмалар дейсизми, бақувват бамбук дарахтидан ясалган стуллар дейсизми, малина-ранг чиройли бошмоқлар дейсизми — ҳамма-ҳаммаси тегилади. Чет эл матрослари, контрабандистлар изғиб юришади: атроф-теварақда ҳали қайноқ ботқоқликлар мавжудлигидан бу шаҳардан ҳамон безгак касали аримаган; бу рус суптропикларида ўзларининг серюнг бошларини соҳилга қўйиб, томоқларига чача ботқоқча ботиб ётадиган қўтослар эринибгина бақувват шохларини силкиб-силкиб қўяди; бу ерда хушманзара турк тоғларининг этакларидаги серҳосил ерларнинг бир қаричига чой қолмай чой плантациялари эгаллаганки, буни узоқдан кузатган киши ҳаммаёққа ям-яшил гилам

ёзиб ташланган деб ўйлайди: бу шаҳар атрофида кечаси билан чиябўрилар увиллаб чиқади: бу ердаги бутазорлардан кутилмаганда чегарачининг қарсиллатиб ўқ узгани эшитилиб қолади, шаҳар атрофидаги боғқовчиларга юрадиган темир йўл тармоғи ҳам шу ердан ўтган. Хаёлингда бу денгиз ёқалаб кетган темир йўл тармоғи бора-бора бехосдан банан шохларига айланиб қолгандек туюлади, бу шохлар соясида шу қишлоқлик хотин пистачка билан мандарин сотиб ўтиради. Бу ерда ажар қуёши одамларни хумдонга солгандек қиздириб, уларни пиштади, чиниқтиради, назарингда гўё кулол ўзи ясаган кўзаларга ранг, жараиғ бериб, уни пишириб олиш учун хумдонга солгандек...

Мосянинг феъли атворида жанубликларга хос бўлган бир ғайрат-шижоат бор эди. У эндигина йигирма уч ёшга тўлган бўлишига қарамай, бошидан кўп воқеаларни кечирган, ғаройиб таржимаи ҳолга эга бўлган йигит эди.

Мося бундан уч ой илгари йўлда ҳужжатлари йўқолганлигини айтиб қурилишга келди. Қурилиш комитети идорасида бунга ҳеч ҳам ажабланишмади.

Уни участкага юборишди.

У биринчи кечани тоғдаги палаткада ўтказди. У ўша ердан чироқлар билан қопланган олтмиш беш квадрат километрли ерни кузатди. Чироқларни санай-санай беш юз қирқ олтига етганда тўхтади.

Унинг кўриниши кечаси нотаниш шаҳардаги заргарлик магазини витринасига ҳанг-манг қараётган дарбадарга ўхшарди.

Чироқлар нафас олар, парланар, ғойиб бўлар ва шон-шуҳратдек кўринарди. Ҳа, шон-шуҳрат ана шу ерда ётибди. Фақат қўл узатилса бас.

Мося қўл узатди ҳам.

У икки ҳафта аравагани ғилдиратди. Икки ҳафта бетон қорғич машинада мотористлик қилди. У фавқуллодда қобилиятлилик намоёиш этди. Бир ойдан кейин Мосяни ишбошқарувчи этиб тайинлашди. У дам олиш кунларидан воз кечди.

Мосянинг номи участка қизил доскасидан тушмай қолди. Қизил доска унинг шон-шуҳратига айланди.

Лекин бу ҳали жудаям кам эди.

Куч-ғайратга тўла Мосяни бундай кичик шуҳрат қаноатлантирмасди. У тушида ўз номини «Известия» саҳифасида кўрди. Кўксида Меҳнат Байроғи ордени бормиш. У эҳтирос ва сабот билан ўзгача жонбозлик

кўрсатиш, шов-шувли воқеа, фавқулодда ҳодиса рўй беришини орзу қиларди.

Мана ўша фавқулоддаги ҳодиса. Бетон қуйиш бўйича жаҳон рекорди. Шундай жаҳон рекорди бошқа бир ишбошқарувчи навбатчилигида рўй бериши мумкин.

Бу фикр уни умидсизлантириб газабга солди.

Мосянинг назарида вақт ўзидан ҳам ўзиб елаётгандек туюларди. Вақт соати минутдек ўтяпти. Ҳар бир минут қулай пайт, шон-шухратдан маҳрум қилиш хавфи бор.

Кеча тунда Ермаковнинг лунжини арматура чивиги тилиб юборди. Сим занглаган экан. Яра йиринг боғлади. Ермаковнинг иссиғи кўтарилди. Лунжи шишиб кетди.

Ермаков ишга бошини дока билан чирмаб чиқди.

У жудаям новча бўлгани учун бошқ чирмалган дока тахта супадан ҳам кўриқиб турарди. Ермаков бетонқорғичнинг барабанини текшириш билан овора. Ишга шай смена аъзолари тахтасупани қуршаб туришарди.

Соат саккиз эди.

Опалубкачилар тахтага охирги михларни қоқишар, арматурачилар симларни йиғиштириб олишарди.

Мосянинг юзи долчинранг тусда ялтирамоқда.

— Хўш, аҳвол қалай?— деди Ермаков лаблари дока билан боғлангани учун аранг тушунарли қилиб. У бесўнақай докаланиб, гаввосларнинг қайириш қийин шлёмига ўхшаб қолган бошини базўр бурди.

Дока кўзларигача тушганди. Ермаков дока тўри орасидан қуёш қиздираётган дим, бўзранг теварак-атроф ва увада булутларни кўрди.

— Демак, гап бундай, йигитлар...

Мося нафасини ростлади.

— Мана бундай!

У бош бармоғини милтиқ тепкисидек чаққон юқори кўтарди.

Ҳали ҳам ўзини тўхтатишга вақт бор эди. Лекин бунга куч етмади. Тепки шай ҳолга келиб, Мосяни рағбатлантириб юборди. У кўзларини атрофга ўғринча қадаб, лабларини ялаганича, қўрқа-писа ямланиб гап бошлади:

— Уртоқлар, аниқким... Харьков жаҳон рекорди ўрнатди... Бир сменада уч юз олти қоришма... Аслида... Биз аниқ ва принципиаль айтишимиз керак... Ҳамон маъмуриятимиздагиларнинг кўзи уйқуда экан... Гапим тўғрими? Харьковдан хоҳлаганимизча ўзиб кетишимиз

мумкин. Мен уч юз эллик қоришма қуйишга кафолат бераман. Менинг зиммамда бу. Хўш? Ермаков, айт, уч юз эллик боса оламизми, йўқми? Оғзимиздан қонимиз келадими? Нима? Ё уддасидан чиқолмаймизми? Гап эмас бу! Мен муқобил план таклиф қиламан... Уч юз эллик қоришма, битта ҳам кам эмас. Ким рози? Ким қарши?..

Мося шартта орқага тез кўз қирини ташлаб, гапи бўғзида қолди. Корнеев билан Маргулиес тахтасупа томон шошилишарди. Ниҳоят улар етиб келишди.

Мосянинг эти жунжикиб, чехрасида айёрона жилмайиш пайдо бўлди. Юзи айб иш қилиб қўйиб қўлга тушган ўқувчидек бўзарди. У иккала қўли билан кепкасини қоши устига бостирди-да, зарбага чап бераётгандай турган жойида чир айланаркан, ҳар қалай:

— ...Ҳамон маъмурлар оғзимизни конфет билан мойлашяпти холос!.. — дейишга улгурди.

— Нима гап? — сўради Маргулиес.

Мося тўхтаб, ботумича коверкот шимини тортиб қўйди.

— Ўртоқ Маргулиес, — айёрона сўз қотди у. — Харьковликлар уч юз олти қоришма қуйишган экан, бизнинг сменаимиз муқобил план — уч юз эллик қоришмани таклиф этяпти, бир баҳя ҳам кам эмас. Шундайми, болалар? Ҳамма гап шу! Рухсат этинг ўртоқ участка бошлиғи.

Маргулиес унинг гапини диққат билан эшитди.

— Бошқа гапинг йўқми? — сўради у кейин зериккандек.

— Бошқа гапим йўқ.

— Яхши.

Маргулиес қоғоз халтачани чўнтагига солди... қўлларини пашшадек бир-бирига ишқаларкан, шакардан яхшилаб тозаллагач, тахтасулага Ермаковнинг ёнига чиқди-да, жимгина барабанни кўздан кечира бошлади. Уни узоқ ва диққат билан текширгач, кўзойнагини олди-да, енгини шимариб, барабаннинг ичига энгашди.

— Лунжингиз қалай? — сўради у Ермаковдан кузатуани тугатгач.

— Тортишяпти.

— Ҳароратингиз борми?

— Исудаям баланд.

— Бугун уйда ўтира қолсангиз бўларди. Ҳарқалай...

Маргулиес енгларини яхшилаб текислади-да, тахта-супадан енгил сакраб тушиб, ишчилар уйи томон юрди. Опалубкаларни ҳам худди машинани текширгандек синчиклаб кўздан кечирди. Арматураларнинг пухта-лигини текширди, тахталарни муштлаб кўрди, бош дурадгорга камчиликларни айтиб, ишчилар уйи ёни-дан нарига кетди. Мося ҳамон унинг кетидан қол-масди.

— Уртоқ Маргулиес, — деди у шикоятмуз, — буёғи нима бўлади?

— Нима гап ўзи?

— Харьков масаласи. Кўрсатма беринг.

— Кимга кўрсатма? Қандай кўрсатма?

Маргулиеснинг паришон кўзлари қислиб ўйноқ-лади.

— Ермаковга кўрсатма беринг. Харьков рекорди-дан ошиб кетиш хусусида.

— Ермаков Харьков билан беллашолмайди.

— Нега беллашолмас экан? Оҳо! Уч юз эллик қо-ришма қуяди. Калламни узиб ташланг агар шунчага етказолмаса.

— Уч юз эллик қоришма? Қанча куб бўлади бу?

— Икки юз олтмиш куб-да.

— Ермаковга бошмоқ¹ни тўлдириш учун қанча куб керак?

— Саксон кубча.

— Яхши. Саксон куб тайёрлаб, бошмоққа қуйдинг-лар деб фараз қилайлик, кейин бетонни қаерга қуя-сизлар? Ергами?

— Кейин бешинчи батарея плитасига қуямиз.

— Бетонқорғични бешинчи батареяга ўтказиш ке-ракми?

— Ҳа-да.

— Сув, ток, бетонқорғични ўрнатиш! Буларга қан-ча вақт керак?

— Икки соатча. Кўпи билан.

— Энг камиди, — деди Маргулиес қатъий, — лекин шундай деб фараз қилайлик. Хўш, ишлаш учун Ерма-ковга бор-йўғи олти соат вақт қолганида у қандай қи-либ Харьковдан ўзиб кетади? Аслида саккиз соат ке-рак шекилли?

Мося кепкасини ечиб, бошини қашиди.

¹ Бошмоқ — қолип ўрнида ишлатиладиган асбоб. Бу ерда опалубка кўзда тутиляпти.

— Соат неча бўлди?— сўради Маргулиес.

Корнеев соатини олди.

— Саккиздан ўн минут ўтди.

— Иккинчи смена ўн минут кечикипти,— деди Маргулиес қуруққина қилиб.— Бир соатда ўттиз қоришмагина тайёрлайсиз, эсингизда бўлсин, бундан ошириш йўқ,— қўшиб қўйди у янада қуруқ оҳангда.

Корнеев янгигина қизил бўёқ томган туфлисини дастрўмоли билан артди.

— Эшитдингми, Мося? Уттиз қоришмадан ошмасин!

Корнеев қоришма — «замес» сўзини худди испанча «Zamess» фамилиясини дон Дизго З-ам Эсе сингари «э» ҳарфи орқали айтгандек талаффуз қилди.

— Хўн бўлади!— қичқирди Мося тетикланиб.

У қўлини силкита-силкита бригада томон югуриб кетди.

Шон-шуҳрат саккиз соат орқага сурилди. У қўлдан чиқиб борарди. Энди охирги умид — Ишченкода.

— Давид, мен сенга тушунолмайд қолдим,— деди Корнеев Мося кўздан ғойиб бўлгач.

Маргулиес унинг тирсагидан аста, лекин маҳкам ушлади.

— Юр, чой ичайлик, ҳали туз ҳам тотганим йўқ.

9

Ишченко ихчам оёқларини ғужанак қилиб, қўлларини ёйганича адёл устида юзтубан ухлаб ётарди.

У худди эмаклаётган одамга ўхшаб ётар, лекин боши эгиклигига қарамай сочлари ёстиққа тегмасди.

Ёстиқнинг гижимланмаган қирмизи жилдига урилган қуёш нуридан баракдаги ажратилган жой ҳам қизғиш тус олганди.

Бригадирнинг эғнида янги қаро мовуд шим, гулдор, украинча янги оқ кўйлак.

Бир энги шалвираб тушган.

Яланг қўли каравотдан осилиб турибди. Қўлнинг орқа томони қорамтир, кафти эса бамисоли балиқ қорнидек оппоқ ва ёғли. Билагада юмалоқ, панжарачали гилдираксимон печать тасвирланган нимкўкимтир та-туировка кўриниб турибди.

Кеча кечқурун кутилмаганда Ишченконинг олдига Феня етиб келганди.

Аёл кўйлак-иштон совға қилувди.

Соат иккида келадиган поезд олтида келди.

Поезд манзилга яқинлашгани сари тезлиги камаё бошлади. Фенянинг тозаям тоқати тоқ бўлди. Ҳар бир разъездда составларнинг ўтишини узоқ кутишга тўғри келарди.

Аёл тўрт кечани вагонда ўтказди.

Биринчи кеча деярли ухлолмади, ҳаяжонланди. Иккинчи, учинчи кечалари чала-ярим мизғиб олди. Тўртинчи кеча — яна қийналиб чиқди — қўрқув босди. Худо билади, қаёққа кетяптийкин... Дунёнинг бир чеккасигадир балки! У ерда нималар кутаётганикин?

Одамлар бўлса Москвадан бориш-келиш билан тўрт суткали масофа — арзимаган йўл, унчалик олис эмас, дейишганди. Ун сутка юрсанг ҳам етолмас экансан аелида. Ун сутка юриляптики, лекин ҳануз етилгани йўқ ўша Владивостокка.

Вой-бў, бунчаям кенг бўлмаса мамлакат!

Разъездларда рўпарадан келаётган составлар дераза ёнидан кўкиш-зангли рудалар олиб ўтади. Платформаларда камалаксимон йирик бўлақлар тебранади. Уларни қўзғатиш жудаям мушкул. Зил-замбил чўян.

Рўпарадан елаётган составларда бўш идишлар, сиқиқ бочка ғарамлари, темир ҳалқалар, қоғозлар, чипталар уюми.

Бир йўналишдаги, қип-қизил, ёғоч, юк машиналари, автобуслар, цистерналар ортиқли составлар, Столбци ва Бигосовага шошилинич қайтиши немисча сўзлар билан оқиш ҳарфларда бежирим ёзилиб пломбаланган хорижий вагонлар ўзиб кетарди...

Янги темир йўл тармоғи бирёқламалиги камлик қилаётгани учун иккинчиси қурила бошлаганди.

Темир йўлнинг омонат кўтармаси четларига қўриқ ердан қирқилган сарғиш чим бостирилган. Кенг ҳандақлар тубида митти отлар турарди. Иссиқ бўлишига қарамай, барра телпак кийган черниговлик ер қазувчилар белкуракларда аравачаларга, тупроқ итқитишмоқда. Ҳар бир чуқурлик ўртасида қолдирилган тупроқ устунларига уларнинг иш кийимлари тахланган ва илиб қўйилган.

Ўтган йили ёзда Феня ана шундай ер қазувчилар ёнида ишлаганди. У мазкур устунлар қазилган қатлам, артелнинг меҳнат ўлчови эканлигини биларди.

У ана шу устунларни яхши кўрарди, улар ҳақида шундай хаёлда эди:

Чўл, кўкатлар ўсиб ётарди. Хушбўй чечаклар қий-
ғос очилган. Чўлдаги тепалик юз йил, балки ундан
ҳам кўпроқ вақт мавжуд эди шекилли.

Ер қазувчилар етиб келиб, роба ташлашган ва
кафтларига туфлаб ишга киришгачгина тепаликни кў-
риб қолгандилар. Ундан ҳандақ ўртасида биргина
тупроқ дўнги қолганди, холос.

Бу дўнглик чўлнинг дафнаси сифатида иш охири-
гачан дўппайиб тураверади.

Юқорида — кўкат, ихрож бутачаси. Унинг тепаси-
да иккита карам капалаги. Улар худди калта ип би-
лан боғлангандек бири теварагида иккинчиси милтил-
лайди.

Қирқилган ер қатламида белкурак изи мумдек ял-
тирамоқда. Қатлам юқоридан пастгача турли ранглар-
да товланади. Олдинига қатрондек қора тупроқ. Кейин
тиниқ, янада тиниқроқ ва ниҳоят бир вақтлар қишлоқ-
нинг тақводор рассомлари черковда шайтон қиёфаси
билан дўзах алангаси тилларини чизишда ишлатиш-
ган оҳра ва сурик бўёқларидек қип-қизил тупроқ.

Феня шаҳарга кириб борарди.

Адреси ҳам чалкаш — юмшоқ қоғозга сиёҳ қалам-
да фалон шаҳар, деб ёзилганди.

Лекин ҳали шаҳарга етилмасиданоқ, ёнидаги йў-
ловчилар апил-тапил ўриндиқларни йиғиштириб, бу-
юмларини ҳозирлай бошлашди. Ташқарида эса ҳамон
аввалги манзара — иссиқ ва дим нотаниш чўл, қўл-
қопли кишилар белкуракларда итқитган сарғиш туп-
роқ ётар, тушовланган булут сузар, узоқдан эса нақд
чаловга ташланган дўппидек ўтов кўзга ташланарди.

Ҳандақ бўйида ҳамон — бир неча километрдан бе-
ри! — янги ўтқазилган қайиннинг новдалари тепалик
остига югурган кўйи кўздан йўқоларди.

Кўчатларнинг баъзилари тутмай қуриган, сўлиб
қолган. Баъзиларини бўрон қулатган. Баъзиларини
йўловчи безорилар синдирган (одамлар уриниб, роса
ҳаракат қилишган, уринишган, экишган, парварниш
қилишган... Эҳ, баъзи одамлар худди бўрига ўхшаш
бераҳм бўлади-да!). Варибир баъзи ниҳолларни қуёш
ҳам, бўрон ҳам, безори ҳам чўчитолмаган. Улар худди
болалар панжасидек ялтироқ баргларини шамолга ту-
тиб турибди.

Нозик оқ қўлчалари ва бўйни мулойим эгилади.

Феняда бу нозиклик, раҳм-шафқату қувонч қаер-
дан пайдо бўлди?

Феня деразадан бош чиқарди. Гармсел тепа сочларини тўзитиб ўтди. Сочларини ҳам йўлда қаттиқ чанг босганди. Бош ювиши керак (етиб борган заҳотим ювинаман).

У бошини деразадан ичкарига тортди-да, букилмайдиغان немсиз бармоғи билан нам бурнини устига ёпишган сочини йиғиштирди. Кўзларида ёш гилтиларди. Кўз ёшлари орасидан чўл, узоқдаги тепаликлар сузиб ўтарди.

Тепаликлар илгари умуман йўқ, энди пайдо бўлганди. Узоқдан улар кўк, паст ва узун бўлиб кўринар, яқинлашсанг нишаб уюмга айланарди. Уюмларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида рангда. Бири яшил. Бошқаси занг тусли. Учинчиси ҳаворанг.

Чўл ўртасида худди кичик кубикка ўхшаш нимадир кўзга ташланмоқда. Яқинлашган сари у кубик эмас, тик қўйилган руҳ қути бўлиб кўрина бошлади. Ана шундай қутиларда фронтда ўқ-дори ташишарди.

Лекин чўл кишини кўпинча алдайди ҳам. Чўлда турган нарсанинг катта ёки кичкина эканлигини дарҳол билиб бўлмайди.

Яна яқинлашганда ҳалиги руҳ қути бирдан чўлнинг чорак қисми ва осмоннинг ярмини тўсди. Вагон ичи қоронғилашди. У саккиз қаватли улкан элеватор экан. Тагида кичкинагина одамлар юришипти.

Уларнинг ёнида ўткир тиш гилдиракли трактор. У худди паст-баланд йўлда оёқ учида кетаётган янги ўйинчоққа ўхшайди.

Трактор ҳам труба ва қопқоқли кичкина «катерпиллер» эмас, уйдек катталиқдаги соябон аравани судраб борарди.

Яқин ўртада колхоз ёки совхоз борга ўхшайди. Бу манзара Феняга таниш. Топталган бўз ерда ёнилги бочкалари, ўт ўчирғичлар, йўнилган тахталар, қути ва бидонлар (демак, сигирлар ҳам бор экан!).

Бу орада яна илгарилаб, шундоқ тепалик тагига етишди.

Иккинчи дераза ёнида этик кийган, сим гардиш кўзойнакли, ориқ, маданий бир чол паст туширилган ром қалқасига бармоғини суққанича турарди. У бирон-бир идорада ҳисобчи бўлиб ишласа керак. Поездга Қозонда чиқди. Йўл бўйи дераза ёнидан нари кетмади. Бошини олдинга чўзганича кўзойнаги орқали узоққа термилиб келяпти. Шамол унинг оқ сочларини тўзғитади. Чол жуда кам гап. Икки-уч станциягача жим

келиб (улар оралиғи ҳам анчагина), узоқларга тикилар, кейин бирдан вагон ичига буриларди-да, кўзойнаги устига тушиб турган оппоқ қошларини кўтариб:

— Мана сизга, «қани, судра, гир от!»

Эки:

— Эй, Русь эй, заъфарон Некрасов руси! — деб қўярди.

Эки бўлмаса:

— Анавини қаранглар, хо-хо-хо! — дея куларди.

Кирлаган кўзойнаги тагида эса ёш қалқирди.

Кейин яна деразага ўгирилиб оларди.

Чол йўл-йўлакай нималарни кўрмади дейсиз! Ҳақиқатан ажойиб манзара — бир қарасангиз трактор ер ҳайдайди, бир қарасангиз янги элеватор, бир қарасангиз автобус ортган эшелон елиб ўтади, бир қарасангиз, черков тепасида хоч ўрнида байроқ қилпирайди ёки кичик темир йўл станциясида автомобиль юқ туширади. Нимаси ажабланарли? У бўлса ҳаммасини биринчи марта кўраётгандек тикилиб қарайди. Ажойиб одам, вагондагилар ҳам чолни жуда ҳурмат қилишарди. Унинг икки ўғли Қизил Армия сафида ҳалок бўлипти, бир ой ўтгач, хотинини поезд босиб кетипди. Шундан кейин бир ўзи қолипти, энди ҳаётни ўзгартириш мақсадида янги очилаётган ерда идора хизматчиси бўлиб ишлаш учун кетяпти.

Чолнинг бутун мол-мулки — чамадону чойнак, кейин костюми чўнтагидаги қалам.

У бирдан Феняга ўгирилиб қичқирди:

— Мана сенга чўл, мана сенга Пугачёв! А? Уни қаранг! Ҳа-а-а!

Поезд тепаликка тўрт километрча етмай тўхтади. Нима гап? Ҳеч нарса. Етиб келинди.

Қалин, оғир вагон эшиклари очилиб-ёпилди. Одамлар юklarини судрашар, баланд тупдонга урилишар, чанг-тўзон кўтарилганди.

Ҳеч қандай вокзал сезилмайди. Шундоқ иннинг ўзида тўхташди. Бу ерда шунақа излардан яна олтига бўлиб улардаги составлар олд-орқага бориб келар, вагонлар бир-бирига урилиб тарақларди. Составлар орасидан эса, бараклар, палаткалар, тахта деворлар, қутилар, отлар, дастгоҳлар, юк машиналари кўзга ташланади-ю, ўша-ўша тақир, дим чўл, атреф қовжираб ётибди — бирон-бир гиёҳ кўринмайди!

Одамлар вагонлардан тушишди. Уларнинг кетидан Феня ҳам тушди. Баланд зинадан тўппа-тўғри ерга ту-

шиш анчагина қийин экан. Ана шундай баланд зинадан қопни кўтариб олиш ҳам яна мушкул эди.

Фенянинг боши айланиб кетди.

— Станция қаердайкин? Ўртоқлар, барака топкурлар! Станция қаерда?

— Қанақа станция? Шу турган жойнинг станция-да, яна қанақа станция керак сенга?

— Ўртоқ...

У мурожаат қилмоқчи бўлган киши индамай ўтиб кетди. Шошиляпти, чоғи. Елкасида юк.

Феня бошқасига юзланди.

— Барака топинг, вокзал қаерда?

Унинг ҳам вақти зиқ, гулдонга ўтқазилган катта фикусни кўтариб олган. Синишидан қўрқиб, авайлаб боряпти. Шохламаган, мумдек йирик-йирик тўқ-яшил баргли, гармдоридек фикус анчагина катта, бир пудча келарди.

— Қанақа вокзал бўлиши мумкин, вокзал йўқ!

У ҳатто қайрилиб ҳам қарамади, тўхтамай ўтиб кетди.

— Вой, худойим-ей, яна фикус олиб келганини-чи. Бу ерда уни нима қиларкин?

Юк вагонидан қандайдир қутилар туширилди. Бир, иккинчиси, учинчиси... олтита қути.

— Эҳтиёт бўлинглар. Лойиҳаларни ишдан чиқарасизлар... Қутиларда лойиҳалар бор... Ёнидан ушла...

Феня қопини темир изга қўйиб, нафасини ростлади. Ёнига темирйўлчи яқинлашди.

— Ўртоқ, барака топинг, шаҳар қаерда?— сўради Феня ундан.

— Қаерда бўларди, мана шу ер шаҳар-да.

— Қани шаҳар? Сира ўхшамайди-ю, на черков бор, на дўконлар, на трамвай, на фиштин уйлар бор. Қаёққа юриш керак?

Лекин ҳеч ким Фенянинг саволига жавоб бермади. Ҳамма югурар, шошилар, темир йўл устидан юкини олиб ўтар, от-аравасини ҳайдарди.

— Қочинг хола! Йўлда турманг! Кўряпсизми—состав келяпти!

Эҳ, нималар бўляпти! Йўлдан қопини аранг тортиб улгурди-ю, ҳандақ ичига ўтириб олди, бўлмаса гилдирак тагида қоларди.

Қуёш булут ортига яширинди. Жазирама иссиқ ҳамон заптига оляпти. Кеч кирмоқда. Шамол чанг тўзғитади, юзларга чиққинди ва қоғозларни, бамисоли ма-

хоркадек аччиқ, йирик-йирик тупроқни олиб келиб уради.

Атрофни бутунлай тутун ва чанг қоплаб, киши табиатини хира қилади.

10

Қоғозда:

«Фалон шаҳар. Янги қурилиш идораси. Қуйиш бригадаси бошлиғи Ишченко, деб сўралади», дейилган.

Феняга бу ёд бўлиб кетганди.

Сиртдан қараганда жуда оддий эди. Лекин у ўйлагандек эмас экан.

Қанча йўл босиб етиб келишди. Келишди-ю, чўлда тўхташди.

Шаҳардан эса ном-нишон йўқ. Бирпасда чанг кўтарилиб, чўл ҳам кўринмай қолди. Бу ер қанақа ўзи. Чўл десанг, чўл эмас, шаҳар десанг, шаҳарга ўхшамайди.

Янги қурилиш ҳам кўринмайди.

Борлиқ чанг билан қопланган, унинг орасидан телефон устунлари аранг кўзга ташланади. Бу ер кенг бўлса ҳам жазирама иссиқ, дашт. Онда-сонда бараклар, палаткалар, участка идоралари, юк машиналари, қутилар, сигирлар, улов учраб қолади. Улар ҳам қорайган, топталган, ҳаддан ташқари кенг ва кўз илғамас йўл бўйлаб турли томонда, дуч келган, ҳар жой-ҳар жойда.

Баъзан улар равшанлашади.

Шундай пайтда кўриниб турган кран бир зумда қандайдир кўприкка, кейин худди узоқдан қамиш сингари узун бир нарсага ўхшаб кетар, яна шу заҳоти ноҳуш бўрон булути ютиб юборгандек кўздан ғойиб бўларди.

Ушбу ҳад-худудсиз ҳеч нарсага ўхшамайдиган ерда Ишченкони қандай топади? Қаёққа юрини керак? Кимдан сўрайди? Қаердан билсайкин?

У идораларга кириб чиқди. Идоралар ҳам ҳаддан ташқари кўп, қаерга кирмасин: қайси участкада ишлайди, деб сўрашади.

— Қайси участкадаси нимаси? Бригадир Ишченко, Константин Яковлевич, оддий, бетонқуювчилар бригадасида.

— Йўқ, — деб жавоб беришади. — Қурилишимизда бир неча минг бригадир бор, оддий ишчилар эса, ёлгон бўлмасин, қирқ беш-сиккиз минг.

У участкама-участка роса кезди. Участкалар оралиги ҳам икки-уч километрдан келарди.

Участкаларнинг номлари ҳар турлича: бинокорлик участкаси, уй-жой қурилиш участкаси.

Бинокорлик участкаси — айқаш-уйқаш: бир ерга борсанг, нари ўтолмайсан, бошқа ерга борсанг, юқорига чиқолмайсан: рельслар, баъзи жойда йўлни баланд тупроқ уюми ёки ваҳимали котлован чуқури кесиб қўйган; баъзи жойда юбкаси тиканли симга илинади, баъзан қоровул нарига ўтказмайди; бир ерга борса, юк машинаси ёки поездга дуч келади.

Одам яшайдиган жойларда эса қаторма-қатор бараклар. Яна икки-уч қатор эмас, ўн қаторлаб — ҳаммаси бир хилда, каттакон, узундан-узун. Баъзан палаткалар, ертўлалар ҳам учрайди. Улар ҳам катта, бир хилда. Феня ана шу бараку палаткалар орасида адашган кишидек тентиради.

У қопини раҳмдил одамлар олдига қўйиб, кўз ёши тўкканича қараб туришларини илтимос қилар, ўзи эса яна қидиришга тушар, тополмагач, шамолдан юзлари бўртиб, қовоқлари, бурни қорайиб, оғир тортиб, терлаб-пишиб, яна қайтиб келарди.

У тагин қопни кўтариб бошқа участкага йўл олади.

Йўл-йўлакай гурс этиб ерга ташларди-да, устига ўтирганича йиғлаб, дам оларди.

Оқшом тушди. Тушди-ю, лекин негадир шундоқ туриб қолгандек туюлди. Кун ҳам эмас, тун ҳам эмас. Еруғ ҳам эмас, қоронғи ҳам. Фақат атрофда кулранг чанг изғийди, унинг қўйнида оқшомнинг алангали изи сўниб боради.

Феня юравериб ҳолдан тойди. Елкаси қотиб қолгандек. Бели қақшайди. Бўйни увишганидан бошини буролмас, бели бамисоли бир пуд юк тургандек оғир эди.

Оҳ, қани энди бирон-бир тўхтами бўлса бу юришининг. Ё ухласа. Ё Ишченкони топса. Ёки бир қултумгина муздек сув бўлса. Ҳатто ўша тиқилинч поезд бўлса ҳам майлийди.

Охири у ўз ҳамюртлари, киевликларга дуч келди. Мушкулдини ўшалар осон қилишди.

Ишченко сменадан баракка тунда қайтди. Бу пайтда Феня унинг каравотида ўтирарди.

Ишченконинг кўзи бирдан Феняга тушди-ю, аввалига тағаниёлмади; ким ўзи, нега бу ерда ўтирибди?

Феня эса уни баракка кириши биланоқ таниди.

У паст бўйли, норғил — йигитлар олдида кенг елкаларини туширган ҳолда брезент шарвари устидан қора эски кўйлагини тушириб, полга дадил оёқ босганича келарди.

Феня шол рўмолини тиззасига ташлаб, устига қўлини қўйганича қимир этмай ўтирарди.

Ишченко каравотига яқин турган катта қопни, унинг ёнида темир тароғи атрофидаги малла сочлари тўзғиган аёлни кўрди.

Аёл йигитнинг дўнгалак боши, очиқ қорамтир бўйни, пешонасига кўтариб қўйилган чангдан асровчи тулука кўзойнагига тикилиб ўтирарди.

У ўрнидан турмоқчи эди, турулмади. Нимадир демоқчи эди, тишлари такиллаб гаширолмади.

Барак ўртасида тебранаётган лампочка атрофга ложувард нур таратарди.

Аёл шол рўмоли учини гижимлади.

Ишченконинг кўзи кумуш узукли дағал бармоқларга, шол рўмолга тушди-ю, бу пуштиранг жун шокилали рўмол тўсатдан ёдига келди.

У ўз каравотига, Фенянинг ёнига оҳиста ўтирди.

Феня қалтираганича маъюс мовий кўзларини ундан сира узмасди. Ишченко аёлнинг ниҳоятда озиб кетган, таниб бўлмас даражада сариқ доғ қоплаган таниш чеҳрасини, ёш гилдилловчи бинафшаранг кўзларини яқиндан кўрди. У Фенянинг қаппайган қорнига қараб донг қотиб қолди.

Лекин шу заҳоти унда янги, ҳали сира синалмаган эркаклик ғурури тўла туйғу пайдо бўлди. Ана шу қайноқ туйғу бошқаларини бутунлай босиб кетди.

Ишченко елкаси оша йигитларга қараб, Феняга ишора қилди.

— Салом! — деди у. — Хуш келибсан? Жуда вақтида келибсан-да.

Кейин Феняга майин жилмайди.

Феня бу жилмайишнинг маъносини тушунди.

— Костичка! — гўлдиради у. — Вой, Костичка! Вой, Костичка...

Тилига шу сўзлардан бошқа ҳеч нарса келмасди.

Аёл титроқ қўллари билан Ишченконинг елкасидан кучли, намиққан юзини унинг кўксига қўйиб, атрофдагилардан истиҳола қилганича пиқ-пиқ йиғлади.

Йигитлар қаттиқ чарчашган, лекин нима ҳам қила олишарди.

Бундай ҳол ҳаммада ҳам содир бўлиши мумкин.

Улар одатдаги ҳаракатларидан воз кечишди — ўринларига ётишмади.

Ишченко аёлнинг елкасига аста ураркан, юпатиб, йиғидан тўхтатгунча, Феня қопдан апил-тапил совғаларини олиб ювингач, даҳлизда лапанглаб юра бошлаганди, йигитлар индамай баракка тахта, мих, электр сим олиб киришди.

Орадан икки соатча вақт ўтар-ўтмас Ишченко ва Феня учун махсус жой ажратилди.

Феня кираверишга — эшик ўрнига вақтинча шол рўмолини осиб қўйди.

Оилавий девор ортида тун бўйи чироқ ўчмади. Тонг отгунча Ишченко билан Феня қизгин, лекин бригада аъзоларини уйғотиб юбормаслик учун пичир-пичир гаплашиб чиқишди.

Эрта билан соат еттида эса Феня тоғора сўраш учун қўшниларникига йўналди.

— Сен, Костичка, ёт, дам ол, — пичирлади у янги қизил жилддаги ёстиқни уриб-уриб қаппайтираркан. — Безовта бўлмай ухлайвер, Костичка. Ҳеч нарсани ўйлама. Костичка...

Ишченко маъқул, дегандек кўзини юмди. Уни уйқу элитарди. У Феня совғага олиб келган янги кўйлак-иштонда қандай ўтирган бўлса шундай ухлаб қолди. Дунг тушиб ётар экан, сочлари ёстиққа тегмасди.

Фенянинг димоғи чоғ эди. Уни кир ювиш, йиғиштириш, дўконга чиқиш, талон алмаштириш, пол ювиш, овқат тайёрлаш, деразаларни артиш, лампочкани абажур билан қошлаш, бозорни қидириш, кийим-кечакларни тахлаб, тоқчага қўйиш сингари ишларни тезроқ бажаришдек серзавқ, бетоқат хоҳиш чулғаб олганди.

Аёл ўзини жуда яхши ҳис қилар, фақат юмушларига улгуролмай, бирон-бир керакли иш ёдидан чиқиб қолишидан қўрқарди.

У қўшниникига шошилди, кечирим сўраб, тоғорасини олиб, кубни ёқди, дўконга чопди. Ишченко ётган тўсиқли жойга оёқ учида кириб, кийим-кечакларни столга қўйди, ип билан совунни қирқди.

Феня ўзини умр бўйи мана шу қурилишда, шу баракда яшагандек ҳис қиларди.

Қўшни болаларга жилмайди, дам олаётган бригада аъзолари билан ғижиллашди, ҳориган кўзлари порлади, қандайдир кампир билан яна дўконга бориб, кас-

са олдида навбатга турди. Буларнинг ҳаммасини худди унга бирон нарса бўладигандек, чаққон, ютоқиб, бекам-кўст бажарди.

11

Сметана тўсиқ ортига аста мўралади. Ишченко ширин уйқуда эди. Уни уйғотишга Сметананинг кўзи қиймади.

У ичкарига кириб, каравот ёнидаги табуреткага ўтирди. Бригадир ҳамон уйқуда. Сметана тирсакларини тиззасига қўйиб, оппоқ, дўнгалак, пахмоқ сочли бошини қўллари орасига олди.

Қуёш деразани куйдиргандан-куйдирарди.

Қоронғиликдан учиб чиққан пашшалар қуёшнинг девордаги кўзни қамаштиргудек шуъласи тафтига қўниб жизиллар ва яна шу заҳоти ўзини қоронғиликка урарди.

Сметана бир-икки дақиқа кутди.

«Уйғотиш керак. Иложи йўқ». У Ишченконинг уйқудан терлаган бақувват елкасини силкиди:

— Хўжайин! Хў, хўжайин!

Ишченко гўлдиради.

— Тур ўрнингдан!

Бригадир гўладек қимир этмай ётарди. Сметана жилмайиб, унинг оёғи тагини қитиқлади. Ишченко сакраб туриб, оёғини тагига босганича каравотга ўтирди.

У ҳеч нарсанинг фаҳмига бормаи, қовоқлари шишиб, кўзлари қизарган ҳолда калондимоғлик билан Сметанага қаради.

— Майнабозчиликни бас қил, Васильев!— деди бригадир бўғилиб ва енги билан уйқудалигида сўлакайи оққан лаб-лунжини артди.

Васильев унга кружкада сув тутди:

— Ма, кўзингни оч.

Ишченко кружкадаги сувни бир кўтаришда сипқаргач, ўзига келди.

— Салом, Сметана!

У қошларини жиддий чимирди.

— Хўш, ишлар қалай у ерда? Нималар дейишяпти?

Сметана бошини чайқади.

— Қуруқ сафсата сотишяпти.

— Ҳа-ҳа! Ким кўпроқ сафсата сотяпти?

— Ҳаммалари. Плакат осииди: биз калишда ўтирибмизу Харьков бизни арқон билан тортиб кетяпти.

— Ута бемаънилик. Маргулиесни кўрдингми?

— Кўрдим.

— Хўш?

— Бошни қотирияпти у.

— Аниқ ҳеч нарса демадимми?

— Айтдим-ку, бошни қотирияпти.

Ишченко норозилик билан одатдагидан тиниқ деразага қаради. У Маргулиеснинг одатини яхши биларди.

— Ермаков ишга тушдими?— сўради Ишченко хаёл суриб.

— Тушди. Ишни саккизда бошлашди. Охирги бошмоқни қуйишяпти.

— Тез қуйишяптими?

— Одатдагидек. Ҳар кундагидек. Маргулиес бир соатда ўтизта қоришмадан ошиғига рухсат бермади.

— Ҳаммаси равшан. Тайёргарликсиз. Қани айт-чи, улар ана шу бошмоққа яна қанча куб қуйишлари керак?

— Саксон куб қолган.

— Кейин-чи?

— Кейин янги иш fronti бошланади. Машинани бешинчи батареяга ўрнатишади.-Бунга уч соатча вақт кетади. Шу билан иш вақти тамом бўлади.

Бригадир ўйланиб, ўз бўлмасига назар ташлади: столда тоза дастурхон, ювилган идишлар, тахта деворда атрофи тўлқинсифат ойна, эшик ўрнида шол рўмол. У жилмайиб Сметанага кўз қисди:

— Мана бунга нима дейсан? Бўйдоқ эдим, бир зумда уйландим-қолдим. Оиламиз кўпайишини кутяпман. Тамом-вассалом!

У хижолатдан жигарранг кўрсаткич бармоғига сочини ўраб, аста айлантира бошлади.

Кейин бирдан қўй кўзларини Сметанага тикди:

— Ханумовни кўрдингми?

— Бўлмаса-чи! Кўрдим. Совғага берилган ботинкасини кийганича бригадаси олдида кўчма қизил байроқни кўтариб, бутун қурилиш майдони бўйлаб кетяпти. Худди командармга ўхшайди, жин ургур маллавоё.

— Бошқа бригадалардаги йигитлар у ҳақда нима дейишяпти?

— Ҳеч нарса дейишаётгани йўқ. У Харьковни дог-
да қолдириши турган гап деб ўйланяпти.

— Ханумов-а?

— Ҳа.

— Уша ютиб чиқади дейишяптими?

— Шунақа.

Ишченко қизариб кетди, ўгирилиб, беихтиёр дераза
рафини тирмирскилай бошлади.

— Мося-чи?

— Қовоқ-тумшуғи осилиб юрибди.

Барибир кўзойнагини тополмаган Ишченко сўкин-
гач, тиззаси билан табуреткани туртиб, нари сурди-да,
кўчага отилди.

Шуранинг йигитлари бу вақтда барак деворига
калишли таниш плакатни қоқишарди.

Ишченко уларни кўрмаганга олди.

— Хўжайин, қараб қўй!— қичқиришди йигит-
лар.— Мана! Атайин сен учун ишладик. Юзингни бур-
ма.

Бригадир елкаси оша хўмрайиб плакатга қаради.

— Уни Ханумовингларнинг елкасига оссанглар
ҳам бўлади,— деди Ишченко секин,— бизга унинг ҳо-
жати йўқ.

Боши хам бригадир бўйинини қисганича чанг-тўзон
ораларкан, яланг оёғи билан тупроқ сачрата-сачрата
нари юриб кетди.

Сметана унга етиб олди.

— Қаёққа?

— Участкага.

Ишченко тўхтади.

— Менга қара, Сметана. Ҳозирча сен бу ерда бри-
гада аъзоларининг қўйнига қўл солиб кўр. Тушун-
дингми?

— Майли.

— Қўл солиб кўр.

Сметана шу заҳоти изига қайтди.

Барак ёнида турник ўрнатилганди.

Сметана югуриб келиб, бир сакради-ю, темирغا
осилди. Кейин қўллари чўзилган кўйи бошини ор-
қага ташлаб, қуёшдан кўзларини қисди ва эгилув-
чан темирға қорни билан икки букилиб, оппоқ бе-
лини очганича айланди. Чўнтакларидан атрофга
тангалар, тугма, қалам, перо, овқат талонлари со-
чилди.

Улар қулай жой қидириб участка атрофида узоқ юришди.

Тонг ёришди.

Загиров Саенко ортидан соядек судралиб борарди.

У ҳар дақиқада Саенконинг енгсиз пахтали камзули устидан боғланган қизиган камарига туртиб, шикоятмуз:

— Менга қара, Коля. Нега узоққа боряпмиз? Мана шу ерда ўтира қолайлик. Нима гап ўзи?— дерди.

Саенко бўлса унга қарамай:

— Сенинг ишинг бўлмасин. Юравер,— дея жавоб қайтарди.

Шамол йўналишини ўзгартириб, жимиб қолди.

Жазирама иссиқ ҳавонинг дами шарқдан дашт тафтини олиб келарди. Тиғиз бирлашган булут зангори тўлқинли соя ташлаб, тепадан тепага, баракдан баракка интиларди. Текис қора тол қоқилган томлар қуёшда худди эфир билан қоплангандек живирлаб буғланарди.

Дераза ортидаги парк ноқулай: хира пашшалар гужгон ўйнайди, бунинг устига бу ердан одам кўп ўтиб туради.

Йўл ёқаси — ҳаддан ташқари дим: қўнғир чанг жазирама олачалпоқ девордек кўкка бўй чўзган.

Темир йўл кўприги бўлмайди — дам-бадам ўтиб турган составнинг тарақа-туруғи кишининг асабини қўзғайди.

Тоғда эса руда портлар, атрофга бир пуд келадиган тош парчалари учарди.

ЦЭС этагидаги кўл маъқул, лекин анча олис — беш километрча келади.

Загиров итоаткорлик билан Саенконинг орқасидан қолмасди.

Загиров кеча жамғарган бир юз ўн беш сўмини Саенкога ютқазиб қўйди. Омонат кассага дафтарчасидаги пулдан олиш учун бир неча марта бориб келди. Ундаги бор пулини тамомлади. Атиги бир сўми қолди, колос.

Улар кун бўйи тепаликда, кечаси билан эса барак орқасида чироқ ёқиб, карта ўйнашди. Смена вақтида ишга ҳам боришмади. Энди Загировнинг сизга пули қолмаганди.

Бир юз ўн беш сўм!

Загировни омадсизлик гангитиб қўйган эди. Аввалига у йиғлаб ҳам олди. Тахта девор ёнига бориб, бошини осилтирганича чўнқайиб ўтирди-да, мушти билан ёноғидаги лойқа ёшларини артди. Кейин уни бирдан тушуниб бўлмайдиган ҳаяжон қамраб олди.

У участкага югурди, ўн сўм сўраб, ҳали унга, ҳали бунга ялинди. Ҳеч ким бермади. Шундан сўнг баракка отилди ва қолган-қутган қимматли нарсалари — катта қора бошмоғини, янги калиши, хом сурпдан тикилган икки жуфт ички кийими, оҳорли яп-янги кепкасини олиб чиқди.

Загиров энди буюмларини тикажаглигини таклиф қила бошлади.

У ялинарди.

Саенко ноилож рози бўлди.

Буюмларни қўлтиғига қистириб олган Загиров тоқатсизликдан қалтираб, ҳаяжонланганича ўртоғи ортидан гамгин судралиб борар ва тупугини қулт-қулт ютарди.

Саенко эса, атайин қилаётгандек пайсалга солар, у ерни ҳам, бу ерни ҳам ёқтирмай, инжиқлик қиларди.

Ниҳоят ўйнаш учун жой танлади.

Бу — бузۇқ механизмлар қўйиладиган ер эди.

Оғайнилар чангал сим орасидан ўтишди. Ҳамма ерда абжақ машиналарнинг парчалари сочилиб ётарди.

Транспортёрларнинг занг босган шотилари бир гилдираги йўқ аравачаларга тик суяб қўйилган. Эккаватор эса чўмичсиз узун бўйини пачақ вагонеткага қўйиб олган.

Атрофда суғуриб олинган гилдирак, кичкина шестерня ва болтлар, прожекторларнинг ҳарбийча шлёмлари, кесилган қозон бўлаги сочилиб ётибди...

Икки ўртоқ вагонетканинг тагига ўтиришди.

— Қани, бер! — деди Загиров. — Бер картани, Коля.

Саенко чалқанча ётди-да, оёқларини чалиштирган кўйи чўзиб, қўлларини боши тагига қўйди.

У Загировга эриниб кўз қирини ташлади.

— Ҳей, барибир ишинг пачава. Ўтир, татар, ҳали улгурасан.

Саенко қўйнидан кулранг латтага ўроғлиқ дафтарни олди, уни ечиб, кўкрагига қўйди. Дафтар ичидан сиёҳ қаламинни олиб, лабида намлади. Унинг нам, дўрдоқ лабларида бинафша анилин изи қолди.

У бамисоли захарлангандек оғзидан бинафша кўпик чиқариб, кўз қорачиғи металлдек ялтираркан, осмонга тикилганича хаёл суриб қимирламай ётарди.

Унинг юзи уч бурчак шаклида. Қулоғи остидаги пуштиранг яра ялтирайди. Ингичка, қирра бурнининг юпқа териси остидаги кўкимтир тоғай кўриниб турарди.

Саенко қимир этмай анча ётди. Кейин бирдан сапчиб қўзгалди-да, тирсакларини тираганича қорни билан ётиб, пахмоқ соч бошини дафтар узра тутган кўйи кулранг дафтарнинг ранго-ранг катакларига ҳафсала билан йирик, ажи-бужи ҳарфларда сўз бита бошлади.

У пишилар, хахолаб кулар, тўрт оёқлаганча тирсагини ерга уриб-уриб қўярди.

Загиров шеригига даҳшат ичра тикилди.

Саенко бамисоли тутқаноғи тутган одамдек таппа ётиб, лабларидан бинафшаранг сўлак оқизаркан:

— Тўхта! Сабр қил!— деб қичқирди нафаси тиқилиб.— Кайфиятим йўқ. Қоч! Олдимни тўсма, худди ўлдираман!

Саенко бирдан тинчланди. Дафтарни ўради-да, қўлтигига тиққач, ўтириб олиб, хира кўзлари билан ўртгоғига қаради.

— Қани, кўрсат-чи,— деди у мудроқ қиёфада.

Загиров Саенконинг олдига буюмларини қўйди.

Саенко ғарчилдоқ калишни олиб, оёғига ўлчади-да, бир четга улоқтирди.

— Тўғри келмайди. Кичкина! Хўп, яхши, яхши. Уч сўм. Қолганини ағдар.

Загиров бошмоғини енги билан артиб, унга узатди. Саенко уни ҳатто қўлига ҳам ушламади. Фақат кўз қирини ташлади-да:

— Уч сўм,— деди.

Загиров майин жилмайди.

— Нима деяпсан, Коля? Жуда яхши ботинка. Кооперацияда ўн икки сўм етмиш беш тийин туради!

Саенко бепарволик билан юзини ўгириб, ҳуштакчалди.

— Уч сўм.

— Ҳали янги-ку. Сира кийганим йўқ.

— Уч сўм.

Загировнинг гудда-гудда заъфарон пешонасини реза тер донелари қоплади. Қўй кўзлари қаттиқ қисилиб, олайди. Лаблари пириллади.

— Нима деяпсан, Коля, ҳазиллашяпсанми? Одамга ўзнасанг-чи.

— Нима, бўлмаса итманми? Шилқимлик қилаверма. Мен сени зўрлаётганим йўқ. Лаш-лушларингни

ол, жўна. Буларинг менга керакмас. Бригаданга қайтиб боравер. Шу тобда у ерда лақмаларни рекорд қўйишга тайёрлашяпти. Балки лоақал бирон-бир йигирма тийинлик соврин ютарсан.

Загиров чўккалаганича жимгина буюмларини йиштирди.

— Хайр, қадрли бунёдкор.

Загиров бошини эганича чўккалаб турарди. Саенко унга орқасини ўгирди.

Загиров Саенконинг терлаган елкасига туртди-да, хириллаб:

— Ҳаммасига қанча берасан? — деди.

— Қанча дейсанми? — Саенко бош чайқади. — Ҳеч қанча... Бригаданга жўна. Ҳеч қанча бермайман.

— Коля, одамгарчилик қил, барака топкур.

— Ҳаммаси мана шу...

Саенко бир оз ўйланиб турди-да, шимини ечиб, ички чўнтагидан ҳамёнига қўл суққач, ботинка ипи билан боғланган жамғармасини олди. Кейин уни титкилай бошлади.

Загиров қоғоз пуллар орасида ора-чора кўзга ташланаётган ўзи оҳорли, оч-яшилрангдаги йигирма сўмликларини таниди.

Саенко ерга эскирган учта уч сўмлик ва қўлдан-қўлга ўтавериб шалвираб қолган битта бир сўмликни қўйди.

— Шуни олишинг мумкин.

Загировнинг кўз олди хиралашди. Каламушникидек яккам-дуккам оппоқ тишларини кўрсатиб тиржайди, худди қопқонга тушгандек бошини каловлатди.

— Хоҳламасанг, керак эмас, — деди Саенко эришиб.

Чор-атрофда абжақ тартибсиз қалаштириб танланган темир-терсақлар сочилиб ётарди. Қуёш нури кесишиб ўтган рельс ва тросни қиздирарди. Фақат катаннинг қийшиқ девори атрофига олачалпоқ соя тушган.

— Бер! — қичқирди Загиров. — Бер картани!

Ўйин бошланди.

Улар қарама-қарши ўтириб, чўнқайганларича қалин картани ерга ура кетишди.

Шу кўйи йигирма бир ўйини бошланди.

Загиров ҳисобда нўноқ эди.

У ҳар дақиқада тўхтаб, юзидан тер қуйилганича пичирлаб очколарни санарди:

— Үн икки... ўн саккиз... йигирма тўрт...

Унинг омади келмасди. Сира омади келмасди.

Загиров кипригини чимдиб, чамалай бошлади: ҳа, агар қўлига бирон киприк толаси чиқса, карта олиши, агар чиқмаса, олмаслиги керак.

У ерга ўтириб, кўзларини чирт юмди ва икки қўли билан киприкларини юлқилади. Кейин бурнини тортиганича киприги чиқдими, йўқми, деб бармоқларига тикилди.

Саенко бўлса банкни оширгандан-оширарди.

Загиров эҳтиёткорлик билан кичкина сумма қўйиб ўйнашга қарор қилди. Лекин сал ўтмай, ўзини йўқотди. Банкага урди, сапчиб туриб, киприкларига ёпишди.

Ўзининг ўн сўми билан Саенкога қарши нима ҳам қила оларди? Саенконинг ютиб олган нарсалари ярим минг сўмдан кам эмасди.

Ярим соатдан кейин ҳаммаси тамом бўлди.

Саенко пулларини жойига солди, буюмларни тугди-да, ўртоғига ўтирилиб ҳам қарамай, эмаклаганича темирлар орасидан чиқди.

Загиров унинг орқасидан югуриб, қарзга ўйна, дея ялина бошлади. У йиғлар, кўз ёшларини артишни эса ўйламасди ҳам. Агар ютқизса, биринчи маошиданоқ тийинигача қайтаришини айтиб, онт ичарди. У озиқ-овқат ва тушки талонларини беражагини ҳам айтди. Саноат моллари карточкасини тикиштирди.

Саенко миқ этмасди.

У ҳеч нарса кўрмайдиган қизарган кўзларини кўкка тикканича иссиқ тупроқни тартибсиз босиб, чанги-тиб борарди.

Шамол узоқдан қурилишдаги турли овозларни олиб келарди.

Гоҳ болга қаттиқ тақиллайди, гоҳ домнада пневматик болганинг пулемёт отилгандек қисқа-қисқа товуши эшитилади, гоҳ паровоз қичқиради, гоҳ экскаватор пишқиради.

Юзга чўл ва отнинг нашатир спиртдек иссиқ дами уриларди.

13

— Ҳар қалай, мен, Давид, сенинг сиёсатингга туюнмабман.

— Мен эса...

Маргулиес Корнеевнинг белидан дўстона қучди; кўзларини қисиб, меҳрибонлик билан унинг кўзига қараркан, қўшиб қўйди:

— ...Мося иккалангларнинг сиёсатингларга тушунмаяпман.

Корнеев ўртаниб кетди.

Алам қилмайдами, Мося билан унинг сиёсати эмиш!

Прорабнинг юзларига қон тепти. Капитанларга хоёвстирилган соч кокили тасмачали оқ фурашкеси тагидан худди елимланган бахмалдек қорайиб чиқиб турарди.

У зарда билан ерга қаради-ю, шу заҳоти чап пой туфлисидаги янги догга кўзи тушди. Қатрон томчиси. «Ассалому алайкум! Қорамой қаердан келди!»

У дастрўмолини олмоқчи бўлди-ю, лекин қўлини силтади: э, барибир, кетмайди, жин урсин!

У асабий ҳолда бурнини тортди.

— Давид, гапингга ҳайрон қолдик. Мосянг нима-си? Қанақасига Мося билан сиёсатимиз бир бўлсин?

— Бир бўлса нима қилибди? Жаҳлинг чиқмасин! Ҳе, аслида нима эканлигини муҳокама қилиб олайлик. Умумий тарзда.— У кўзларини бир зум юмди.

— Биз шу кунга қадар бир сменада тахминан бир юз саксон қоришма тайёрлаётган эдик. Икки юзга ҳам етганди. Ҳатто Ханумов бир сафар икки юз тўртга етказди.

— Икки юз уч.

— Ҳа, яхши, икки юз уч. Мана энди биз Харьковнинг уч юз олти қоришма қуйганлиги ҳақида маълумот оляпмиз. Факт шу. Бошқа факт йўқ. Бундан қанақа хулоса чиқариш мумкин?

Корнеев жаҳл билан елкасини қисди.

— Харьковдан ўзиб кетиш керак.

Маргулиес жимжилоғи билан тукли бурнини кавлади. Бурни ичи қизариб кўринди.

Бир оз ўйланди.

— Жуда тўғри: Харьковдан ўзиш керак.

— Мен нима деяпман? Мутлақо тўғри — ўзиш керак.

— Мутлақо тўғри — ўзиш керак. Ҳм! Мосянг ҳам ўзиш керак, ўзиш керак, деб жаврапти!

— Мосянг нима-си?

— Ўзинг кўриб турибсан-ку. Сен ҳам ўзиш та-

рафдорисан, Мося ҳам. Ҷузиш, ӯзиш! Хўш, бизда ма-
на шунга яраша шарт-шароит борми?

— Бор!— унинг сўзини бўлди Корнеев.— Харь-
ковдагидан кам эмас. Хотиржам бўл. Машиналар,
худога шукр, ишлаб турипти, бригадалар жуда
яхши. Нега тихирлик қилаётганингни тушунма-
ман?

— Мана менда ишонч йўқ.

— Нимасига ишончинг йўқ?

— Ҳаммасига. Шағал майдалашга ҳам ишончим
йўқ, қум карьерига ҳам, транспортга ҳам, ташкилий
ишга ҳам ишончим йўқ, сувга ҳам. Сабаби кўп!

Корнеев чимирилди.

— Ишонмайсанми?

— Ишончим йўқ дедимми, демак, ишончим йўқ.
Маргулиес совуқ жилмайди.

— Аввал ишонч ҳосил қилай, кейин ишонаман.
Қизишма. Мосяга ўхшама. Вақт бор.

— Қани вақт?— Корнеев қизариб, деярли бақи-
риб юборди.— Қанақа вақт? Нега қийнайсан? Нега
куласан? Шундай ҳам кечикябмиз! Пайсалланмай,
дарҳол рекорддан ўзиш керак.

— Ана, Мосянинг ўзисан, дедим-ку! Нақ ўзисан.
Ермаков сменаси ўзолмаслигини мендан яхши била
туриб, қандай дарҳол ўзиш мумкин. Ёки ўза ола-
димми?

— Йўқ, ўзолмайди.

— Ана.

— Ермаков ўзолмаса, Ишченко ўзади.

— Тўғри, Ишченкогача эса ҳали етти соат вақт
бор. Вақт старли. Ҷшанда кўрамиз.

Корнеев тўхтади.

Маргулиес ҳам тўхтади.

— Мени қарши деб ким айтди сенга?

Улар бир-бирларига синовчан тикилишди.

— Демак, ўза оламизми?— деди шошилиб Кор-
неев.— А? Давид? Ҷзамизми?

Улар бу пайтда темир йўлдан ўтиладиган ерда
туришарди. Ҷаракатни тўхташиб, у ёқдан-бу ёққа
узун состав ўтди.

— Билмадим.

— Унда ким билади?

— Далилларга кўра. Ҷар ҳолда, биласанми...

Маргулиес бароқ қошлари остидаги кўзларини
ўтиш жойинга диққат билан тикиб, бошини эгди.

— Ҳар ҳолда, биласанми? Биринчидан...

Маргулиес кафтига сариқ қаламни қўйиб аста ўй-наркан, унинг тарашланган ялтироқ қирраларига завқ билан тикилди.

— Биринчидан, кучлар жойланиши. Иккинчидан, материал. Учинчидан, улов. Тўртинчидан, қисқа ремонт. Буларни марҳамат қилиб ўз зимманга ол. Комсомолни қаттиқ ишга сол. Меҳнат фронтини айланиб чиқ. Айлан. Биласанми, кейин яна нима...

У бир оз чайналди. Ҳатто ҳавода бармоқларини бир-бирига ишқади.

— Биласанми... Менга қолса, хоҳламасдим...— деди пичирлагандек. — Ўзинг тушунасан... Аввалдан шов-шув кўтаришнинг нима кераги бор? Тоқатим йўқ бунга. Бутунлай фойдасиз. Шу заҳоти ҳамма босиб келади, журналистлар, ёзувчилар ҳам шу ерда, шов-қин-сурон кўтарилади... Бу катта, улкан иш... Олдиндан путур етказиб қўйиш ҳеч гап эмас. Бирон нарсада янглишсак, тамом, ўйламасдан иш қилиб, шармандамиз чиқмасин, бу кимда бўлмайти, дейсан? Бундан ҳар ким ҳар хил хулоса чиқариши мумкин. Шу заҳоти умумлаштиришга ҳаракат қилишади, кейин орқага судрашади. Хотиржам бўл, орзумандлар топилади. Қарабсанки, бутун тоат-ибодатинг пучга чиқади...

У бирдан қатъий қилиб:

— Қисқа қилиб айтганда, камроқ шов-шув кўтариш керак,— деди.

Яна кутилмаганда ўзича:

— Биз рекордсменлик билан шуғулланмаймиз,— деб қўйди.

Бу сўзлар продасидан ташқари чиқди. Шундай дедию, пешонасини тириштирди. Маргулиес бегоналар фикрини қайтараётганди — буни илгарди эшитган.

Лекин қаерда эшитган эди?

Ҳа, бугун зинада эшитувди.

Украинча қўйлак кийган семіз кишининг гапи бу. Эски гийбатчи. «Бу ер французча кураш майдони эмас, қурилиш». У буни ўйламай, гап орасида айтганди. Шубҳасиз, бу гап ундан ҳам чиқмаган, бировнинг фикри. Балки, ҳатто бошқача ибора ҳамдир. Албатта, бу фикр қачонлардир бирон кимса томонидан айтилгану, ҳозир осонгина қурилишга тақалган қўйилган.

Фикр қанотланди. У юқумли касалдек одамларга

тарқалди. Ҳамманинг оғзига тушган бу гап ечилмаган муаммодек кишиларнинг ҳаловатини бузар ва қийнади.

Аслида бу тамомила тўғри фикр эди. Унинг нимасига эътироз билдириш мумкин? Лекин шунга қарамай, мазкур фикр Маргулиесда нафрат уйғотарди. У сири ўрганилиши ва зарба берилишини талаб қилар, озгина бўлса ҳам ёлгон аралашгандек кўринади. Бу фикр хиёл завқлантирар, мияга аста таъсир этар, бамисоли иситма ҳуруж қилгандек бўшаштирарди. Организм эса ўша фикр билан онгсиз равишда курашар, чора изларди.

Маргулиес юқоридаги фикрга нафрат билан қарар, ундан бамисоли юқумли касалга дуч келгандек кўрарди.

У бирдан ўзида ҳам мазкур фикрнинг баъзи учқунларини сезиб қолди. Маргулиес худди ҳушини йўқотгандек ногаҳон ўз-ўзига «қурилиш французча кураш майдони эмас» деган тўғри фикрни айтди. Айни вақтда яна бу фикрнинг беҳатолигига ишонмаётганлигини ҳам англади.

Демак, қурилиш французча кураш майдони экан-да?

Йўқ! Бемаъни гап! Аниқлаш керак...

У меровланиб Корнеевга қаради.

— Қанақасига рекордчилик бўлиши мумкин?— дўриллади Корнеев аччиғланиб.— Яна қирқ кундан кейин нима қилиб бўлса ҳам печка монтажини бошламоқчи бўлиб турганимизда қанақасига рекордчилик бўлиши мумкин? Менимча, ҳаммаси равшан. Лекин олдиндан шов-шув кўтариш ҳақиқатан ҳам яхши эмас. Мен сенинг бу фикрингга мутлақо қўшиламан, Давид.

Корнеев бошини эгганича вагон рессори ва липли ўтаётган гилдираклар шинасига қаради. Шунда унинг хаёлига ҳалигина бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеа келди. Ҳа, эрта билан эди-я. Ҳар қалай, чакки иш бўлиб, бирор чора кўриш керак эди.

У энди шу ҳақда ўйлай бошлади.

Ушанда ҳам вагонлар ўтиш йўлини мана шундай тўсиб қўйган, одамлар, улов тўпланиб қолганди. Лекин состав иккинчи томонга ўтар, бу эмас, бошқаси эди. Мося бўлса қўл силкиб турарди.

Қандайдир ўзгача ва кўнгилсиз нарса эди. Лекин нима?

Ҳа! Тўғри! Клава. У кетяпти. Уйга бориш керак. Балки ҳали йўли топилиб қолар.

Қаранг, ҳаммаси бемаврид келяпти!

Маргулиес составнинг ўтиб кетишини тоқат билан кутди.

У оғзига шакарли жўхори солди, лабларини чўч-чайтирганича таъмини кўриш ўрнига шима бошлади.

У зийрак тортди.

«Корнеев ҳақ. Тўғри! Албатта, қурилиш французча кураш майдони эмас. Лекин ана шундай муваффақиятни назарда тутиб: қурилиш театр эмас, дорихона эмас ёки бошқа хоҳланган нарса эмас, дейиши мумкин-ку. Йўқ! Бу ерда нозик бир хийла бор! Прорабнинг айтишича, кимдир шунчаки оддий ва андак асосий бўлиб кўринган бир фикрни бошқаси билан алмаштирган. Қирқ олти кундан кейин печнинг монтажини бошлаш керак, акс ҳолда, бутун план чип-пакка чиқиши турган гап, яна қандай гап бўлиши мумкин!»

— Ҳа! — деди Маргулиес қатъий.

Поезд йўлни бўшатди.

Улар тўсиқлардан сакрай-сакрай йўлда жадал давом этишди.

Ниҳоятда тез силжиётган қуёш оқ булутлар орасига гоҳ кириб, гоҳ чиқиб турипти. Ёруғлик дам-бадам ўзгарар, борлиқни гоҳ қоронғилик чулғар, гоҳ теварак сутдек ёришиб кетарди.

Ҳарорат ҳам дақиқа сайин ўзгарарди.

Қуёш булут орасига кирганида шамол исир, дим бўлар, чиққанида эса баданни куйдиргудек қизир, шиддатлироқ туюларди.

— Хўш? Янги рекорд қўямизми?

— Унналиб кўрамиз. Лекин шов-шувез.

— Маъқул.

Улар участканинг инженерлар учун мўлжалланган ошхонасига келишди. Ошхона бараги билан идора бараги ёнма-ён, эшиклари рўбарў бўлиб, фақат уларни қоп-қора сояю иссиқ елвизак ажратиб турарди. Деразада ошпазларнинг оқ қалпоқчалари ғимирлайди. Катта алюмин чўмич ағдарилади. Буғ кўтарилади. У пюре.

Маргулиес тупуғини ютди.

Улар тахтабандли ошхонага киришди.

Одамлар гурунги. Тиқилинч. Овқат ҳиди. Бўш стаканлар.

Столда сувнинг сариқ юқи қотган бўш қувача. Клеёнкаларда тақсимчаларнинг сарғиш излари.

Бир тўда одамлар уларга қайрилиб қарашди. Бошқалар эса шунчаки кўз қирларини ташлашди.

Маргулиес уларнинг бу қарашларидан: «Қурилиш французча кураш майдони эмас», деган фикрни беҳато уқди.

Шифтда ранги деярли ўнгиган қатор қоғоз байроқчалар тебранади. Уларга гиж-гиж нашша ёпишяпти.

Касса ёнида инженерлар билан техниклар турли ранг талон ленталарини силкитишади. Вуфетда тухум, котлет, дудланган балиқ, чой, қора нон ва булка бор экан.

— Тўхтаб тур, Корнеев. Бир минутга.

Маргулиеснинг кўзи китоб дўконига тушди.

— Менга бирон нарса олиб тур. Иккита тухум, котлет, кейин чой. Яна мазалироқ бирон нарса.

У Корнеевга беш тийинлик узун қизғиш талон лентасини узатди. Йигирма тийинли талон эса зангори. Улар прорабнинг қўлида илондек биланглайди.

— Мен ҳозир. Балки Пробст бордир. Унда ажойиб ҳисоблар берилган. Менга жой олиб тур. Лекин, Пробст бўлишига кўзим етмайди.

Шундоқ ошхонага кираверишдаги дўкончада техник адабиётлар сотиларди. Маргулиес пештахта олди-га борди.

— Пробст борми?

Бу умидсизлик нишонаси эди. У профессор Пробст китобидан қурилишда бирон нусха ҳам топилмаслигини яхши биларди. Лекин лоп этиб чиқиб қолса-чи?

Сотувчи аёл тамаки кули тўкилган газетадан кўзини нохушлик билан кўтарди. У эски қора гардишли қийшиқ кўзойнагини тўғрилади. Ойнакнинг бир томони дарз кетган.

— Олтинчи киши,— деди аёл иштиёқсиз товуш билан.

Оқ сочлари қизил рўмоли тагидан чиқиб турган кампир тамаки сарғайтирган соғлом тишларини кўрсатиб жилмайди.

— Ерёменнинг «Бетон ишларини механизациялаш ва ускуналаш» деган китобини ола қолинг. Маслаҳатим шу. Охирги нусхаси. Бир соатда талаб кетишди. Ун иккита эди.

— Уҳў!

Маргулиес ҳуштак чалиб юборди.

— Ҳа-да...

«Ерёминни талаб кетишган, демак, энди иш қизгин тус олади!»

— Давид! Тухум тамом бўлипти!— бақирди устунга суяниб турган Корнеев.

— Майли, бошқа бирон нарса ола қол.

Маргулиес бурнини икки бармоғи билан чўзиб қўйди.

— Хўп, майли!— деди у бўшашиб.— Ерёмин ўзимда бор. Пробст керак эди...

Сотувчи аёл елкасини учириб, яна газета узра ёнғашди.

Маргулиес Корнеевни кузатиб турди.

Прораб оломон орасида буфетдан чиқа бошлади. У булкани ияги билан тутиб, тулука тарелкани мувозанатда оҳиста сақлаб, чиқиб келарди.

Одамлар уни қисиб қўйишганди.

Залнинг ён томонида тахтасупа бўлиб, у ерда эстрада музика чаларди. Корнеев ўшанга чиқиб, дағал жимжимали дарахт ва уйча расми ишланган полотно ҳамда ростакам скамейка қўйилган саҳна тўридан айланиб ўтди.

У худди Елезавета Английская давридаги халқ театри саҳнасидаги кўзбўямачи — жонглёрдек турли ранг талонларни чулғанича, металл идишлар, қошиқ ва вилкаларни жаранглатиб юрарди.

Корнеев Маргулиесга котлет олиб келяпти. У жигарранг қайла аралаш юмшоқ пюрени рўй-рост кўриб турибди.

Сотувчи аёл кўзойнагини олиб, газетага аста-секин урди.

— Уртоқ Маргулиес, Харьков бопплаптику-а? Сиз бунга нима дейсиз?

Маргулиес заҳархандади жилмайди.

— Ҳа, шунақаси ҳам бўлиб туради,— деди у чайналиб. Кейин ўгирилиб нари кетди.

Корнеев тақсимчаларни скамейкага қўйди. Маргулиес очиқ саҳнага чиқиб, пюрени олдиroomига сурди.

— Ажойиб котлет! Ҳа, айтгандай, соат неча бўлди?

У Корнеевнинг соати тасмасига қўлини чўзди.

— Чоракам тўққиз.

— Тўғри юрадимиз?

— Беш минутга фарқ қилиши мумкин.

Маргулиес ҳеч нарса демай, тахтасупадан тушиб, эшик томон йўналди.

— Қаёққа, Давид?

Маргулиес қўлини силтади.

— Кейин.

— Давид! Тўхта!

Маргулиес эшик олдига бориб, ўгирилди.

— Соат тўққизда Москва билан гаплашишим керак эди.

— Котлет-чи?

— Ўзинг еявер. Мен меҳмонхонада бирон нарса еб оларман. Керак бўлиб қолсам, междугороднийда бўламан.

У ошхонадан шошилиб чиқиб кетди.

14

Соат ўн минути кам тўққиз.

Сметана ерга сакраб тушди.

Унинг турник штангасида ишқаланиб, саргайган кафти ловулар, занг ҳиди келарди. Сметана энгашиб, ерда ётган танга, қалам, талон ва пероларни битталаб териб олди.

Кўпчиган юзини кўйлаги бари билан артди.

Кўча ўртасида ингичка ёғоч оёқлари билан гадойдек қаққайган баланд қўлювгич турарди. Сметана унга яқинлашиб, қоққорини очди-да, рух идишнинг ичига мўралади. Сув йўқ эди.

Майли.

Сметана кўйлагини шими ичига тиқди. Бўрсиган, жигарранг чеҳрасидаги кўкиш киприклари орасида ўйнаган кўзлари мовий ялтирайди. У ютоқиб чуқур нафас олди. Назарида ичига худди бурун катаклари орқали олов кираётгандек туюларди.

Баракка борса, у ерда ҳеч ким қолмапти.

Тезда участкага йўл олди.

Уларнинг бригадасида мотористни ҳисобга олмаганда ўн етти киши бор. (Қизиқ, Харьков бригадасида неча киши экан?) Улардан уч киши комсомол аъзоси, бир киши — Ишченко партия аъзолигига номзод, қолганлари партиясиз, ҳаммаси — ёшлар...

Дастлаб комсомолларни — Ольга Трегубова билан Нефедовни топиш керак, деб ўйлади.

Участка катта.

Вақт зиқ, тезкор, шоширяпти. Вақтга бир илож чап бериб, ўзмоқ керак.

Сметана деярли чошиб борарди.

Участканинг тахта ва толь тўла сахни Сметананинг атрофида гир айланади. У сира тўхтамас, зиналардан елиб ўтарди.

Сметананинг кўргани:

Бурчак-зина-турник-қўлювгич-чиқинди қутиси — унинг устида гужғон ўйнаган пашшалар.

Ёки аксинча:

Пашшалар — қути-қўлювгич-турник-зина-бурчак.

Телефон симёғочлари орқали дунёнинг тўрт томонига чийиллаган овоз интиларди. Радиокарнайларда рояль бонги, қаттиқ чалинаётган Гуно, «Фауст» оҳанглари темирчи болғасининг овозидек қулоқни қоматга келтирарди.

Симёғочдан симёғочга, радиокарнайдан радиокарнайга ошиқаётган Сметанани шиддатли музика овози кутиб олар ва олға етакларди.

У почтагача югуриб борди.

Почта орқасидаги 104-баракда ёшларнинг мўъжазгина бадий ҳаваскорлик театр — «Темп» труппаси репетиция қилаётган эди.

Барак силкинмоқда.

Ялангоёқ болалар оёқлари тагига ғишт ва қутилар қўйиб, деворга тирмашганларича ичкарига мўралашарди. Деразалар очиқ, лекин парда тутилган. Ташқаридан урилган шамол пардани юлқиб, ичкарига интилади...

Ичкарида оёқ дупури, баянларнинг бўғиқ хониши, ялтироқ шифтда одамлар кўланкаси липиллаяпти, узуқ-юлуқ бараварига бақирган овозлар, қўшиқ эшитилади.

Сметана берк эшикни силталаб тортди.

Кейин тақиллатди.

Ичкаридагилар жеркиниб жавоб қайтаришди. Сметана эшикни муштлай бошлаганди, ниҳоят у қасирақусур очилди.

Остонада ясама қизил бурун ёпиштирган, ҳурпайган қизғиш парикли, тўқ-қизил кўйлак устидан нимча кийган йигит кўринди.

У Сметананинг кўкрагига балалайка билан туртиб, тишларини ғижирлатаркан, даҳшатли овозда ўқирди:

— Оббо, ҳеч тинчлик бўлмади-да! Тинчлик бўл-

мади ҳеч! Киришгани-киришган-а! Хўш, нега суқу-ласиз? Нима бор бу ерда сизга? Нимангги унутиб қолдиргансан? Кўриб турибсан, одамлар фойдали жамоат иши билан банд, уларга халақит беришяпти, репетицияларини бўлиб қўйишяпти. Суқулишгани-суқулишган, нуқул суқулишади...

Бирдан йигитнинг кўзлари хунук олайиб балалайкани қизғиш парикли боши узра кўтарди.

— Худо ҳаққи, нақ ҳаммани бир чеккадан қаншарига туширганим бўлсин! Худди мана шу балалайка билан!

— Ҳай-ҳай,— деб қўйди Сметана беозоргина.

У шунақанги ёйилиб, шунақанги дўстона кулдики, ҳатто қип-қизил қулоқлари ҳам қимирлаб кетди.

— Ҳей, хўжайин ўзингни бос! Зарур бўлгани учун келдим. Ольга шу ердами?

— Қанақа Ольга?— ўкироқ, ёқимсиз товушда мингирлади йигит.

— Ольга Трегубова. Ишченко бригадасидан.

Сметана жавоб ҳам кутмай лип этиб ичкарига кирди.

— Ольга!

Нимчали йигит ёнига тупурди-ю, қаҳр-ғазаб билан эшикни шунақанги қаттиқ ёпдики, ҳатто даҳлиздаги бак устида турган кружка ҳам зириллаб кетди.

У эшик иллагини шарақлатиб туширди...

Лекин Сметана шу заҳоти шартта келиб, илгакни орқага сурди.

Эшик ланг очилиб кетди.

Кўчадан даҳлизга қуюн урилди. Ичкари чанг-тўвонга тўлди. Елвизак ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб юборди. Йигитнинг бошидаги парик ҳам учиб кетди.

Трегубованинг шамол тўлган янги кўйлағи кўлчиди.

— Қаёққа? Трегубова, қаёққа?— фарёд кўтарди йигит бошидан тушган паригини илиб оларкан.

Шунда малла парик остида йигитнинг ўзига ярашган қора, дағал сочи борлиги кўринди.

— Чиқишинга руҳсат бермайман!.. Труппанинг ўзига яраша интизоми бор... Репетицияни бузганинг учун жавоб берасан! Бу — жамоатни менсимаслик!..

Ингит оғзига келганини қайтармай ўдағайларди. Трегубова билан Сметана кўчага чиқиб, шартта бино бурчагига ўтишди.

Бу ер почта барағи бўлиб, олдида гўла ётарди. Улар ана шу гўлага ўтиришди. Сметана ақволни тушунира кетди. Трегубова унинг гапларини диққат билан эшитди.

Сметананинг гапига тушуниш унча қийин эмасди, икки оғиз сўзиданоқ Ольга гап нима ҳақда эканлигини фақмлади.

Шундай бўлса ҳам кичкина, думалоқ, очиқ пешонасини тириштирди.

Унинг катта, япалоқ, содда юзидаги ҳамма аъзолари — бурни, даҳани, оғзи, ёноқлари ихчам эди. Буларнинг ҳаммаси ўта чақчайган митти, ўткир мовий кўзлар олдида бамисоли қип-қизил ўйинчоқ кидишлардек бир ерга жипслашгану, юзининг қолган ерлари ўша-ўша аввалгидек қолганди.

Қиз ҳаминша қаттиқ ҳайратланаётгандек кўринарди.

Ҳозиргина у репетицияда беҳад ҳаяжонланаётганди. Ҳа, театрни жон-дилидан яхши кўрарди. Ҳозир ҳам чехрасида ҳамон ролдаги ҳолағ сақланиб турарди.

Ольга янги қурилишга келиб, ифлос, ташландиқ баракда тартиб ўрнатаётган чаққон қишлоқ қизи ролини тайёрлаётганди. У — озодаликни тарғиб қилаётган агитатор қиз эди.

Ольга саҳнада сувга ботирилган ҳўл супургини ароқхўр ва ишқмасларга силкир, қандалалар ҳақидаги қўшиқни куйлар, рақсга тушарди. Кўзлари эса атрофга дадил, муғамбирона ва ҳатто нозланиб боқарди.

Лекин бир зумда бу ҳаяжон ўрнини бошқа бир, яхлит, омилкор ҳаяжон эгаллаб олди.

Сметана чўнтагидан бригададаги партиясиз ишчилар рўйхати ёзилган ёндафтарчасини олди.

Қиз катта, дарағ қўллари билан Сметананинг елкасидан қучганича ҳарсиллаб рўйхатдаги фамилияларга кўз ташлаб чиқди.

Улар бригада аъзоларининг алоҳида-алоҳида ва ҳаммани бирваракай ишлаб чиқариш, турмушдаги сифатларини муҳокама қила бошлашди.

Ҳазилакам иш эмасди бу.

Ингилишишга ўрин йўқ эди.

Бригаданинг партиясиз аъзолари Сметана ва Трегубова қаршисида худди йўқлама қилингандек рўйхат бўйича ёнма-ён туришди.

Улар ўн тўрт киши эди. Ун тўрт тоифали ўспирин.

Ораларида бир ойгина аввал худди қишлоқдан ёллаб келтирилгандек ҳали «ғўр» янги ишчилар ҳам, олти ой бурун келиб, қурилишда қиши билан ишлаган «қариялар» ҳам, икки-уч ойлик ишлаб чиқариш стажига эга «ўрта» ҳоллар ҳам бор.

Уларнинг баъзилари ҳамон уйидагиларни соғинар, зерикар, орқада судраларди. Баъзилари бирмунча кўникиб қолишган. Баъзилари ҳамма нарсани улуғиб, иштиёқ билан берилиб ишлардилар.

Лекин ҳалиги уйини соғинаётганлар туни билан қишлоқда ўрганилган деҳқон қўшиғини айтишар, пул ва буюмлар тўплаб, қайтиб кетишга ҳозирлик кўришарди; баъзилар учун эса бригада оилага айланиб қолганди; баъзилар даштдаги Уралнинг қирқ даражали бўронли, йигирма тўрт соатли тинимсиз иш билан ўтган қишини бамисоли афсонавий юришдек хотирлайди. Баъзилар собиқ жангчилар сингари ўзларининг аввалги жангларини эслар, худди фахрли жароҳатдек совуқ урган бармоқлари билан ифтихор қилишар, ҳар бир сменадан баракка худди жангдан қайтгандек қайтишарди. Ҳа, улар учун қурилиш — фронт, бригада — взвод, Ишченко эса — командир, барак — резерв, котлован — окоп, бетонқорғич — гаубицадек эди. Ҳаммалари биродар, ўртоқ ва тенгдош эдилар.

Вақт ўтган сари ишчилар ҳам бамисоли жанг майдонида чиниққан солдатдек ўрин алмашинишарди.

Янги келганлар жангчига, жангчилар, — қахрамонга, қахрамонлар эса етакчиларга айланарди.

Сметана билан Трегубова рўйхатга тикилиб анча ўтиришди.

Бу орада почта зинасидан у ёқдан-бу ёққа қанча одам ўтиб кетди.

Почта ҳам ўша баракнинг ўзи.

Ушланавериб қорайиб кетган фанер эшик нуқул гижирлар, тарақларди. Қўлида хат, посылка, газета ушлаган одамлар дам юқорига кўтарилишар, дам пастга тушишарди.

Почтадан хат олганлар уни йўлма-йўл очиб, дуч келган жойда тўхтаб, ўқишади. Посилка текканлар эса тахта девор ёнига ўтириб, тумшуклари тахтага теккундек энгашганларича ўралган бўз матони сидиришади.

Нарироқда пўстинли одам бамисоли ерга таъзим қилаётгандек соқол босган афтини ерга теккизиб, чўккалаб олган.

Почта тирбанд. Марка ёпиштириш учун жой ҳам йўқ.

Бояги одам хатни ерга қўйганича деярли ётгудек бўлиб марка ёпиштиряпти.

Почтахонага бурун катаги хиёл бўртган, вазмин костромаликлар, қариялар, қозон татарлари, кавказликлар — грузин ва чеченлар; пиджак ва қия ёқа кўйлак кийган бошқирдлар — немислар; москвалик ва питерликлар; украинлар, еврейлар, белоруслар, хуллас, турли миллат вакиллари келиб-кетарди.

Юк ташишга мўлжалланган икки тоннали машинага хат пачкаларини иргитишмоқда. Почта поездига етказиб бериш учун шошилишяпти.

Пачкалар бирин-кетин учади. Баъзан каноп узилиб, хатлар ҳар томонга сочилади. Хатлар машинага ортилган юк уюми устига ташланарди. Юк эса, устмас-уст қалашиб кетган.

Ўн мингларча хат.

Ўн мингларча бинафшаранг сиёҳда ёзилган қинғир-қийшиқ, гиж-гиж хато, районлар, областлар, қишлоқ советлари, колхозлар, шаҳарлар, почта бўлимлари, кичик темир йўл бекатлари, исм ва фамилиялар, чалкаш ёзилган адреслар кўзга ташланади...

Кўк ва қизил катакли, оқ, бир чизиқли, қия чизиқли дафтардан, газета қоғозидан ясалиб, ҳамир билан ёпиштирилган жигарранг тусли хонаки конвертлар машина кузовига тўкилади.

Нефедов Сметана билан Трегубова қаршисида анчадан бери турипти.

У тўппа-тўғри иккинчи қурилиш участкасидан, «Комсомольская правда» вагонидан баракка — Сметана ёнига югурганди. Йўлда Ишченкони учратди. Бригадир унга Сметананинг қаердалигини айтиб берди.

Найнов Нефедов Сметананинг қўлидаги рўйхатга кўланка солиб, симёғочни қучганича жимгина турарди.

Унинг кўзи юк машинасига учиб тушаётган хатларда бўлса ҳам, қулоғи Сметананинг гапларида эди. Машинага тушаётган хатларнинг эса кети кўринмасди.

Нефедов мана шу хатларнинг Иттифоқ бўйлаб қандай тарқалиши ва одамларни қувонтиришини ўзича тасаввур қилиб кўрарди.

Хатлар адашиб, қайтиб йўлда давом этади, эгасини тополмай майда зарралардек севаланиб, товланиб, олға кетади, симлар устида ўрмалайди. Симлар эса фортепьяно янглиғ қаттиқ ва кучли овоз чиқаради, худди таранг симлар устида елимланган сархил хатлар югураётганга ўхшайди.

Хатлар югура-югура кейин таққа тўхтайдилар! Ҳаммаси бир бўлиб тўсатдан тор симига урилгандек бўлади! Кейин «Фауст»нинг мунгли марши Гуно аккорди бор кучи билан сандонга урилгандагидек гумбурлаган овоз атрофга таралади.

Симёгочнинг энг теран қаъри гувиллайди.

Нефедов симёгочнинг худди пишган тарвуздек зирилловчи танасини кафти билан сийпалади.

Зириллашдан унинг кафти узра чумоли галаси ўрмалаб, қўли орқали бутун елкасига таралаётгандек бўларди.

Боши хиёл айланар, айланиб гувилларди.

Нефедов музикани жондан севарди — унга қулоқ тутди.

Хушёр тортгач, кўзойнагини тўғрилади. Унинг тешик-тешик тунука банди қуёш нурида қирғичдек ялтирарди.

Нефедов энгашди-да, Трегубова билан Сметананинг бошларини ушлаб бир-бирига секин уриб қўйди.

— Салом, хўжайинлар! Бас қилинглар! Ҳаммаси зинқ-равшан. Ёқлайман. Гап бўлиши мумкин эмас! Таклифим агар Харьков рекордидан ўзиб кетсак, ҳамма партиясиз болаларни комсомолга қабул қиламиз.

16

Марказий телефон станцияси меҳмонхона ёнидаги завод бошқармаси биносига жойлашганди.

Бошқарма биноси меҳмонхонадан сира қолишмасди. У гиштин, ойнабанд, беш қаватли, улкан бино бўлиб, меҳмонхонаю мазкур бино бу ернинг фармонбардорига ўхшарди.

Маргулиес муъолишдан шамолдек айланиб ўтди.

Елка бўйи пастки деразаларда кўкиш чақмоқ учқунларди. Бу — радиостанция ишлаётганлигидан да-лолат эди.

Елвизак Маргулиеснинг қўлидаги эшикни юлқиб чиқарди. Маргулиес эшикни этити билан тепганди, очилмади. Шундан кейин у кифтларини ишга солиб, шамол тўсатдан иккала тазақасини очиб, Маргулиес зинапояга чиқиб қолди.

Сўнгра шартта иккинчи қаватга кўтарилди.

Пиллапояларни қоплаган қуруқ қурум оёқ остида қум аралаш гирчилларди.

Йўлакда телеграф туйнукчаси ёнида мухбирлар баҳслашиб туришарди. Бу табиий. Маргулиес кепка-сини кўзи устигача тушириб, қадамини тезлатди.

Мухбирлар барибир уни таниб қолишди.

— Ҳа, хўжайин!

— Уртоқ Маргулиес, битта саволим бор!

— Менга қара, Давид, тўхта. Беҳазил. Харьков рекордига нима дейсан?

Маргулиес журкалистлар қуршовида қолди.

У худди ўртоқлари сингари ўзи ҳам ҳайратда экан-лигини ифодалагандек истеҳзо билан жилмайиб, қўл-ларини кулгили ёйди.

— Биласизми, — деди у. — Бу жуда мураккаб са-вол... Мен, албатта, жоним билан батафсил жавоб бе-рардим... Лекин... Соат тўққизда Москва билан гап-лашишим керак... Ҳозир эса...

— Тўхта, Давид. Менга шунга айт-чи: бир сменада уч юз олти қоришма тайёрлаш мумкинми ёки мумкин эмасми?

Маргулиес, икки бармоғи билан оҳиста бурнини ушлаб, ҳиқиллаб қўйди.

— Биласизми...

У бу ердан жавоб бермай кетолмаслигига тушун-ди.

Лекин шу пайт йўлак охирида шаҳарлараро теле-фон станцияси эшиги очилди-ю, навбатчи телефонист-ка қўлидаги бланкани силкитди:

— Давид Львович! Нима қиляпсиз? Мен сизни улайман. Будкага кириг.

— Кўряпсизми...

Маргулиес, ҳатто одамлар билан гаплашгани ҳам қўйишмайди, дегандек айбдорларча яна қўлларини ёйди.

— Мен беш минутдан кейин!— Маргулиес шундай деди-ю, гаплашиш хонасига отилди.

Навбатчи столидаги электр контроль соати еттидан тўрт минут ўтганлигини кўрсатиб турарди. Бу Москва вақти билан.

Москва вақти бу ердан ронпа-роса икки соат орқанда юрарди.

Маргулиес кигиз қопланган будкага кириб, эшигини зичлаб ёпди.

Эшик ёпилиши билан худди вақт ҳам беркилгандек, хонани бутунлай сокинлик қамраб олди.

Бамисоли вақт хона атрофида зич, қўзғалмас муҳит бўлиб тўхтагандек.

Лекин Маргулиес қулоғига телефон трубкасини хиёл теккизиши билан тўхтаб қолган вақт ўрнига фазо тилга кирди.

Ҳа, телефончи қизларнинг яқиндан ва узоқдан эшитилаётган товушлари, атмосфера разрядларининг кучсиз чарс-чурси, узоқ масофадан келаётган гулдираш, сигналларнинг чивиндек гингиллаши, шаҳарларнинг ўзаро боғланиши билан гапираётганди.

— Челябин! Челябин. (Ту-у-у, ту-у-у...) Челябин!

— Челябиндан гапиряпмиз. Пермь! Пермь! (Ту-у-у, ту-у-у, ту-у-у...) Пермь!

— Пермдан гапиряпмиз, Пермдан гапиряпмиз, Пермдан гапиряпмиз... (Ту-у-у...)

Мембрана қитирлай бошлади. Балки қаердадир момақалдироқ гулдиряётгандир, алоқа ёмғир оралаб, ёрқин папоротниклар, камалак, совуқ, озон гази оралаб ўтаётгандир. Булутлар ҳам тимқора пўлатдан ишланган ўт очииш қуролидек Урал тоғлари узра ётгандир.

— Москвадан гапиряпмиз, Москвадан гапиряпмиз. (Ту-у-у, т-у-у, ту-у-у...) Москвадан гапиряпмиз.

— Алло, мен эшитяпман! Алло! Алло... Телефонда Маргулиес...

Жимлик. Фазо шовқини. Микроскопик шов-шув. Паниша гингиллаётгандек чийиллаган сигнал эшитилди.

Наҳотки Катя уйда бўлмаса! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Қаттиқ ухлаётганлигидан қўнғироқни эшитмаётгандир. Телефон йўлакда.

...Москвада ҳозир соат етти. Еттидан беш минут ўтди. Икки соат илгари қоронғи эди, ҳозир ғира-шира

ёруғ, шимолнинг май туни. Деярли тун ҳам эмас, салкам кундуз.

Эҳ, қандай ажойиб тун!

Вокзал ортидаги осмонга денгиз сувидек яшил ёғду қуйилади. У дақиқа сайин кўпаймоқда. Трамвай симларига минг свечали юлдузларнинг бутун бир шодаси осиб қўйилган.

У ерда, Москвада ҳам кураш кетяпти.

Трамвай рельсини судрашдаги тарақа-туруқ, бири-бирига урилишидан чиққан овозлар эшитилади. Одамлар бўлса:

«Қани, олдик, бир, икки, уч!» — деб қаттиқ бақиршади,

Рельс тўппончадан ўқ узилгандек қарсиллаб ерга тушади.

Кавланган кўча ўртасида, атрофида одамларнинг радиус шаклидаги соясини ҳосил қилганича шашка ва шпаллар орасида электросварканинг зангори шуъласи чақнайди.

— Алло! Москва! Аппарат олдида Маргулиес!

Жимлик. Шовқин.

Маргулиеснинг кўз ўнгида яна Москва гавдаланади: биринчи трамвай янгиланган рельсни гижирлатиб ўтмоқда, «Динамо» сув станциясида тонг шафағи ялғиланган, булут фонидида сузувчи пайдо бўлади.

У қамалда қолган машинага ўхшаш баланд тахта супанинг кулранг-кўкиш зиналаридан юқорига кўтарилади. Кейин сув тепасида осилиб турган трамплиннинг шундоқ чеккасида тўхтади.

Эгилувчан тахта миқти гавда оғирлигидан енгил эгилади.

У ёш Москванинг ана шу ажойиб шаффоф тонгида кўзга ташланган кулранг-мовий дарёни, истироҳат боғининг гулхоналарини, Қрим кўпригини, Воробьев тепалигининг кўк дудини, баржали кема, Шаболова радиостанциясининг симли минорасини, булут, гуллар, теннис тўрлари, трамвай ва қурилаётган корпусларини ўз бағрига олмоқчидек қўлларини кенг ёяди.

Маргулиес бемалол ва чуқур хўрсинди. Қўлларини боши узра кўтариб, қовуштирди.

Ҳозир у одам эмас, юк кўтарувчи стрелага ўхшарди.

Маргулиес пича силкинди. Аста, сезилар-сезилмас мувозанат ҳолатидан чиқди.

У қўлларини шошиямай ёйганича сув сари шўнги-
ди.

Йўқ, у шўнгигани йўқ...

Учяпти. Ҳозир стрела эмас, қалдирғочга ўхшайди.
У ҳозиргина чиққан қуёш ёрдусида баралла кўринади.
Кураклари тортишиб, нақ белидан бошигача таранг-
лашди.

Маргулиес қавога кўтарилган.

Қўллари яна боши узра бирлашиб, оёқлари қайчи-
дек қисияди. У яна стрелага ўхшаб қолганди.

Бир зумда у атрофга томчи сачратмай, тонг сувига
шўнгийди.

17

— Алло! Москва!

Жавоб йўқ. Қитир-қитир.

Тўсатдан шовқин ичидан (бамисоли зулмат қўйни-
дан кучли ёритилган ерга совуқ, баркашдек юзли ким-
са чиққандек) қаттиқ, бегона, совуқ овоз эшитилди:

— Сиз Москвани буюртма қилганмидингиз? Гапи-
ринг.

— Алло! Маргулиес гапиряпти!

Енгил шақирлаган овоз эшитилди. Алоқа уланди.
Қаердадир, миңларча километр нарида кўтарилган
трубка овози, кейин ингичка, паст, лекин аниқ товуш
эшитилди:

— Эшитаман.

— Салом, Катюша. Мен, Додяман. Эшитаясанми?
Додя гапиряпти. Салом. Ухлаётганмидинг, уйғотиб
юборгандирман-а? Кечир мени.

— Нима гап ўзи? Ким гапиряпти? Ҳеч нарсага
тушунмаяпман.

— Додя гапиряпти. Сенмисан, Катя? Мен, уйғотиб
юборгандирман, кечир, деяпман.

— Азбарои кудо! Нима бўлди? Бирор нарса бўл-
дими сенга? Вой худо-ей, ҳеч нарса тушунмаяпман!

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Мен Додяман. Наҳотки
ёмон эшителиётган бўлса? Мен сени яхши эшитаяпман.
Мен сени уйғотиб юбордимми, уклаётганмидинг, деяп-
ман?

— Нима?

— Ухлаётганмидинг деяпман?

— Нима бўлди?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ.

— Бу сенмисан, Додя?

— Ҳа, мен.

— Нима бўлди?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ! Кечир, сени уйғотиб юбордим. Гапимни эшитяпсанми?

— Ҳа, эшитяпман. Ҳаммасини бўлмаса ҳам ҳар қалай эшитяпман.

— Салом, Катя.

— Нима бўлди?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ! Салом, Катя, деяпман! Бориб саватимнинг ичини қара — эшитяпсанми, саватда кўк дафтар бор, литография қилинган, немис тилида, профессор Пробстнинг лекцияси. Эшитяпсанми?

— Эшитяпман. Эсингни едингми! Қанақа сават? Мен бирон нарса бўптими деб ўйлабман. Мени уйғотиб юбординг. Энди соат етти бўлди. Йўлакда оёқяланг турибман.

— Нима?

— Йўлакда оёқяланг турипман, деяпман.

— Мен ҳеч нарса тушунмаяпман. Йўлакда эмас, менинг саватимда — кўк дафтар, немис тилида, «Профессор Пробст лекцияси» дейилган.

— «Профессор Пробстнинг лекцияси»ни кеча мен Харьковга — Мишага юбордим, у молния телеграмма юборган экан.

— Қанақа молния? Нима молния?

— Миша Афанасьевга. Миша Афанасьев эсингдами? Володянинг ўртоғи. Шошилишч почта орқали Харьковга жўнатдим.

— Эҳ, лақма! Сендан ким сўраганди?!

Маргулиес терлаб кетди. У кигиз сирилган кабинани муштлади. У шу топда уришишга ҳам тайёр эди. Лекин сралиқ уч минг километр! У тинчланди, ўзини тутиб олди.

Катя жим эди.

— Катя, эшитяпсанми?

— Ҳа, нима эди?

— Эшитяпсанми деяпман?

— Мен йўлакда оёқяланг турибман.

— Гап бундай, Катюша. Уйғотиб юборганим учун мени кечир. Лекин, илтимос қиламан, ҳозироқ профессор Смоленскийнинг уйига бориб келгин. Гапимни эшитяпсанми? Адресини ёзиб ол.

— Тўхта, ҳозир қалам олиб келаман.

Яна жимлик. Шовқин. Шовқин ичидан яна баланд, бегона, совуқ овоз эшитилди.

— Гражданик, беш минут тамом бўлди. Яна гап-лашасизми?

— Ҳа, яна гаплашаман.

— Гапиринг.

Шовқин орасидан тагин Катянинг товуши эшитилди.

— Қани, айт. Адреси қанақа?

— Ёз: Молчановка, ўнинчи уй, ўн тўртинчи квартира, профессор Смоленский. Ёздингми?

— Ҳа, ёздим.

Маргулиес унинг эснаганини аниқ эшитди.

— Такрорла.

— Профессор Смоленский, Молчановка, ўн, ўн тўртинчи квартира.

— Тўғри! Ёки аксинча. Кечирасан, эҳтимол, ўн тўртинчи уй, ўнинчи квартирадир? Эшитяпсанми? Ёки аксинча. Хуллас, икковидан бири, тушундингми?

— Тушундим. Унга нима дейишим керак?

— Унга Маргулиес салом айтди дегин, у мени танийди, аналитик ҳисобни сўраётганлигимни айт! У биледи. Сен унга аналитик ҳисоб десанг бўлди! Эшитяпсанми?

— Ҳа, эшитяпман, эшитяпман.

— Аналитик ҳисоб. Фақат, азбаройи худо, азизим, эсингдан чиқарма. Харьков рекорди хусусида экан, дегин. У балки, ўқигандир, ўз фикрини айтсин. Ўз фикрини айтсин. Асосийси эса аналитик ҳисоб. Энг охирги аналитик ҳисоб! Гапимга тушундингми?

— Тушундим. Харьков ва энг охирги аналитик ҳисоб.

— Тўғри. Мен сенга соат ўн иккида қўнғироқ қиламан.

— Ўн иккида? Нима? Қачон? Ўн иккида дедингми?

— Ҳа, бизнинг вақтимиз билан ўн иккида, Москва вақти билан ўнда. Эшитяпсанми? Бугун Москва вақти билан ўнда. Хўш, аҳволинг қалай? Ойимдан хабар борми?

— Додя, жиннивой. Мен йўлакда оёқяланг турибман. Ойимга пул жўнатдингми? Ойим ионнинг охирида бу ерга келади.

— Нима?

— Ойим июннинг охирида келади, деяпман.

— Хўп, аналитик ҳисобни ёдингдан чиқарма. Соат ўнда қўнгироқ қиламан. Хўп, ҳозирча.

— Ҳозирча.

Маргулиес трубкани илди.

Бўшлиқ ўзининг бутун қўзғалмас кўлами билан тўхтади.

Лекин кабина эшиги очилиши билан бўшлиқ яна ҳаракатга келди, қуршовдан озод бўлган вақт гувиллай бошлади.

Контроль соат саккиздан чорак ўтганлигини кўрсатиб турарди.

Эшик орқасида, йўлакда Маргулиесни мухбирлар ҳалиям пойлаб туришарди.

Маргулиес телефон бўлими орқали бошқа йўлакка, бошқа зинага олиб чиқувчи эшикка ўзини урди.

— Ўртоқ Маргулиес! Давид Львович!

У чўчиб тушди.

Орқасидан навбатчи телефонист қиз югуриб келарди.

— Давид Львович! Гаплашиш ҳақини ким тўлайди? Тўхтанг. Ун олти сўм чўзинг. Ёки завод бошқармаси ҳисобига жўнатайми?

Маргулиес хижолат чекди.

— Э, йўқ, азбаройи худо... Нималар деяпсиз!...— пичирлади у чўнтагига қўлини суқаркан.— Худо ҳаққи, мени кечиринг. Паришонлик!

Маргулиес шошилиб, ён чўнтагидан ҳамёнини олди. Ундан ўн сўм чиқди. Шим чўнтагини кавлаштириб яна гижимланган беш сўм топди. Бошқа пули йўқ эди. У қил-қизариб, журналистлар турган эшикка хавотирланиб назар ташларкан, пулни зина суянчигига қўйди.

— Майли, бир сўм қарзсиз. Қолиб кетмайди. Квитанция керакми?

Маргулиес қўл силтади.

— Бир сўмни соат ўн иккида олиб келиб бераман. Илтимос, шу вақтда яна Москвани улаб берсангиз, ўша номер. Майлими?

Навбатчи телефончи қиз унга бармоқлари билан пўписа ишорасини қилди.

— Москва билан гаплашиш ёқиб қолди шекилли, шопмай тулинг, Давид Львович!..

Маргулиес йўлак бўйлаб бориб, зинадан пастга

тушди. Кейин бошқа йўлак орқали юриб, завод бош-қармаси даҳлизидан чиқди.

У ерда простокваша билан ватрушка сотилаётган экан. Маргулиес пештахта ёнига яқинлашди, лекин пули йўқлигини эслаб, қайтди.

«Ҳечқиси йўқ, — ўйлади у, — зора нонуштани меҳмонхонада қилсам. У ерда бирон кишидан қарз оларман».

У йўлакнинг ярим доира шаклидаги зинасига — очиқ ҳавога чиқди.

Қора иссиқ чанг автомобиль билан четан девор ўртасида айланар, от думида гувиллар, бетга урилар, қўлдан газетани юлқиб, учар гиламдек ёйиб учирар, ўзининг ўқ-дориси — майда тош парчаларини дарахт барғларига шатирлатиб урарди.

18

№-темир йўл узели асбоб-ускуна ва материаллар ортилган маршрутларни доим кечиктирарди.

Езишди — ёрдам бермади. Сим қоқишди — фойдасиз. Бригада юборишди — бўлмади. Ҳамма чоралар тугади.

Бундай давом этиши мумкин эмас.

Қурилиш бошлиғи аэродромга қўнғироқ қилди. Қурилишнинг махсус самолёти бор. №-темир йўл узели унчалик узоқ эмас, ниҳояти уч юз километр. Соат бешгача бемалол бориб келиш мумкин.

Жигарранг қўнжли этик кийган қурилиш бошлиғи оёғини узун автомобилнинг зинасига қўйди.

У йўлакай нонушта қилаётган эди.

Қурилиш бошлиғи кўзига чангга қарши тақиладиган кўзойнагини туширди, унинг ойнасида қуёш шафағи ўйнади.

Атрофдаги манзара қуруқ, паст-баланд.

Уртоқ Серошевский йўлда тутилиб, ушланиб қолишдан кўрқиб шоңилаётган эди. Ҳаммавақт шунақа — кўришдими, гапга тутишади.

Автомобилнинг зинасига резина қопланган. У вафляга ўхшаб кетарди. Серошевский худди узангиде тургандек оёғини унга тираб турарди. Шофёр машинага газ берди.

Серошевскийнинг хотини коттеждан оёқяланг югуриб чиқди. У ранги ўчган ҳаво ранг яктакбичим уй

қўйлагида, ҳали сочини турмаклаб улгурмаган — жингалак сочида тароқ ва қисқичлар осилиб турарди.

— Серошевский! Бир минутга! — қичқирди у.

Машина титради.

— Тўхта... Тентак... Эсингдан чиқибди-ку...

Серошевский унга қайрилиб ҳам қарамай, икки қўлини орқасига узатди. Хотини портфель ва тўппонча тутқазди.

Серошевский портфельни машина ичига итқитди, тўппончани эса катак шимининг орқа чўнтагига солди.

Энди кетса бўлади. Фақат тезроқ юриш керак.

Лекин фурсат бой берилганди. Ресторан айвонида кечаги америкаликлар пайдо бўлишди.

Улар икки киши.

Бири — ихчам жуссали, кўнгилчан мўйсафид.

Ҳамён сингари бунақа замшали, юмалоқ даҳан, бунақа кичкина лаб, бунақа бўртиб чиққан, порлаб турувчи кўзлар фақат Твенъ кампирларидагина бўлади.

У эгнига енгил қора костюм-шим ва нимча, ичидан кенг ёқали сариқ қўйлак кийган, бўйнига жун галстук боғлаган, оёғида дағал қўтос тери асл бошмоқ.

Иккинчисининг бўйи баланд, ёш, мўйлов қўйган, кенг елкали, бинафшаранг башанг костюм кийган, енгил каскеткада, оёғида турли рангдаги замшали спорт туфлиси.

Ёши улуғи — Мистер Рай Руп — бадавлат турист.

Ёшроғи — Леонард Дарлей — унинг таржимони, Америка газета трестининг Москвадаги мухбири.

Улар — қурилишда меҳмон.

Серошевский меҳмондўст мезбон бўлиши керак. Бу шубҳасиз, унинг кўп қирра хизмат бурчига кирарди. У шофёрдан бир минут тўхтаб туришини илтимос қилиб, америкаликлар ёнига тез юриб борди.

Улар бир-бировлари билан самимий қўл қисишди.

Серошевский улардан қандай жойлашганликларини, тунни қандай ўтказганликларини, чивин кўп безовта қилмадими, деб суриштирди. Э-ҳа, улар жуда яхши ухлашипти, ўз уйларидек ҳузур қилишипти.

Меҳмонлар Уралдаги мана шундай қақроқ чўлда, Европа билан Осиё чегарасида ажойиб кotteж, лаззатли нонушта бўлишини сира кутмаганликларини эътироф этишди.

Мистер Рай Руп бепарволик билан бош силкиб, кўзини қисди. У ихчам, дўмбоқ қўлларини қорни ус-

тида қовуштириб, дам таржимонга, дам Серошевскийга қағади.

Йин энгия бош қимирлатиш орқали мистер Леонард Дарлейнинг сўзини бўларкан, ҳеч нарсани таржима қилмаслигини сўради. Айни вақтда айёрона жилмайиб ҳам қўйди.

Мистер Серошевский унга ёқиб қолибди.

Леонард Дарлей эҳтиром билан жилмайиб, таржима қила бошлади: Мистер Рай Руп ўзига ароқнинг жуда ёқиб қолганлигини айтяпти; мистер Рай Руп умуман ичмайди, ичкилик саломатлигига тўғри келмайди, лекин нонушта олдидан жажжи рюмкачада татиб кўрди— бу шўнақанги ажойиб бўлса ҳам урал чўлларида ароқжўр бўлиб қолишдан қўрқяпти.

— Мистер Рай Руп айёрлик ва маъқуллаган маънода бош ирғади.

Уртоқ Серошевский одоб билан жилмайди. У кетмоқчи бўлиб турганидан мистер Рай Руп мистер Серошевский ароқ ичишни яхши кўрадимиз, дея сўради қизиқиб.

Мистер Серошевский очиқ чеҳралик билан баъзан бир неча рюмка ичажагини айтди.

— О, ҳа, баъзан, бу ҳатто фойдали, лекин ҳаммавақт эмас албатта.

Мистер Руп мистер Серошевскийга кўрсаткич бармоғи билан кулгили тарзда пўписи қилди.

Мистер Леонард Дарлей:

— Бу ерда ишчилар кўп ичишадими? — деб қизиқди.

Серошевский қурилишда спиртли ичимлик сотиш умуман ман этилади, чет эллик мутахассислар бундан истисно, уларнинг ўз ресторанилари бор, деб тушунтирди.

— Э-ҳа, бўлакча қоида экан-да бу ерда. Бу жуда қизиқ, ҳатто, эҳтимол, бутлегорлар ҳам бордир.

(Мистер Леонард Дарлей ёндафтарчасини олди.)

— Совет Россияси Қўшма Штатлар изидан боряпти, дейишлари бежиз эмас экан. Лекин у Америка айнан барҳам бераётган нарсани бошляпти,— мингирлади Дарлей дафтарчасига нималарнидир ёзаркан.

Мистер Руп кўзини маънодор қисди.

Серошевский асабийлашди.

— Афсуски, мен сизлардан узр сўрашга мажбурман...

Шофер қараса иш чатоқ. У машинани тез қайириб, бошлиқнинг шундоқ ёнгинасига олиб келди. Серошевский машинанинг қизиган бортини ушлади.

Лекин мистер Руп, афтидан, бундай дилсуҳанлик билан бошланган суҳбатни бўлишга майли йўқ эди. У суҳбатлашишни жуда хуш кўрарди.

У бу ернинг иқлими ва табиати (албатта, кечадан бери кўришга улгурганлари) ҳақида шошилмай қизиқувчанлик, айни вақтда фаҳм-фаросат билан бирмунча мулоҳазалар билдирди. У қурилиш марказидан бирмунча узоқроқда, тоғ ёнбағрида коттежлардан бунёд этилган бу посёлка жуда қулай, деб баҳолади: бу ерда чанг ва шамол хийла кам; ҳавоси ниҳоятда қуруқ, шифобахш (унинг фаҳмлашича); худди курортнинг ўзи; айтгандай, денгиз сатҳидан неча метр баландликдайкин? Уч юз олтмишдир: ёки каммикин?

Ўртоқ Серошевский қўл соатнинг никелли милларига аста кўз қирини ташлади, соатдан қайтган нур кўзини қамаштирди.

Ундан чорак ўтипти.

Мистер Рай Руп ўртоқ Серошевскийнинг қўлтиғидан олди. Улар табиатга суқланиб, шошилмай уёқ-буёққа юришди.

Машина жуда секинлик билан уларнинг кетидан эргашиб борарди.

Ажойиб манзара: агар қайин дарахти бўлмаганида деярли альпийскнинг ўзи.

Далаларда қайинлар қад кўтарган.

Уларнинг учлари тик қоялардан аранг кўринади. Қуруқ, тиллоранг тана ва барглари қуёш нурида мавжланади. Булут намани шимиши билан қорайиб, бўртиб кетади.

Шамол у ердан марваридгулнинг майин ҳидини олиб келарди.

Йўлда ўтлоқдан елини тирс-тирс, бўлиқ сигир қайт-япти.

Урал тизмасининг ажойиб қиёфаси ана шу ердан бошланади. Ғарб уфқи узра тоғларнинг кўкиш чўққилари кўзга ташланади.

Мистер Рай Руп завққа тўлган.

— Урал тизма тоғлари, қадимий Montes Riphæi — меридианал тизма тоғлари Осие ва Европа оралиғидаги чегара... Большевиклар икки дунё, икки маданият чегарасида туришипти. Бу дабдабали, тўғрими?

Ўртоқ Серошевский паришон бош ирғади.

— Ҳа, бу жуда улуғворлик.

У икки дунё чегарасида турган большевикка номуносиб андишасизлик билан суҳбатни ярмида тўхтатиб, жўнашга тайёр эди.

Лекин уни Налбандов қутқазди.

Налбандов катта ирғай ҳассасига тиралганича ёнла-масига катта-катта одимлаганича тоғдан тушиб ке-ларди.

Америкаликлар бу хушбўй большевикка, унинг қо-ра чарм фуражкеси ва шу тусдаги нимпальтосига, қо-қора, узун, чўққи соқолига қизиқсиниб қарашди.

Налбандов юқори малакали партиявий мутахассис-га хос кескин, такалдуфсиз, лапанглаб одимлар, суяк-дор бурнининг учи кертик, худди мушкага ўхшайди. Кўзлари қисилган. У бамисоли қарамай нишонни мўл-жалга олаётгандек эди.

У ҳозиргина янги «Армстронг» парма дастгоҳини қабул қилиб олди. Қўлтиғида кўк калька — лойиҳа ўрами. У ҳовлиқар, шошиларди.

Налбандов Серошевский билан учрашиши керак эди.

У катта-катта ва вазмин қадамлаб, унинг ёнига етиб келди.

— Менга қара, Серошевский...

Налбандов салом-аликсиз, меҳмонларга диққат ҳам қилмай, карьерданоқ гап бошлади:

— Менга қара, Серошевский, анави Островски-йингни жин урсин, бутун бригадаси билан орқасига тўртта тегиб, қурилишдан ҳайдаш керак!.. Улар мон-тажчилар эмас, турган-битгани зараркунандалар. Ҳеч нарсанинг фаҳмига боришмайди, шошилишади, ишни чалкаштиришади...

Налбандов анчадан бери Серошевскийга кўп нарса-ларни айтишга шайланарди.

Айниқса Маргулиес унинг жаҳлини чиқараётганди.

Тўғри, бу бевосита Налбандовга алоқадор эмас, лекин ҳар қалай бўлар-бўлмас, қалтис экспериментлар ўтказишга йўл қўймаслик керак. Қурилиш французча кураш майдони ҳам, масъулиятли бетон қуйиш эса, ҳар хил олатасирчи — мансабпарастларнинг машқи учун жилов ҳам эмас... Бу ерда, албатта, гап шахс устида эмас, принципда бўлиши керак...

Серошевский буни бепарволик билан эшитди.

(Келгач, текшираман.)

— Таништиришга рухсат этинг, — деди у шошилиб,

— бизнинг навбатчи инженеримиз — Налбандов. У сизларга қурилишни кўрсатади: қизиқаётган эдинглар шекилли?

Серошевский Налбандовга қаради:

— Георгий Николаевич, азизим, қимматли меҳмонларни участка ва унинг атрофида сайр қилдир. Марҳамат, жаноблар. Айтгандай, мени аэродромга ташлаб ўтинглар. Бу ердан узоқ эмас. Кейин бош устига — машинам сеат бешгача сизларнинг ихтиёрингизда.

Серошевский яна ушлаб қолишлари ҳавотирида бир йўла, тўхтамай гапирди ва вазиятдан енгил фойдаланиб, ҳаммаларини тўғри тақсимлади-қўйди. Налбандовни америкаликларга, америкаликларни Налбандовга топширди, ўзи энди самолётга жўнайди.

Налбандов бир оз ҳаяжонланиб, меҳмонлар билан кўришди. У энди меҳмонлар хизматида

Серошевский югуриб бориб, машина эшигини очди, мистер Рай Рупни ўтқазди, ўз ўрнини эса мистер Леонард Дарлейга бўшатди.

У Налбандовдан меҳмонлар билан бирга ўтиришини сўради. Ўзи олдинги ўриндиққа, шофер ёнига жойлашди. Бу унинг яхши кўрган жойи. Энди фақат шошилиш керак.

Мистер Рай Руп юзидаги мамнунлик, мулойимлик, сустликни ўзгартирмай, қаттиқ, қулай болишга ёнбошлади.

У ўзини одатдаги муҳайёпеша ва илтифотли муҳитда тасаввур қилиб, худди ваннадагидек ёйилиб ўтирди.

Меҳмон янги жойда, шинам машинада тез юришни жуда яхши кўрарди.

Уни ҳамма ерда тақаллуф кўрсатиб яхши машинада олиб юришар, диққатга сазовор ерларни, теваракатрофни, табиат манзараларини кўрсатишарди...

Ҳозир ҳам кўрсатишади.

У қовоқларини уйди.

Шофер машинага яна газ берди.

Машина шартта ўрнидан қўзғалди.

Иссиқ шабада радиатордан айланиб ўтиб, юзга урилди.

19

Иссиқ елвизак стол устидаги блокнотлар, қайдлар ёзилган айрим қоғозлар, дафтарчалар ва газеталарни учирарди.

Беллетрист Георгий Васильевич ҳар бир саҳифани бирон-бир оғирроқ нарса: кружка, темир парчаси, тарелка, гайка, бўш сиёҳдон билан яхшилаб бостирди.

Ниҳоят энди ишлаш мумкин.

Авторучкадаги сиёҳ қуриб қолипти. Шунинг учун у қўлига қалам олди. Аслида қалам билан ишлашни унчалик ёқтирмасди. Шундай бўлса ҳам қоғозга тез-тез ёза бошлади:

«Ҳаёт деразам орқали худди ребусдек намоён бўлади. Қаршимда турли фигуралар: одамлар, отлар, четан деворлар, симлар, машиналар, буғ, ҳарфлар, булут, тоғлар, вагонлар, сув... гавдаланаяпти. Лекин уларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқ эканлигини кўролмайман. Аслида ана шу ўзаро боғлиқлик мавжуд. Бир-бирига таъсир этувчи қандайдир қудратли куч бор. Бу мутлақо шубҳасиз. Бунга яхши биламан, бунга ишончим комил, лекин уни кўролмайман. Қийнайдигани шу. Ишонасану кўролмайсан! Шу ҳақда бош қотираману, лекин ана шу ребусни ечолмайман...»

У «ишонасану кўролмайсан» сўзларининг тагига икки чизиқ тортди.

Қуруқшаган бесўнақай стол шундоқ дераза рафига теккудек деворга тақаб қўйилган. Дераза рафи ҳаддан ташқари баланд — столнинг бўйига бир ярим баравар келади.

Дераза уч табақали, «венецианча». Унинг эни бўйига қараганда бирмунча сербар.

Хона жуда тор. Унда битта стол, учта стул қўйилган. Соябонсиз лампочка осиглиқ. Ола-була бўялган темир каравот, унинг тагида фибра чамадоннинг бир бурчаги кўриниб турипти.

Бошқа ҳеч нарса йўқ.

Ҳарорат сояда Цельсия бўйича йигирма, очиқ жойда ўттиз тўрт даража иссиқ.

Дераза-ребус ғарбга қараган.

Қуёш осмоннинг шарқ қисмида. У ҳали ғарбга ўтиб улгурмаган.

Хонага ҳали қуёш тафти тушганича йўқ. Шунга қарамай ҳарорат камида қирқ даража иссиқ.

Каравот рўпарасидаги девор доим қизигани-қизиган — кафтингни қўёлмайсан. Шувоғи кўчган. Оҳаги сапсариқ. Девор ичидан ошхона мўриси ўтган. Ошхона деярли кеча-кундуз ишлайди.

«...Лекин мен ребусни ечолмайман...»

Бўлмаса-чи! Шундай иссиқда калла ишлармиди!

Уни айнан шу хонага тушиб қолишига ким мажбур қипти? Лекин нима ҳам қила оларди! Бошқаларда бу ҳам йўқ.

Шамол қўлидаги қоғозни юлқийди, деразадан қисимлаб кўкнори уруғи сепгандек йирик, зангори тунроқ итқитади.

Нафас олиб бўлмайди.

У биринчи кеча меҳмонхона вестибюлида, тўсиқ ортидаги «Почта бўлими ва давлат меҳнат омонат кассаси» столида ухлади. Стол ҳам қаттиқ, ҳам калта эди. Ётишга мис тарози ҳам халақит берарди. Лекин ҳар қалай эшик олдида, полда ётгандан дўруст эди.

Ҳеч кимга давлат идорасида тунашга рухсат этилмасди. Георгий Васильевичнинг номи ва касбини ҳурмат қилиб рухсат этишди.

Кундузи у частка бўйлаб тинимсиз айланади, тўхтаб, тикка турганича ёндафтарига кўрган-кечирганларини ёзиб қўяди.

Мана ўшалардан айримлари:

«...«чекиш учун» махсус тахта бостирмалар. Бошқа ерда чекиш қатъиян ман этилади. Ўртада сувли катта тоғора. Атрофида, девор бўйлаб кичкина скамейкалар. Кашандалар ана шу скамейкаларда ўтириб чекишар, тупуришар, енглари билан оғизларини артишарди. Улар сира ишчига ўхшамаган ўйчан ёшлар...»

«Тезлик, ритмлар тартибсиз. Бир-бировига монанд эмас. Темир йўлдан ўтиш жойида турибман. Юк поезди маневр қиляпти. Маҳаллий четан арава йўртади. Беш тоннали юк машинаси чанг тўзитади. Лип этиб велосипед ўтиб қолади. Инсон одимлайди (дарвоқе, у қаёққа кетяпти?) Қорни ичига қапишган узун оёқли бошқирд туялари ёғоч судрайди. Улкан, уч маторли аэроплан парвоз қилади. Ҳаммасида турлича тезлик. Ақлинг бовар қилмайди. Ахир биз турли тезликлар даврида яшаймиз. Уларни бир-бирига мослаш керак. Ёки улар мослашганмикин: лекин қандай қилиб?»

«Бир ярим йил муқаддам бу ер тап-тақир, асов, жазирама дашт эди. Кимсасиз. Сокин тоғлар. Бургут-қузгунлар. Бўрон. Бу ер темир йўлдан юз эллик километр,

яқин орадаги шаҳардан эллик километр узоқда эди.
Энди-чи: мўъжиза...»

«Қурилиш турли даврни бошидан кечирган: дастлаб ертўлали, кейин ёғочли. Ҳозир эса бу ерда темир, бетон ҳукмрон. Янги кўкимтир темир-бетон тахта, ёғоч опалубкалардан тозаланади... Ҳадемай машина (монтаж), кейин электр (ЦЭС) даври бошланади...»

«Турли рангдаги газ баллонлари. Кўк баллонда кислород. Оқида—ацетон. Қизилида—водород. (Уларни нима қилишаркин?)»

«Тўпчилар тўдаси-бетончилар бригадаси «замбарак» келтириб, «ўқлашади...» Унбошй-мушакчи (қўлида ёндафтарча ушлаганича югуради, сўкинади). Моторист—наводчик...»

«Кўряпман: комсомоллар бригадаси ёғочсиз ишлаяпти. Ғишт теришнинг янги усули. Осмон мовий. Ута мовий! Улар лойдан кўтарилган деворнинг ингичка қовурғасида — махсус ишланган қувур бўлса керак — ишлашаркан, қўшиқ айтишади. Улар куйлаган сари ғишт устига ғишт терилиб, девор кўтарилар, айни вақтда ўзлари ҳам кўтарилишарди. (Девор куйлаётган одамлар билан бирга кўкка кўтарилаётганга ўхшайди. Ёшликми?)»

У қоғозга яна бошқа анча-мунча нарсаларни ёзиб қўйган.

«Лекин ана шу барча деталлар орасидаги боғлиқлик нимада?»

Эртасига кечқурун комендант уни иккинчи қаватдаги ишламайдиган ваннахонага кўчирди. Бу ер ҳар қалай дуруст эди. Лекин бари-бир ишлаб бўлмасди.

Эрта билан тўртинчи қаватнинг бурчагидаги кичкина хона бўшади. У ҳар уч-тўрт кунда мунтазам бўшаб турарди. Афтидан, ҳеч ким у ерда кўпга чидолмасди.

Бу ерда кўпдан бери яшовчилар мазкур хонани яхши билишади. У ҳатто «каупер» деган махсус ном ҳам олган эди.

Лекин «каупер» дегани нимаси?

Георгий Васильевич техник жиҳатидан тайёрланмаган, янги одам бўлганлиги учун «каупер» нима эканлигини билмасди.

У комендантни қистаб, ана шу хонани навбатсиз олди.

Хонамисан хона экан!

Георгий Васильевич салқинлатувчи экранга ўхнаш нарса ўйлаб топди: ярамас девор олдига стулларни тахлаб, унга ҳўл чойшабни илиб қўйди.

Чойшаб ҳам чидаш бермади — ярим соатга борар-бормас қуриди.

Георгий Васильевич қип-яланғоч ечинди-да, эшикни ланг очиб қўйди. Шамол ғуриллади. Бундай шабадада яланғоч ўтириш жуда роҳат, лекин ноқудай эди.

Шамол пардани йўлакка итқитади-ю, эшик пардасиз қолади. Йўлакда — хона қаршисида эса фаррош аёллар юришарди. Унга кўзалари тушиши мумкин.

Георгий Васильевич пардаларни осонгина тутиб, хонага қаттиқ тортғач, икковини бирлаштириб, тўғнағич қадади. Шу заҳоти тўғнағич тортилиб, парда тар эди-ю, яна йўлакка елпинди. Бояги тўғнағичнинг ўрни ўйилиб қолди.

У тупуриб қўйиб, кальсонини кийди.

Лекин кальсонда юриш ҳам ноқулай.

• Эшикни ёпди.

Дақиқа ўтмай хонада яна нафас бўғила бошлади.

Георгий Васильевич чилп-чилп иссиқ тер бадани устидан резинка макинтожини кийди, бўйнигача тутмасини қадаб, оёғига тунги туфлисини илди-да, дурбинини олиб, меҳмонхона бўйлаб айланинга чиқиб кетди.

20

Улар аэродромдан қайтишарди.

Серошевский учиб кетган эди.

Радиатор иссиқ ҳаво пуркайди.

Мистер Рай Руп орқага ёстаниб, даҳанини галстукка босганича букчайиб ўтирипти. Шляпаси бурнигача тушган, ёнларидан мулойим боққан сермулоҳаза кўзалари атрофга жавдирайди.

Қизил қум билан қопланган йўл илонизи ва паст-баланд.

У гоҳ юқорига, гоҳ пастга, дам ўнгга, дам чапга ўрлайди. Шундай бўлишига қарамай, у муттасил пастга йўналган. Автомобиль пастга тушаётиб, тоғни айланиб ўтди.

Унга уфқ бирдан чекиниб, тоғнинг кенг қия бағри уларга яқинлашди.

Чапда — туман орасидаги чексиз бўшлиқда бепоён пасттекислик қулоч кериб ётипти.

Адирлар дағал ва ёпишқоқ тоғ гиёҳлари билан қопланган. Унинг ҳар ер-ҳар ерида ранг-баранг, тўқ-қизил рудаларнинг оғир парчалари, яшил-нуқра лишайникларнинг панжасимон нақши тушган катта-катта харсангтошлар.

Нарида, ўнг томонда иссиқдан нимбўзарган осмон ёнади. Унга ёпишган булут тинимсиз югуради.

Бурғилаш вишқасининг учи ҳам югуриб, булутга пешвоз чиқади.

Беш юз ўн саккизинчи горнизоннинг «очишиш» нуқтаси қип-қизил рангга чулганган. Уша ерда оппоқ буғ ўрлади. У бир неча дақиқада кўринмае локомотивларнинг бир текис ҳуштагидан нарига ўтиб олди.

Налбандов мистер Рай Руп томонга бир оз ёнбошлаб, тик ўтирарди. У чизиқ-чизиқ кирлаган тирноқли катта қўллари билан тўқ-сарик ирғай ҳассасини ушлаганича бошини эгиб олганди.

Налбандов билан Рай Руп ўртасидаги йирик қавима ўриндиқда лойиҳа ўрами сакрайди.

Бундан бери неча дақиқа олдин улар орасида суҳбат бошланганди. Суҳбат бир қадар нохуш бошланди.

Мистер Рай Руп темир йўл маъмуриятининг ўзи осонгина баргараф қилиши мумкин бўлган — темир йўл станциясидаги арзимаган қийинчиликка шахсан аралашини учун аэропланда махсус учиб кетган ана шундай ажойиб, ғайратли қурилиш бошлиғини кўриш кўнгилини кўтарди... — деган илтифотли узун кириш сўзини мистер Леонард Дарлейдан Налбандовга таржима қилиб беришини сўради.

Бироқ Леонард Дарлей таржимага энди оғиз очгани ҳамки, Налбандов дарҳол қатъий оҳангда инглизчалаб:

— Майли, овора бўлманг. Мен инглизча гаплаша оламан, — деди.

— О! — ҳайқирди мистер Рай Руп завқ билан. — О! Бу жуда, жуда яхши. Бу жуда кўнгилдагидек. У ҳолда, менинг бемаъни гапларимни таржима қилавериш жонига теккан муҳтарам Леонардни бундан кейин қийнамаймиз. Тўғрими, оқсоқол Леонард? Жонингизга тегдими?

У қаршисида — очилувчи ўриндиқда ўтирган мистер Дарлейнинг кенг елкасига қабарик қўллари билан меҳрибонона уриб қўйди.

— Лекин, — қўшимча қилди мистер Рай Руп айёро-на кўз қисиб, — лекин, мен ҳам русча гаплашишни озгина ўрганиб олдим. Мен Москвада уч суткагина бўлдим, шунга қарамай, чин сўзим, энг зарур русча гапни айтишни ўрганиб олдим. Тўғрими, Леонард? Бу универсал гап қандай эди...

У лабларини тишлаб, бир оз тин олди-да, Налбандовнинг қўлини оҳистагина ушлади:

— Кто это? Ха... мана шу гап...

У шляпасини энсасига сурди-да, русча сўзларни нотўғри, дона-дона қилиб талаффуз этди:

— Ха... «Кто последни, я за уами...»

Мистер хахолаб кулишга тайёр эди. Лекин Налбандов ўзини жиддий тутди. Америкалик йўталиб, лабларини қисганича жим бўлди.

Улар бир неча дақиқа жим кетишди.

Ҳозир ўринсиз бошланган суҳбатни тиклаш учун баҳона — тоғ, кон, бурғилаш вишкаси кўзга ташланди...

Налбандов қоп-қора соқолли афтини шартта ўгириб, бошини силкиди.

— Буни оддий тоғлар деб ўйлайсизми? Йўқ. Бу уч юз миллион тонна руда дегани.

— Уч юз миллион?

Мистер Рай Руп сўз тасомай қолди.

— Уч юз миллион?

Мистер Дарлей чўнтагидан ёндафтарчасини олди.

— Уч юз миллион. Ҳа. Тонна.

Налбандов кўзларини узоқларга тикди. У хурсанд эди. Қурилишнинг кенг статистик қиёфасини кўрсатиш, рақам ва кўлами билан ҳайратда қолдириш, аниқ ва мукамал техник тушунча бериш — унинг табиятига хос одат. Налбандов ўз зеҳни ва билими билан мақтанарди.

У ҳар бир гапига далиллар келтирарди.

— Уч юз миллион. Тугал бўлмаган ҳисобга кўра. Келгусидаги тадқиқотлар бу рақамни анча оширади. Аслида ўз рудасининг сифати бўйича жаҳондаги энг бой тоғлардан бири ҳисобланади. Унда олтмиш беш, олтмиш етти процент соф темир чиқади. Рудали коэффиценти — бир тонна рудага бир тонна бегона жинс тўғри келади. Энг жадал ишлаб чиқариш техникаси

имкониятида бу запас узоқ ўн йилликларгача етади. Шундай экан...

Налбандов бепарвороқ бошини чапга силкиди.

У ерда, чапда, паст томонда — қурилишнинг қатта-конт майдони кўзга ташланарди.

— Шундай экан... қурилишнинг кенг қулоч ёйишига сира ажабланмаса ҳам бўлади. Хув анови томонга қаранг. Бизнинг қурилиш майдонимиз. Бу ердан у худди кафтдагидек кўринаяпти.

(Худди «кафтагидек». Йўқ. У — темир йўл линиялари кесишган, дўнг ва нотекис, тоғ тизмалари панжалари тармоқ отган дағал, ботқоқ бўлиб, қирқ беш квадрат километр майдонни ўз ичига олган).

— Ана шу ерда дунёда энг кучли саккизта домна печи бўлади. Уларнинг ҳар бири суткада бир минг икки юз тонна руда эритади. Янаги йилнинг октябрь ойиданоқ биз эритадиган металл ҳажмини тўрт миллион юз минг тоннагача оширамиз. Ана шу юкни заводдан олиб чиқиб кетиш учун олти мингта яқин поезд керак бўлади. Завод территориясидаги хом ашё ва тайёр маҳсулотларни ташийдиган ички транспорт учун беш юз километрдан ортиқ, бошқача қилиб айтганда, деярли Москва билан Ленинград оралиғидек масофага темир йўл ётқизилиши керак. Мана бу ерда сиз биринчи ва иккинчи номерли домна печларини кўряпсиз. Унинг деярли қирқ икки проценти тайёр.

Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Америкаликлар паришонлик билан чапга назар ташлашди. Қурилайётган иккита домна узоқдан шахтёрларнинг кичкина тўрли лампочкасига ўхшаб кетарди. Яқин бориб қараганда йнгирма қаватли уйдек катта бўлса керак.

Мистер Рай Руп кўзини ҳорғин юмди.

Ҳаддан ташқари катта рақам. Техникалар ҳам қаддан ташқари кўп. Кўлами эса ундан ҳам катта.

Йўқ, инсоният мутлақо эсини еб қўйган. Техника — бу дунёдаги катта кулфат. Мистер Рай Руп аллақачон шу хулосага келган. У анчадан бери шу ҳақда ажойиб китоб ёзиш орзусида. У бу китобни албатта ёзади. Мазкур китоб — техниканинг инсониятга ҳалокатли таъсири ҳақида — машинага қарши ўткир памфлет бўлади.

Мистер Рай Руп ўзининг ардоқли хаёлига чўмди.

Налбандов эса гапида давом этар, буюк рақамлар-

ни келтирар, объектларни илдам кўрсатар, катта ир-
гай ҳассасини дам ўннга, дам чапга ниқтарди.

Автомобиль тоғдан пастга тушди. У қурилиш ва уй-
жой участкаларидаги тартибсиз ускуналар орасидан
иссиқ чанг булутини тўзитиб елади.

Мистер Рай Руп кўзини очди. У мулойим жилма-
йиб, мистер Налбандовга: «Чекка томонни томоша қи-
лишимиз мумкинми? Бу ер — қурилиш майдони, ўта
чанг ва иссиқ. Ташқари, чўл томон жуда ажойиб бўл-
са керак. Айтишларича, ана шу бепоён Урал чўллари-
да ҳозиргача кўчманчилар сақланиб қолган эмиш», —
деди.

Налбандов шоферга ўша томонга юришни буюрди.

Машина меҳмонхона олдидан елиб ўтди. Меҳмон-
хона атрофидаги беҳисоб ойна синиқлари қуёш нурида
кўз очирмай ялт-юлт қилади.

— Ўртоқ Налбандов! Бир минутга!

Чоғроқ жуссали, соқол-мўйлови ўсган, сочлари тўз-
ғиқ (бош кийимсиз) қоп-қора киши қўлида блокнот уш-
лаганича меҳмонхонадан отилиб чиқиб, машина сари
югурди. Унинг оёғида этик, эгнида жигарранг галифе
шим, эски қора чарм куртка. Олди ланг очиқ. Ундан
аллақандай рангли тўр майка узра қалин жингалак
тукли кўкраги кўриниб турарди. Гилватага ўхшаш за-
ҳил кўзлари чақнаб, ялтирарди.

— Эй, хўжайин! Бир минутга.

У энди шоферга мурожаат қилди.

Блокнот ушлаган киши машина зинасига сакраб
чиқди.

— Битта саволга жавоб беринг. Харьковликлар
рекорди хусусида фикрингиз қандай?

Налбандов тез ўгирилиб, унга тикилди.

— Сиз ўзингиз ким бўласиз?

— Ростанинг мухбириман. Назаримда, биз завод
бошқармасида учрашгандик шекилли.

— Билмайман. Ёдимда йўқ. Бу ерда мухбирлар
кўп. Хўш, шахсан мендан нима истайсиз, ўртоқ мух-
бир?

— Сизнинг харьковликлар рекорди хусусидаги
фикрингизни билмоқчиман.

— Харьковликларнинг машъум қоринмаси қақида
сўраяпсизми? Улар қанча чалпишган? Уч юз олти
шекилли? Билмайман. Қизиққанам йўқ. Менга деса оё-
ғи қолиб, бошлари билан юришмайдими.

— Хўш. Харьковликлар тажрибаси бизнинг қури-

лишда тадбиқ қилинишига шахсан сиз қандай қарай-сиз?

Налбандов бирдан тескари ўтирилди.

— Билмайман. Балки бизда ҳам қандайдир... Ута таъсирланганлар топилиб қолар. Ҳар ҳолда, шахсан менга келганда, очигини айтишим мумкин: ана шу ҳамма экспериментлар мутлақо бемаънилик, техник жиҳатдан эса саводсизлик. Бу ер французча кураш майдони эмас, қурилиш, азизим.

— Расмий фикрингиз шуми?

— Йўқ, шахсий фикрим.

— Жуда яхши.

Роста мухбири машина зинасидан сакраб тушди.

— Шундай деб ёзамиз.

21

У пол сатҳини қоплаган қум аралаш чангни гижирлатиб босганича эшиклари ланг очиқ, ёпиқ хоналар, муаллақ осилиб, шамолда кўндалангига ҳилпираётган йўлакдаги беқарор пардалар ёнидан ўтиб борарди.

У эшиги очиқ, бўш хоналарга қаради.

Хоналарда ялтироқ ойнабанд славян жавонлари, зўлдирлари никелланган нозик темир каравотлар, тухумсимон шаклдаги нозик столчалар, умивальниклар, турли ранг, таранг тортилган доира шаклидаги хонаки шойи абажурли ёғоч стол лампалари кўринарди. Бу меҳмонхонанинг хонаки жиҳозлари умуман жудаям оддий ҳамда ана шу жазирама, қадимий Пугачёв чўли қўйнида, шамоллар, елвизаклар, бўронлар ўзаро куч синашаётган жойда туриши шунчалик ғалати ва номуносибдек эди.

У зиналардан юқори кўтарилиб, пастга тушиб, йўлак тўридаги тўрт бурчак симтўрли улкан дераза ёнига яқинроқ борди.

У тўқ-сарғиш қуюқ бўёқ билан енгилгина бўялган дераза олдида тўхтаркан, унга худди бир наққошлик асарига қарагандек завқ билан тикилди.

Деразалар тўрт томонга — шимол, ғарб, жануб ва шарққа қараган.

У йўлакдан йўлакка, деразадан деразага ўтарди.

У турибди-ю, қурилиш манзарасини, икир-чикирлари билан атрофида айланар, яққол кўзга ташланади.

Бараклар, палаткалар, йўллар, симёгочлар, изоляторлар, уйлар, кранлар, экскаваторлар, чуқурлар, тупроқ уюмлари, вагонлар, опалубкалар, тоғлар, тепаликлар, гиёҳлар, тутунлару чиқиндилар, отлар...

Ана шу бепоён манзара ичида онда-сонда — қанчалик йироқда бўлса шунча кичик шаклда — одам фигураси ўзининг митти сояси билан бамисоли бир зумда тайёр бўладиган фотосуратдек ҳаракатсиз кўзга ташланади.

У дурбинни кўзига қўйди.

Дурбин ҳам оддий эмас, ойнасига чизик тортилиб, белгилаб қўйилувчи артиллериянинг заррабинли, дала дурбинидан.

Георгий Васильевич дурбинни кўзи олдида буради. Зим-зиё бўшлиқ чор атрофдан назарга тушиб, афсонавий тарзда катталаша-катталаша у томон яқинлашди.

Умумийлик ўз ўрнини кўринишининг айрим қисмларига бўшатиб берди.

Одам гавдалари ҳақиқий инсон бўйи ва рангича улғайиб, умумийликдан қўзғалмай ажралди ва ҳаракатга келди.

Энди улар дурбиннинг чизик ва белгилари (плюс ва минуслар) ўртасида юришар, туришар, қўлларини кўтаришар, кўзойнаклари ярқирарди.

«Булар ким?» — ўйлади Георгий Васильевич дурбинни бир пландан иккинчи планга олиб ўтаркан.

Мана, масалан, қаердадир — ярим километрча нарида (қаердалиги номаълум, чунки умумий кўринишдан ажралиб чиққан) бир одам келяпти.

У аниқ, рўй-рост кўриняпти!

Эғнида қора шим, ёқаси очик оқ кўйлак, бош кийимсиз, оёқ яланг.

У юмалоқ бошини кескин эгиб, кенг елкасини туширган кўйи кичкина жигарранг яланг оёғини бир-бир босиб кела бошлади.

Ана, у тўхтади, пастга қаради. Нима гап? Ҳа, ҳандаққа дуч келипти. У чуқур четида бир оз турди-да, ўнгга бурилди.

У ҳандақ ёқалаб бораркан, пастга тушиладиган жой қидиради.

Мана, у чўққайиб, пастга сакради-ю, кўринмай қолди. Орадан бир минутча вақт ўтди. Тўсатдан худди ердан чиққандек, ҳандақнинг нариги чеккасида пайдо бўлди. У боши узра қандайдир симни ошириб ташлади.

Бир лаҳза кўйлаги кўринди. Елкаси хира тортган, ҳўл.

Кўйлагининг кифти тердан ҳўл бўлиб кетган бу ушоқ, ялангоёқ одам қаёққа кетяпти: ўзи ким? Нима қидиряпти? Исми шарифи нима? У қурилишда қандай вазифада ишлайди? Тақдири, қурилишдаги роли қандай? Ҳозир нималарни ўйлаяптикин?

Номаълум.

Георгий Васильевич дурбинни бир меъёрда, аста тўқсон даража ўннга бурди.

Лекин симёғочлар, томлар, уловлар ернинг ўйдимчуқурлиги, вагон, қувур сингари нарсалар туганмас шишамунчоқ тизимидек уён-буён биланглаганича жимирлаб, бениҳоя тез ва шиддат билан унга яқинлашди.

Георгий Васильевич бошини жанубга озгина бурган эди, ернинг бир неча километрли тарам-тарам бўшлиги дурбиннинг сеҳрли ойнасида намоён бўлди.

У дурбинни тўхтатди.

Энди дурбинда бутунлай бошқа манзара кўринди.

Афтидан уй-жой қурилиши бўлса керак.

Қандайдир тахта пешайвон, зинапоя, панжара. Турник. Ёғоч оёқлари узун столчада обдаста. Ҳовлида яна турли қиёфадаги ўн беш-йигирматача одам.

Бир хиллари зинапояда ўтиришибди. Бир хиллари ерга узала тушинган. Бир хиллари тикка туришибди. Ошпоқ бошли бири турник штангасидан ушлаганича юқорига кўтариляпти. Бири симёғочга суялган. Ҳаммалари — ёшлар.

Улар кийган рангли кўйлақлар, сариқ ва кўк футболкалар, рўмол ва юбкалар, кулранг брезент шимлар аниқ кўриниб туришти.

Бу ёшлар нима учун йиғилишганикин? Нима қилишяпти? Улар ким? Қўшиқ айтишяптими? Суҳбатлашяптими? Ҳордиқ чиқаришяптими? Футбол ўйнаш учун тўпланишганикин? Балки физкультурачилардир? Ёки зиёратчилармикин?

Номаълум.

Георгий Васильевич бошқа йўлакка ўтди. Яна дараза ёнига борди. Дурбинни созлади. Унинг кўзи олдида тўрт томондаги ўн километрлаб чўзилган ерлар намоён бўлди. Лекин у ҳеч нарсани англаёлмади.

У шарққа қаради.

Тепаликлар.

Қуёш ҳамон шарқда.

Кўринаётган тепаларнинг бири қоп-қора, топталган. У худди аниқ қирқиб олинган силуэтдек синч уйлар, барак ва саройлар устида қуёшга рўбарў турипти. Қоқ тепасида отлар дўғаси, арава шотиси, сигирларнинг шохлари, ғилдираклар қсрайиб кўринади.

У қанақа жой экан?

Тепага чиқаётган, у ердан тушаётган одамлар яққол кўзга ташланади. Ана, икки киши юқорига кўтариляпти. Олдиндаги кенг шимли, шалпайиб бораётганининг қўлтигида тугун; тиззалари кўтарилиб, бесўнақай оёқлари судралади; оёғи тагида қизиган чаиғ тўзийди. Орқадаги озғин, бошини эгиб олгани бир оз гандиракляётгандек кўринади; у биринчиси кетидан изма-из эргашиб борапти.

Жазирамада роса қизиб кетишгандир!

Улар ким экан? Қаёққа кетишаётганийкин? Нима учун кетишяпти? Тепаликда уларга нима бор? Георгий Васильевични бу ерга келишга ундаган барча нарсаларга уларнинг муносабати қандай экан? Улар нима ҳақда гаплашаётган, нималар ҳақида ўйлашаётганийкин?

Номаълум.

У ғарбга қаради.

У ерда энсиз, узун сув кўринди.

У нима? Дарёми? Ҳовузми? Кўлми?

Калтакесакларнинг жиркантирувчи кўк-пушти рангли танасидек кўринаётган бу сокин сувда баҳайбат симёғочлар белигача ботиб, қийшайиб турди.

Сув камари ортидаги нариги қирғоқда тупроқли ним-яшил тизим кўзга ташланади. Ундан нарида эса ясси Урал тоғ тизмаларининг хира манзараси.

Бериги қирғоқда, шундоқ сув ёқалаб пайраҳа ва ғўлалар орасига тор изли темир йўл ётқизилган. Унинг шпалларида қирққа яқин аёллар тизилиб кетишяпти. Елкаларида тахта, арра, қоп. Ораларида қоринлари беўхшов қаппайган ҳомиладор аёллар анчагина.

(Умуман, қурилишда негадир ҳомиладор аёллар жуда кўп.)

Мана, ўшалардан бири.

Бошига пушти жун рўмол ўраган, эгнига эса қишлоқича бурма юбка кийиб олган. У елкасидаги ресордек лапангловчи тахта залвари туфайли оёғини оғир босганича чайқалиб, аранг юряпти. Бу аёл бошқалардек қадам босишга тиришар, лекин нуқул оёқлари

чалишарди; бошқалардан ортда қолмаслик учун ҳаракат қилади, туртинади, йўл-йўлакай рўмоли учи билан тез-тез юзини артади.

Ана шу аёлнинг қорни, айниқса, беўшинов қапшайган. Ой-кунни яқинлашиб қолганлиги аниқ. Балки соатлар қолгандир.

Унга бу ерда нима бор? Нималарни ўйлаяпти? Атроф муҳитга қандай алоқаси бор?

Номаълум.

У навбатдаги йўлакка ўтиб, шимолга қаради.

Уч чўққили тор тепасида самолёт пастлаб учиё боряпти. У ҳозиргина кўтарилган.

(Йўқ, у учаётгани йўқ. Бу унга хос эмас. Самолёт бамисоли фазо булутларининг ўнқир-чўнқир тошли тор йўлида бир шўнғиб, тарақа-туруқ қилиб кетаётгандек кўринарди.)

У қаердан келяпти? Қаерга кетяпти? Ичида ким бор? Нима учун кетяпти?

Номаълум.

Георгий Васильевич зинапоядан пастга тушди.

Эгнига кенг-мўл кўк пиджак, оёғига катта учли этик кийган, жуссаси ушоқ бир одам меҳмонхона ресторанининг ёпиқ эшигини итарди.

Георгий Васильевич ўзининг хаёлий саҳифаларига шу заҳоти унинг тошбақа кўзойнагини, туяникидек бурун катакларини, бошидаги кепкасию атрофдан дўмпайиб чиқиб турган дағал сочларини қайд қилиб қўйди.

— Нима дейсиз? — деди ўша бурундор киши Георгий Васильевичга ғамгин кўзларини қисиб қараркан, уялинқираб. — Бунга нима дейсиз? Ёпиб қўйишипти. Бу ёғи қизиқ бўлди-ю!

— Ҳа, ажабланадиган ери йўқ, тўққиздан биргача доим берк бўлади, — деди Георгий Васильевич хиёл жиддийлик билан.

У қурилишдаги баъзи бир маиший тафсилот ва қондаларни аллақачон билиб олганди.

Бурундор киши бир оз турди, нималарнидир хаёлидан ўтказди, кейин бурнини икки бармоғи билан чўзиб қўйиб, ҳар эҳтимолга қарши эшикни этиги билан туртди-да, орқасига қайтди.

У ким? Қаёққа кетди?

Номаълум.

Ёпиқ эшик олдидаги фанерга ошхона деворий газетаси осиглиқ турипти.

Георгий Васильевич ёндафтарчасини олиб, ундаги битта мақолани кўчирди. У негадир мақолани бутун имлоларини сақлаган ҳолда ёзди.

Мақола мана бундай эди:

«Бизда номаъқулчиликлар. Ўртоқ Жуков намунали йигит ва шу билан бирга яна комсомол. Ишлаб чиқаришда намунали хизмат қилиш ўрнига шунақанги номаъқулчиликлар қилади. Гражданка Молявина билан жанжаллашиб, отилган қуш ичак-чавағини унинг кўзига улоқтирди. Уни тез ёрдамга юбориш керак эди, лекин яхшиям водопровод ишлаб турган экан, кўзлари ювилди.

Ўртоқ ходимлар бундай ўртоқдан намуна олманг.
Бурга».

Унинг тагида оддий перо билан пешбандли кишининг гражданка Молявина юзига бир бўлак нарса отаётгани тасвирланган болаларча сурат. Гражданка Молявинанинг кўзидан ҳар томонга учқун сачраётган бўлиб, унга «мана бу зўр», дея ёзиб қўйилганди.

Георгий Васильевич суратни кўчириб бўлмаслигига афсусланди, лекин мақолани ёзиб ололганидан ҳам мамнун эди.

У қуёш нурида кўзларини қисиб соф ҳаводан баҳраманд бўлиш учун меҳмонхона эшигидан ташқарига чиқди.

Йўлда кимдир фил етаклаб кетяпти.

Бир тўда болалар унинг орқасидан югуришмоқда.

Георгий Васильевич бундан ажабланмади. Бу ерда ҳамма нарсани кутиш мумкин.

У фақат беихтиёр хаёлга толди:

«Фил қаердан келди? Қаёққа олиб кетишяпти? Нимага олиб кетишяпти?»

Номаълум.

Георгий Васильевич ёндафтарчасига фил ҳақида ёзиб, хонасига қайтди, столга дадил ўтирди-да, дафтарчасини ўзига яқинроқ тортиб, иштиёқ билан биринчи мақоласининг дастлабки сатрини ёза бошлади:

«Бундан бир ярим йил илгари бу жойлар қақраган чўл эди».

У мазкур сатрни ёзиб, хаёлга чўмди.

Ярамас девор яна чидаб бўлмас даражадаги иссиқни нуркарди.

У оёғи учида туриб, столи узра очиқ деразадан бошини ташқарига чиқарди.

Миясида пойма-пой фикрлар гужғон ўйнайди.

«Аэроплан учяпти...»

«Бургут, қузғунлар яшаганди».

«Сочлари тўзгиган йигит қўлида блокнот билан автомобиль зинасига сакраб чиқди...»

«Ялангоёқ одам кетяпти...»

«Ҳомиладор аёллар тахта кўтариб кетишяпти...»

«Кимдир фил етаклаб боряпти...»

«Ўртоқ Жўков қандайдир гражданка Молявинага ичак-чавақ отипти...»

— Лекин менга булар нимага керак? Буларнинг бир-бирига қандай алоқаси бор? Йўқ, бўлмайди. Бўлмайди.

У биринчи сатр ёзилган блокнот саҳифасини нафрат билан йиртиб олди-да, парча-парча йиртиб ташлади.

— Судралувчи эмпиризм!— тўнғиллади у.

22

Катя шоша-пиша кийина бошлади.

— Эҳ, Додя доим шунақа ҳунар кўрсатиб юради!..

У йўлакка чиқаркан, шовқин солиб борарди. Қўшнилари безовталаниб, йўлакка қарашди.

Аёлнинг уйқули юзи ғазабноқ, дўрдоқ лаблари бўртган эди.

Катя вешалкадаги шапкачасини юлқиб, эшикни тарс этиб ёпди. Акс-садоси тўрт қаватли уй зинаояларида янграб, пастга шўнғиди ва тариқ сингари сочилиб кетгандек бўлди.

Катя югуриб пастга тушаркан, тўқима жун беретини кийди. Сочлари худди акасиники сингари дағал, ҳурпайган, жингалак эмасми, тўқ-қизил шапкачасини унинг устидан аранг тортди. Боши шу заҳоти катталашгандек бўлди.

Ланг очиқ кўча деразаси ортида ёз тонгининг қийра шафағи ва қурилишнинг тинимсиз, узун тизимлари кўзга ташланарди.

Ҳовлида янги корпус қад кўтаряпти.

Катя дераза орқали шаҳар томларига назар ташлаб қўйди.

Пастда қурум билан қопланган қозон ётипти. Утиб кетаётган ишчи тахтани қўлидаги асбоб билан урди. Қандайдир нохуш овоз бутун корпусга таралди. Лекин шу заҳоти учиб тушган тўсиннинг қасир-қусури бу овозни босиб кетди.

Нариги томонда яна уйлар. Унинг чордоғи чеккаларидан антенналарнинг қийшиқ симлари чиқиб турипти.

Катя бундан ўн йил илгари қишлоқдан бу ерга — акасининг ёнига келди. Ушанда у ўн олти ёшда, акаси эса йигирма бешда эди.

У Москвага тўқима саватининг зулфига қулф ўрнида қалам тиқиб келганди. Эғнида эркакларнинг йиртилган катта пальтоси, бошида эса юлдузли кўк пахтали будёновка.

Тугмачадаккина, ниҳоятда ориқ бу қиз атрофга ҳайиқиб термиларди.

Қиш тугади.

Катя нотаниш уйнинг тўртинчи қаватидан нотаниш шаҳарга қарай бошлади.

Пастда ўтинхона. Қурумда ола-була қор қайин пўстлоғи билан аралашиб кетган.

Ушанда томда антенналар йўқ эди. Черковлар кўйдек кўринарди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам ўшанда черковлар бирмунча кўп эди.

Ун еттинчи асрнинг черковларини ўн саккизинчи асрнинг хашаматли уй ва пастак болохоналари қисиб қўйганди.

Тарих асалари уясидек қалашиб кетган уйлари ажойиб киноварь¹, охра ҳамда кўкранг билан бўяган, шолғом нусха гумбазларни эса пишиқ-пухта зарҳаллаб, колонналарни оқлаган.

Бу ерда гўё тарих тилга киргандек эди. У Қизил Майдонда, Кремль девори ҳамда Минин ва Пожарский ҳайкали ўртасида ётган чағиртошларни ҳам, афсонавий новорачи чакмонини кийиб, тасмасини елкасидан оширган Шаҳризода тасвири бор девор ва гумбазларни ҳам, Василий Блаженный ва Қатлгоҳ ёнидаги думалоқ тош лагадан тортиб то-Иверск дарвозасининг қуйи аркигача — ҳамма-ҳаммасини худди феодалдек танҳо ўзи бошқарарди.

¹ Киноварь — қизилрангли минералдан олинган бўёқ. Бу асрага нисбатан ҳисобланади (тарж.).

Тарих ҳар чорак соатда кечаю кундуз курантларнинг хроматик тилида гапириб қўярди.

У патриотик декорация орасидаги Кремль деворлари бўйлаб худди боёнлардек баланд сувсар телнакда одим ташлайди.

Катя бир неча йил илгари (у буни бутун умр бўйи унутмайди) учиб бораётган қуш қотиб ерга тушган, оппоқ осмонда қуёш нимқизил тусда аранг кўзга ташланаётган киш пайтида портлатувчилар метиндек ерни пироксилин билан портлатаётган жойга келганда саҳтиён этикда қоқилиб тушгандек бўлди...

Ушандан бери Москванинг қиёфаси нақадар ўзгариб кетган!

Катя Зарядьядан Москворецк кўприги ёнидаги трамвай бекатигача тез чолиб борди.

У ҳамон:

— Ҳақиқатан қандайдир жиннига ўхшайди. Бутун квартирани уйғотиб юборди-я. Уни даволатиш керак. Албатта. Буни қаранг, энди оёқни қўлга олиб Молчановкага югуришим, профессор Смоленскийни ахтаришим керак. Яшавор-э,— дея гўлдираб борарди.

Ҳақиқатан ҳам унинг жаҳли чиқар, бу табиий эди.

Айни вақтда Катя акаси билан фахрланарди ҳам, унинг галати, шошилинич, чамаси, ғоятда муҳим топшириғини кечиктирмай, беками кўст бажариш учун ошиқарди.

«Энг сўнгги аналитик ҳисоб. Энг сўнгги аналитик ҳисоб. Йўқ, худо ҳаққи, акамнинг эси оғиб қолган... Унингчи уй, ўн тўртинчи квартира, ўнингчи. Энг сўнгги аналитик ҳисоб. Профессор Смоленский. Профессор Смоленский. Харьков, Харьков, Харьков...»

Кўчада смола тўлдирилган қозонлар ёниб атрофга иссиқ пуркайди. Кўзни олади.

Ремонт Москвани дўзахга айлантириб юборган. Трамвай маршрутлари ҳар куни ўзгариб турарди.

Катя «А»ли трамвайни кутди. У кўринмасди. Ойнадек ялтироқ дарё ёқалаб «А» ўрнига қандайдир бегона, фантастик номерли трамвайлар еларди.

Бу худди лото ўйнидаги омадсизликка ўхшарди.

Катянинг омади юришмасди.

Йўлда нуқул аллақандай номерли трамвайлар кўриниб, бекатда осиглиқ катак харитадаги номерларга сира тўғри келмасди.

Трамвай соати саккиздан йигирма минут ўтганини кўрсатарди.

Такси йўқ. Извошчи ҳам.

Катя Қизил Майдон орқали орқага югурди.

(«Моховая ва Волхонка бўйлаб Причистенск дарвозасигача ўн минут югурилса, у ердан тор кўчалар орқали Молчановкагача беш минут қолади, шугина холос... Энг сўнгги аналитик ҳисоб. Энг сўнгги аналитик ҳисоб...»)

Майдондаги текис ётқизилган янги қайроқтош ялтирайди.

Минин ва Пожарский ҳайкали оғир занжирлар билан ўраб боғланган. Чайқалиб турувчи кран уни кўтариб турипти. Монумент озгина қийшайган.

Мавзолей олдида атиргуллар ўсиб ётипти.

Мавзолейга қопланган ялтироқ қора лабрадор ва пушти гранитда Василей Блаженный бутун борлиги билан акс этиб ҳаракатланади: йўловчилар, автомобиллар, булутлар ҳам ҳаракатда.

Иверск тепасида қуруқ оҳак кукуни билан оқланган устунлар турипти. Қадимий машҳур дарвозалар олиб ташланган.

Тверск муюлишида Охотний рядни бузишарди.

Пречистенск дарвозаси ёнида бекорчилар уймалашишяпти. Улар Христа Халоскор ибодатхонаси гумбазини қисим-қисимга бўлишяпти.

Уни қимматбаҳо буюмдек бўлак-бўлак қилишяпти. Уларнинг тагидаги юпқа сара синчлар яланғочланган, яққол кўзга ташланади. Синчлар орасидан кулранг ёз осмони шийпон ичида турган қақроқ саҳродек кўк тусда ёришиб кўринади.

Қўнғироқхонанинг кичик гумбазини ҳам очилиб қолган. Улар сим катакларни эслатарди. У ерда ишлаётган одамлар бамисоли қафасдаги қуш сингари гимирлашади.

Катя яқингинада Пречистенск дарвозаси ёнида бўлганди. Шунинг учун тўсатдан бўлакларга бўлинаётган ибодатхона кўриниши унчалик таажжубга солмади, унга шунчаки кўз қирини ташлаб қўя қолди.

У жуда шошиларди.

Шу вақтда жомнинг биттаси пастга туширилаётган экан.

У пўлат троста боғланганлиги учун осон кўчди, уни кўтарган трос айлана бошлади.

Катя жомнинг минора учигача кўтарилиб, кейин бир ғийқиллаш билан ҳавода аста айланганича пастга тушаётганлигини кўрди.

Сокин Молчановка кўчаси қуюқ соя ташлаб турган ям-яшил дарахтларга бурканган. У ерда фақат роялнинг тинғир-тинғири эшитиларди, холос.

Май ойи эмасми, бутун Молчановка қизил байроқ ва шиорлар билан безанган. Морожнийчи аёл морожний солинган яшил аравагани гилдиратиб кетяпти.

Катя тайинланган уй ва квартирани осонгина топди.

Эшикни қўлида кумуш гилофли стакан тутганича профессор Смоленскийнинг ўзи очди. У сутчой ичарди. Ҳар ҳўдлаганда стакан ичидаги қошиқча кўзига урилади.

Катя лабларини ялаганича шу ернинг ўзида, эшик олдида акасининг топширигини унга етказди.

— Э,— деди профессор.— Ээ! Марғулиесми? Бўлма-са-чи, Давид Львович-да. Албатта, албатта. Уни жуда яхши биламан. Менинг ўқувчим у. Жуда хурсанд бўлдим-да. Тушунарли. Хўш, бўлмамга марҳамат. Кўрагингиздек — бу ер ҳам бўлма, ҳам емакхона, ҳатто консерватория ҳам. Бунинг учун кечирасиз.

Уй ичида Ганон этюди янграрди.

Катя бошидан беретини олиб, бўрсиган юзларини елпиганича профессорнинг орқасидан юрди.

— Чехов ёзганидек,— гўлдиради профессор паст овоз билан,— бу ер ҳам полиция, ҳам юстиция, ҳам милиция — нақ олижаноб оймчалар институти.

Улар яшилранг билан қопланган (дераза олдида зич заранг дарахтлар ўсганди), турли жиҳозлар тирбанд қўйилган кўҳна хонага чиқишди.

— Оппогим Та-ти-а-на, жозибали музикангизни нича тўхтатишингизни сўрадик.

Узун ва қоп-қора киприкли хунуккина қиз шу заҳоти роялни ёпиб, чит сарафанини нозик қўллари билан назокат-ла тўғрилаб, жимгина хонадан чиқди.

— Вой, тўғрисини айтсам, менга жуда ноқулай бўляпти,— деди Катя.

— Сира безовта бўлманг. Бизда шунақа — ўзгаларнинг ишига аралашмаслик керак, деган қонун бор. Хўш-ш. Марҳамат, ўтиринг.

Катя нақшинкор ишланган дуб ёзув столи ёнига ўтирди.

— Хўш-ш. Демак, билишимча, Давид Львовични бетон қоришининг турли конструкциясида қоришма миқдорини ошириш соҳасидаги охирги Харьков

тажрибаси билан боғлиқ бўлган бутун комплекс масалалар қизиқтиради. Шундай эмасми?

Катя қип-қизариб кетди.

— Ҳа... Турли конструкция... Шекилли...

— Хўш-ш. Ниҳоятда қизиқ масала. Унинг ҳая қилиниши ишлаб чиқариш истиқболида кенг йўл очиб беради. Бизнинг Иншооткорлик институтимизда ўтган куни ниҳоятда қизиқ йиғилиш бўлди. Ҳа. Биз яқлит бир қондани тузиб чиқдик. У шу бугунги «За индустриализация» газетасида босилган.

Профессор Смоленский столга тирсагини тираб, бошини ушлади. У фикрини жамларди.

— Сизга умумий тарзда қандай тушунтирсам экан? Ўзингиз ўйлаб кўринг, бунда икки кескин қарма-қарши оқим нишонга олинган. Бу жуда диққатга сазовор нарса. Кечирасиз, сиз бу масала билан озгина бўлса ҳам танишдирсиз?

Катя профессорга ялингансимон бошидан оёғигача қаради.

— Додя,— деди у юраги дов бермай,— аналитик ҳисобни сўрагани. Биласизми, энг сўнгги аналитик ҳисобни. Кейин Харьков тўғрисида ҳам... Бундан ташқари, мен соат ўнда уйда бўлишим керак. У соат ўнда қўнғироқ қилади. Москва вақти билан ўнда, уларнинг вақти билан эса ўн иккида.

Смоленский майин жилмгайди.

— Хўш-ш,— деди у хушрўй пешонали бошини эғиб.— Хўш-ш. Тушунарли.

У бир оз семиз, гавдали киши бўлиб, эғнига кенг, сарғиш, енгил кўйлак кийган, белига кўк гажимли тизимча боғлаб олганди.

Гир айлантириб текис қирқилган мош-гуруч сочларида дағал тароқ — чўтканинг изи ҳамон сезилиб турпти. Йўғон бўйни тоза ювилган, афтидан, тукли сочиқ билан яхшигина артинган шекилли, қизариб кетган эди.

23

Семечкин ниҳоятда газабнок эди.

Биринчидан — туфлиси.

Тагчарми — майли-я. Телефон сими оёғининг юзини кесарди. Юрдинг оғрийди. Бунинг устига ичига майда сешлар кириб, ботади, азоб беради.

Оёқ учида юришига тўғри келади.

Сакрашнинг нима ҳожати бор эди. Кучини кимга кўрсатмоқчи бўлди? Сметанагами? Ёки Маргулиесгами?

Садқайи одам кетишсин иш бандалари.

Иккинчидан — Харьков рекорди. Ажойиб факт бу, албатта. Лекин бу фактдан қандай хулоса чиқарилди? Айтарли ҳеч қандай.

Семечкин атайин барвақт туриб, харьковликлар телеграммаси босилган газетани портфелига солди-ю, участкага югурди.

У йирик область газетасининг махсус мухбири сифатида ташаббусни биринчи бўлиб ўз қўлига олишни мўлжаллаганди.

Мана энди, буёғи нима бўлгани кўриниб турибди.

Аллақачон участкада одамлар югуриб қолишипти, плакат осишипти, улар Харьков рекордидан ўзиб кетишга тайёрланишар, чекка-чеккада пичир-пичир авжида эди. Ҳеч ким тайинли гап айтмайди.

Ташкилот қаёққа қараяпти? Жамоатчилик-чи? Матбуот қаерда? Йўқ, бунақаси кетмайди.

Семечкин Маргулиеснинг олдига борди.

Маргулиес бўлса аниқ бир гап айтолмай, гўлдирагани-гўлдираган, нуқул оғзига қандайдир конфет солиб: «Тотиб кўринг, жуда мазали», дейди.

Тайинли гапи йўқ! Ҳозир у қаёқда? Йўқ. Қорасини кўрсатмаяпти.

Семечкин Корнеевнинг ҳузурига шошилди.

Корнеев ҳам ҳеч нарсани эшитгиси келмайди: «Ҳа, ҳа, ҳа», дейди-ю кўзини олиб қочади, бурнини жийиргани-жийирган. Кейин қўлида қоғоз-қалам ушлаганича иш fronti бўйлаб югуради, одимини санайди, ўлчайди...

Худди қуруқликдаги кема капитанининг ўзгинаси!..

Сметана билан-ку гаплашишни ҳожати йўқ. У тиржаёди-да: «Сен, Семечкин, ташвиш тортма!» деб елканга қоқади, холос.

Гирт нодон у, анқовнинг ўзгинаси!

Мося ҳам мансабпарастнинг ўзи. У фақат газетага ёзилса бас — қолгани бир пул. Ўшанга маҳлиё бўлади-ю, кўзлари ола-кула гижинганича пичирлаб сўкингани-сўкинган.

(Дарвоқе, қурилишдаги баъзи ўнбошилarning сўкиниб гапириши ажойиб факт. Бундай ўнбошиларни қурилишдан ҳайдаш керак. Бу ҳақда махсус мақола ёзиш лозим: ҳатто бунга оммани кўтариш, кенг жамо-

атчиликни жалб қилиш, союз диққатини тортиш зарур.)

Сағал бошқа ёққа ўгирилдинги, яна ўшалар — Маргулиес, Корнеев, Мося — энди орқангдан нималарнидир пичирлашишади, нима ҳақдадир кенгашишади. Қандайдир сирли дипломатия.

Область газетаси махсус мухбирига нисбатан номақбул муносабат.

Бунақа шароитда бирон-бир рекорд ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслиги маълум.

Ҳа, атрофингда нуқул олағовур сўкиниш, қолақ фикр, оппортунизм, бепарволик, суст раҳбарлик бўлганидан кейин, умуман, рекорд билан ўз вақтида шугулланиб бўлармиди?

Йўқ, Филоновнинг ҳузурига бориш керак. Бундоқ эътибор берсин.

Филонов, албатта, анча бақувват йигит, лекин уддасидан чиқолмаяпти. Очиғини айтиш керак — уддасидан чиқолмаяпти. У билан астойдил, жиддий гаплашиш керак. Масалани «қўндалангига» кенг ва принцинал тарзда қўйиш лозим.

Семечкин Филонов ҳузурига йўл олди.

Участка тушки жазирама иссиқдан ёнади. Қўлидаги портфель қулфи никелли юлдуздек чақнайди. Бамисоли Семечкиннинг атрофида кўзгу акси каби парвона бўлаётгандек. Кўзгу акси дам узоқларга учар, дам резинкага боғлангандек қайтиб келарди.

Семечкин оқсоқланганича участка бўйлаб қора кўз ойнаги орқали ҳар томонга аланглаб борарди.

Қора ойнакда олам аҳамиятсиз ва сирли акс этипти.

Лекин қандайдир хосиятсиз, бадхоҳ акс этар, макрона ўзгарарди.

Қуёш ҳаддан ташқари оппоқ кўринади; осмон — ниҳоятда кўкимтир; ер — ақл бовар қилмас даражада кўкиш-сарик; идора ва будканинг тахта девори — суратдагидек бинафшаранг; одамларнинг юзи ва қўли — сарғиш.

Семечкин бамисоли ердан чиққандек дам у ерда, дам бу ерда — турли жойда бирдан кўриниб қолади. Йўл-йўлакай у одамлар ёнига борар, механизмлар олдида тўхтар, котлованларга кўз ташлар, бир текисда тахланган материалларни узун бармоқлари билан ушлаб кўрар, йўғон овозда нималардир деб минғирларди.

У гоҳо боши ҳам, қўлларини орқасига чалиштирға-

нича чуқур фикрлаётган одамдек портфелини тақими-га уриб тик туриб қоларди.

Тиззаси рефлексив ҳолатда дикирлайди.

Семечкин ниҳоятда қийналиб ўй суради.

Атрофида улкан, мураккаб, сермашаққат қурилиш юмушлари. Семечкин бўлса бу вазиятга на кўникади, на уни эгаллай олади, на кўнгил қўя олади. Улар бир-бирлари билан худди ораларида кўринмас, ўтиб бўлмайдиган қандайдир тўсиқ тургандек сира келиша олмайдилар.

Семечкин қурилиш жараёнини ғайрат билан қўлга олиш, ундаги барча ишларни йўлга қўйиш, тартибга солиш, ташкил этиш, область газетаси орқали жамоатчиликнинг кенг табақаси билан алоқа ўрнатип, қисқаси, доно, намунали эпчил махсус мухбирга хос барча юмушларни амалга оширишни мўлжалларди.

Лекин вазият унга сира бўйсунмасди.

Вазият унга чап берар, қўлдан сирғалиб чиқиб кетарди. Уни бошқа кишилар: Маргулиес, Корнеев, Сметана, ҳатто Мося сингарилар бўйсундиришган, ўшалар бошқаришади...

Ақлли, зардали, ўжар Семечкин борлиққа ғараз билан қарарди.

У ҳамма ерда, ҳаммавақт шундай эди.

Семечкин область марказида ишлолмади. Колхозга қатнади — ишлолмади.

Шундан кейин буюққа йўл олди. У дабдабали ва кенг кўламдаги ишни ахтарарди. Аввалига мана шундай ишларни шу ердан топгандек бўлди.

Лекин ҳамма иш майда кўринар, вазият эса қўлга илинмасди.

Семечкин энди муҳитни ёмон кўриб қолди.

У Филонов ҳузурига кирди.

Филоновнинг овози бутунлай бўғилиб қолган. У энди қичқирмас, гапирмас — фақат қоп-қора, ялтироқ мўйлови остидаги қип-қизил огзини катта очганича, тамаки тутуни чуллаган ҳавони мушти билан кесарди.

У столдаги ведомость ва графикларни юлқиб олиб, қорайган катта кафтида уларни уриб қўяр, ғазаб билан яна столга итқитарди. У қулоғига қистирилган кемтик қаламни олди.

Бу ерга турли тоифадаги кишилар мунтазам кириб-чиқарди.

Эшик тақиллагани-тақиллаган.

Эски ёзув машинкаси велосипеддек аста шақирлаб жирингламоқда.

Ячейканинг торгина хонасида қуёш шуъласида оқиш ялтираган чапг, кўмир янглиғ қоп-қора, лекин дағал соясимон ҳужайралар айланар, ҳар хил тоифага кириб, ғойиб бўларди.

Дам-бадам телефон жиринглайди. Телефон ричаги гижиллайди. Залварли трубкадан кимлардир бўғиқ овозда бақиради.

Деворда анчагина жойни эгаллаган бесўнақай, эски телефон аппарати осиглиқ турар эди. Қўнғироқ қилиш учун чарс-чурс ток урувчи темир дастанни ниҳоятда узоқ айлантириш керак эди.

Семечкин кўзи билан ўтиришга жой қидирди. Хонада учта табуретка бўлиб, ҳаммаси банд эди.

У Филоновнинг ёнига бориб, орқасида деворга суянганича турди.

Семечкин Филонов ёзаётган қоғозга унинг елкаси оша энгашиб, бўйнини ғоз сингари чўзган кўйи бир неча дақиқа қараб турди. Кейин бадхоҳона жилмайди: уларнинг ҳаммаси атайин қилингандек аҳамиятсиз, арзимас қоғозлар бўлиб, қуйидаги гаплар ёзилганди:

«Васютин бригадасидаги ержавлавлчилар учун икки жуфт бошмоқ ва битта брезент пақир бериш ҳақида».

«Санитар инспектори Раиса Рубенчикдан. Қатъий ва сўнгги ариза. Олтинчи уй-жой қурилиш участкасидаги душ ва ахлат қутисининг ёмон аҳволи ҳақида».

«Ноёб миҳдан саккиз ярим килограмми фаросатсизлик билан исроф қилинганлигини текшириш...»

«Қимматбаҳо махсус чарм оёқ кийимини участкага бир оз тежамли гудронланган мато пойафзали билан алмаштириш ҳақида ишчи таклифи».

Майда-чуйда, икир-чикир, арзимас нарсалар.

Филоновнинг атрофида тўпланган одамлар ҳам нуқул арзимаган нарсалар ҳақида жанжаллашиб, шовқин кўтаришади.

Бурни қурум-сурум аравакашлар қандайдир хашак хусусида гапиришяпти.

Қирмизи юзли кекса бошқирд ҳеч ким мутлақо тунунмайдиган тилда серрайиб гўлдираб, мой юқи ҳисоб-китоб дафтарчасига заъфарон тирногини ниқтаганича уни ҳаммага кўрсатарди.

Бетон юқи қўлқопли аёл шовқин солиб қишлоқ советига справка талаб қиляпти.

Янги картошкадек пўст ташлаган бурунли бир бола бадий устахона учун синька бермай ниҳоятда зарур ижтимоий-фойдали ишни бузаётган қандайдир ўртоқ Недобедни қаттиқ танқид қиларди.

Буларнинг ҳаммаси Семечкинга жуда терс, ёқимсиз кўринарди. У бўғилиб, йўталди. Филонов эътибор бермади. Шундан кейин Семечкин панжаларини ёйиб, унинг елкасига қўлини қўйди.

— Салом, хўжайин!

Филонов қизарган кўзларини кўтарди.

Семечкин узун, кулранг бармоқларини Филоновнинг сербар кафтига қўйди.

— Хўш, ишлар қалай, хўжайин? Қетяптими?

— Э,— деди хушмуомалалик билан Филонов.— Саломат бўл. Нима гап?

Семечкин маънодор қилиб: «Ўҳэ, ўҳэ» дея йўталди.

— Гап бор эди.

— Қани, қани. Фақат қисқароқ.

Семечкин портфелини тиззасига қўйиб, очди-да, пошилмасдан ичини титкилади, ундан газета олиб, столга қўйди.

— Ўқи, Филонич.

— Ўқи эмиш. Ўқишга вақт борми? Нима ҳақда экан, айта қол.

— Харьков.

— Ҳа, билдим, билдим. Хўш, нима бўпти?

Семечкин атрофига бир қараб олди-да, кўзойнагини Филоновнинг нақ бурнига яқинлаштириб, овозини бутунлай пасайтирди:

— Билиб қўй, Филонич. Мен ҳозиргина бутун участкани айланиб чиқдим. Ҳм, ҳм, у ерда Харьков рекорди муносабати билан кайфият бутунлай ўзгарган. Баъзилар унга берилиб кетипти. Маргулиес... Корнеев... Оғмачилар иш бошлаган. Факт. Ташкилот орқада — бир. Жамоатчилик уйқуда — икки. Матбуот бўғиб қўйилган — уч. Унбошилар сўқинишгани-сўқинишган — тўрт.

Филоновнинг асабдан пешонаси тиришди. У Семечкиннинг фикрини уқиб олиш учун ҳаракат қиларди.

Семечкин бўлса паст овозда гапни гапга улашда давом этарди. Унинг гаплари шунақанги мужмаллашдики, ҳатто кўп ўтмай ўзи ҳам нима деяётганини тушунмай қолди. Ўзи тушунмаганидан кейин жаҳли чи-

қиб, гапни мақташ билан бошлаган бўлса, койиш билан тугатди.

Дастлаб унинг гап мазмуни Харьков рекордини ўрнатиш кераклигини талаб қилгандек чиққан бўлса, кейин тартибсизлик ҳақидаги шикоятга ўтди. Охири қаердандир олинган «французча кураш» иборасини тилга олди ва яна бошқача: «Наполеондек ўйланган нарса, Ванька-бўёқчиники бўлиб чиқди», деган қочирим гапни келтирди. У Наполеон ва Ванька-бўёқчи ҳақидаги бу гапни алоҳида ҳузур билан икки марта такрорлади, бир оз жим туриб, учинчи марта яна такрорлади.

Унинг аччиги келиб бўғилди.

— Шошма, азизим, — деди Филонов қип-қизариб. — Шошма. Мен бир оз тушунмаяшман.

Унинг пешонасида қат-қат ажин пайдо бўлди.

У муштини столга қаттиқ тираб, табуреткадан турди.

— Нима, сен бу ерга атайлаб чақимчилик қилгани келдингми? Сув лойқатганими? Очиғини айт, нима истайсан? Агар ўзинг бунга тушунмасанг... Агар ўзинг тушунмасанг...

Филонов қўллари билан юзини артди: кўзларини юмди; ўзини қўлга олиб, яна ўрнига ўтирди. Овози бўғилди, оғзини катта очиб, қўлини силтади.

— Менга қара, — аранг пичирлади у. — Хоҳласанг, жар сол... Лекин барибир кўнглинг ўрнига тушмайди...

У Семечкинга қоғозни узатди.

— Аниқ материал... Ёқаларидан маҳкам ушла, сил-кит. Газетангда уриб чиқ... Лекин анави гапни ташла... Эшитдингми, Семичкин, ташла...

У қўлини силтади.

Семечкин обрўйини сақлаб, газетани хотиржамгина портфелига солди. Жилмайди. Унинг лаблари пир-пирарди, ранги оқариб кетди.

— Яхши, — деди у бирдан эшитилар-эшитилмас.

Кейин секин хонадан чиқиб кетди.

24

— Э, сизни учратганим жуда яхши бўлди-да. Ассалому алайкум, Георгий Васильевич. Хўп вақтда учрашдик-да. Сизда ишим бор эди.

Георгий Васильевич ёйилиб, ҳайратангиз жилмайди.

— Э-э-э,— деди у чўзиб.— Э-э-э! Азизим. Яхши, яхши. Мана, кўряпсиз-ку, меҳмонхона атрофида сайр қилиб юрибман... Кун жудаям исиб кетди... Ҳа... Қаранг, бу ерда, меҳмонхона ёнида қанчадан-қанча ойна синиб ётипти... Даҳшат... Худди музлаган қор устида юргандексан. Вунинг ҳаммаси шамолдан...

Георгий Васильевич бу йигитнинг кимлиги, қаерда кўрганлиги ҳақида ўйлай бошлади. Қаердадир, яқиндагина кўришишган. Бесўнақай этиги чанг-чунг, жигарранг галифе шимда, қийиқ кўз, соқол-мўйловчи ўсиқ, чувак юзли бу йигит билан қаерда учрашган?

Георгий Васильевич унинг узун, нозик қўлларини аста қисиб, узоқ силкигач, вақтдан ютишга ҳаракат қиларди. У хушмуомалалик билан сўз қотар, хаёлида эса жиддий ўй сурарди: «Завод бошқармасида учрашганмидик? Йўқ, у ерда бўлмаса керак. Поезддами? Йўқ. Студентлик вақтида практикадами? Йўқ. Опхона мудирими? Йўқ. Жудаям қийнаб юборди-ку! Роса ноқулай бўлди-да! Менинг исм-шарифимгача билишини қаранг. Ишчи мухбирмикин? Йўқ. Бу ерда қанча одам бор. Ҳаммасини эсда сақлаб бўлармиди».

— Буни қаранг... Ҳалиги... Ҳа... Жуда иссиқ-ку, а... Ҳалиги... сиз-чи?.. Кечирасиз, мен, биласизми, исм-шарифни сира эсда сақлай олмайман... Юзингиздан эслаяпману, исм-шарифингизни... қаерда учрашганимизни... Бу менинг камчилигим.

Йигит меҳрибонлик билан жилмайди.

— РОСТА мухбири. Мен сизни, ҳатто вокзалда ҳам кутиб олгандим. Фамилиям Винкич.

— Ҳа, ҳа. Жуда тўғри. Эҳ, ҳа! Ўртоқ Винкич. Худо ҳаққи, кечирасиз. Дарвоқе, Винкич.

— Сербча фамилия. Отам серблардан. Шунақа, Георгий Васильевич. Сиз билан учрашганим жуда яхши бўлди. Айтгандай, кечирасиз, балки бандирсиз? Фикр жамлаяпсизми? Ёки кузатяпсизми?

— Фикр жамлаяпсизми, дейсизми? Ҳа. Қисман ўйлаяпман, кузатяпман ҳам, лекин умуман, банд эмасман. Аксинча. Мен сизни кўрганимдан бағоят хурсандман. Мен, биласизми, тўғрисики айтсам, бу ерда бутунлай ганиб қолдим. Газета мендан очерк кутяпти, мен бўлсам, нимадан бошлашни билмаяпман.

— Ҳа. Бир йўла ҳамма воқеани қамраб олиш қийин.

— Бу ерга келганингизга қанча бўлди?

— Бир ярим йил. Ҳеч қобққа чиққанам йўқ.

— Уҳ-хў! — деди Георгий Васильевич. — Роса маза қилибсиз-да. Айтинг-чи, ҳақиқатан ҳам бир ярим йил илгари бу ерлар қақраган чўлмиди?

— Тамомила қақраган чўл, шипшийдом жой эди. Одамлар палаткаларда яшашарди.

— Очигини айтсам, мен очеркимни худди шундан бошламоқчи эдим. Оддий қилиб: «Бундан бир ярим йил илгари бу ер қақраган чўл эди. Одамлар палаткаларда яшашарди», деб.

Винкич кўкиш киприкларини камтарона ерга тикди.

— Биласизми, Георгий Васильевич, бу ерда жуда кўп адаблар бўлишган. (Албатта, сизга ўхшаган кўламдагилар эмас...) Ушаларнинг ҳаммаси ҳам ёзган нарсаларини: «Бундан бир ярим йил илгари бу ер қақраган чўл эди» деб бошлашган. Бу... энг жўн йўл.

— Ҳа, жуда алам қилади.

— Лекин, Георгий Васильевич, менда бир фикр бор.

РОСТА мухбири эски чарм (астари кулранг байкадан тикилган) курткасининг ён чўнтагидан блокнот олди.

— Харьков рекорди ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

— Нима, Харьковда бирон-бир рекорд бўлдими? Ие, бу жуда ажойиб-ку.

— Бўлмасам-чи. Кеча газетада эълон қилинганди. Ҳали ўқиганингиз йўқми? Жаҳон рекорди.

— Жаҳон рекорди? Нималар деяпсиз! Яъни, мен, албатта, ўқигандим. Лекин, диққат қилмабман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Харьков... Мени эса, сизга айтсам, ҳозир асосан маҳаллий материаллар қизиқтиради...

Георгий Васильевич бармоғини эҳтиёткорлик билан силкиди.

Винкич унинг қаршисида бошини эгганича жиддий турарди.

— Биласизми, Георгий Васильевич, — деди у майин овозда, — ундай бўлса, мен сизга қисқагина тушунтириб бераман.

У Георгий Васильевичга Харьков рекордининг тарихини, унинг моҳиятини аниқ, қисқа ва эҳтиром билан тушунтириб берди.

— Шундай экан, Георгий Васильевич, — қўшиб қўйди у, — бизнинг қурилишимиз олдида харьковлик-

лар тажрибасини қўллаш, ана шу йўлдан илдам боришдаги имкониятлар ҳақидаги муҳим масала вужудга келяпти. Мени харьковликлар билан мусобақалашиб, янги жаҳон рекорди қўйишимиз керакми ёки йўқми деган масаладаги сизнинг шахсий фикрингиз қизиқтиряпти.

— Албатта, керак!— хитоб қилди Георгий Васильевич.— Бўлмаса-чи! Ахир, бу, билишимча, Харьков билан мусобақа деган сўз. Социалистик мусобақанинг аҳамияти эса, жуда катта. Бу ҳаммага маълум. Улар— уч юз олти, биз уч юз етти... Улар уч юз етти, биз эса уч юз саккиз... Ва ҳоказо. Бу табиий.

Винкич бош ирғади.

— Рекордни ошириш тарафдоримисиз?

— Вой, афанди-ей. Яна қанақа шубҳа бўлиши мумкин?

— Шубҳа бор.

— Яъни.

— Жамоатчилик фикри бирдан бўлинган. Рекорднинг оташин тарафдорлари бор. Шунга яраша қаршилар ҳам. Сиз тарафдорлардан эканлигингиз мени қувонтирди. Эҳтимол, жуда қаттиқ курашишимизга тўғри келар.

— Кечирасиз... Мен унча... Яъни қанақа кураш? Менинг фикрим — шахсий... Сизга маълумки, мен бетон бўйича мутахассис эмасман, мен шунчалик холис кузатувчиман, холос... Шундай экан, кечирасиз, мен бирон-бир масъулиятни зиммамга ололмайман, нега энди айнан «курашиш»? Ким билан «курашиш» керак?

Винкич оқарган юзларини кўтарди. Унинг қоп-қора кўзлари чақнар, осойишта эди.

— Биласизми, Георгий Васильевич,— деди у мулозимлик билан,— бизда, қурилишда аҳвол шунақа — ҳар бир, ҳатто кичик масала ҳам катта принципиал аҳамиятга эга. Бетараф қолиш эса мумкин эмас. Шундай экан, қандайдир алоҳида нуқтаи назарга эга бўлиш ва ана шу фикр учун бир томчи қон қолгунча курашиш керак. Мен, масалан, бир ярим йилдан бери ҳар куни курашиб келяпман.

— Кечирасиз, қадрли дўстим, лекин бунинг Харьков рекордига қандай алоқаси бўлиши мумкин? Масала, менимча, мутлақо равшан-ку.

— Равшан, лекин бутунлай эмас. Ҳамма гап ана шунда-да. Узоққа бермай қўя қолайлик. Масалан, ўр-

тоқ Налбандов. Мен ҳозиргина у билан гаплашдим. Сиз ўртоқ Налбандовни танийсизми?

— Налбандов?...Ҳа, ҳа... Таниш фамилия. Налбандов. Налбандов... Ҳалиги, қора чарм пальто кийиб, катта иргай ҳасса кўтариб юрадиган ҳалигидек, қора соқолли кишими?... Бўлмаса-чи, бўлмаса-чи... У мени қурилиш бўйлаб олиб юрганди. Инженер Налбандов. Ажойиб инженер. Ўз ишини биладиган пухта йигит.

Георгий Васильевич «пухта йигит» ибораларини алоҳида мамнуният билан айтди. У бу сўзларни яқиндагина эшитиб, худди фольклор намунасидек дафтарчасига ёзиб ҳам қўйганди.

— Ҳа... ўртоқ Налбандов,— деди у урғу билан,— пухта йигит. Жуда пухта.

Винкич майин жилмайди. Лекин қандайдир бир лаби билан. Қора кўзлари ҳамон осойишга, ҳатто бир оз маънос эди.

— Хўш, биласизми, Георгий Васильевич, сизга айтсам, ўша инженер Налбандов мана шунақа экспериментларга бутунлай қарши.

— Нималар деяпсиз? Қизиқ! Нега энди?

— Инженер Налбандов бу рекордларни техник саводсизлик деб ҳисоблайпти.

— Кечирасиз, Харьков-чи? Хўш, унда Харьков-чи? Ҳеч... ҳеч нарсага тушунолмаё қолдим.

— Буни сизга айтолмайман.

— Лекин кечирасиз, бирон-бир асос бордир?

— Налбандовнинг асоси, чамаси, битта... Гап шундаки, ҳар бир бетонқорғич машинанинг суяқ бетон ишлаб чиқарадиган нормаси аниқ кўрсатилган махсус фирма паспортига эга. Ана шу паспортга кўра, ҳар бир қоришма учун камида икки минут вақт керак. Бинобарин, бир соатда кўпи билан ўттиз қоришма, саккиз соатли иш сменасида эса икки юз қирқ қоришма ишлаб чиқариш мумкин.

— Харьков эса уч юз олтига етказган! Қандай уддасидан чиқишганин?

— Налбандов бу кўрсаткич механизмга жабр, техник фокус, найранг, «Французча кураш» деб ҳисоблайди... Агар шундай қилинса, бутун механизмлар тез ишдан чиқади дейди. Айтайлик, бетонқорғич машина одатдагидек ишлаганда ўн йил умр кўрса, нормадан кўпроқ ишласа аранг олти-етти йилга чидар эмиш.

— Хўш... Биласизми... Налбандов ҳақ. Шундай эмасми?

— Уз нуқтаи назарингизни ўзгартиряпсизми?

— Ҳа, лекин ўзингиз ўйлаб кўринг. Бу янги шароит... У ишни бутунлай ўзгартиради... Ахир ҳақиқатан ҳам қимматбаҳо хорижий асбоб-ускуналарга бунчалик қўпол муносабатда бўлиш мумкин эмас-да...

— Харьков-чи?..— қисқагина қилиб сўради Винкич.— Ахир Харьковда ҳам рекордга эришиш олдидан, чамаси, ана шундай иккиланишлар бўлгандир. Лекин рекорд қўйишди-ку! Ахир у ерда ўтирганларнинг ҳам эси бордир.

— Ҳм-ҳа... омадсизлик.. У ердагилар ҳам одам албатта... Аҳмоқ эмас...

— Хўш, Георгий Васильевич? Сизнинг фикрингиз?

— Сиз негадир жуда ошкора иш тутяпсиз. Бир томондан, албатта, мусобақа, суръатни ошириш. Иккинчи томондан эса, тақсир, механизмларни ишдан чиқариш. Афв этасиз, ўзингиз айтяпсиз-ку, механизмлар ўн йил ўрнига олти йилга етади, деб.

— Нима қипти?

— Яъни, масалан, нима демоқчисиз?

— Георгий Васильевич, ўзингиз ўйлаб кўринг: биз учун беш йилликни тўрт йилда бажарган маъқулми ёки механизмни тўрт йилгача сақлашми? Саноатимиз қанча тез ривожланса, биз учун амортизация моҳияти шунча камаяди, яъни кўплаб ўзимизнинг механизмларга эга бўламиз, шундайми?

— Нима... Биласизми... бу — асосли.. Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз... А?..

— Сиз яна ўз фикрингизни ўзгартиряпсиз.

— Ана холос. Лекин бу бутунлай табиий. Бу бошқача — янги мулоҳаза. У, албатта, фикрни ўзгартиради... Хуллас, социализм машиналар учун эмас, машиналар социализм учун хизмат қилиши керак...

— Демак, сиз тарафдорсиз? Тасдиқлайсизми?

Георгий Васильевич паришонлик билан Винкичга қаради.

— Тўғриси айтсам, сиз қандайдир... галати одам экансиз. Ахир мен... қандай қилиб, тўсатдан тасдиқлай... Бордию у ерда биров-бир нарса... Қандайдир янги муҳит пайдо бўлса... Ахир мен мутахассис эмасман... Кейин, тасдиғимнинг сизга нима кераги бор?

— Керак, Георгий Васильевич, жуда керак. Сиз бу ерда қандай кураш бўлишини ҳатто тасаввур ҳам қилолмаяпсиз. Биз марказий матбуотга телеграф орқа-

ли материал юборамиз. Бунда сизнинг имзойингиз катта роль ўйнайди...

Георгий Васильевич мамнун эди. У камтарона жилайди.

— Қўйсангиз-чи! Қўйсангиз-чи! Қанақасига катта роль бўлади. Балки адабиёт соҳасида бўлиши мумкин... Қандайдир норозилик имзоси... Масалан, Ромен Ролланга мактубми.... Лекин бетон соҳасида...

— Ҳамма соҳада ҳам,— деди Винкич тез ва ёлворгандек.— Ҳар ҳолда биз сизнинг кўмагингизга умид борлаймиз. Мен ҳозир яна участкага боришим керак. Ваъзи одамлар билан учрашмоқчиман. Дарвоқе, мен билан бирга участкага бормайсизми? Балки ўша жойда бу гаплар сизга бирмунча равшанроқ кўринар?

— Эҳтимол. Лекин мен мутахассис эмасман... Сиз, барака топкур, мени иш билан таништиринг... Менга ҳамроҳ бўлинг. Бунинг устига, хонада туриб бўлмай қолди. Олтинчи даража. Ҳақ гап. Худди Саҳрои кабирга ўхшайди.

25

Маргулиес бояги котлетларнинг қандайлигини кўзи олдига аниқ келтирди. Котлетлар қора, катта-катта эди. Пюреси жигарранг, қайла қуйилганди.

У яна участкага йўл олди.

Эҳтимол, ўша ердаги ишхона очиқдир.

У танишларга кўринмасликка ҳаракат қиларди.

Бунинг нима кераги бор? Ортиқча учрашув — ортиқча гап. Қўлда охириги аналитик ҳисоб бўлмаганидан кейин ҳар қанақа мулоҳаза ҳам бефойда. Ҳисоб бошқа гап. Соат ўн иккида ҳаммаси аниқ-равшан бўлади.

Лекин Катя Смоленскийни топа олармикин?

Маргулиес қийин аҳволда қолганди. У одамлар, механизм ва ўтиш жойларини четлаб борарди.

У пасқам йўллардан — ҳандақ ва котлованлардан юришга ҳаракат қилар, худди ўқдан ўзини ҳимоя қилган солдатдек энгашиганича бурчакдан бурчакка, муюлишдан югуриб ўтарди.

Маргулиес ошхонага ҳам орқа томондан кирди, лекин ошхона ёпиқ экан.

— Хўш. Котлет ҳам бекорга исроф бўлди,— деди у.— Хўш, майли. Тушки овқатни кутамиз. Ҳар ҳолда,

бирров Ермаковнинг олдига бориб кўриш керак. У нима қилаётганикин?

Маргулиес ишчилар уйига йўл олди. Уни ўнгдан, соя томонидан айланиб ўтди.

Бу ер дим, атрофда гишт тарақа-туруқ қилади, похолнинг ҳиди анқийди. Юк вагонидан хушбўй похолга ўралган ўтга чидамли қимматбаҳо хорижий моллар авайлаб туширилмоқда.

Вагонлар ўн-ўн бештача. Бутун бир состав. Шундай бўлса ҳам ишчилар уйининг улкан соясида кўплиги унчалик сезилмасди.

Молларни ташиётган ёғоч замбилгалтакларнинг гилдираклари гижирлайди.

— Пўшт, аҳтиёт бўлинглар!

Иигит ва қизлар кенглиги яккачўп тахтакўприк орқали қаторлашиб, ингичка, узун дастали замбилгалтакларни итариб боришпти.

Ўнгдан чапга замбилгалтаклар бўш вагонлардек қаторлашиб ўтади.

Чапдан ўнгга эса тартиб билан тахланган юқори температурада пиширилган ўтга чидамли материаллар солинганлари.

Тартиб билан тахланган материаллар орасидаги икки томони баланд тор йўлкаларда ён чўнтагига сариқ буклама метр солинган маркаловчилар юришипти.

Бу — янги жорий қилинган усул. Маргулиес унга қизиқиб қаради-да, нима гап ўзи, дегандек аланглаб тўхтади.

Илгари гишт пала-партиш туширилар, ишчилар уйи атрофи-ю, омонат қурилган йўллар гишт билан тўлиб ётарди. Бунинг устига уни тартибга солиш учун ҳар куни қанчадан-қанча вақт бекор кетарди.

Ушанда материалларни бир километрча жойдан айланиб олиб ўтишга тўғри келарди.

Ундан ташқари, керак гиштлар кераксизларини тўсиб қўйиб, уларни доим уёқдан буёққа олишга тўғри келар, бунга эса ишчи кучи етишмасди.

Хуллас, ўта тартибсизлик ҳукмрон эди.

Маргулиес энди гиштлар сараланиб, ишчилар уйининг бир чеккасига батарея печи маркасига мос, лекин тескари тартибда (юқори қаториники пастга, пасткисиники юқорига қилиниб), аниқ, зарур миқдорда қатъий план асосида тахланаётганлигини кўрди. Шундай қилинса печкага гишт терилаётганида вақт бекорга кетмайди.

Маргулиес дарҳол янги усулни ўзича: «Тескари тартиб. Материалларни тайёрлашда тескари тартиб го-яси», дея таърифлади.

Қизиқ!

У ўйланиб қолди.

— Нима учун бу го-яни бетон тайёрлаш ва қуйиш жараёнига тадбиқ қилиб кўриш мумкин эмас?

— Салом, хўжайин! Ҳорманг!

Маргулиес қўлга тушдим дегандек кайфияти бузилиб ўтирилди-ю, шу заҳоти юзида меҳрибонлик аломати барқ урди.

— Э! Фома Егорович!

Лапанглаганича у томон келаётган ручса такаллуфга мослаб, қисқача қилиб, Фома Егорович, деб ном олган америкалик инженер мистер Томас Жорж Биксбини кўрди.

Фома Егорович Совет Иттифоқида бешинчи йил ишлаши. У Днепростройда ҳам, Сталинград трактор заводида ҳам, Ростовсельмашда ҳам бўлган. Русчани жуда яхши ўрганиб олган, гапирганда шунчалик эмас, мақол ва қочириқлар қўшиб гапирарди. Бурни тагида эса украинча мўйлов. Баъзан ароқ ичганида русча томоқ қириб, лабини енги билан артиб ҳам қўярди.

У Маргулиесга яқинлашиб, «русча» удум билан панжаларини керганича қуруқ, чайир қўлларини узатди. Эгнида «молния» замок тикилган кўк жунли комбинезон. Бош яланг. У фақат якшанба кунларигина шляпа киярди. Шунинг учун ҳам сочлари офтобда куйган. Куйган қоши, мўйлови юзидан бирмунча оқ кўри-нарди. Қорайган юзидаги бир-бирига яқин ва чуқур жойлашган кўзлари қатъий, чақнаб турарди.

— Қалай, сизга маъқулми? — деди Фома Егорович сўрашиб бўлгач, бир текисда терилган гиштларни кўрсатиб. — Бутунлай бошқача нағма.

— Жуда ажойиб, — деди Маргулиес.

Фома Егорович мўйловини мағрурона силаб қўйди.

У ўзининг янги усули Маргулиес томонидан дарҳол, муносиб баҳоланганлигини яхши тушунганди.

У чехраси ёришиб, майин жилмайди. Кўзлари атрофида кичкина-кичкина жигарранг ажинлар бўртди.

Агар ана шу ажинлар бўлмаганида ҳеч ким уни ўттиз тўрт ёшдан ошган деб билмасди. Лекин ана шу ажинлар унинг қирқ еттида эканлигини шундоқ маълум қилиб турарди.

— Уртоқ Маргулиес, бундаги сир нимадан иборат эканлигини биласизми?

— Бўлмаса-чи, бўлмаса-чи. Жуда яхши тушуниб турибман.

— Қирқ саккиз соат уйқудан кечиш эвазига қўлга киритдим! Тоққа чиқмасанг дўлона қайда... Тўхта! Қаерга?— бирдан ўзгача овоз билан бақирди. Фома Егорович, ўзини четга отаркан.

У маркаловчининг елкасидан ушлади.

— Тўхта! Қаерига босяпсиз! Эҳ, сизларга қўл тегди бўлса! Сизни қарангу! Мана бундай қилиш керак... Мана бундай!.. Мана бундай!..— Фома Егорович унга қандай қилиш кераклигини кўрсата бошлади. У қайтиб келганида Маргулиес бояги жойда қўлида газета ўйнаганича хаёл суриб турарди.

— Қани, Фома Егорович, мана бу ҳақда сиз нима дейсиз?

Маргулиес газетани америкаликка узатиб, керакли жойини қалами учи билан кўрсатди.

— Харьков уч юз олти қоришма қуйипти.

Фома Егорович газетани олиб, кўзига яқинлаштирди. У телеграммани мамнуният билан бурро-бурро овоз чиқариб ўқиди.

Русча сўзларни овоз чиқариб ўқиш унга ҳузур бағишларди.

У берилиб ўқир, ҳар бир жумладан кейин, кўряпсизми, мен русчани қандай яхши ўқийман, дегандек қатъий, чақнаб турувчи кўзларини Маргулиесга қарарди.

— Сизнинг фикрингиз қандай?— сўради Маргулиес.

— Яхши!— хитоб қилди америкалик.— Офарин, бис! Энди — яна давом эттириши керак.

— Биз ҳам синаб кўрсакмикин, деянимиз. Нима дейсиз?

— Харьковдан ўзишми? Сўзсиз. Албатта ундан ўзиб кетиш керак. Ахир бирни эксанг, ўнни оласан, дейишади-ку.

Маргулиес жиддийлашди.

— Сиз, Фома Егорович, ташаббускор одамсиз.

— Мен ташаббускор? Йўқ, мен америкаликман.

Улардан ўзиб кетиш керак!

— Техник жиҳатдан мумкинми?

— Техник жиҳатдан ҳаммаси мумкин. Дунёда қилиб бўлмайдиган иш йўқ. Мен сизга бир сирли ми-

ёлни айтиб берай: бир минг тўққиз юз йигирманчи йили мен Монтан штатида катта йўлни бетонлашда шитирок этгандим. Бир куни биз бир суткада беш юз куб бетон ётқизганмиз. Ушанда йигирма тўрт соат тинмай ишлагандик.

— Машина чидаш берганмиди?

— Машинани биз менажердан, сизларда айтилишча, пудратга — прокатта олгандик. Биз машинадан кутилганидан кўпроқ иш унуми олдик. Лекин бригада ҳақида тасаввурга эга эмасдик. Ҳеч қанақа сарбдор бригада ҳам йўқ эди, аммо бизни процент ашиқтирарди.

— Тўхтанг. Ахир машинанинг паспорти бор-ку. Фирманинг махсус паспорти.

— Махсус паспортни ҳам сиз ва менга ўхшаш бандалар ёзишди-да.

Маргулиес чўнтагидан илдам обаки олиб, оғзига ташлади. У ҳаяжонини аранг босиб турарди.

— Ҳақиқатан ҳам шундай бўлганмиди?

— Илло-билло. Беш юз куб. Тепамда худо бор.

Маргулиес камзули тугмасини ечди, шу заҳоти яна қадади.

Бу гап аҳволни бутунлай ўзгартирди. Олдинда янги имкониятлар очилди.

У шошилиб Фома Егоровичга қўлини узатди.

— Хўп, хайр. Катта раҳмат. Мен шошиб турибман.

— Ҳеч шошмаслик керак, — деди америкалик. —

Шошган қиз эрга ёлчимас.

Маргулиес жилмайди.

— Қаердан қаерга боришга боғлиқ, — дарҳол жавоб қайтарди у.

— Йўқ, ўртоқ хўжайин, сиз шунақа жойга боряпсизки, агар тезроқ борсангиз аҳамияти қолмайди. Яхшиси, секинроқ борганингиз маъқул.

Маргулиес унга газета билан пўписа қилди.

— Сиз мащҳур буржуй ва контрреволюционерсиз, Фома Егорович.

— Контрреволюционер—йўқ, худо сақласин. Буржуй ҳам эмасман. Мен партиясиз соф виждонли мутахассисман. Мен сизнинг ҳукуматингиз билан эркин битим асосида ишлайман ва ҳатто керагидан ортиқ иш қиляпман — баъзан қирқ саккиз соат ухламайман ҳам. Мендан меҳнат — сиздан пул. Орамиз очиқ. Социализмни эса, кўрамиз, ҳа, кўрамиз.

Маргулиес Фома Егоровични аста белидан тутиб, қисиб қўйди.

— Хўш, Фома Егорович, банкангизда қанча доллар йиғилди? Тўғриси айтинг!

Ҳа, у пул тўпларди.

Ун йил муқаддам уйда хунуккина хотини ва болаларини қолдириб, пул ишлаш учун Қўшма Штатлардан чиқиб кетганди.

Америкада иш топиш қийин эди.

У ўта камбағал бўлганлиги учун кета туриб аранг беш юз доллар қолдирганди. Лекин яхши инженер эди. У жорий счётида йигирма минг доллар йиғилмагунча қайтмасликка аҳд қилган. Ана шу пул билан ҳаётни бошлаш: қурилиш идораси очиб, ишга киришиш, келгусидаги бойлик учун биринчи риштни қўйиш мумкин эди. Бунинг учун йигирма минг доллар плус кўп йиллик тажриба ва ирода кифоя. Ун йилдан кейин эса унинг пули юз мингга етади.

У ана шу мақсадда мамлакатлар кезиш учун жўнаб кетди. Ҳар қандай шароит ва ҳар қандай контрактдан қайтмасди.

У Хитойда ҳам, Ҳиндистонда ҳам, Португалияда ҳам ишлади. Мана энди Совет Иттифоқида ишлаяпти.

Унга қаерда, ким учун ишлаш барибир, ишқилиб пулни ўз вақтида тўлашса бас. У иш ҳақини тенг яримга бўлар, бир қисмини жорий счётига ўтказса, бир қисмини оиласига жўнатиб, камгина миқдордагисини ўзига олиб қоларди.

У ўзи учун жуда зарур нарсалардан воз кечарди. Лекин бу сира кайфиятига таъсир қилмасди. Аксинча, у ҳамиша соғлом, ҳамма ерда шод-қувноқ, тетикбардам юрарди.

Унинг кўз ўнгида доим бойлик ва осойишта ҳаётнинг турли истиқболи намоён бўларди. Бу истиқбол ой сайин яна ҳам яқин ва реалдек кўринарди.

Бу унинг орзуга тўла қувончи эди.

Америкалик яйраб кетди. У муғомбирона жилмайиб, ёнидан айни вақтида чўнтак арифмометри ҳам ҳисобланган кичкина алюмин дафтарчасини олди.

Маргулиес дафтарчага ҳавас билан қаради.

У анчадан бери ана шундай нарсани орзу қиларди. Дафтарча ниҳоятда қулай бўлиб, юрган йўлда унда энг мураккаб, шу жумладан, логарифмик ҳисобларни ҳам ҳисоблаш мумкин эди.

Хуллас, ноёб буюм.

Америка техникаси мана шунақа!

Фома Егорович шу аснода шошилмай дафтарчани очди, бирмунча вақт рақамларга тикилиб, уни ёпди-да:

— Роппа-роса ўн саккиз минг тўрт юз йигирма етти доллару қирқ цент,— деди.— Чидаш керак. Яна озгина доллар бўлса, сиз америкалик янги буржуйни кўраверасиз, ўртоқ Маргулиес. Ушанда Чикагога марҳамат қилаверасиз. Мен сизни мистер Биксби янд компани қурилиш идорасига катта инженер ўрнига расман таклиф қиламан. Верри велл?

— Бу ерда ҳам иш етарли.

Фома Егорович кўзини айёрона қисиб қўйди.

— Яхшигина ҳақ тўланади, ўртоқ Маргулиес. А? Уйлаб кўринг. Ёқимтой хўжайинлик бўласиз. А? Балки жанжалкаш буржуй билан мулоқатда бўлишни истамассиз? Лекин мен сизнинг сиёсий фикрингизга аралашмайман.

Америкалик хахолаб кулди.

— Ажойиб йигитсиз, Фома Егорович,— деди Маргулиес самимий.— Шу ерда қолинг. Биз сизни шаҳар советига сайлаймиз, а?

— Биз эса сизни конгрессга юборамиз, а?

— Йўқ, менга ҳар қалай шу ер маъқул.

— Менга эса у ер дуруст.

Улар яна бир оз ёнма-ён, бир-бирларини туртишиб, кулиб туришди.

— Хўп, мен кетдим,— деди қўққисдан Маргулиес.

— Ҳозирча, ҳозирча,— деди Фома Егорович.— Фақат газетани менга ташлаб кетсангиз. Янгиликларни ўқиб чиқаман. Сизга керак эмасми?

— Марҳамат. Уқинг.

Фома Егорович газетани чўнтагига тиқди. Лекин бу унинг ўлими эканлигини билганмиди?

Маргулиес Ермаков бригадаси томон кетди, лекин йўл-йўлакай янги иш фронти билан қизиқди.

26

Ишченко янги шарварини йўл-йўлакай тортиб болаганича участка томон шошилди. У қошларини чимириб, тез юарди.

Лекин баъзан ўзини жуда секин юраётгандек ҳис

қилар, шундагина югура бошларди. Баъзан ҳеч нарса-ни ўйламай борарди.

Кейин яна хаёли бўлиниб, тез одимлашга ўтарди.

У терлаб кетган, янги кўйлагининг елкаси ҳўл, чангдан қорайган эди.

Уни талай фикр безовта қиларди.

Ханумов билан Ермаковнинг бригадаси, сўзсиз, тажрибали, кучли. Бу бригадалар беш-олти ой илгари ташкил топган. Ишченконинг бригадаси ташкил этилганига эса атиги икки ой бўлди. Шунга қарамай у Ханумов ва Ермаковлар билан беллашяпти.

Ишченко улар билан украинларга хос ўжарлик ва яширин жаҳду жадал билан курашарди.

Дастлаб, Ханумов мотоциклда гердаиб елдек учиб бораётганида Ермаков отни гижинглатган, Ишченко эса тошбақада ёки жуда ёрлақаганда аравада ёнма-ён борарди.

Лекин бўш келмади.

У Ханумов ва Ермаковдан ўзиб кетиш учун бутун кучини сарф қилди. Бу ҳаракат бир пайт ўз натижасини кўрсатди: уни велосипедга ўтқазишди, Ханумов тошбақага, Ермаков эса отга ўтирди.

Кейинги ўн кунликда у шиддат билан яна орқага улоқтирилди.

Бунга уч кун бўлди.

Кўрсаткич ҳали осилмаган, лекин Ишченко нафрат билан янги расмни кутарди.

Агар Шура уни қирчанги ёки тошбақага ўтқазса ҳам майли, бордию қисқичбақага, ҳалиги худди сичқон думидек узун думли, мўйловли, каламуш бошли қисқичбақага ўтқазса-чи?

Бу вақтда Ханумов қиялаб елиб бораётган паровознинг тухумсимон деразасидан қараса, Ермаков оёгини чўзиб автомобилда ўтирса-я!

Ҳар қалай бунга ҳам чидаса бўлади.

Лекин жаҳон рекорди шуҳратини Ханумовга бериш! Йўқ, биродарлар, бу сира мумкин эмас. У Харьковни орқада қолдириш учун бошланадиган ишга буйруқ олмагунча участкадан кетмайди.

Шу кунни қурилишдаги ўнлаб киши қатори у ҳам йўл-йўлакай рақамларни ҳаёлан, бармоқларини букиб, ҳисоблаб борарди. У харьковликлар эришган уч юз олти қоришмани саккиз соат иш кунига тақсим қилди. Тахминан қирқ рақамни чиқди.

У бир соат ичида қирқта қоришма тайёрлаши керак!

Ишченко тўсатдан йўл ўртасида тўхтаб, пайража ёки миҳ билан қалин тупроққа олтмиш ва қирқ рақамларини ёзди.

У қирқ қоришмани олтмиш минутга тақсим қилиш учун ҳаракат қиларди.

Ишченко бўлиш амалини яқингинада ўрганган, ҳозир эса шошилиш ва ҳаяжондан сира унинг уддасидан чиқолмасди.

Лекин бу бир минутдан сағал кўпроқ чиқишини ўзича ҳис қиларди. Демак, аниқ ҳисобга кўра бир минутда бир қоришма тайёрлаш керак.

Ҳазил эмас.

Ишченко Ермаков бригадаси олдидан ўтаётиб тўхтади. Биринчи марта у ҳар куни ўз бригадаси қиладиган ишни четдан кузатди.

Ермаковчилар унга ниҳоятда секин ва дағал ишлаётгандек кўринди. Бажарилаётган иш қанақадир туртки билан худди силжимаётгандек дам-бадам тўхтаб, сапчиб-сапчиб давом этаётгандек эди.

Бетонқорғичга қум, шағал ва цемент етказиб берувчи замбилғалтаклар қурилиш чиқиндилари узра машина ковши томон ташланган энсиз тахта устидан бораркан, дам-бадам сирғалиб кетарди.

Уларни кўтариб, яна тахтага қўйиш учун анчагина куч ва ҳаракат сарф қилишга тўғри келарди.

Замбилғалтакни бир киши бошқарса ҳам, уни тахтага кўтариб қўйиш учун икки киши банд бўларди. Бу пайтда кимдир албатта ўз ишини ташлаб, замбилғалтакчига кўмакка борарди.

Цемент бочкаларда сақланиб, замбилғалтакка белкурак билан солиниши керак.

Шағал эса, одатда, анча нарига тўкилар, бу ҳам ишнинг тез кетишига ҳалақит берарди.

Замбилғалтаклар тахтада ғилдираклари ва ёнлари билан бир-бирларига урилиб кетарди.

Йигитлар қолдан тойишарди.

Баъзан ковшни кутиб, беш-олтита замбилғалтак машина олдида туриб қолар, баъзан эса у ерда ҳеч ким қолмай, барабан хом ашё кутиб бўш айланарди.

Ермаков битта қоришмани қанча вақт ичида тайёрларкин?

Буни ҳисобга олиш учун Ишченконинг соати йўқ. Лекин йўлини топиш керак. Шундай ҳам қилди.

У барабан маълум миқдордаги бетонни ағдаргунча кутди. Кейин аста пичирлаб секундларни санай бошлади.

— Бир, икки, уч тўрт, беш, олти, етти...

У ҳисобда янглишмаслик учун ҳар ўнтадан сўнг бармоғини букади. Ун бармоғини букиб, иккитасини очганида барабан яна тўнтарилади.

Бир юз йигирма секунд. Демак, икки минут.

Бу кўрсаткич бригадир учун четдан анча узоқ бўлиб туюлди. Лекин шунга қарамай, у ермаковчиларнинг бир соатда ўттиз қоришма тайёрлаётганликларини кўрсатарди. Смена давомида эса икки юз қирқ қоришма тайёрланади, деган гап.

Қурилишда шу кунгача ҳеч ким икки юз қирққа етказилган эмас. Ишченконинг бригадаси эса бир юз саксондан кўтарилмаган.

«Агар шу кўйда икки юз қирқ қоришма тайёрланса, — ўйлади Ишченко, — менинг йигитларим бугун қоришма сонини камида тўрт юзга етказмаса отимни бошқа қўяман».

— Э, ҳа-а! Сен шу ердამисан? Чамалаб кўряпсанми? Қойил, хўжайин!

Ишченконинг қаршисида Корнеев турарди. Ишченко прорабга савол назари билан қаттиқ тикилди.

— Бизнинг ишимиз нима бўлди?

Корнеевнинг кўзи бир оз қисилиб, юзлари буришди.

— Қанақа иш?

У Ишченкога ёнлаб, денгизчилардек қўлини пешонасига соябон қилганича бепарволик билан узоққа тикилди.

У ерда бепоён, қорамтир, тўлқинли уфқ кўзга ташланади. Скрубернинг қирқ беш метрли трубаси қия кўтарилган. Чигирлар чириллайди.

— Бўлади, идора ёзади.

Ишченко ҳаммаси жойида эканлигини пайқади, энди бошқа саволи йўқ.

Унинг юрагга таскин тонди.

— Йигитларинг қалай? — гап ташлади Корнеев.

— Йигитларимдан ташвишланманг, — деди Ишченко аччиқлангандек. — Бошқалардан хавотирланинг, лекин менинг йигитларимдан ташвиш тортманг.

Улар индамай бешинчи батареяга боришди. Кўп ўтмай бетонқорғич шу ерга олиб келиниши керак.

Маргулиес аллақачон бу ерда иш билан машғул эди.

У шунчаки юргандек сездирмай ишлар, бошқаларнинг диққатини тортмасликка ҳаракат қиларди.

Маргулиес ўзини сайр қилаётгандек кўрсатар, аслида эса майдонни қадамлаб ўлчарди. Шу билан бирга тахтасуна ясаётган дурадгорларга, қувурларни маҳкамлаётган водопроводчиларга унча-мунча маслаҳатлар берарди. У дам ишчилар уйи атрофида кўринар, дам нарвондан кўтарилар, дам ишчилар уйининг қуюқ соясида сингиб кетарди.

— Нима, хотининг келдими? — сўради Маргулиес Ишченконинг ёнидан ўтаркан.

Ишченко кафтини шарварига артди. Кейин қўл олишди.

— Ҳа. Тиниб-тинчимас аёл.

Бригадирнинг андак шишган лабларида майин табассум балқиди.

— Айтишларича, янги меҳмон кутяпсизлар шекилли?

Ишченко орқасидаги ғўлани тимирскилаб топиб, унга ўтирди.

— Ҳа, шунақа. — У хаёлга чўмди. Жимгина ҳордиқ олди. Қўй кўзлари туман орасидан қараётгандек кўринди.

— Ермаковнинг иши қалай? — сўради Маргулиес Корнеевдан.

— Ермаков тамомлаяпти. Йигирма кубча қолипти.

— Яхши.

— Давид, — деди Корнеев. — Мен уйга боришим керак эди. Нима дейсан? Лоқал йигирма минутга.

— Ҳозир соат неча бўлди?

Корнеев чўнтагидаги соатининг тасмасидан тортди.

— Ун минута кам ўн икки.

— Жин урсин! — хитоб қилди Маргулиес. — Мен соат ўн иккида Москва билан гаплашишим керак эди.

— Яна-я?

— Ҳа, биласанми, бир нарсани сира ҳал қилолма-япман. Усиз, биласанми... хуллас, ярим соатдан кейин шу ерда бўламан. Майлими, Корнеев? Биладан, участкани ташлаб кетиб бўлмайди. Агар назорат қилиб турмасанг, булар бошлашади.

Маргулиес устунга тирманши-да, чангал сим устидан сакраб, нариги томонга ўтди.

Прораб бригадир билан гўлага ёнма-ён - ўтириб, туфлисига қаради, роса доғ бўлиб кетинти. Уни артиб кетказиб бўлмайди.

Яна бўяш керак. Фақат бўяш керак.

Лекин Клава нима бўлди? Наҳотки кетиб қолса? Лоқал уйга чорак соат, жуда бўлмаса ўн минутга бориб келса эди. Аммо сира мавриди эмас.

— Ишларимиз мапа шунақа, Ишченко,— деди у бригадирнинг елкасидан қучиб.

Лекин шу заҳоти ўрнидан сапчиб туриб, дурадгорлар томон отилди.

— Ҳой! Тўхта! Тахтани қоқма!— бақирди у овози ўзгариб.— Қаёққа қоқяпсан? Суғур! Шу бир ярим метр келадими?

Ишченко бир нуқтага тикилганича қимир этмай ёлғиз ўзи ўтирарди. Тикилаётган нуқтаси узоқдаги бетонқорғич машина барабани аста айланиб, гулдираб, тўнкарилаётган тахтасупа устида оқариб кўзга ташланаётган Ермаковнинг докаланган боши эди.

У ерда онда-сонда оқ кўйлак-иштон ҳам кўринарди. Бетоннинг ағдарилгандаги шарақа-шуруғи, унинг ёғоч тарнов орқали шатирлаб тушиши, одамларнинг қийқириғи эшитилади.

Ермаковчилар охириги куб бетонни қуйишяпти. Энди машина бу ерга, бешинчи батареяга кўчирилади. Соат ўн олтида Ишченко бригадаси харьковликлар ўрнатган рекорддан ўзиш учун кураш бошлайди.

Ушанда кўрасиз уни!

Лекин бригадир Ишченко бу ҳақда ўйлаётгани йўқ.

У биринчи марта ўзи, ҳаёти, Феня ва туғилажак фарзанди ҳақида ўйларди.

Шу кунгача унинг ҳаёти ҳам текис, ҳам мулоҳазасиз тез ўтарди. Вақт унинг ҳаётини худди дарё балиқ тўртини оқизгандек дам ўнганга, дам сўлга буриб олиб борарди. Вақт дарёдек сокин оқар, ҳаёт эса бамисоли ундан чиқиш жойи йўғу ўртада қалқиб бораётгандек туюларди.

Вақт худди Днепрга ўхшарди: Киевдан Екатринославга, Екатринославдан Киевга бораётгандек эди.

Кема оҳишта сузаяпти. Унинг атрофи баланд-баланд қирғоқлар билан ўралган.

Кема кўлда сузиб борапти-ю, чиқиш жойи йўқдек.

Лекин, мана, баланд қирғоқ аста пастлаб, яланглик кўринди.

Чиқиш жойи йўқдек туюлган ерда бурилиш пайдо бўлди.

Бурилиш бурилишга уланади. Кўл кўлга қуйилади.

Кема ўша жойга етганда, у янги кўл томон бошлайди.

Кўл кўлга қуйилади. У дарё эди, у Днепр эди, у кема ҳам эди.

Кемада акаси Терентий матрос бўлиб хизмат қилган. У палубанинг тумшугида ола-була лангарчўи ушлаганича дарё чуқурлигини ўлчарди.

Ишченко эса ҳали бола эди. Ҳа, ёш, эндигина еттига тўлган. Ушанда Костя кемага — акаси Терентийнинг олдига бориб турарди.

Кема қизил панжаларини сувга ботирарди.

У жойидан қўзғаларди. Ака-ука йўл-йўлакай қанд билан чой ичишарди, тешиқкулча ейишарди.

Кейин акасини олиб кетишди. Айтишларича, герман фронтига экан.

Костянинг ҳаёти яна қишлоқда, бобоси печка устида йўталаётган, онаси қарғайдиган, дарёнинг қуйиш жойидаги похол ловиллаб ёнаётган уйчада давом этди.

Олов аввал заррин, киши чидаб бўлмас даражада иссиқ бўлар эди.

Кейин пасаярди. Қизил чўгга айланарди. Узун ухват¹нинг сояси шайтон сингари липилларди. Кейин қизил похол тимқора кулга айланарди.

Қўлида узун таёқ билан сигир боқди.

Ҳаво дим, бутазор эса қуруқшаб қолганлиги учун сигирлар кириши билан қисирлайди. Эманзордаги жазирамада қовжираган жигарранг япроқларнинг дим ва ўткир ҳиди димоққа урилади.

Кейин ўн еттинчи йил воқеалари бошланди. Акаси қайтиб келди. Бошидаги папохида қизил лента қия тикилган эди.

Қизил лентани болалар отлари ёлига боғлаб олишди.

Бир оз вақт ўтгач, ўша — акаси — Терентий яна дарё флотилиясида матрос бўлиб ишлай бошлади.

¹ У х в а т — печкага қозон, това қўйиш ва олиш учун ишлатиладиган узун дастали тутқич.

Қайси йилнингдир қиши. Зангори осмонда қизил юлдуз — Марс чақнайди. Шамол уни учирриш учун ҳаракат қилади. Юлдуз эса метиндек музлаган поёнсиз чўл узра порлайди.

Баҳор келди. Уч дюм калибрли тўп гумбурлади. Снарядлар уриб туширган Печёра жомхонасининг карнизи ерга ағдарилди. Ясама худоларнинг қорни ёрилиб, ичидан — пахта, ҳар хил латта-путталар, товуқ патлари ҳар ёққа сочилди.

Дарёда яна кема суза бошлади. Улар ўзгача, чапда — оқлар, ўнгда — сариқлар. Чапдагиси — генерал Деникин, ўнгдагиси — атаман Чайковскийга тегишли.

Гранаталар чийиллаб учади. Терентий пулемётга ёпишиб олганича палубада ётипти. Пулемёт панжалари билан ерга ёпишиб олган қурбақадек титрайди.

Снаряд қоқ ўртага келиб тушди. Кема мўриси ўрнида қоп-қора тутун устунни вужудга келди. Днепр сувида қизил устун — олов кўтарилди.

Сувга ўқлар визиллаб учади. У ўқлар остида қир-роққача аранг сузиб бориб, қамишлар орасига яширинди.

Ҳаёт эса Днепрдек гоҳ чапга, гоҳ ўнгга урилиб, ҳамон оққани-оққан. Мана, унинг ҳам чиқиш жойи йўқдек туюляпти. Чиқиш жойи эса ҳув ана, тўғрида. Дарё кўллар тизмасидан иборат. Ҳар қайси кўл эса ўтиб бўлмас, сирпанчиқ кўзгудек кўринади.

Акаси Терентий бедарак ғойиб бўлди...

Кенжа Ишченко, Константин, қўлига тушъ билан руль чархи тасвирини игна санчиб чизди. Кейин яна қишлоққа, уйига жўнади. Лекин қишлоқда ҳеч кими қолмаганди. Терламадан онаси вафот этипти. Бобоси ҳам. Елғиз ўзи қолди. Кейин деҳқончилик қилди. Усиб-улгайди.

Ер қазувчи, коранда бўлиб ишлади. Колхозга кирди. Шу ерда Феня билан танишди.

Тун иссиқ ва ёқимли. Ошпаз аёл чипта билан қозон ювяпти... Ҳовли ўртасига ўрнатилган ўчоқ олови ёниб тугаган. Шамол юлдузларни пуфлаб учирмоқчи бўлади, лекин кучи етмайди. Тиккадаги ой тамоман пастлаган. Унинг ерни ёритишга қурби етмайди, шунчаки муаллақ осилиб турипти. Ой сариқ ҳалқадек юпқа, хира, совуқ шудринг бўлиб чўлга, тарвуз пўчотиғига инган.

Кейин Костя Уралга ишга жўнади. Нега жўнамадинг? Яшаш, пул топиш, уй-жой қилиш керак.

Мана энди у Уралда. Вақт ўтиб бормоқда. Ҳаёт ҳам вақт сингари ўзгариб бормоқда.

Бу ерга пул топиш учун коранда, ер кавловчи бўлиб келганди. Дастлабки куллари ўз юртини қўмсди. Чўл бегона. Юлдузлар ҳам бегонага ўхшайди. Ҳатто қўшиқлар ҳам, иш эса кўп. Кейинчалик ҳаммасига кўникди. Ишнинг моҳиятига тушунадиган бўлди. Бригада бошлиғи этиб тайинланди. Қандай қилиб бригада бошлиғи бўлиб қолганлигини ўзи ҳам эслолмайди. Бамисоли бутун ҳаёти бригадир бўлиб ўтгандек, бригадир бўлиб туғилгандек эди.

Ишченко дунёдаги ҳамма нарсани унутди. Бошқа нарса деб келганди — бошқасини топди. Ҳатто Феняни ҳам унутганди. Феня эса — мана, шу ерда. Ана, фарзанд ҳам кутишяпти. Ўғилми? Балки қиздир. Ҳар қалай фарзанд кутиляпти.

Ана шу ўтган бутун ҳаёти — бошидан кечиргани, ҳозиргиси, келгусидаги ҳамма нарса — беҳуда эмас. Уларнинг ҳаммаси унга, ўша — ҳали дунёга келмаган, лекин туғилажак чақалоқ учун. У албатта туғилади. Бугунми, эртагами дунёга келади. У Константиннинг қони, жисми, ҳаёти бўлади.

Ана, поезд состави ўтди (вагонлар сояси ишчилар уйида панжарадек тез-тез узоқ лип-лип этиб турди). Бу ҳам ўша фарзанд учун. Мана, чор-атрофда булут тўпланиб, иссиқ пуркайди. Бу ҳам бошқа нарсалар сингари унга бағишланган.

Бешинчи батареяда плита бўлади. Унга олтмиш тўққизта пистакўмир печи ўрнатилади. Ана шу пистакўмир домнани таъминлайди. Домналар парчинлайди. Тоғ жисми очилади. Руда олинади. Руда домнага ташланиб, пистакўмир ёқилади. Чўян эритилиб, пўлатга айлантирилади. Ундан рельслар, вагонлар, арра, болта, сўқа, машиналар ясалади.

Буларнинг ҳаммаси ҳам эҳтиёт учун, «унинг» бахти учун.

Ҳаётни фаровон қилиш учун яхши сўз камлик қилади, жуда камлик қилади.

Пўлат керак, пўлат, пўлат.

Пўлат олиними, ҳаёт янги, бахтли бўлаверади.

Буларнинг ҳаммаси «унинг» учун. «У» — бу мен. У ва мен — бу биз. Биз эса — бу ҳаётдир.

Шу пайтгача вақт худди қўлтиқдан қўлтиққа, кўлдан кўлга ўтган дарёдек бир меъёрда ўтарди. Вақт ҳаёт силсиласи эди. У ўз хоҳиши бўйича оқарди. Хоҳласа — секин, хоҳласа — тез.

Ишченко энди кўзини очди ва биринчи бор бутун вақт ичидаги ўтган ҳаётига назар ташлади. У ниҳоятда секин оққан экан. Лекин Ишченко учун, келажак учун оққан эди.

У Ишченконинг қўлига маҳкам ўрнашиб олган.
Эҳ, ҳар қалай ҳаёт яхши нарса!

28

Катя бор-йўғи бир неча дақиқа кечикди.

Лекин зинадан чиқаётибоқ юқоридан телефоннинг чўзиқ, қаттиқ, даъватли қўнғирогини эшитди.

У ҳарсиллаганича икки зинани бир қилиб сакрарди. Юзлари эса бўртиб кетган.

Квартиранинг очиқ эшиги олдида қўшни аёл турарди.

— Екатерина Львовна! — қичқирди у зина панжарасидан энгашганича. — Югуринг, бу яна ўша тентак акангиз бўлса керак, иккинчи марта телефон қилиши. Жаранг-журунгдан бошим зирқираб кетди.

Катя ўзини даҳлизга урди.

У бир қўли билан қоғоз ва газета солинган тугунчани кўкрагига босди, иккинчиси билан телефон трубкасига ёпишди. Трубка қўлидан учиб кетди. Катя тиззаси билан уни аранг тутиб қолди. Кейин қулогига олиб бориб, ияги билан қисганича бошидаги береткасини олиб елпинди.

Телефон қилган ҳақиқатан Давид эди.

— Қалай, Смоленскийни топдингми?

— Топдим, топдим. Ҳаммасини қилдим. Тўхта, сенга ҳаммасини айтиб бераман. Тўхтаб тур. Қоғоз, қаламинг борми? Тўхтаб тур, газета тушиб кетди. Сенга диктовка қиламан.

— Бор, бор. Гапир. Ёзаман. Айтавер.

— Ҳозир, ҳозир...

Катя юзини худди нўхталалагандек туйилган қоғоз ўрамини ияги билан қисганича шошилиб оча бошлади.

Ниҳоят у қоғозни ёзди.

Катя кўзни қамаштирувчи ёз тонгидан сўнг ҳали нимқоронғи, пашшалар қўнавериб доғ-дуғ бўлиб кетган лампочканинг сарғиш нурсиз ёруғида газетадаги хира ҳарфларни аранг ажратарди. У газетадан кесиб олинган парчани шундоқ тумшуғи тагига олиб келди ва ўзига нотаниш абзацларни ҳарсиллаганича ўқий бошлади.

Давид гоҳо-гоҳо қайта сурар, Катя эса яна так-
рорларди.

— Сабр қил, сабр қил! — қичқирди Давид.

Шубҳасиз, у ёзаётган, ёзиш ҳам худди Катя дик-
товка қилаётгани сингари ноқулай бўлаётгандек кў-
ринарди.

— Яхши. Жуда яхши. Раҳмат. Давом эт, давом
эт, — дерди у баъзан. — Баракалла, Катя!

Қувониб, руҳланган Катя ҳатто гурур билан ма-
қолани шошилиб ўқишда давом этарди.

Уларни дағал овоз вақт тугаганлигини эслатиб, беш
марта узиб қўйди, беш мартада ҳам гапларини бўлмас-
ликларини талаб қилувчи Давиднинг асабий товуши
эшитилди. Улар аввал икки ҳисса ошиқ тарифда, ке-
йин эса уч ҳисса кам тарифда гаплашишди.

Баъзан у Катядан бир оз тўхтаб туришини сўра-
ди. Балки у қалами учини очаетган ёки қорознинг ор-
қасини айлантираётган бўлса керак. Бу вақтда Катя
унга Москвадаги турли янгиликларни айтарди.

Христ Халоскор ибодатхонасини қисмларга бў-
лишяпти. Охотнийни бузишяпти. Минин ва Пожар-
ский монументини ҳозиргина бошқа ёққа кўчи-
ришди.

— Биласанми, — қичқирди Катя бидирлаб. —
Эшитяпсанми? Биласанми, Смоленскийнинг олдига
кетаётганимда Минин ва Пожарский жойида турган-
ди. Қайтаётсам, тош йўлнинг ўзи қолипти. Яхшими?

— Яхши!

— Христ Халоскор-чи... Эшитяпсанми? Мен Христ
Халоскор гумбазининг ярмини қисмларга ажратиб
бўлишяпти, деяпман. Мен уни шунақа катта, деб сира
ўйламагандим.

— Яхши! — гўлдирайди Маргулиес.

— Бўлинган гумбаз қисмларининг кенглиги бир
неча саржин келади. Сенга айтсам, узоқдан қовун
пўчоғига ўхшайди... Эшитяпсанми?

— Ях-х-ш-ши! — бақирди Маргулиес. — Давом эт!
Давом эт!..

Ана шу ажойиб ёз тонгида Москва вақти билан
соат ўнда, у томоннинг вақти билан эса ўн иккида
ака-сингил бир-бировларидан бир неча минг километр
узоқда туриб гаплашишарди. Уларнинг овози жуда
ортда қолган даврни, собит коинотнинг ўжар ғовур-
ғувурини босиб, Европадан Осиёга, Осиёдан Европага
учарди.

Мана Катя Маргулиесга айтиб турган — Давлат Иншоотлар институти инженерларининг «За индустриализацию» газетасида янгигина босилиб чиққан.

«Бетон тайёрлашни тезлаштириш ва сифатини яхшилаш» мақоласидаги асосий жиҳатлар қуйидагидир:

«Қатор қурилишларда зарбдор ишчи бригадаларининг қурилиш машиналаридан унумли фойдаланиш соҳасида эришган ютуқлари катта ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга молик воқеадир. Бу ютуқлар шу масала юзасидан ҳукм суриб келган олдинги ҳамма консерватив тасаввурларга зарба беради.

Қурилиш ташкилотларининг кўпчилиги кундалик ишда қўлланилиб келинаётган нормаларга асосланиб, ўз ишида қурилиш машиналарининг ҳаддан ташқари паст иш унумини рўкач қилиб олди.

Мазкур ташкилотлар бетонқорғич машиналари иш унумини соатига ўн беш ёки йигирма қоришмадан иборат, деб исботлай бошладилар, ваҳоланки, Иншоотлар институтининг маълумотларидан бетонқорғичларнинг иш унумини соатига ўттиз-ўттиз беш қоришмага етказиш имконияти борлиги, ишни тўғри ташкил этиш, сабабли ва сабабсиз бекор туришларга барҳам бериш ҳамда юклаш ишлари механизациялаштирилган тақдирда (ўлчагичлар орқали аралашманинг тушиши таъминланган ҳолда) ва бетон қориш учун сарфланадиган вақт камида бир минутни ташкил қилганида, соатига ўттиз етти-қирқ қоришмага етказиш мумкинлиги кўриниб турибди.

Хўш, бетонқорғичлар учун энг юқори ва эришиб бўладиган реал иш унумини қандай ҳисоблаш мумкин?

Бетонқорғичнинг бир иш туркуми асосан, *ковшни тўлдйриш, кўтариш, барабани тўлғазиш, аралаштириш ва тушириб олишга кетадиган вақтларнинг йиғиндисидан* иборат. Турмушнинг бу элементларидан баъзилари бирга қўшиб бажарилади: масалан, *ковшни тўлдириш ва уни кўтариш, аралаштириш даврида бажарилади.* Иншоотлар институтининг бетонқорғичлар иш туркуми элементлари ҳақида қурилиш ташкилотларига тарқатган норматив маълумотларда *барабани тўлғазиш ва уни бўшатиш* («егер» ва «кайзер» учун) бир моторист ишлаган тақдирда, 31 секунддан 40 секундгача вақт сарфланиши кўрсатилади.

Қоришмалар сонига таъсир этувчи ўзгарувчан катталиги — *аралаштириш вақтидир.*

Иш рационализация асосида ташкил этилганида, олти соат тўхтовсиз иш давомида қуйидаги миқдорда қоришма тайёрлаш мумкинлигини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас:

Аралаштириш вақти (секунд ҳисобида)	30 секундда	Аралаштириш давомийлиги қуйидагича бўлганда қоришмалар сони 20 секундда
51	640	820
20	576	720
30	480	516
45	384	448
1 мин.	320	360

Хўш, иш учун қайси аралаштириш давомийлигини қабул қилиш керак?

Бизда ҳозиргача аралаштириш учун сарфланадиган минимал вақт бир минут қилиб олинган; чет эл нормалари, германиялик профессорлардан Граф ва Гарботцинг тажриба натижалари ҳам худди шундай ёки ундан кўпроқ давомийлик бўлишини талаб этади.

Бунга сабаб шуки, бетоннинг мустаҳкамлиги маълум чегарагача аралаштириш вақтининг ортishi билан ошади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, аралаштириш вақти қисқа бўлганда бетоннинг эластиклиги кам бўлади, бундай бетон билан ишлаш эса унча қулай бўлмайди.

Тўғри, сув қўшиб, керакли эластикликни ҳосил қилиш мумкин, лекин, маълумки, бундай қилинганда бетоннинг мустаҳкамлиги жуда пасайиб кетади. (10 процент сув қўшилганда бетоннинг мустаҳкамлиги ўрта ҳисобда 10 процентга камаяди.)

Аралаштириш 1 минут ўрнига 15 секунд давом этса, бетоннинг мустаҳкамлиги 20 процентга ва ундан ҳам кўпроққа, 30 секунд давом этса, 10 ва ундан ҳам кўпроққа пасайиб кетади.

Бу маълумотлар йигирма саккиз кунлик бетон учун келтирилди: бетон эскироқ бўлса бу фарқ бир-мунча қисқаради.

Бизнинг нормаларимиз билан бетон иншоотларга атиги 1,5—2,5 марта *муштақамлик запаси* берадиган минимал муштақамлик белгиланган. Чет элда, авваллари ўзимизда ҳам бу кўрсаткич 3-4 марта қилиб олинган эди. Аралаштириш вақти қисқартирилганда бетоннинг ана шу белгиланган минимал муштақамлиги ҳам камайиб кетмаслиги учун *бетон таркибини бирмунча кучлироқ қилиб олиш*, яъни 1 кубометр бетон олиш учун *кўпроқ цемент солиш* зарур.

Бир кубометр темир-бетонга ўрта ҳисобда 200 дан 300 килограммгача цемент сарфланади, деб ҳисоблаш мумкин:

Аналитик ҳисоблашларнинг кўрсатишича, аралаштириш тезлаштирилганда бетоннинг пасайиб кетадиган муштақамлигини тиклаш учун 1 кубометр бетонга қуйидаги миқдорда қўшимча цемент солиш зарур:

1 мин. ўрнига 15 сек. аралаштирилганда	35 кг.
30 сек.	15-20 кг.
45 сек.	—

Демак, қўшимча цемент жуда кам талаб қилинар экан.

Шундай қилиб, қоришма сонини оширишда бир кубометр бетон учун 15 килограммдан 35 килограммгача атрофида цемент ошиқча сарфлаш талаб этилади.

Цемент камёб бўлиб турганида, бунга эҳтимол йўл қўйиб бўлмас.

Биз ҳар эҳтимолга кўра, қуйидагича нормаларни қабул қилиш мумкин деб ҳисоблаймиз: бетонни қўшимча цемент билан аралаштириш — камида 30 сек, қўшимча цементсиз аралаштириш — 45 сек. Бу эса қўшимча цемент билан *бир сменада* 480-576 қоришма, қўшимча цементсиз 384-443 қоришма тайёрлашга имкон беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, *иш ва иш ўрни рационал ва тўғри ташкил этилгандагина, одамлар жой-жойга тўғри қўйилгандагина* қоришмаларнинг бу миқдорига эришиш мумкин.

Ана шу шартларга риоя қилинмаса, бетон сифатсиз тайёрланаверади, бу эса иншоотга албатта, салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ана шуларни назарда тутиб, қоришмалар сонини соатига 135, ҳатто 150 га етказиш ҳолларига бефарқ қарамаслик керак.

Бу рақамлар қоришма деярли аралашмаганлигидан далолат беради.

Агар бетонқорғичнинг бутун иш туркумига 27-28 секунд тўғри келса, у ҳолда барабани тўлғизишга 5 секунд, бўшатишга эса 10 секунд (қўшимча ишчилар сони кўп бўлганида бу операцияларни бажариш учун зарур бўлган минимал вақт) деб ҳисобласак, аралаштириш учун ҳаммаси бўлиб 11-12 секунд қолади. Агар барабани тўлғизиш ва бетонни ағдарилш учун атиги 5 секунд кўп вақт кетса, аралаштириш учун 10 секунд кам вақт қолади.

Бу вақт қоришманинг тахминан уч марта айланишигагина тўғри келади ва албатта камлик қилади.

Бундай ҳолда миқдорнинг ошиши сифатнинг камайиши ҳисобига бўлади.

Қоришмалар сонининг бундай оширилишига, эҳтимол, зарурат туғилиб қолган ҳолларда, иншоотнинг унча муҳим бўлмаган қисмлари — ер ва яхлит тўшамалар ҳамда бетон бир неча марта ётқизиладиган жойларда йўл қўйиш мумкиндир. Лекин темир-бетон конструкциялар, шунингдек, масъулиятли иншоотларга қўлланиладиган бетон учун бундай қоришмадан фойдаланиш мумкин эмас. У бетоннинг бутун массасини бир жинсга айланттиришга, бинобарин, бутун иншоотнинг зарур даражада мустақкам чиқишига кафолат бермайди.

Механизмлардан фойдаланиш соҳасидаги социалистик мусобақа ва зарбдорлик ўз олдига фақат қоришмаларнинг максимал сонига эришишни эмас, шу билан бирга зарур сифатли маҳсулот олишни ҳам асосий мақсад қилиб қўйиши керак. Шунинг учун биз социалистик мусобақа ва зарбдорликнинг бир сменадаги кўрсаткичлари қилиб номақбул натижаларга олиб келиши мумкин бўлган қоришмалар сонини эмас, балки қўйидаги кўрсаткичларни белгилашни тавсия этамиз:

1. Смена давомида тўхтаб туришларни бениҳоя қисқартириш (иложи борича тўхтаб туришлар бўлмаслигига эришиш).

Биздаги маълумотларга қараганда, ҳали бирорта бригада ҳам бунга ҳанузгача эришган эмас.

Соатлик ва сменалик қоришмалар сони кўтарилгани билан тўхтаб туришларни бартараф этишга эришиб бўлмайди, смена давомида соф иш вақти 8 соат ўрнига анча кам.

2. Қоришмалар сонини иш кунларининг маълум вақти — декада, ой ва ҳоказолар давомида тўғри ташкил этиш йўли билан умуман ва бир текисда ошириш.

Бетон ишларини узоқ муддатда олиб борганда қоришмалар сонини умумий ва бир текис оширмасдан фақат айрим сменалар давомида рекорд даражага эришиш, бу — ютуқларга эришилди дегани эмас.

3. Туркумнинг айрим элементлари вақтини минимумга келтириш (ГИС нормаларидан пасайтирмасдан). Аралаштириш учун сарфланадиган вақт эса ҳар қайси-си айрим ҳолда бетоннинг таркибига ва унинг нимага мўлжалланганлигига боғлиқ. Темир-бетон учун у камида 45 секунд бўлиши, муҳим бўлмаган ишлар учун эса камида 20—30 секунд бўлиши керак ва бу дала лабораториясида аниқланиши лозим.

4. Навбатдаги кўрсаткич машинанинг бир сменада айна машинага ёки жараёнларни қўшиб бажарадиган агрегатга хизмат қиладиган битта ишчи ҳисобига тайёрланадиган бетон кубометрлари миқдоридир.

Бунда зўр имкониятлар мавжуд.

М. Цагурия томонидан эълон қилинган мақоладаги маълумотлар қурилишларимизда механизмлардан жуда суст фойдаланиётганлигини кўрсатади. Олти қурилиш трести бўйича бетонқорғичларнинг қувватидан фойдаланиш 3,3—27,3 процент атрофида, қоришма қорғичлардан фойдаланиш 23,3—52 процент, тош майдалагичлардан фойдаланиш 5—25 процент, кўтаргичлардан фойдаланиш, 2,7—32 процент эканлигини айтиб ўтиш етарлидир. Худди шу машиналардан вақт бўйича фойдаланиш кўрсаткичи 6,7 дан 64 процентгача ўзгариб туради.

Машиналардан фойдаланиш коэффициентининг кичиклиги айна ҳолда механизмларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидан далолат беради. Бундан бешинчи кўрсаткич сифатида механизмлар ўз ҳолига ташлаб қўйилишини баргараф этиш ва уларни маълум жавобгар шахсларга бириктириб қўйишлик келиб чиқади.

Қоришмаларнинг турли миқдорларидан олинган бетоннинг мустаҳкамлиги ҳақида қурилишлардан олиниб, матбуотда эълон қилинган баъзи маълумотлар мазкур масалага тегишли жавоб беролмайди. Қоришмалар шароитида қилинган тажрибалар жуда ҳам оддий ўтказилади (аниқ дозалаш йўқ, материаллар миқ-

дори турлича) ва айрим тасодифий фактларга асосланади. Ушбу йилда Иншоотлар институти бетонқорғичлардан фойдаланиш, бетоннинг ҳар хил турларини аралаштириш вақти, олинадиган бетоннинг сифати ва бошқа шу каби масалалар юзасидан илмий аҳамиятга молик катта тадқиқот ишларини бажаради. Илмий-тадқиқот ишлари билан мустаҳкамланган зарбдорчилик сифатини пасайтирмаган ҳолда бетон тайёрлашдаги жаҳон рекордларига етиб олиш ва ундан ўзиб кетишга тўла имконият беради.

Айни вақтда шу нарсани назарда тутиш керакки, бетонқорғичларимиз иш суръатининг янада оширилишига кундалик типдаги порцион бетонқорғичларнинг конструкция камчиликлари тўсқинлик қилмоқда.

Мавжуд бетонқорғичларнинг тузилишига ўзгартишлар киритиш ковшининг кўтарилиши ва бўшатилишини тезлатиш, бошқаришни автоматлаштириш йўли билан эса фақат суръатнинг нисбатан ўсишига эришиш мумкин.

Қурилиш зўр суръатлар билан ва катта кўламда олиб борилаётган шароитда бизга бундан бўён *машиналарнинг янги типини — узлуксиз ишлайдиган қорғичларни* қўллаш сари йўл тутишга тўғри келади.

Бетонлаш суръатларининг қурилиш ичидаги транспорт ва қолип туфайли юзага келадиган секинлашини баргараф этиш учун бетонни ётқизиш жойига қувурлар билан узатадиган *бетон насослари* ва қолиплар оборотини оширишга имкон берадиган *юқори сорт цементлар* кўпроқ ишлатилиши керак».

30

Винкич соат саккиздан бери Маргулиесни излар, лекин сира учратолмасди. Шу куни эрталабданоқ Маргулиесни топиб бўлмади қолганди. Бу бежиз эмаслигини Винкич биларди.

Шундай бўлса ҳам Маргулиесни учратиш керак эди.

Мана энди Винкич маслакдошга эга. Бу — Георгий Васильевич. Ун минутли суҳбатдан кейин улар бир-бирларини ёқтириб қолишди.

Улар бир-бирларига керакли эканликларини пай-

қашди. Бир бировларининг фикрларини тўлдиришди.

Винкич Георгий Васильевич учун ребус калитига айланганди. Георгий Васильевич ҳам Винкич учун нуфузли мартаба эгаси. РОСТА мухбирига илтифот қилинмайдиган жойда таниқли ёзувчи-беллетристга ҳар қанақасига ҳам ҳурмат билдиришлари ва кўмак беришлари мумкин.

Георгий Васильевич ярим соат ичида бу ерда уч кун давомида билганларидан кўпроқ нарсани билиб олди.

Мазкур қурилиш энди унинг назарида айтарли катта эмасдек эди. Одамлар ҳам оддий, камтарин туюлди. Чўллар ҳам, тоғлар ҳам, машиналар ҳам оддийгина бўлиб кўринарди.

Барча буюм ва одамлар сезиларли даражада ўзаро алоқада эди. Уларнинг номлари ҳам энди унга аниқ. Винкич энди уларнинг номи, характеристикасини тўлиқ биларди.

Буюмлар ҳам, одамлар ҳам энди ўзига яраша ном олиб, тўсатдан тилга киргандек, онгли ҳаракатлар қила бошлагандек бўлди. Георгий Васильевичнинг кўз олдида жумбоқ бўлиб кўринган ребус ечилди — энди унинг асабга тегувчи томони йўқ эди.

Энди унга бригадир, прораб, ўнбоши, зарбдор, дангаса, ташаббускор, катта ва кичик инженер, хўжалик мудир, бухгалтер, ячейка секретари, машинист, шофёр, ўймакор, бетончи, монтажчи, геодезист сингари касбдаги одамлар учрай бошлади.

Бутун қурилиш майдони бўйлаб ташланган машиналар бажараётган ишлари, овози, сигнали, тутуни, номи билан бир-бировидан фарқ қила бошлади.

Улар орасида экскаватор деб аталган ўрмаловчи машиналар ҳам бор. Экскаваторлар ўзлари кавлаган котлованлар тубида турипти. Тепасига ўрнатилган кичкина будка тишли ўқда чийиллаб айланади. Занжири шарақлайди. Темир стрела пастга тушади. Баҳайбат тишли тўқ-қизил ковш лойда оқ мумдек из қолдириб, ер қатламини пастдан юқорига суради. Ковш тупроқ билан тўлади. Стрела уни юқорига кўтарди. Будка яна айланади. Ковш платформа тепасига келиб тўхтайдди. Унинг қопқоғи тақиллаб очилади-ю, пастки қисми бамисоли темир жағдек осилиб қолади. Ана шу пайт ундаги тупроқ тутқунликдан қутулиб, қора дуд тўзиганича платформага ағдарилади. Кейин жонсиз жағ тагин жонланиб, қудратли куч билан қаттиқ ёпилади.

Будка яна айланади, стрела тагин шақирлаб пастга тушади.

Тупроқ тўла ковш ҳар бир платформа устида ўн мартадан очилиб-ёпилгач, экскаватор гудок чалади. Шу заҳоти унга состав паровозчаси чийилдоқ ҳуштак билан жавоб қайтаради. Механизмлар шу кўйи ўзаро гаплашади. Экскаватор кейинги платформа сурилишини талаб қилади. Паровозча эса унга: «Яхши. Тўхтаб тур. Ҳозир», дея жавоб қайтаради. Кейин буферлар тарақа-туруқ урилиб, состав ўрнидан қўзғалади. «Тўхта!» — қичқиради экскаватор. «Хўп!» — жавоб қайтаради паровозча.

— Қаранг,— дейди Георгий Васильевич завқ билан.— Механизмлар тилини энди тушуна бошлаяпман.

— Мен мана шу тилда бир ярим йилдан бери гаплашаман,— жавоб беради Винкич.

У Георгий Васильевичга қўлини узатиб, уни тупроқ уюмига тортди. Беллетрист туфлиси билан тупроққа беўхшов ботиб, атрофга чанг тўзитганча, котловат ичига чопганида Винкич уни пастда кўлтиғидан илтиб олди.

Машиналар орасида буғ билан ишловчи экскаваторлар ҳам бўлиб, улар тепасидаги қуюқ ва қоп-қора тун бамисоли хитой туши билан чизилган расмга ўхшарди.

Бу ерда яна электр экскаваторлар ҳам борки, улар тутамайди. Ғилдирак ва ўрмаловчи занжирларда юради. «Марион» ва «бюсайрес» ҳам бор.

Улар орасида хўжалик ҳисобига ўтказилганлари ҳам, ўтказилмаганлари ҳам бор эди.

Экскаваторлар кавлаб ташлаган ер юқоридан қараганда улкан бир жонзотнинг умуртқа поғонасига ўхшаб кетарди. Гўё бу ерда илмий экспедиция ишлагану, у аллақачонлар қуриб битган дарё ўзанидан, полеонтологик қатламлар орасидан ўша ғаройиб жонзотни қидириб топган бўлса керак, деган хаёлга келасиз.

Экскаваторларни эслатувчи механизмлар ҳам бўлиб, уларни грейфер деб аташарди. Улар кавланган тупроқни чангалига тўлдириб, тавақали ковшларини бош айлантирадиган даражада баландликка кўтарар, кейин юк машинаси устида тўхтарди. Сўнгра чангаллари очилиб, тупроқ худди қора қўйдек машинага ағдариларди. Паст-баланд ер бўйлаб икки бошли бургутнинг ваҳшиёна сояси учиб ўтарди. Бу экскаваторнинг ўша ҳайбатли чангалининг сояси.

Шулар қатори бетон қуювчи мезаналар, кўчма кўралар, электровозлар, тракторлар, бетонқорғич машиналар, катта сим ғалвирлар, шағал ва тош элаги ва бошқа буюмлар ҳам бор.

Винкич бутун участкани кўздан кечириб чиқди. У текширмаган биронта ҳам бурчак қолмади. Маргулиес ҳеч қаерда йўқ эди.

Ниҳоят унга дуч келишди.

Маргулиес бошини қандайдир қоғоздан кўтармай, котлован чеккасига ташланган тупроқ уюми устида катта-катта қадам ташлаб келарди. У туртинар, ҳар дақиқада пастга юмалаб кетиши мумкин бўлса-да, қоғоздан бош кўтармасди.

Винкич лип этиб тупроқ уюми устига чиқди-да, Маргулиесга рўбарў бўлди.

— Ҳорманг, хўжайин! — қичқирди у баланд қувноқ овозда.

Маргулиес тўхтади. Қаршисида Винкич эди. «Ҳа, — деган маъно бор эди унинг табассумида. — Илож қанча, қўлга туширди».

Улар кўришишди. Бу вақтда тупроқ уюми тепасига Георгий Васильевич ҳам чиқиб келди.

Винкич унга Георгий Васильевични рўпара қилди.

У ўзини расмий киши сифатида тутиб, совуққина:

— Давид, таниш, — деди. — Танишинг, Георгий Васильевич. Бу участка бошлиғи, инженер Маргулиес. Бу кишининг ким эканлигини изоҳлаб беришимнинг ҳожат йўқ. Давид, ўз-ўзидан маълум. Шу топда Георгий Васильевичнинг бир нарса қизиқтиряпти. Шунини тушунтириб берсанг?

— Ҳа, илтимос, тушунтириб беринг, — деди Георгий Васильевич тиззасидаги чанг-тупроқни қоқа туриб.

— Георгий Васильевич, — деди Винкич ўта майинлик билан, — Харьков рекорди тўғрисидаги фикрингни билмоқчилар. Георгий Васильевич яна сен ҳам бирон тадбир ўйлаган-ўйламаганлигингни ҳам билмоқчилар. Масалан, участканг шунга тайёрланыптими? Умуман олганда, Харьков рекордидан қандай хулоса чиқаряписизлар?

— Ҳа, ҳа. Шунга эришиш мумкинми? Яъни, Харьков эришган ютуққа... Эришиш мумкинми? — қўшимча қилди Георгий Васильевич чўчинқираброқ.

Маргулиес диққатбоз қиёфада кўзларини юмиб, бошини эгди.

— Биласизми,— деди у хийла қатъий оҳангда.— Мен Харьков кўрсаткичини табиий ҳол деб ҳисоблайман. Бу кутилган нарса. Бунақа тажриба аниқ илмий асосда озми-кўпми юқори суръатни ташкил қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бизга, хусусан, менинг участкамга келганда эса, сизларга нима десам экан. Бу ерда шароит турлича... Шахсан мен, албатта, ҳаракат қилиб кўриш керак, деб ўйлайман... Нима қилти? Балки яхши натижага эришармиз, лекин айтиб қўлай, аниқ илмий асосдаги тажриба амалга оширилсагина қоришма сонини, масалан...

У барча далил-исботларни ўзича яна бир бор чама-лаб, ўйланиб қолди.

— Хўш?— деди Винкич дафтарчасини олиб.

Маргулиес афтини билинар-билимас буриштирди.

— Хўш, айтайлик, қоришма сонини уч юз ўн, уч юз йигирмага етказишга урилиб кўрилса бўлади... Ҳатто, уч юз ўттизта ҳам тайёрлаш мумкиндир. Лекин яна такрор айтаманки, албатта, бунга жуда қаттиқ тайёргарлик кўриш керак.

— Буни қаранг-а!— хитоб қилди Георгий Васильевич.— Лекин, биласизми, ўйлаб кўринг, инженер Налбандов ҳам пухта йигит...

Винкич унинг макентожидан секин тортиб қўйди. Георгий Васильевич гапиришдан тўхтади. Лекин вақт ўтган эди. Маргулиеснинг чехраси ўзгарди. У бирдан сирли ва еқимсиз тусга кирди.

Винкич ичида қойиниб: Маргулиес олдида бу номни тилга олишнинг нима ҳождати бор, дегандек Георгий Васильевични туртиб қўйди.

— Хўш, Давид,— деди Винкич,— энди қачон Харьковдан ўзини учун ҳаракат бошлайсан? Бугунми? Учинчи сменада ким ишлайди? Ишченко бўлса керак-а? Нима, Ишченко ҳам анча абжир йигит. Шундай эмасми?

— Қайдам,— деди Маргулиес бўшашиб.— Бугун бўлмаса керак деб ўйлайман.

«Ҳа, бўлади деб ўйлайсан, ит»,— деди ичида Винкич.

— Бугун, деб айтолмайман. Ҳар қалай ўйлаб кўриш керак, етти ўйлаб, бир кес, деганларидек... Эҳтимол, эртага ёки индинга бошлармиз...

Маргулиес ўйланиб қолди.

— Биласизми, ўртоқлар,— деди у,— эртага соат ўн олтида участкага келинглар. Балки эртага... унна-

либ кўрармиз... Бу, ҳар қалай, сизларни қизиқтирса керак... Айниқса, сизни, Георгий Васильевич... Ҳозир эса, мени кечирасизлар...

Маргулиес кепкасини тўғрилаб, баллетристка қўлини узатди.

Кейин нари кетди.

— Қалай?— сўради Георгий Васильевич.

— Унинг ишлари қанақалигини биламан,— гўлдиради Винкич.— Демак, аҳвол шундай, Георгий Васильевич. Хўш, нималарга эришдик?

— Биз икки фикрга эгамиз: Налбандов мумкин эмас деяпти, Маргулиес эса мумкин дейди.

— Ҳатто зарур деяпти,— қўшиб қўйди Винкич.— Мен у итти яхши биламан. Қасам ичиб айтаманки, у эртага ёки индинга эмас, айнан шу бугун Харьков рекордидан ўзиш учун киришади. Айнан шу бугун. Лекин биз улгурамиз. Кўрдингми, қанақа эҳтиёткор бу шайтон...

— Демак, бундай,— деди Георгий Васильевич.— Налбандов мутлақо мумкин эмас деб ҳисоблайди. Маргулиес эса, уч юз ўттизга етказиш мумкин, дейди. Қизиқ.

Улар тўғри ишчилар уйига йўл олишди.

Винкич Корнеевга учрашди.

— Хўш, Корнеич, сен нима дейсан?

— Тўрт юз замес, яъни қоришма — бу факт,— тез жавоб қайтарди Корнеев гап нима ҳақда кетаётганлигини дарров фаҳмлаб.

У «замес» сўзини яна худди русча сўз эмас, испанча «Zapess» фамилиясидек талаффуз қилди.

— Қизиқ,— деди Георгий Васильевич.

— Энди кўнглингиз хотиржам бўлсин,— гудранди Винкич. Шу пайт Ишченкони кўриб, унга яқинлашди.

— Хўш, сен нима деб ўйлайсан, хўжайин?

Ишченко ҳам унинг гапига дарҳол тушунди.

— Менми?— деди у жаҳл билан.— Тўрт юз эллидан кам эмас, дейман.

— Беш юз!— қичқирди югуриб келган Мося.

Етмиш метрли бетон қуйиш минорасининг панжарали стреласи кўкка кўтарилди. Унинг учини кўриш учун бошни орқага энгаштириб қараш керак эди. Шу пайтда минора тезкор ва қайноқ булут галалари бор зангори осмонда қиялаб учаётгандек туюларди.

Одам ўтирган ковш температурадек юқорига кўтариларди.

Мистер Рай Рупнинг илтимоси Налбандовнинг хуфя хоҳишига тамоман мос келди.

Шундай бўлса-да, у елкасини беғам-бепарво қисишни лозим топти.

— Демак, атрофни кўрмоқчимисизлар? Жуда яхши.

Ҳақиқатан ҳам бу ер ҳаддан ташқари чанг-чунг, жазирама иссиқ эди.

Бугун бу ердаги ҳамма нарса хусусан Налбандовнинг жаҳлини чиқарганди. У бунга керагича сабабни рўкач қилиши мумкин.

Серошевскийнинг ўта мулойимлиги.

Монтажчиларнинг етарли малакага эга эмаслиги. Одамларнинг етишмаслиги. Транспортнинг яхши ишламаслиги...

Э, важ кам дейсизми!

Ниҳоят — мана бу америкаликлар. Фақат ишдан қолдиришади. Лекин, Налбандов бунда ўзини ўзи бир оз авраб, муғамбирликка олди.

Европаликка хос ажойиб тарбияли ва нозик маданияти сезилиб турган большевикнинг бутун ўзига хос, салобатли, дағал ташқи кўринишини, унинг техника соҳасидаги олий даража пухта маълумоти, ўткир фахм-фаросати, инглиз тилини яхши билишини юксак баҳолай оладиган ана шу дидли ва маданиятли одамлар билан инглизча суҳбатлашиш, улар билан бирга юриш унга жуда ҳам ёқарди.

У мистер Рай Рупда кучли ва яхши таассурот қолдирди. Налбандов буни яхши билар, ҳис қиларди.

Бунга у ўзича хурсанд бўлиб қўярди. Шунинг учун жон-дилдан икки ролни — ташқи дағаллик билан ички сиполик ролини бажаришда давом этарди.

Бу ўйин уни маълум қадар жаҳлдан туширса-да, лекин барибир кўнглининг бир чеккаси гаш эди.

Албатта, бу ерда гап транспортнинг ёмон ишлаши ёки монтажчиларга малака етишмаслигида эмас.

Налбандовдаги ғазабнинг сабаби Маргулиес ва кечаги Харьков рекорди эди.

Бугун Маргулиес Харьков рекордини ортда қолдириш учун ҳаракат қилади. Бунга сира шак-шубҳа йўқ.

Бу ҳавода муаллақ турипти.

Налбандов буни бир қанча кичик ҳолатларда, айниқса кеча кечқуруноқ ҳис қилганди. Бугун, мана, тасдиқланди.

Участкада плакатлар пайдо бўлди, миш-миш гаплар, имо-ишоралар, табассум...

У Маргулиесни ёмон кўрарди.

Ундаги энг яхши участка бошлиғига хос шуҳратни, ишчиларнинг унга бўлган меҳрини, қурилишдаги донини кечири олмасди.

Ахир Налбандов олдида Маргулиес ким бўлти? У ҳавойи ишлаб чиқариш натижаларининг муваффақияти учун назария билан ҳисоблашмайдиган мансабпараст ва демагог, дағал амалиётчи ва гўр инженер.

Ҳа, Маргулиеснинг шу топгача омади келганди.

Унинг ҳар бир ғалабаси Налбандовни газабга солар, шунақа пайтда ўзини аранг тутарди.

Лекин ҳамини ана шундай давом этавермайди. Бир кунмас-бир кун албатта Маргулиеснинг чуви чиқарди.

Бу узоқ эмас. Харьков рекордидан ўзиб кетиш — телбалик. Харьков рекордидан ўзиб кетиш — барча анъанага қарши туриш, техниканинг оддий талабларини бузиш, механизмни ўта жабрлаш демакдир.

Механизм жабрни кечирмайди.

«Қурилиш французча кураш майдони эмас». Налбандов бу фикрни кеча кечқуруноқ қурилиш бўйлаб тарқатганди. Уни маъқуллашди. Бу фикр бир неча вақт кўпчиликни ўйлантириб қўйди.

Налбандов хурсанд бўлганди.

Лекин бугун қурилишда: «Қайта қуриш даврида суръат ҳаммасини ҳал этади», деган фикр пайдо бўлди.

Икки ғоя — «қурилиш французча кураш майдони эмас» ва «қайта қуриш даврида суръат ҳаммасини ҳал этади» — ўзаро курашга кирди. Бошланган бу кураш белгилари ҳамма жойда Налбандовни таъқиб қила бошлади.

Булар уни қийнар, жаҳлини қўзғатарди.

Машинанинг синган пешойнаси орқали кўринаётган манзара киши кўзи ўнгида бир тутам оппоқ бурама дарзларда сербутоқ чақмоқнинг расмидек намоён бўларди.

Қурилиш майдони улкан.

Машина қурилишни тарқ этиб, чўлга чиққунча мистер Рай Руп билан Налбандов бир-бирларига тўла тушуниб олишди.

Улар орасида қандайдир муайян муносабат шакл-ланди.

Уларнинг диний эътиқодлари расман бир-биридан фарқ қилса-да, аслида бир хил маданиятдаги бир-бирини тўла тушунадиган кишиларнинг ўзаро муносабати эди.

Лекин уларнинг ҳар бири ҳамон ўз ролларини ёддан чиқаришмасди.

Мистер Рай Руп ўта хушмуомалалик билан савол берар, Налбандов эса бу саволларга эҳтиёткорона ва тўла муболаға билан жавоб қайтарарди.

Мистер Рай Руп қизиқар, фикр билдирар, Налбандов эса уларга нозик тафсилот бериб, қабул қилар ёки рад этарди.

Мистер Рай Рупни аввало қурилиш кўлами қизиқтирар ва ҳайратга соларди албатта.

Налбандов бошини чайқарди.

Чақмоқнинг оқ расми том ва булут бўйлаб сирғалди.

Бу ерда тахминан бир юз йигирма ёки бир юз ўттиз минг ишчи, хизматчи, инженер, уларнинг оила аъзолари ва келувчилар тўпланган. Бундан бўлак аниқроқ маълумотлар ҳозирча йўқ эди.

Статистика ҳаёт кегидан қувиб ета олмас эди. Вақт ўз ортида қатор сўник рақамлар қолдирарди.

Лекин бу ер қандай жой?

Қишлоқми? Йўқ, албатта. Каттароқ қишлоқми? Йўқ. Лагерь, ишчилар посёлкаси ёки станциями? Йўқ.

Бу улкан аҳоли яшайдиган пункт расман шаҳар деб номланган. Лекин у аслида шаҳармиди?

Номаълум!

Ҳар қалай, шаҳар эканлигини англатувчи ўша кўзга ташланадиган нарсалар унда йўқ эди.

Унда *анъана* ҳам йўқ.

У жуда тез қад кўтарарди. Ана шундай улкан шаҳар тасаввурга сиғмайдиган даражада тезлик билан юксаларди.

Тарих унга ҳали ўз тамғасини босишга улгурмаган.

Унда ҳали миллий кўрк берувчи кўҳна ҳайкаллар, одат ва услублар йўқ.

Бундан ташқари, унда дин ҳақида тасаввур берувчи кўриниш (бу ҳам кўзга ташланадиган асосий нарсалардан ҳисобланарди) йўқ эди.

Мистер Рай Руп умри бўйи жуда кўплаб шаҳарларни кезиб чиққан.

Улар орасида минг йиллар илгари қад ростлаб, ҳозирда ҳам ўз кўркини йўқотмаган шаҳарлар ҳам бор.

Давлат-шаҳарлар, қуллар қўли билан яратилган, мисли йўқ меъморчилик услубидаги салмоқли ҳайкаллар, кўҳна маданият, ҳашаматли даврнинг дабдабали гувоҳи — қотиб қолган мурда шаҳарлар ҳам бор.

Шон-шўҳрат сари қадам қўйган шаҳарлар ҳам, аллақачон равноқ топиб, эндиликда аста-секин харобага айланаётган шаҳарлар ҳам мавжуд.

Ниҳоят, яна шундай шаҳарлар ҳам борки, улар кейинги ўн-ўн беш йил ичида қад кўтарган; булар орасида Американинг янги шаҳарлари, саноат марказлари мавжуд бўлиб, улар қиёфасида қадимги — ўтган барча даврлардаги саройлар, черковлар, меҳмонхоналар ва кутубхоналар услуби мужассамлашган. Шунингдек, бу ерларда ўз маблағига ўтмишнинг бутун маданий бойликларини сотиб олишга қодир, лекин ҳозирги аҳволи у ёки бу даражада наридан-бери қурилган, кўрку тароватсиз уй-жойларга эга бўлган халқлар ҳам мавжуд.

Лекин ана шу барча шаҳарларда, ҳатто энг янги ва тез қад кўтарган шаҳарларда ҳам, эски, диний урф-одатлар, ишлаб чиқариш, истеъмол йўриғи, миллат ва ижтимоий тузум устунлик қиларди.

32

Улар машинада кенг кўчалар бўйлаб боришарди. Бу кўчаларни шу алфозда тошли ёки шиббаланган йўл дейиш ҳам мумкин эди.

Улар турар-жой уйлари, магазин, кинохона, банк, мактаб, газета редакцияси, босмахона, техникумларга дуч келишарди, у ерда ҳатто морг ҳам бор.

Қаноп сурпдан тикланган цирк биноси ҳам мавжуд.

Лекин уйлар ҳеч қандай услубга эга эмас. Улар бир қолипдаги ёғочдан, палаткадан, барак ва ертўладан бунёд этилган.

Магазинлар ўт ўчириш саройини эслатади, банк ва мактаблар енгил-елпи тахтадан қурилган, кинохоналар эса киши тасаввурида ерга қатор скамейкалар қоқилиб, ўралган харобазорга ўхшайди.

Ҳаммаёқда темир йўл излари, семафор, шлагбаум, пишқирган своз ва буг.

Бу — шаҳарнинг хомаки нусхаси.

Лекин ҳозир ҳам ана шу дағал хомаки нусхада у қандайдир районларга бўлинганлиги, уларнинг ўзига

гос характери борлиги дарҳол сезилар, хуллас, бу ерда қаёғий иқлим вужудга келганди.

Бош темир йўл магистралининг ўнг томонидаги ҳамма уй ишлаб чиқариш маркази. У ерда қурилиш объекти ва агрегатларнинг ажойиб панжарали шакли аққол кўзга ташланади.

Чап томонида эса матлубот маркази. Лекин ана шу матлубот марказида ҳам ишлаб чиқариш белгиси устун кўринади.

Ҳамма ерга геодезистлар ола-була лангарчўпларини қадаб қўйишипти.

Йўл ёқалаб бурама рулетка лентаси тортилган; у қўл пармасининг ойнадек винти билан қуёшда ялтирайди.

Бочкасос устахонаси жойлашган бутун бир кўча ҳам бўлиб, бу ерда водопровод минораси, кир ювиш ва ҳаммом учун зарур каттакон ёғоч тоғора — «шарлар» қурилаётганди.

Кўкни болғаларнинг дағал овози тутиб кетган.

Баъзан катта-катта ҳовлилар учраб, уларда темир ашёлар, темир каравот, умивальник, тоғора, туфдон, пақирлар кўзга ташланади.

Шунақа ҳовлилар ҳам борки, у ерга зич қаторли сарғайган, рангсиз, қора ва қизғиш дарахт кўчатлари, шалпайган, яккам-дуккам япроқли ожиз ниҳоллар экилган. Дарахтлар иссиқ, қайноқ чангнинг қалин қатлами залвари ва қуёшнинг жазирама нурига тоб беролмай энгашган эди.

Китоб дўконлари пешойналарида ранг-баранг муқовалар сарғайиб ётипти.

Биттаю битта сартарошхонада навбат кутаётганлар турнақатор.

Автомобиллар, аравалар, автобуслар, велосипедлар, тракторлар, мотоцикл ва йўловчилар кўчанинг дуч келган ерида чангга ботиб, уёқдан буёққа ўтиб турибди.

Шамол чангни четга пуркайди.

Шунда ўтувчилар сафи бузилар, тўзиган чанг бами-соли оппоқ докадек топталган чўлга узала қўнарди.

Мистер Рай Руп бурун катагини батист рўмолчаси билан артганди, рўмолча этик мойидек қоп-қора доғ билан қопланди.

— Бу ерда шовқин кўп, — деди мистер Рай Руп ваиф жилмайиб, — лекин «замон садоси» йўқ. Гапимга тушундингизми, ўртоқ Налбандов?

Налбандов кўзини юмиб, бош силкиди.

Ҳа, албатта, бу ерда «замон садоси» йўқ эди.

Ўша «замон садоси» мўъжизали, чет элдаги донги чиққан шаҳар ҳаёти, ўсиши ва инқирозининг ўтмишдоши эди.

У тарихчилар, сайёҳлар ва шоирларни мафтун қиларди.

«У ерда»ги тарих — пештоқлар, қиргоқ ва зиналар, ибодатхона ва архитектура тошлари ўтмиш ҳақида ҳикоя қилади.

Мис садоси «ўша» шаҳарлар ҳақидаги афсона ва ҳаёлларни тўлдириб, минг карра гувиллайди.

«Ўша» шаҳарлар. «Бу ерда» «ўша» сўзи жуда ёқимли жарангларди.

Лекин бу ерда тарих энди бошланаяпти.

Бу ерда на афсона, на ҳаёл бор эди. «Замон садоси», тарихнинг мис тили бегона шаҳар бу.

Ақлга тўғри келмасдек туюлади булар.

У икхосни қайтарар ва таҳқирлар эди.

«У ҳақ», — ўйлади Налбандов.

— Гапингиз нотўғри, мистер Рай Руп, — деди, — фикрингизга қўшилмайман. — У кескин кўзини қисди. — Замон садоси нима? Мана, шаҳар тепасида аэроплан учаяпти. Аввал овозини эшитасиз, эътибор беринг, овоз.

— Ҳа, ҳа. Аввал овозини эшитаямиз, азисим, Леонард. Эшитинг. Унинг гапи жуда қизиқ. Фикрингизни пайқаялман.

— Аввал овози келади. Кейин том қирраси тепасида пайдо бўлган самолётни кўрамиз.

— Қўйсангиз-чи. Овоз унинг олдида, унга ҳамроҳ. Шундай эмасми? Бу билан нима демоқчисиз?

— Товуш тезлиги учини тезлиги билан рақобат қилади. Техника вақт билан курашади.

— Ах, техника... — Мистер Рай Руп кўзларини пирпиратди. — Ҳа, техника...

Налбандов иккала қўлини ҳассаси устига қўйди. Унинг қўллари қалин чанг билан қопланган бўлиб, худди чарм қўлқопни эслатарди.

У ўйчан хира кўзини узоқларга тикди.

— Лекин товуш соатига минг, аэроплан эса шу вақт ичида олти юз километр масофа босади, — давом этди у. — Товуш зўр чиқади. У учинчи ортда қолдиради.

— А, Леонард? Тўппа-тўғри! Табиат техникадан
голиб, бу менинг фикрим.

— Лекин доим шунақа бўладими?— давом этди
Налбандов.— Ақлга сиғмайдигани шундаки, самолёт
соатига олти юз километр босиш ўрнига минг, ҳатто
ундан ортиқ масофани босиб ўтади. Бу бир йил кейин,
бир ярим йил кейин, балки ҳозирда амалга ошиши
мумкин... Ушанда машина товуш тезлигига етади.

— Бу жуда қизиқ. Қаранг, қаранг, машина товуш
тезлигига етармиш.

— Ушанда, — деди Налбандов кескин ва баланд
овозда, — биз мўъжизани кўрамиз. Самолёт жуда кат-
та тезлик билан жимгина пайдо бўлади, лекин тепа-
миздан ҳам ниҳоятда осойишталик билан ўтиб кета-
ди. Ундан бирмунча вақт ўтгачгина изидан техника
мағлуб этган замоннинг ҳайбатли, шиддатли овози
эшитилади...

— Ах, техника... Лекин табиат қонуни...

— Табиат қонуни ўзгармас, — унинг гапини бўлди
Налбандов, — улар қолоқ ва консерватив. Улар ўз қо-
бига ўранган, ўз фикридан чиқа олмайди. Инсоният
дахоси эса чексиз.

— Шоир экансиз, — деди мистер Рай Руп жилма-
йиб.

— Йўқ, мен инженерман, большевикман, — кескин
жавоб қайтарди Налбандов.— Биз ёруғлик тезлигига
эришамиз ва абадий бўлиб қоламиз.

— Агар сиздаги инсоний мискин юрак бардош бе-
ролса, — деди мистер Рай Руп қўлларини қорни узра
қўйиб, Налбандовга айёрона қараркан, тақводорона
хўрсиниш билан.

«У ҳақ», — ўйлади Налбандов ва:

— Чидайди. Хотирингиз жам бўлсин, — деди.

33

Ленин нишони туширилган кўк пульмановск ва-
гони тупикда, домна цехи майдонининг қоқ ўртасида
турипти.

Уни икки ой илгари составдан ажратиб, бу ерга
олиб келиниб, йўлига шпал ташлаб қўйилганди.

Шу заҳоти унга электр ва телефон туширилди.

Шундай қилиб, бу вагон участкага тегишли уй ва
идорага айланди.

Бу — «Комсомольская правда» газетасининг кўч-
ма редакцияси эди.

У ўт очиш линиясига келтирилган дала штабидек
мана шу ерга жойлашган.

Лекин бўшлиқда турган вагон вақт билан бирга
силжишда давом этарди.

Вақт ҳар дақиқада унинг атрофидаги бўшлиқ жой
кўринишини ўзгартириб борарди.

Ҳаракатсизликни сезиб бўлмасди.

Вагон деразаси қаршисида гоҳ қизил гил тоғи кў-
тарилар, гоҳ котлованларнинг ўпирилган жойлари на-
моён бўлар, узоқдаги сув мавжланарди; платформа-
ларда келтирилган кўприк ва портал кранлари кўзга
ташланарди; будка, сарой, симёғоч ва бочкалар худди
станциядагидек дам кўришиб, дам йўқолиб, яна кўри-
нарни...

Дераза ойнаси кеча-кундуз тинмай ўтиб турадиган
трактор, электровоз, юк машиналари гумбуридан,
пневматик болға ва тоғ жинсларини пармалаш асбо-
би — перфораторларнинг дўпир-дўпиридан зириллай-
ди.

Вақт кундан-кун ўз тезлигини ошириб, ҳамон Зла-
тоуст темир дудидан, Миасса папаротниги, Қарағанда
антрацити, Катта Уралнинг бутун соф ҳавоси ва кучи
билан, атрофидаги бўш жойда амалга оширилган
барча нарсалар билан нафас олиб, Ленин нишони
нақшланган кўк вагонни вақт маршрутидан ўз вақти-
да олиб ўтарди.

Вагон эшиги олдида нам тўқ-сарик сочини ойнадек
ялтиратиб орқага тараган, қийиқ ёқали ҳаворанг чит
кўйлак кийган йигит турарди.

У солдатча мис чойнакдаги шамани қоқиб тушир-
ди.

У — метранпаж¹!

Вагон зинаси ердан анча баландда.

Маргулиес оёгини баланд кўтарди.

Метранпаж унга бақувват қўлларини чўзди. Мар-
гулиес узатилган қўлни маҳкам тутиб, зинага енгил
сакради.

— Чой ичгани келмаганингизга ҳам анча бўлди,
ўртоқ Маргулиес.

— Мана, келдим.

¹ Терилган ҳарф — наборларни саҳифалайдиган, саҳифаларга
бўладиган босмаҳона ишчиси.

- Бош устига.
- Хўжайинлар уйдами?
- Бўлмаса-чи. Утириштипти.

Маргулиес қалин, яхши зичланувчи, вазмин эшикни шовқинсиз очиб, вагонга кирди.

Вагоннинг сарғиш, кертик, лакланган ичи газета эҳтиёжи учун мосланган.

Биринчи икки купе йўлакнинг унга туташ қисми кўчма босмаҳонанинг хийлагина кенг биносига айланган.

Бу ерда иккита набор (ҳарф териш) кассаси, метранпажнинг цинк столи ва йўгон қоп-қора дискли «американка» қўл босма дастгоҳи турарди.

Вагон ичига қуруқ чиркли дераза орқали аллақачон қиём вақтидан ўтган қуёш нури тушган.

У деворларни қиздириб, босмаҳонадаги керосин ва руҳ ҳидини бамисоли куюнди ёнаётганидагидек кучайтириб юборган.

Полга сепилган сув изи эгри-бугри тўқ-бинафша тусида ялтираб товланади.

Ялтираётган сув томчилари чангда худди симобдек думалайди.

Қўшни купеда телефонга бақираётган одамнинг овози эшитиларди. Аслида редакция мана шу хонада. У ердан тамакининг оч-бинафшаранг тутунни чиқиб турарди.

Маргулиес ўша ёққа кирди.

Масъул муҳаррир — Вл. Кутайсов — кулранг момиқли адёл ёпилган скамейкада мукка тушганича ётипти. У пучқоқ ёстиққа бошини қўйиб телефонда гаплашарди.

У бир вақтнинг ўзида елкаси билан очиқ қулоғини беркитишга тиришиб, телефон трубкасини икки қўллаб ушлаб олганди. Чунки купе ниҳоятда шовқин бўлиб, телефондаги гапни эшитишига халал берарди.

У тасмаси ечилган сандалети тумшугини полга ураркан, сирғилиб тушган костюми елкасини силкиб тўғрилаганича, ёйилган сариқ сочини силкитар, телефон трубкасига шанғилларди:

— ...Мен сенга яна такрор айтаман, қадрли ўртоқ, бу билан иш чиқмайди. Бу билан иш чиқмайди, қадрли ўртоқ. Яна такрор айтаман, чиқмайди. Чиқмайди. Йўқ, йўқ, яхшиси, менга гапирма. Чиқмайди. Тушундингми? Тамом. Чиқмайди...

Кутайсов Маргулиесга қарамай, қўлини орқасига чўзди ва унинг енгидан ушлаб пастга тортди.

— Салом, Давид. Утир. Мен ҳозир тамомлайман. Биз баъзи бир нарсалар ҳақида фикрлашиб қўйдик. Э, йўқ, қўйсанг-чи, сенга эмас, — у кулиб телефонда гаплашишда давом этди. — Сен билан гап тамом, дўстим. Нима? Гап шундаки, сен бизни пўписа билан қўрқитмай қўя қол. Марҳамат. Менга деса, Сиёсий Бюрога арз қил. Чиқмайди. Хўп, тамом. Хайр. Тамом, тамом. Чиқмайди. Қаёққа хоҳласанг боравер!..

Дераза олдидаги пайраҳа тўлдирилган сабатда редакциянинг кичкина, батартиб секретари Тригер, ўтирипти. У деярли ҳали ёш бола эди.

Болакайнинг эғнида қора ромбик гулли кулранг жемпер, оёғида эса Кутайсовнинг сандалетига ўхшаш сандалет, лекин тасмалари тартибли тақилган.

Тиззасида дафтар. У қавариқ, бирмунча яллиғланган яҳудиёна кўзларини дафтарга тикканича берилиб ёзар, лекин шу билан бирга Кутайсовнинг телефонда айтаётган гапларини ҳам, редколлегиянинг учинчи, охириги аъзоси, шоир Слободкиннинг гапларини ҳам эшитарди.

Кунеда Ишченко ҳам бўлиб, у момиқ адёлда эмас, тўқ-қизил кўрна ташланган бошқа бир скамейкада ўтирарди.

У яланг оёқларини скамейка тагида чалиштириб, тирсагига тиралганича сочларини бармоғига ўраб-чиқариб ўтирар, баъзан ғамгин ҳолда Слободкиннинг гапларига қўшнилиб ҳам қўярди.

Баланд бўйли, яқиндагина сочи олинган, боши ниммевей товланаётган, юзи долчинранг, кичкина, оддий, заррабин кўзойнак таққан ёш йигит — Слободкин Ишченконинг елкасига катта ғалвирак қўлларини қўйган кўйи унинг қаршисида хиёл энгашиб турарди.

У волгабўйиликларга хос талаффуз билан йўғон товушда шошилмайгина гапирарди:

— Биласанми, дўстим Ишченко, сенга нима демоқчиман? Сен фақат ўзингни бос, ўзингни бос. Челябинда биз ана шундай фактга дуч келгандик. Вагонимизга сенга ўхшаш бригадир келиб қолди. У ҳам бетончи эди. Кира солиб, арз қилишга ўтди...

Ишченко унинг гапига қулоқ солмай, ўжарлик билан полга тикилди.

— Мен сенга, Слободкин, айтиб қўяй. Уша Ханумовингизнинг доим устимиздан кулиб юришига йўл қўймайман. Йўл қўймайман бунга.

— Вой, тентаг-ей... Ханумовни бунга нима алоқаси бор?..

— Барибир йўл қўймайман.

Маргулиес бригадир ёнига — тўқ-қизил кўрпага ўтирди.

— Дарров келиб улгурибсан-да, бу ерга, Ишченко. Ҳаммадан аввал югурибсан-да?

— Барибир йўл қўймайман, — гўлдиради яна Ишченко.

Кутайсов телефон трубкасини жойига илди.

— Нима дейсан, Давид?

— Сен нима дейсан?

— Қандай янгиликлар бор?

— Сизларда-чи?

Улар бир-бировларига синчковлик билан айёрона тикилишди.

Маргулиес таниб бўлмас даражада эди. Ундаги сустлик, иккиланиш, бўшанглик қаёққа кетди! У ўта қувноқ, ҳаракати энгил ва аниқ, дилкаш кўринарди.

Бутунлай ўзгарган.

У чўнтагига шапатилаб, қаламда ёзилган қоғозни олди-да скамейкага ёйди.

— Хўш-ш, қадрли ўртоқлар. Ун минутга вақтингизни оламан. Қулорингизга қуйиб олинг. Кичкина бир мақола, у «Бетон тайёрлашни тезлаштириш ва сифатини яхшилаш» деб номланади. «За индустриализацию» газетасининг бугунги сонидан.

У «бугунги» сўзини таъкидлаб талаффуз этаркан, кўзойнаги орқали голибона қараб қўйди.

— Қанақасига бугунги?

— Муқаддас руҳ орқали. Москвада менинг махсус мухбирим бор. Синглим. Телефон орқали маълум қилди.

— Оббо ит-ей! — хитоб қилди Слободкин шавқ билан. — Оббо, ит-ей!

— Хўш, ўқийми?

Маргулиес кафти билан қоғозни беркитди.

— Ёки керак эмасми?

— Уқи, барибир вақтимиз кетяпти, — деди жиддий тарзда Триггер дафтарни ёпиб.

— Демак, бундай, — деди Маргулиес ва баъзан тутилиб, баъзан ўқилиши қийин ёки қисқартирилиб

ёзилган жумлаларни кўзойнагига яқинлаштирганича шошиб-пишиб ўқий бошлади.

У ўқиб бўлгунча купега яна бир неча киши киришди.

Дастлаб Мося кириб келди. Унинг кўзлари чақнаган, ҳаяжонда эди.

Мосянинг Маргулиесни қидирмаган жойи қолмаганди. Афтидан, унинг зарур иши бор эди. У Маргулиесни кўрган заҳоти гапга оғиз жуфтлаганди, Кутайсов муштини кўрсатди. Мося бўшашиб, чимирилди ва дўрдоқ лабларига кафтини босди.

У кепкасини бурнига босган кўйи оёқларини йиғиб, шундоқ эшик ёнига, полга чўкди.

Мосядан кейин Семечкиннинг беўхшов гавдаси, Шура Солдатованинг кўк футболкаси, ҳарф терувчиларнинг ҳаворанг халатлари кўринди.

Маргулиес мақолани ўқиб бўлди.

— Хўш, бундан қандай хулоса чиқарса бўлади?— деди у нафасини ростлаб.— Бундан чиқадиган хулоса шуки, Харьков рекордини забт этишни синаб кўриш керак.

— Тўппа-тўғри!— бақриб юборди Мося.

— Тўхта, бўқирма,— деди Кутайсов.

— Фақат Ханумов эмас,— фикрини ўртага ташлади Ишченко хуноби ошган қиёфада қовоғини уюб.

— Вой, эзма-ей...

— Барибир бўлмайди,— деди бригадир яна баттар қовоғини уюб.

Унинг ёноқ суяклари тағин ҳам бўртиб кетди.

Мося Маргулиесга маънос тикилди.

— Ҳақ гап, Давид Львович. Ишченкога рухсат беринг. Мана, редакциядаги ўртоқлар гувоҳ бўлишади. Айнан мос смена. Чунки ҳозир машиналар бошқа жойга ўтказилди, бир соатдан кейин ўрнатиб бўлинади.

— Менимча ҳам ёшларга йўл бериш керак,— деди Кутайсов кулиб. У тасмаси ечиқ сандалетли оёғини узатди ва кафтларини қаншарига қўйиб, узун сочларини силкиди.

Маргулиес елкаси оша Мосяга диққат билан қаради, ишвали жилмайди. Лекин бамисоли бўшлиққа гапиргандек қуруққина қилиб:

— Мен прорабга айтганман,— деди.

Ишченко унга шартта ўгирилди.

— Ким, менми ёки Ханумовми?

— Ҳозир сенинг сменангми?

— Менинг сменам.

— Хўп, нима бўпти, унда сен-да.

Ишченко билан Мося бир-бировларига тез қараб олишди.

— Фақат шошмасдан,— деди Маргулиес жиддий.

— Есть, капитан!— ҳаяжон билан хитоб қилди Мося.

У сапчиб ўрнидан тураркан, қадини ростлаб, ҳарбийларча честь берди.

34

— Сизлар нима дейсизлар, ўртоқ редакция ходимлари?

— Маъқуллаймиз.

— Бу кам...

Слободкин дўрилдоқ овоз билан айёрона кулди:

— Хо-хо-хо. Шундай обрўли кўчма матбуот органининг маъқуллаши унга кам эмиш. Бундан бошқа яна биздан нима керак?

Слободкин кичкина Тригерга имо қилди.

— Ҳар қандай талабинг бўлса шунга мурожаат қилавер.

Маргулиес қўлларини бир-бирига чаққон ишқалади.

— Биринчидан, қадрли ўртоқлар,— деди у,— карьерлар, иккинчидан, — транспорт, учинчидан — водопровод, тўртинчидан — ток. Шуларни сизлардан талаб қилсам бўладими?

— Бўлади.

— Қолганини Корнеев икковимиз ўз зиммамизга оламиз.

Болакай Тригер дафтарни очиб, ёзилганларни текширди ва бўртиб чиққан жиддий кўзларини Маргулиесга тикди.

— Демак, карьерлар, транспорт, водопровод, ток, бошқа ҳеч нарса керак эмасми? Слесарлик ремонтчи?

— Мутлақо тўғри,— деди Маргулиес.— Слесарлик ремонтчи. Албатта керак.

Ҳамма кулиб юборди.

Маргулиес ҳам хандон ташлаб кулди. Бўлмаса-чи. У слесарлик ремонтидек муҳим нарсани ёдидан чиқаряпти. У яна — инженер, участка бошлиғи-я. Редак-

ция секретари болакай Тригер эса назардан қочирмапти.

— Сен болакай Тригер билан ҳазиллашма, — деди Кутайсов. — У бунақа ишларни ойдинда оёғи билан бажаради...

— Ҳа, устаси паранглардан, — қўшиб қўйди Слобдкин.

Тригер жилмайди-да, қизлардек қизариб кетди.

У ҳақиқатан ҳам бетон ишини анчагина яхши ўрганиб олганди. Вагон бор ҳамма жойдаги янги қурилишларнинг бетончилари ишини диққат ва эътибор билан кузатган. Қўлига бетон ҳақида рус тилида чиққан нимаики нарса тушса — ҳаммасини ўқиган.

Китобдан олган малакасига яна ўзининг шахсий иш суръати назариясини ҳам қўшганди.

У лоақал битта механизм маҳсулдорлигининг ошиши унга бевосита алоқадор бўлган бошқа механизмлар маҳсулдорлигининг оширилишини ҳам тақозо этади, деган хулосага келганди.

Негаки, Совет Иттифоқидаги барча механизмлар у ёки бу жиҳатдан бир-бировига боғлиқ ва ўзаро алоқадор мураккаб бир системани вужудга келтиради. Бу эса мазкур системадаги бирон-бир нуқта суръатининг ошиши билан кичкина бўлса ҳам бошқа нуқтани ўз ортидан эргаштиради ёки бутун бир система суръатини ошириб, маълум даражада социализм ғалабасини яқинлаштиради.

У ана шу нуқтани танлаб, бетон бўйича мутахассис бўлиб олганди.

У жиллақурса битта бетонқорғич ишининг тезлашиши бетон ишлаб чиқариш билан бевосита алоқадор бўлган бошқа ҳамма машиналар иши суръатининг ошиши учун таъсир этишига ишонарди.

Сув келтирувчи водопровод, цемент, қум ва шағал ташувчи поезд, ток ишлаб чиқарувчи электр станцияси у билан бевосита алоқадор нарсалар эди.

Шундан кейин қум, цемент ва шағалга бўлган бир суткали талаб ошиб, булар бари қум ва тош карьерларининг, тош майдалайдиган машина ва ғалвирларнинг, цемент заводи иш унумининг оширилишини тақозо этарди.

Агар водород, электр станцияси, тош майдалайдиган машина ва бошқаларнинг иш суръати оширилиши ҳисобга олинса, улар билан алоқадор бошқа механизмлар, ўз йўлида ана шу механизмлар билан боғлиқ

қолган механизмлар иши ҳам ўз-ўзидан ошиб борарди. Бундан дастлаб қараганда кичкина бўлиб кўринган битта бетонқорғич иш унумининг оширилиши билан беш йилликнинг бир-бировига боғлиқ улкан, мураккаб, зарур системанинг ошиши яққол кўриниб турипти.

Тригер ёмғир томчисида улкан бир боғни тасаввур қилаётганди.

У мана шу томчини диққат билан ўрганиб чиқди.

Шу асосда схема қурди, уни қоғозга туширди. Бу ўша улкан боғнинг чизмаси эди.

У ўртасида бетонқорғич тасвирланган беш қиррали юлдуз эди. Бетонқорғичдан беш томонга бешта чизиқ тортилган. Уларнинг иккитаси қум ва тош карьери билан боғланган. Биттаси — цемент омборига, қолган иккитаси эса электр станцияси билан водопроводга бориб тақаларди.

Чизиқларнинг учтаси транспорт ва темир йўл изи, қолган иккитаси электр сими ва водопровод қузури билан боғланиб тасвирланган.

Булар бетон қорувчи механизмларнинг аниқ ва тўхтовсиз ишлашига боғлиқ таъминот, нерв система-сининг дағал тасвири эди.

Бундан ташқари, марказга яқин жойга нуқта қўйилган бўлиб, у слесарлик ремонтни ифода-ларди.

Бу нуқтанинг бўлмаслиги мумкин эди, лекин Тригер участкадаги мавжуд замбилгалтак ҳамда арава-чаларнинг аҳволини яхши биларди. Улар кам бўлиб, ниҳоятда эски — тез-тез жорий ремонт қилиб туриш-га тўғри келарди.

Бу — куч нуқтаси ва линиясининг механик алоқа-дорлиги схемаси.

Лекин қайноқ инсон иродаси, унинг ўткир тафак-кури, ижодий тасаввури, зийрак кўзи, назик фаросати ҳамда инсондаги мазкур фазилатлар бирлашган бир марказ бўлмаса, ўн метрга чўзилган бу аниқ схема қандай фойда бера оларди?

Буларсиз у ҳеч нарсага арзимайди.

Болакай Тригер уни одамлар билан синчеклаб, асослаб жойлаштирганди.

Тригер уларни тахлаб, ҳар бирининг афзал томони ва камчилигини чамалаб кўрди, уларни ҳар томонла-ма баҳолади ва нуқта ҳамда линияларга жойлаштир-ди. Ўз схемасини кишилар исми билан ёзиб чиқди.

Кишилар исми уларга руҳ ва маъно бериб, рақамлар билан ёнма-ён турарди.

Ҳамма пунктларда: иккала карьерда ҳам, водо-провод ва электр станциясида ҳам, цемент омбори, диспетчерлик бошқармасида ҳам, кўчма слесарлик ремонтда ҳам — ҳамма ерда ўз кишилари, ишончли йигитчалар қўйилганди. Лекин бу етарли эмас.

Эҳтимоли бор тўхтаб қолишни жойида бартараф қилишга тайёр турган ўз аъзосини ўша зарур ерга юбориш учун марказий авария штаби тузиш ва уларга аниқ вазифалар тақсимлаш керак эди.

Бу штабга редакциянинг барча ходимлари киритилганди.

Слободкин электр станцияси учун, Кутайсов цемент учун тайинланган бўлиб, Тригер ўзига иккала карьерни олганди.

Водопровод учун муносиб киши топилмади.

Бу энг ишончли участкалардан бири бўлиб, умуман хавотирланмаса ҳам бўларди. Лекин уни ҳар қалай назардан четда қолдириш мумкин эмас.

Тригер худди кўзи оғриган кишидек кўзини қисди.

— Семечкин, водопроводни зимманга оласанми?

Тригер Семечкинга ишонмас, лекин лоақал ундан ҳам фойдаланиш мумкин эди.

Семечкин ўзини жиддий тутиб, йўталиб қўйди.

Тригернинг кутилмагандаги таклифи унга манзур бўлганди. Демак, ҳар қалай кимдир уни, Семечкинни қадрларкан. Демак, ҳар қалай кимгадир у, Семечкин керак бўлар экан.

Семечкин эшикдан купега кирди. Ҳатто у сал қизарган ҳам эди. Албатта, бу эрталаб қилган орзу-си бўлмаса-да, чакки эмас. Ҳар қалай рекордга яқин иш.

— Нима бўпти,— деди у, — мумкин. Нега мумкин эмас?

Тригер схемадаги водопровод нуқтаси тагига «Семечкин» дея ёзиб қўйди.

Маргулис Ишченконинг елкасидан қучди. Унинг кўзига қаради.

— Хўш, кўнглинг жойига тушдимми, командарм?

Ишченко қовоғини содмоқчи эди, бўлмади, аксинча, чеҳрасида ихтиёрсиз табассум балқиди. Лекин шу заҳоти ўзини тутиб, хўмрайганича:

— Мендан хавотирланма. Йигитларим учун мен жавоб бераман,— деди.

Телефон жиринглади.

Кутайсов қўлини кўтариб, эринибгина телефон трубкасини олди.

— Ҳа. «Комсомолька» вагони. Эшитаман. Нима гап?

У бошини трубка билан бирга ёстиққа буркади (жим, йигитлар!).

— А?? Нима гап! Мен эшитяпман!

У трубкани қулоғи олдида ушлаб, бурнини ёстиққа тираганича бир оз жим ётди. Кейин:

— Бригадир Ишченко? Шу ерда. Ҳозир трубкани бераман,— деб Ишченкога:— Ма трубкани. Сени сўрашяпти,— деди.

— Мени?

Ишченко хавотирланиб атрофга алаанглади. Уни телефонда ҳеч ким, ҳеч қачон сўрамаганди.

— Сени, сени. Идорадан. Ол трубкани.

Бригадир беўхшов эҳтиёткорлик билан трубкани олиб, уни айлантирди-да, яхшилаб қулоғига тутди.

— Алло, алло!— қичқирди у овозини хиёл кўтариб.— Телефонда бригадир Ишченко. Нима керак эди?

Ҳамма худди нохушликни сезгандек жим бўлди.

Деразага Домнадаги пневматик болгадан урилган қисқа зарбанинг акси келиб урилди.

Ишченко телефон аппарати олдида трубкани қулоғига тутганича жиддий туриб эшитарди. Унинг бирдан ранги оқарди, кейин ҳеч нарса демай, трубкани қаравотга қўйди.

— Нима гап?

Ишченко паришонлик билан ўгирилди.

— Қулай пайт топганини қаранг,— деди у бўғиқ овозда.

— Нима бўпти?

— Аёлим...— деди Ишченко.— Ҳомиладор эди...

У хижолатомуз ва дилкашлик билан ноилож ёқимли жилмайди.

— Буни қаранглар, тўлғоқ тутаётганмиш, ана холос!

У нима қилишини билмай, купе ўртасида хиёл вақт туриб қолди, кейин қорамтир пешонасидан тер сизиб чиқди.

— Туғуруқхонага олиб бориш керак.

Ҳаммалари унга йўл беришди.

Ишченко чиқиб кетди.

Ана шу одатдан ташқари куни ҳеч ким баракдан нари кетмади.

Бригада аъзоларининг ҳаммаси дарров тўпланишди.

— Демак, гап бундай, — деди Сметана ерга ўтириб.

У қўллари билан қучган тиззаларига бошини қўйиб, оёқларини аста тебратди.

Барак деразасидан сустроқ, бир меъёрдаги: «А-а-а... А-а-а-а... У-у-у...» деган қичқирик эшитиларди.

Бу инграётган Феня эди.

У каллаи саҳардан оёқда бўлди, бир дақиқа ҳам ўтирмади. Соат ўнгача уйдаги ҳамма ишларни саришталади.

Бошқа иш йўқ. Кун эса энди бошланяпти.

Феня ўзини қаерга қўйишни билмай қийналар, на-зарида нимадир чала қолган, оро йўлда, тугалланмагандай туюларди. Узини шошилаётгандек сезар, лекин сабабини билмасди.

Шундан кейин у хотин-қизлар активи йиғилишидаги аёлларга бориб қўшилди.

Аёллар активдан тўпна-тўғри шанбаликка — ясли қурилишига отланишди. Феня ҳам уларга қўшилиб, ўша ёққа йўл олди.

Уни қайтармоқчи бўлишганди, лекин Феня қулоқ солмади.

«Бундай иш яна қачон бўлади!» — деди у.

Йўлидан қолмади.

Аёллар орасида ҳомиладорлар анчагина эди. Ушалардан ортда қолишни истамади. У ўжарликкина эмас, қийлагарлик ва рўзғор ҳисобини ҳам қиларди.

Феня эрталабданоқ шу ерда, эри ёнида бутунлай қолишга қарор қилиб қўйганди. Қурилиш унга ёқиб қолди. Озиқ-овқат етарли, зарбдорлик карточкаси ҳам, газламалар ҳам бўлиб турарди. Қолиш билан бирга ишсиз ўтиришни мўлжаллагани йўқ. Сира. У албатта ишлайди.

Иш эса истаганингча — қаерга борсанг, «марҳамат», дейишади. Конга борса юкчи, ошхонага борса овқат ташувчи, грабарга борса ер кавлавчи бўлиши мумкин. Уйда эрга қарам бўлиб ўтириш уят, зерикади ҳам.

Бундан ташқари, зарбдорлик карточкаси бир эмас, иккита бўлганига нима етсин.

Бордию фарзанд кўрса-чи...

Чақалоққа ким қарайди? Яслиларнинг ҳаммаси тўла. Агар участка аёллари ўз яслиларини қуриб, Феня уларга қўшилиб ишласа, боласини дарҳол олишади. Бу — аниқ.

Шунинг учун ҳам у шанбаликка бориб, тахта ташиди, астойдил куйиб-пишди, базўр оёқ судраб, қоқилиб-суқулди, терга ботди, ҳакамлик қилиб қандайдир аризага имзо чекди, қўшиқ айтди...

Лекин Феня ўз кучини ҳисобга олмаганди. Бирдан толиқди. Ўзини ёмон ҳис қила бошлади.

Уни баракка аранг олиб боришди.

Бараккача эса икки километр. Шамол тўхтаган бўлса ҳам ҳаммаёқ чанг-тўзон, жазирама иссиқ, дим.

Ишченкога югуришди. Уни ҳеч қаердан топишолмади. Участка идорасига қўнғироқ қилишди. У ердан «Комсомолька»га. Охири ўша ердан топишди. Воқеани айтишди.

Феня бўлса бу вақтда каравотда ётиб:

— Во-о-ой, Костичка... Ву-у-уй, Костичка... — деганича инграрди.

Ёнидаги аёллар сочиқ ҳўллаб, унинг бошига қўйишар, сув ичиришарди.

Дераза тагида эса бригада аъзолари шовқин кўтаришарди.

— Демак, гап бундай,— деди Сметана.— Мен участкага бордим. Маргулис ҳам, ҳозирча ҳеч нарса демаяпти. Пайт пойлаяпти. Корнеев қарши эмас. Мося бўлса тумшугини суққани суққан. Хўш, тушунарлими. Ҳозир Ишченко келиб, ҳаммасини айтиб беради. Менимча, ҳаммаси жойида. Шундай...

— Энди гап ўзимизда қолди, ўртоқлар!— деб қичқирди бирдан Оля Трегубова чинқироқ, митингдагидек товушда бунингсиз ҳам чақчайган кўк кўзларини баттар чақчайтириб.

— Жим!— бақирди Сметана. — Оғзингни юм. Мен сенга сўз берганим йўқ.

У шартта Трегубованинг оёғидан ушлаб тортди. Трегубова войвойлаганича силтаниб, зинага тўқ этиб ўтириб қолди.

Ҳатто тилини ҳам тишлаб олди.

— Эҳ, сен!

— Хуллас, шунақа гаплар, — бамайлихотир давом этди Сметана. — Энди, ўртоқ Трегубова айтганидек, ҳақиқатан ҳам қолгани ўзимизга боғлиқ...

У гапиришдан тўхтади.

Кўчада шалдироқ арава елиб келарди. Кичкина кажава курсида ўтирган Ишченко арава юриб тургандаёқ тушишга шайланди. Лекин оёғи похолга ўралашиб қолди. Шошилганича похолларни олиб ташлаб, ерга сакради.

Арава тўхтади.

Ишченко похол гижим-гижим шимда зинапояга кўтарилди. Йигитлар ўзларини четга олишди.

Ишченко тиззаси билан эшикни очиб, даҳлизга кирди.

Узи ҳам роса бўлганича бўлганди!

Бригадир «Комсомольская правда» вагонидан чиқа солиб уйига югурди. Лекин ярим йўлга келганда разнарядкага бурилди. Феняни туғуруқхонага олиб бориш учун улов кераклиги ёдига тушиб қолганди.

Нотаниш нарядчи от беришга анча вақт кўнмай турди. Касаллик варақасини талаб қилди. Ишченко илтимос қилди, бўлмади. Жанжаллашди. Хуллас, нарядчини кўндирди.

Энди бошқа бир машмаша чиқди: аравакашлар овқатланишаётган экан!

Ишченко қўлида рухсатномани ушлаганича далаатка-ошхонадаги аравакаш ҳузурига югурди.

У ерда ҳам илтимос қилди, жанжаллашди.

Агар ҳозир, шу дақиқада уйга етиб бормаса, Фенянинг ҳаёти хавф остида қолиб, ё вафот этадиган, ёки нафаси тикилиб қоладигандек туюларди. Негадир назарида, хотинининг айнан нафаси тикилаётгандек бўларди. Ана шуни хаёлидан ўтказаркан, ўзининг нафаси бўғила бошлади.

Лекин аравакашлар овқатланиб бўлмагунларича бормасликларини айтишди.

У кута бошлади.

Кутяпти-ю, нуқул стол атрофида айланади. Овқат ташувчилар бўлса яланг уни тирсаклари билан туртиб ўтишарди.

Ишченко беихтиёр жилмайиб, скамейка чеккасига ўтирди, лекин шу заҳоти ҳовлиқиб турди-да, лабларини алам билан буриштириб, салобатли бошини қуйи эгганича яна стол атрофида айланаверди.

У қуёш сарғайтган, узун ёғочлар билан кўтарилган бўз палатка деворидаги хира нурдан кўнгли ғашланарди.

Столда турган оқ чинни идишдаги кулранг кристалл туз ҳам, бўлка нон, пашша, графинлар ҳам унга жирканч туюларди.

Лекин айниқса шундай жазирамага қарамай, огир, кир, қора пахталик кийиб олган аравакашларга нисбатан кўзгалган нафрати кучлироқ эди.

«Худди чўчқага ўхшашиди,— тўнғиллади у тишлари орасидан.— У ерда аёл киши бўғиляпти-ю, буларнинг чўчқадек секин чайнашини қаранг».

Унга оти қирчанғироқ телбанамо аравакаш тўғри келди. Аравакаш масофани қисқартиришни ўйлаб, лабларини чапиллатганича тўғридан, қурилиш участкаси орқали йўл солди, натижада шунақанги жойга кириб қолишдики, охири отни аравадан бўшатиб, котловандан аранг тортиб чиқаришди.

Орқага қайтиб, яна адашишди. Хуллас, беш километрча ерни айланиб, баракнинг бошқа томонидан чиқиб келишди.

Ишченконинг қулоғи худди ёнида сув шалдираб оқаётгандек тақирлар ва шовулларди.

У уйида одатдан ташқари фавқулодда, номаълум, даҳшатли воқеага дуч келишини кутганди. Ҳатто ўзини шунга ҳозирлаганди ҳам. Лекин тўсиқ ортига ўтди-ю, уйдаги ўзи кўрган оддий, одатдаги тинч ҳолат уни ҳайратга солди.

Қўрқадиган ҳеч гап йўқ.

Феня каравотда чалқанча ётар, оҳиста инграрди. Лекин чеҳраси очиқ, руҳи тетик. Ёндаги аёл эса буюмларни тугаётган экан. Феня Ишченкони кўриб, инграшдан тўхтади.

Аёл зўрма-зўраки жилмайиб ўрнидан ўзи енгилгина турди-да, бошига шол рўмолини ўраб, атрофидан чиқиб қолган сочларини кўрсаткич бармоқлари билан рўмоли тагига тики бошлади.

— Ҳа,— деди Ишченко бир оз ҳафсаласизлик билан.— Нима бўлди?

Феня ўйноқи мовий кўзлари билан эрига бошдан-оёқ қаради, лекин ҳеч нарса демади.

— Буюмларни олованг-чи,— деди ёндаги аёл бригадирнинг қўлига тугунни тугузди.— Улсв топдангми?

— Ишченко буюмларни бениктиёр кўксига босди-да, Феняга хўмрайиб қаради.

— Бора оласанми?

Аёл оппоқ тишлари билан пастки лабини тишлаганича инграмасликка ҳаракат қилиб, бош ирғади.

— Бора оламан,— деди у аранг ва шу заҳоти титрай бошлади.

Ишченко елкасини унга тутди. Феня қўли билан эрининг бўйнидан қучди-да, аста кўча томон юрди.

Ёндаги аёл икки киши учун анчагина торлик қиладиган араванинг кичкина кажавасига оғир Феняни ўтқазиб, белига похол қўйганича Ишченко бригада аъзолари олдиға борди.

Улар ўз бригадирларига, унинг тапвишли, бўртган юзига, қўлидаги тугунчага қизиқиш ва ҳурмат билан қарашарди.

Унинг нима дейишини орзиқиб кутишарди.

Тўпланган бригада аъзоларининг кўриниши Ишченкони шу заҳоти кўнглини кескин чўктирган воқеадан қизиқишлар доирасига қайтарди.

— Ҳа, ишлар қалай?— сўради у атрофга назар ташлаб, хаёлан бригада аъзоларини санаркан.

— Болалар рози.

— Ҳамма шу ердами?

— Ҳамма.

Ишченко хўмрайди.

— Қанақасига ҳамма шу ерда бўлсин? Загиров қани? Саенко-чи?

Загиров билан Саенко йўқ эди. Улар ғойиб бўлишган. Аввалги сменада ҳам ишга чиқишмаганди.

Загировни эрта, тонгда кўришганди. У йигитлар олдиға келиб, қарзга ўн сўм пул сўраб юрганди.

Саенко бўлса кечадан бери қорасини кўрсатмади.

— Қанақа итваччалар ўзи улар,— бақирди Ишченко.— Бизни бўғизлашмоқчимиз? Бошқа кун қуриб қолмаганди-ку! Биз шунақа иш бошласагу, ҳалиги... ҳалиги...

У керакли сўз тополмади, лойли оёғи билан қетмақ депсинди. Аравада Феня ингради.

Ишченко четан аравага отилди.

У Фенянинг ёнига — ўнг оёғини ташқарига кўндаланг чиқараркан, чап қўли билан хотинининг белидан ушлаб ўтирган кўйи қичқирди:

— Ҳамма жой-жойида бўлиши керак! Битта одам ҳам кам бўлмасин. Аке ҳолда, одамларнинг ифтида қандай қилиб қараймиз?

Арава жойидан кўзгалди.

Сметана унинг орқасидан югурди.

— Тўхта! Ишченко! Тўхта! У ерда қандай қарорга келишди?

— Рекордни забт этиш! Бригада аъзоларини участкага олиб бор... Бирорта одам ҳам қолмасин... Мен ҳозир етиб бораман...

У Феняга имо қилиб, жилмайди.

— Кўряпсан-ку, аҳволни... Боплади...

Феня эрининг елкасига ёпишди.

— Вой, Костичка... Жудаям ноқулай бўлди-да... Вой, Костичка, етиб боролмайман.

— Ҳайдасанг-чи, жин ургур! — бақирди Ишченко даҳшатли овозда.

Шамол йўқ. Лекин қуёш ҳам кўринмас, ёрқин, оппоқ, иссиқ, сийрак булут ортига яширинганди.

Ҳаво ҳаммомдагидек дим ва суст...

36

Ҳали инсон ўз таъсирини ўтказиб, мураккаб план асосига солиб улгурмаган ибтидоий табиатнинг кемтик парчаси — май ойининг охири — кучли ва фойдали Урал ёзининг бошланиши.

Бу ерда оқиш осмоннинг қамбар чеккаси қуёш, шамол, булут ва ўт-ўлан оралигидаги ягона воситачига ўхшарди.

Бу ердаги тепаликнинг теварак ёнбағри ўт-ўланлар билан қопланган. Ҳали уни ҳеч ким босганича йўқ. Бу қуруқ, реза иссиқ, чанг билан қопланган, лекин кучли ҳиди ҳам анқувчи майсалар.

Ана шу тепада бозор жойлашганди.

Бозор дўға ва шотилари билан осмонга тиралиб, унинг чодир, дўконча ва бутун кўчма савдо-сотигини ҳимоя қилиб тургандек эди.

Икки ўртоқ ана шу бозор яқинидаги ҳандақ ёнида ўтирганларича яна ўйинга берилишди.

Бу сафар Саенко Загировнинг саноат моллари карточкаси ва озиқ-овқат ҳамда овқатланиш талонларини дам ўтмай ютиб олди.

Кейин ўринларидан туриб, бозорга йўл олишди. Загиров энди йиғламасди.

Унинг кўзлари бамисоли беморларникидек совуқ жавдирайди. Чеҳраси сўлгин ва заҳил.

У энди ҳақ нарса сўрамас, бир оғиз ҳам гапирмасди. Чинпа ёнишган лабларини очишга қийналарди.

Загиров ғамгин, кўнгли вайрон, паришон қиёфада Сасконнинг кетидан судралиб борарди.

У зўрма-зўраки сустан, хушомадга мойил жилмайди.

Оломон топтаб, қорайтириб юборган тепалик олов ёнаётгандек, чор-атрофи буруқсарди.

Оля Трегубовани Саенко билан Загировни топиш учун жўнатишди. Унинг қидирмаган жойи қолмади. Уларсиз бригадага қайтиб боришга журъат қилолмасди.

Ниҳоят уларни бозордан топти.

Бозор тушовланган отлар, зич тўқилган четан аравалар, қасли бочкалар, сурғучли, нимталанмаган қўй гўшти, қамшининг учли, нордон, куврак боғламлари, бошқирдларнинг ёғ дөгги қўлларида кир ёғ бўлаклари ташланган, пичанга ўроғлиқ катта шиша қимиз идишлар билан тиқилиб кетган.

Бу ерда оснеликларга хос табассум ила мудроқ бичимли товланувчи қорамғиз, катта юзли, оппоқ соқолли бошқирдлар тулки тери телпак кийиб, кигиз устида ўтиришилти.

Кўзлари ҳар томонга аланг-жаланг жавдираётган лўли аёллари ҳам юришилти.

Бу ерда велосипедларни ликиллатганича юрган кишилар ҳам бор.

Эски милтиқ ва ўқдонлар, тамаки пачкаларини соатлар, бошмоқ ва этиклар, титилган пахта, тўқилган туғидаги бўз кўйлақлар қўлдан қўлга ўтади.

Урал казаклари узоқ станица ва колхозлардан бу ердаги афсонавий бўй чўзаётган шаҳарни кўриш учун бутун оиласи билан келишган.

Улар чор-атрофга ҳайратагиз, индамайгина назар ташлашади. Тепаликни турли томондан — ғарбдан ҳам, шарқдан ҳам, жанубдан ҳам, шимолдан ҳам — сонсиз машиналар, қувурлар, краплар, уй ва миноралар сиқиб қўйганди...

Улар енгилмас лагердек бозор истеҳкомини теварак-атрофидан қуршаб олишган.

Унга бараклар-ротаси, ишчилар уйи батальонлари, участкаларнинг артиллерия полклари, қурилиш механизмлари мортирлари, тоғ жинсларини пармаловчи перфораторлар пулемёти ҳужум қиларди.

Лекин бозор ҳамон бардош берарди.

Аравалар гунда у томон гичирлаб борар, тонг ёришиши билан сирли тарзда «душман лагери» орқали ўтарди-ю, қуршаб олинган истеҳкомга кириб оларди.

Казаклар бу ерга егулик келтириб сотиб, - саноат моллари олиб кетишарди.

Бозор шу тариқа вужудга келиб, савдо-сотиқ бошланганди.

Унда ранг-баранг нарсадан бўлак Осиёга хос ҳамма икир-чикирлар топиларди.

Бозорда гилам, мева, анилин газламалар, мисли рўзгор буюмлари кўринмасди.

Бу ерда форс гиламидан кўра кўпроқ газетани эслатувчи ўрта рус бозорининг нохуш ранги — қора ва кулранг тус кўпроқ эди.

Саенко бозорда ўзини худди уйда юргандек ҳис қиларди.

У ютиб олган нарсаларни олифталарча, чаққонлик билан ёйди. Ички кийим шокиласи шамолда учади.

— Қани, ке-еп қолинг!

Чиқарган калишининг астари қизил лавлагидек ловуллаб, ҳавода оғир айланди. Тамғали таг чарми қуёш нурида қора икрадек ялтиради.

— Қимга калиш? Ажойиб калиш. Буни бир аҳмоқ уч сўмга ютқазди. Ўн сўмни аяманг, ке-еп қолинг, йигитлар!

У оломон орасида тирсаги билан кишиларни итариб тентирарди.

Бозор уни эсанкиратиб қўйди.

Кўзлари хиралашиб, маст одамларникидек жавдирайди. Ҳуснбузар тошган энгагига сўлакайи оққан. Овози уйқусизликдан хириллайди.

— Мана, пишиқ ажойиб кепка. Бемор бошдан соғлом бошга сотиладиган янги кепка кимга керак? Ўзи юз сўмга олинган, беш сўмга сотилади. Ўртоқлар, зарбдор ишқивозни қўлланглар!

Кейин бошқа томонга бурилиб, ёлвориш оҳангида тез жавради:

— Худо ҳаққи, граждандар, укам иккаламизнинг егулик ҳеч вақомиз қолмади, очдан ўламиз. Худо хайрингизни берсин, уч кундан бери туз тотганимиз йўқ.

Саенко янги бошмоқларни олиб, таг чармларини бир-бирига урди-да, боғичларидан ушлаганича қаттиқ айлангире бошлади.

— Ажойиб ботинка, Ленинградники. Яп-янги, жуда пишиқ тикилган. Кеб қолинг, болалар, йигирма сўмни аяманг! Мана ички кийим, Аришқа тиккан, биронта ҳам ямоғи йўқ, бу ҳам ўн сўмдан.

Уни эркагу аёл ўраб олишди.

Саенко кулгили ва қочирқиқ гаплар айта-айта, ўзини овсар кўрсатган кўйи айёрлик билан тезда қўлидаги нарсаларни сотиб бўлди.

У харидорларни пиджагидан ушлаб тўхтатар, кафтига туфлаб қўйиб, қўлларига урар, нарироқ кетар, яна қайтиб келар, оёқлари билан депсинар, кўзини қисар, хиргойи қиларди.

Загиров эса унга аранг етиб юрарди.

У бутунлай бегона қўлга ўтиб кетган ўзининг шахсий буюмларига ачиниб қараб қўяди.

Саенко ҳамма буюм учун ўн сўм берган, ҳозир уларни элик сўмга пуллаганди.

Загиров бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин оғзини очолмади, қаттиқ қисилган тишлари йўл қўймади.

Унинг қорни оч, чанқаган эди.

Квасми, қимизми бўлса яхши бўларди...

Загиров Саенконинг одамлардан тескари ўгирилиб, янги пулларни тез, ўғринча эски пачкалар орасига тахлаганини, кейин пачкани аллақандай ички чўнтагига бекитганини кўрди.

Оля Трегубова шовқин кўтариб, умар томон отилди.

Кейин қўлларини белга тираганича тўхтади.

— Уртоқлар!— у аёлларга хос чинқироқ тонуи билан баланд овозда гап бешлади.— Сизлардан бўлак ҳамма ўз жойида. Бу, ўртоқлар, яхши эмас. Сизли зарбдорлар учун бу жуда ҳам уят, айниқса реперд қўйиш сменаси бошланганига мана шундай маъмулиятли пайтда...

Саенко аёлнинг байрамона кўйлашига, бурма ва тугмаларига маъносиз қаради.

Сўнгра Загировга маъноли ҳуштак чалган, шартта ўгирилиб, индамайгина аста одимлаб, бозордан узоқлашди.

Саенкога етиб олган Оля унинг йўлида тўхтади.

— Кечаги сменада ишга бермадинглар, бурун ани қолмоқчимисизлар?

Оля улар қаршида худди шамолда тўнанинг ёнги байроқдек тебраниб турарди. Кўзлари мейгунлар ва қайсарона порларди.

— Ҳой! Кимга айтиялман? Ишга яна нима айёлларми? Нима, эсларингни едиларингиз? Ҳўрлик билан чикариш йнгилишида бўлса-ю, буларнинг олдига

сангиб юришларини-чи! Бу ерда нимани кўрмагандиларинг? Эски-тускиларними? Яна зарбдорлармиш! Жудаям ярашяпти-да!

Саенко Оляга бошдан-оёқ ҳирсли қарагач, мулоҳим жилмайди.

— Биласанми, сендан нимани илтимос қилмоқчиман,— деди у, кейин чучмал ишшайиб,— мени ўп, биласанми қаеримдан?

Сўнгра бамайлихотир орқа ўгирди-да, корсондай қўймучини шапатилаб кўрсатди.

— Худди шу жойимдан ўп бир, азизам Олечка.

Аёл қип-қизариб кетса-да, лекин ўзини тутди.

— Қандай бемаънилик,— деди у бепарволик билан елкасини қисиб,— безорилик бу.

Кейин тўсатдан Загировга ўшқира кетди:

— Сени нима жин урди? Ақлдан озганмисан? Сени лақиллатиб юрипти-ку, бунча ёпишмасанг унга!

— Вой, нега ўртоғимни хафа қиляпсан?— деди Саенко гижинган овозда.— Жонажон дўстимни-я. Ёдингда бўлсин, жонидан тўйган хафа қилади уни. Вой берган пулларини ютиб олиши керак ҳали. Тўғри-ми, Загиров?

Олянинг ихчам, дўнг пешонаси тиришди.

— Шошмай тур ҳали, Саенко!

— Хўш, шошсам нима қила олардинг?

— Масалангни кўрамиз. Шуни унутма. Қизлигинг маълум бизга.

— Осдим сенларга! Тушундиларингми?

— Ўртоқлар, онгли бўлинглар...

Оля Трегубова хўрсиниб қўйди.

— Уҳ, бунчаям газанда бу Саенко!

Шундай бўлса ҳам Оля ўзини биронта оринида тотиқ айтиб юборишдан тийди. Ҳозир у ҳийла ишлатмасди бўлмаслигини тушунарди. Бирон ноўрин сўз ишлатиб барбод қилиши мумкин. Бугун ҳар бир одам қўрқарди. Ҳамма иш бир кишига боғлиқ бўлиб қолган эди мумкин.

Саенко қисилган зийрак кўзлари билан Оляга тикилди. У аёлниг ниятини англаб, ўз кучига ҳам ишонарди.

— Ўртоқлар,— деди Оля мулоҳазакор оҳангда,— онгли бўлинглар. Интизомни, интизом. Гапар, гап. Большевикчасига. Тушунарлими? Нима дедим. Загиров? Болаларни иснодга қўймайлар.

Загиров гангиганича жим турарди.

Саенко унинг белидан қучди.

— Хўш, қадрдоним, нима дейсан? Ихтиёринг, йўлингни тўсмайман. Бор, боравер. Сени деб бирон айб ёпиштиришмасин тагин менга.

У Загировнинг кўзига яқинроқ бориб қаради.

— Ёки икковимиз бирга бора қоламизми, а, биродар?

Саенко боши билан Оля томонга имо қилди.

— Ке, уларга кимлигимизни кўрсатиб қўяйлик бир.

Унинг зимдан тобора заҳари қайнар ҳам сўзлари чучмаллашаётганди.

Камоли нафрати қўзиганди Саенконинг.

Оля буни сезиб турарди. У бугун, албатта, бирон кор-қол рўй бериши мумкинлигига ақли етди. Лекин ўзини сезмаганликка солди.

— Тўғри! — овозини кўтарди у. — Тўғри, йигитлар! Кечаги иснодингларни ювинглар.

— Иснодингларми? — сўради Саенко сергакланиб. — Қандай иснод экан у? Бу нима деганинг? Бунақа гапингни қўй, Олька. Нега энди бизни одамлар олдида уялтираркансан? Нима ҳақинг бор бунга? Бор-е, ўша онаизорингни...

Оля ўзини ҳақорат эшитмаганга олди.

— Келишдикми, йигитлар? Панд бермайсизларми? Иснодга қўймайсизларми?

— Жўна! — бақирди Саенко ўзгача овоз билан. — Худо ҳаққи, жўна, қуёшни тўсма. Борамиз, дедикми, демак, борамиз. Самовар қўйинглар.

Оля ўзини ишонганликка солди. Улардан орқада қолди. Лекин, кетмади. Уларни узоқдан кузата башладди.

Улар буг кўтарилиб турган теңаликдан тушишди. Саенко олдинда, Загиров унинг орқасида борарди.

Оля Саенко алдайди, деб ўйлаганди. Лекин янглиштипти. Саенко билан Загиров участка томон кетишарди.

Саенко яширинча гап қотади:

— Жим! Гапимга қулоқ сол. Сен, аввало, гапимни эшитиб, мулоҳаза қилиб кўр. Ютасан. Айтдимми, гамом, ютасан. Бунга имкониятинг бор. Мендан яриминг сўмини тортиб олишнинг мумкин. Бу — факт. Тўхта. Ассеней масала, гапимга қулоқ сол.

Ниҳоят машина дўзахдан чиқиб олди.

Улар кўл чеккасида тўхташди.

Кўл ўн тўрт квадрат километр жойни эгаллаган. У ҳали тамомила янги, бундан бор-йўғи беш ой илгари бунёд этилганди.

Ушангача бу ерда чўл сойи мавжуд эди.

Бўлажак завод учун жуда кўп саноат суви зарур бўлади. Бу талабни сой қондира олмасди. Бунинг учун у бир километр узунликдаги баланд тўғон билан тўсилди. Баҳор келгач, сой суви тошиб кўлга айланди.

Чўлнинг ўн тўрт квадрат километр ери сув билан қопланиб, шу заҳоти атроф топографик кўринишга эга бўлди. Лекин барибир табиий кўлга ўхшамасди.

Чўлнинг тўғондан иборат тик бир қирғоғи ўта кунгурадор кўринарди.

Мистер Рай Руп бошини хаёлан маъқуллагандек силкиди. Ҳа, албатта, бу унинг фикрини тасдиқлар, бўлажак китоб учун ажойиб факт бўла оларди.

— Инсоннинг табиатга қарши дағал ҳужуми. Тўғрими? — деди у.

Сумъий кўл бамисоли уйдан ҳовлига чиқариб ташланган катта тошойнадек гиёҳлар аро ястаниб ётипти. Девор ҳамда инсон юзининг аксини кўрсатувчи бу ойна эндиликда осмон ва булутлар аксини кўрсатишга маҳкум этилгандек эди.

Шунинг учун унинг ҳозирги ястаниб ётиши нотабиий кўринарди.

Ўйин давом этарди.

Налбандов америкаликка истехзо аралаш қаради.

— Инсоннинг табиатга қарши ҳужуми, — деди у. — Бу ўта метафизик таъриф. Биз геометриянинг географияга қарши кураши деймиз.

Рай Руп майин жилмайди.

— Лекин геометрия маҳв бўлди. У худодан имтиҳон олишга дош беролмади. Сизлар бутун бир кўл барпо қилмоқчи бўлгансизлар-у, лекин бунинг фақат ярминигина бажара олгансизлар.

— Йўқ. Биз кўл барпо қилмоқчи эмасдик. Бизга саноат суви учун ҳавза зарур эди. География бизга нимани инъом қилишга қодир бўлса, ўшани олдик, ана шу ҳавзани қурдик. Бу бизга қанчага тушганини биласизми?

Мистер Леонард Дарлей қўйин дафтарчасини олди. У бир қанча қизиқарли далилларни ёзиб қўйди.

Тўғон қурилишини қишинг иккинчи ярмида бошлашганди. Уни баҳоргача тамомлаш керак эди.

Агар ер эригунча у қуриб битказилмаса, ҳамма иш барбод бўлиши мумкин эди.

Бетон ишлари қирқ градусли совуқда, чидаб бўлмас даражадаги қаттиқ шамолда олиб борилди. Бетон учун ишлатиладиган сув иситилди. Одамларнинг қўл ва оёқларини совуқ олди. Иш одам кучидан кўп эди. Шундай бўлишига қарамай иш тўхтамади.

Инсоннинг табиат билан курашувида инсон ғолиб чиқди.

Етмиш бешинчи куни тўғонга охирги куб метр бетон қуйилди.

Налбандов гапирар, Рай Руп эса маъқуллаб, шляпасини силкирди.

Буларнинг ҳаммаси унинг фикрини яна ва яна тасдиқларди.

Музлаб қолган бармоқлар, толиқиш ва совуқдан йиқилаётган одамлар, буларнинг ҳаммаси инсоннинг худо билан мислсиз олишуви эди.

Мана — бир километрли тўғон, яримта кўл ҳосил бўлди. Инсон табиат устидан ғалаба қозонгандек. Инсон шод.

Лекин инсонга буларнинг нима кераги бор? Сув санат учун. Жуда соз. Лекин санат нимага керак? Нарсалар ишлаб чиқариш учун. Жуда соз. Лекин нарсалар нима учун? Булар бахт учун зарурмикин?

Ёшлик ва саломатлик — бахт учун ягона зарур нарса шулар.

Қадимда, патриархал замонларда кишилар ҳозиргидан бахтсизроқмиди? О, у вақтларда ер юзида бахтиқбол ҳозиргидан ҳам мўлроқ эди! Боқий ҳаёт қўйнида оқил, мулоҳазакор инсон пайдо бўлиптики, у худони идрок билан таниган, унга яқин бўлган, бошига ҳам тушганда ҳам, шод-бахтиёр кунларда ҳам худони ёлдан чиқармаган — ҳамма иш худодан, деб билган. Мухтасар айтганда, ердаги мавжуд ҳаёт билан кўкдаги илоҳиёт олами қўшилиб кетган, яъни одамлар тасавурида истидодий, ҳузурбахш жаннат мавжуд эди!

Одамлар ана шу жаннатни ташлаб чиқишди. Одамлар табиат билан, худо билан кураш бошладилар.

Ҳаммаёқни техника эгаллаб олгач, одамларни шайтон васвасага солиб қўйди.

«Йўқ, ҳақиқатан ҳам ажойиб китоб юзага келиши керак».

— Қаранг, ўртоқ Налбандов, — деди у, — биз ҳалиги дўзахдан атиги саккиз километрча узоқлашдигу, чор-атроф ниҳоятда ўзгариб кетди! Табиат қандай шод, қандай самимий нафас оляпти! Қандай соф, ифорли — хушбўй шамол! Қадимий сокинлик қанчалар таскин берувчи-я! Биз техникадан хиёл узоқлашдигу, ҳозир худога яқинлашгандекмиз...

Ҳа... минг тўққиз юз ўттинчи йил маҳсули — тўғонга... яқинлашдик.

Налбандов зарда билан тўғон оша кўлга синчиклаб қаради. Бу ер унга ҳамон Маргулиесни эслатарди. Тўғонни Маргулиес қурган. Қирқ градусли совуқда бетон қуйиш учун иссиқ сувдан фойдаланишга уринган ҳам ўша.

Ушанда Налбандов бу техник жиҳатдан мумкин эмас деб ҳисоблаганди. Бу билан бетон қуйишдаги назарий анъанага зид иш қилинаётганди. Маргулиес ана шу анъанани бузишга журъат этди.

Налбандов фанни далил қилиб олди.

Маргулиес фанга диалектик нуқтан назардан ёндашиш керак дерди.

Кеча илмий таҳмин бўлиб кўринган нарса бугун қуруқ назарий фактга; бугун қуруқ назарий факт бўлиб кўринган нарса эса эртага босиб ўтилган эскилик сарқитига айланмоқда.

Завод бошқармасида даҳшатли кураш вужудга келди. Инженерлар бўлиниб қолишди. Лекин ёшлар Маргулиес томонида эди. Маргулиес ўз сўзида туриб олди. Унга синаб кўриш учун ружсат берилди.

Налбандов Маргулиес шарманда бўлишига қаттиқ ишонарди. У буни жуда-жуда истарди. Лекин Маргулиес ғолиб чиқди. Тўғон қуриб битказилди.

Налбандов бўш келмади. У ўз фикрида қолди. У бетон етарли даражада мустаҳкам эмас деб ҳисобларди. У тўғон сув босимига дош беролмайди деб «варомат» қиларди.

Налбандов баҳорда сувнинг қирғоғидан чиқиб кетишини кўргани тўғон бошига келди. Лекин кўл сувдан аста тўлаётган эди.

Мушар чиқиб кетишга йўл тополмай, повлоқ айланар, ўйинчоқ гозлар тўдавидек бир-бирсига уринарди.

Бир километрлик тўғоннинг ўйдим-чуқурлари баҳайбат зич туёқ изларига ўхшарди.

Кундан-кунга кўпаётган сув бу изларни кўмиб боради, лекин тўғон мустаҳкам эди.

Энди сув тўғоннинг чеккаларигача лим-лим кўтаришган, тўғон оша оқа бошлаганди ҳам.

Шамол сувни чор-атрофга елпитар, тевааракка нам ҳаво тараларди.

Суви тўсилиб, қуриган дарё ўзанидаги дарахтлар юпқа терчираб намиққан, тўда-тўда қайин учларига заррин-мовий томчи зарралари иниб, буталар ҳам реза томчилар билан қопланганди.

— Инсониятга яна нима керак, деб сўрайман сиздан? — деди мистер Рай Руп черковга кираётган маданиятли христиандек одоб билан бошидан шляпасини олиб.

Налбандов жавоб қайтармади.

У тўғоннинг баланд-баланд эгри-бугри ва чуқур букилган зиналарининг ташқи кўринишига завқланиб қарарди. Зиналар сув тўла ванна четларини эслатарди.

Агар ҳозир Налбандов қўлидаги катта ҳассаси билан урса, ўша ванна — кўл жарангли овозга тўладигандек эди.

У зимдан тўғоннинг ёрилган ерини қидириб кўрди. Баъзан унга сув тўғон орасидан сизиб ўтаётгандек туйилар, лекин бу кўз хатоси эди. Сув тўғон оша оқиб ўтар, лекин Маргулиес қуйган бетонни тешиб ўтишга қурби етмасди.

Ҳа, Маргулиес голиб чиқди. Лекин бу тасодифий ғалаба эди. Бугунги рекордда эса Маргулиеснинг ҳаракати барбод бўлиб, ҳойнаҳой шармандаси чиқиши мумкин.

Улар машинадан тушиб, темир нарвон орқали тўғонга кўтарилишди.

Бу ерда, тўғон бошланишида Лениннинг чоғроқ қора ҳайкалчаси бор эди.

Ҳайкалча турган жойнинг атрофи юпқа темир панжара билан ўралган бўлиб, унга қутқарув чамбараклари осиб қўйилган эди. Ленин шу туришда бетондан ясалган броненосецнинг камсуқум капитанини эслатарди.

Бу ерда кўл кенгайиб, чуқур ва доира шаклидаги кўрфазага айланганди.

Кўлнинг орқасида кўринаётган икки ўрқачли тоғ қояси қурилиши тўсиб қўйган эди.

Ёнбағирда геология разведкасининг қизил байроқча қадалган палаткалари ўрнатилганди.

Тоғнинг нариги томонида қалин, қора чанг билан қопланган йўл кўриняпти. Қалин чанг тўзиётгани ниманингдир илдам силжиётганини билдирарди.

— Қаранг, — деди Рай Руп ниманидир хотирлагандек, — анави ажойиботга сира диққат қилганмисиз? Неаполитан кўрфази. Инсон табиат билан рақобатга киришиб, тутовчи жажжи Везувий ва Неаполитан кўрфази ҳосил этган. Сиз, ўртоқ Налбандов, Сорронтадамисиз?

— Ҳа.

— Тўғрими, ажойиб ўхшашлик-а бу?

— Ҳақиқатан ҳам. Сира диққат қилмаган эканман. Ўхшайди.

— Тоғ ёнбағридаги анави оқ палаткалар ҳам... Улар худди икки антик шаҳардек жойлашган. Чапдагиси — Геркуланум, ўнгдагиси — Помпей.

Налбандов жилмайди:

— Бу палаткалар геологик разведканики, Геркуланум ва Помпей — сизга унча ёқмайдиган техника.

Мистер Рай Рупнинг кўзлари чақнади.

— О! Жуда саз! Жуда саз! — хитоб қилди у завқ билан. — Қойил-е! Таққослашни давом эттираммз. Лекин сиз Геркуланум ва Помпейнинг тақдирини биласизми? Жуда саз! Еъъзан табиатнинг сабри тугаб, итоатсиз бандалари устига лава ағдаради...

Рай Руп гапдан тўхтади. У бир оздан кейин ясама хушмуомала туфайли унча таниш бўлмаган одам билан ҳазил-мутойиба қилавериш одобсизлик эканлигини сезиб қолгандек эди.

Рай Руп кексалардек Налбандовнинг тирсағи устроғидан маҳкам ушлаб, силкиди.

— Яхшиси, — деди шошиб, — фалсафани қўлайлик. Биз барибир бир-бировимизга тушунмайммз. Сиз — ёш диалектиксиз, мен эса, балки мияси айниган кекса схоластдирман. Лекин, тўғриси, менга Лениннинг мана шу ҳайкали жуда ёқди. Қандай ажойиб вазият! Ленин Неаполь фоннда. Айниқса бу тарихий ҳақиқатга тамоман мос тушган.

Мистер Рай Руп Налбандовга мулойим тикилди.

— Мен бу ажойиб одамнинг таржимаи ҳолини жуда яхши биламан. Ленин ҳақиқатан ҳам доноликда ягона сиймо бўлган. Мен у билан кўп нарсада келишолмасам ҳам ақл-идрокига қойил қолмаман. Киприда Мак-

сим Горький ҳузурда марксистик академия бўлганлигини биламан. Сизнинг улуг доҳингиз Ленин баъзан ўша ерда меҳмон бўлган. Ҳатто, у ўша жойдан Неаполитан кўрфази ва Везувийга дам-бадам завқланиб қараган бўлса ҳам ажаб эмас. Ушанда Неаполдан, қадимий маданиятнинг ана шу улкан ёдгорлигидан завқланиб, ўз мамлакати ҳақида, Россиянинг келажакги тўғрисида ўйлаган бўлиши ҳам мумкин. Балки ўшанда Ленин озод рус ишчилари қўли билан бунёд этилажак Неаполни ва Неаполитан кўрфазини кўз олдига келтиргандир...

Мистер Рай Руп автомобилга ўтирар экан, Палбандовга ана шу дилкаш сўзларни айтиб, мовий кўзлари билан маъноли боқди.

38

Соат ўн бешдан йигирма минут ўтди.
Корнеев ёзилган хатни ўқиди:

«Телефон қилиб, ололмадим, эсингни ебсан, билет бор экан, халқаро вагонга олишга тўғри келди, худо ҳаққи тез етиб бор: бир минут ҳам бўш вақтим йўқ, поезд 17. 10 да жўнайди, койинма, ҳаммасини тушунтириб бераман, севаман, эс-ҳушим жойида эмас. Клава».

— Уртоқ прораб!

Бу Мося эди.

Корнеев хатни кўкрак чўнтагига солди.

— Ҳа. Нима гап?

Мося батартиб ва расман жиддий эди.

У жуда хотиржам. Бу хотиржамлик Корнеевдан катта куч талаб қиларди. У аллақандай, болаларга хос қувончини аранг яширарди.

У турли ҳаракат қилмаслиги учун қўлларини, югурмай, аста юриши учун оёқларини қийинчилик билан тўхтатиб турарди.

Лекин кўзларини сира яшира олмасди. Кўзлари ўзига итоат этмас, қувонч барқ урар, пинҳона порларди.

— Уртоқ прораб, электр симлари ўтказиб бўлинди. Механизмларни синаб кўриш мумкин.

— Яхши.

Улар машинага яқинлашишди.

Бетончи ишчилар уйи деворининг шундоқ ёнида, нақ бешинчи батарея қаршисидаги янги баланд гакта-супада туришибди.

Ишчилар уйининг ана шу жойидаги девори йиғиб олинган. Ичкаридаги кенг, қуюқ соя шундоққина кўз-га ташланади.

Шу ерга, очилган ерга бетон қуйилади.

Корнеев эгик нарвон орқали тахтасупага кўтарилди. Моторчи каноп лоси билан кичкина шестерняни артарди.

Бетон механизми сиртдан қараганда қамал ҳолатидаги қуролни эслатарди. Ҳа, калта стволли оғир замбаракни, қисқа стволли тўпни. У қуйма кичик гилдиракларга ўрнатилган.

Айланувчи барабан — қуролнинг қисқа стволини, ковш эса бомба жойлаштирилган лотокни эслатарди.

Ковш кўтариладиган йўналтирувчи рельслар худди рулга ўхшайди.

Ҳамма машиналар пистоқи, яшил, ҳарбий рангли бўёққа бўйланган.

Механизм иши жуда оддий.

Ковшга маълум миқдорда цемент: шағал ва қум солинади.

Ковш рельс орқали механизм томон кўтарилади ва айланаётган барабанга автоматик тарзда ағдарилади.

Шунингдек, барабанга автоматик равишда керакли миқдорда сув ҳам қуйилади.

Бир оз вақтдан кейин қориштирилган масса бетон сифатида тайёр ҳолга келади.

Шунда барабан тик ўқи бўйлаб айланишда давом этиб, бошқа томонга ағдарилади-ю, бетон массасини қурувчилар ўзларича «стерлинг» деб ном берган темир араваларга туширувчи нишоб ёғоч тарновга қуяди, у ердан хоҳлаган ерга олиб бориб ташланаверади.

Бу вақт ичида бошқа томондан пастга тушган ковш яна замбилгалтакларда келтирилган қум, шағал ва цемент билан тўлдирилади.

Бетондан бўшаган, лекин ҳамон айланишда давом этаётган барабан яна аввалги ҳолатига келади — ковш юқорига кўтарилади. Барабан энгашади. Ковш унга яна автоматик тарзда қуруқ қоричмани ағдаради. Яна сув қуйилади...

Ҳаммаси тўхтовсиз яна қайтадан бошланади.

— Қани, юргиз-чи, — деди Корнеев.

Моторист ричагни бурди.

Барабан майин, ёғланган овоз чиқариб юриб кетди.

— Яхши, айлантир.

Барабан тик ўқи атрофида айланишда давом этиб, тарновга энгашди. Корнеев худди доктордек унинг бўғзига қаради.

— Яхши. Орқасига айлантир. Шундай. Ковшни бер.

Ковш жаранглаб, тарақлаб рельсдан юқорига кўтарилди, равон айланаётган барабан устига ағдарилди ва пастга тушди.

— Яхши.

Мося ўзини тутолмади.

— Хотиржам бўлинг, ўртоқ командир!

Корнеев бурнини тортиди.

— Сув,— деди у қисқагина қилиб.

Сув йўқ эди.

— Сув!

Мося бир зумда нарвондан тахтасупага чиқди.

Унинг кўриниши даҳшатли эди.

— Сув... Энангни кўргурлар!— бор овози билан қичқирди у бошидан кепкасини юлқиб олиб. У панжарага кепкасини шунақанги куч билан урдик, ҳатто ундан чанг тўзиб кетди.

Шу пайт пастда Винкич ва Георгий Васильевични кўриб, ниҳоятда очиқчеҳралик билан жилмайиб деди:

— Беадаб гапим учун кечирасизлар, ўртоқ журналистлар.

У журналистларни жуда ҳурматлар, уларга хушомадгўйли ва очиқ чеҳра билан мурожаат қиларди. У газетага тушишни жуда-жуда истарди. Лекин шу билан бирга уларга ана шундай жанговар пайғола қўполлик қилганлигининг ҳам тамоман узрли эканлигини намоён қилиш зарурлигини фаҳмларди.

Айниқса, ҳозир, сув йўқ пайтда.

— Сув?— деди Корнеев қизариб.

— Водопроводчилар имиллашяпти, ўртоқ прораб.

Корнеев чўнтагидан соатини юлқиб олди. Соат билан учиб чиққан хат ерга тушди. Корнеев уни олмади.

— Соат уч ярим бўлди-ю, шу пайтгача сув йўқ!

У водопроводчилар томон отилди.

Улар қувурнинг охириги тирсагини винт билан маҳкамлашаётган эди. Корнеев сурикли идишни босиб олди.

Бир пой туфлиси қизил рангга бўялди.

Бу пайтда дурадгорлар пастда, тахтасуна қаршисидаги майдонга тахта тўшама ётқизишарди.

Бу Маргулиес билан Тригер топиб, ишлаб чиқишган янги усул эди. Янги усул, тўғрисиани айтганда, оддийгина эди.

Шу пайтгача материаллар бетон қорувчи машина қовшига замбилгалтакларда махсус ётқизилган ингичка тахталар устида олиб бориларди. Замбилгалтаклар тўшамадан тушиб кетар, бир-бировига уриларди. Бу эса машинани иш билан таъминлашни секинлаштирар, чалкашликка олиб келар, суръатга таъсир этарди.

Бордию яхлит тахта тўшама қилинса-чи?

Албатта, бу оддийгина фикр ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Лекин кўпинча фикрлар айни мана шу оддийлиги ва ҳаммага равшанлиги билан ҳам дарров эсга кела қолмас ва у аллақандай қийин, мураккаб йўллارни ахтариб овора қиларди.

Яхлит тўшама қоплаш фикри Маргулиес билан Тригерлар хаёлига барабар келди, фақат турли йўл билан.

Маргулиес — ўтга чидамли материаллар ташиш жараёнини кузатиб, Фома Егоровичнинг материалларни қайта териш тартиби билан жойлаштиришдаги янги усули ҳақида ўйлаб юрганда калласига шу фикр келди.

Тригер эса чуқур ўйлаб кўриб, бетон қуйиш суръатини пасайтиражак эҳтимоли бор барча фикрларни, ана шундай сабабларни бартараф қилишдаги усулларни дафтарчасига қайд этгачигина мазкур фикрга келганди.

Уларнинг лойиҳалари ўзаро мос тушди.

Маргулиес дарҳол дурадгорларнинг навбатчи бригадасини чақирди. Улар ишлаётган пайтда Тригер ёнларидан бир қадам ҳам силжимади.

У чўнтак рулеткаси билан ўлчар, тўшама сатҳини кўздан кечирибди. Дурадгорларга миҳ олиб келар, тахта арралар, уларни шоширар, илтимос қилар, талаб этар, сўкинарди.

Хуллас, ундан қутулиш, осон эмасди. Болакай Тригер жуда тиришқоқ ва саботли эди. Айниқса, бирон нарса назарий жиҳатдан тасдиқланиб, амалга ошириш талаб этилган пайтда.

Тўшама тайёр бўлди.

Тригер янги йўничаги зарри раангдаги тахтада сандалетикнинг чапг изини қолдирганича унда уёқдан бу ёққа зави билан югурди.

Прораб идорасида бригада аъзолари кийимларини алмаштиришарди.

У ердан биринчи бўлиб Сметана югуриб чиқди.

У қатирмочнамо дағал брезент жомакор кийиб олган. Катта, дағал брезент қўлқоплар унинг қўлларини тюленларнинг қўлига ўхшатиб юборганди.

Сметана тўшамани шавқ билан кўздан кечирди.

— Мана бу зўр!

У замбилгалтакни олди-да, тиззаси билан кўтариб, тўшамага чиқарди ва пишиқ, эгилмас тахта майдонда диагоналига шалдира-шулдир итариб кетди.

— Мана, бу бошқа гап! Чиройли иш бўпти!

У замбилгалтакни кескин буриб, бошқа томонга итарди.

Замбилгалтакнинг енгил ҳаракати ва тахтанинг пишиқлигидан Сметананинг қувончи ичига сирмасди.

У орқасида гилдирак ва оёқ излари қолдирганича ҳазил-мутойиба қилар, ўз кучини синая, тўшамада замбилгалтакни фикирлатиб зир югурарди.

У бутун майдонни из қилиб юборди.

Бслакай Тригер бир чеккада замбилгалтакнинг чаққон ва тез айланишига қизиқиб қарарди.

— Қани, Сметана, тўхта, иккитасини юргизиб кўрамиз.

Тригер бошқа бир замбилгалтакни олиб, Сметанага рўбарў келаверди.

— Унга ол!

Иккаловлари ҳам ўз замбилгалтакларини ўнга буришди-ю, худди тор йўлда келаётган икки автомобилдек чаққонлик билан ёнгинадан ўтиб кетишди.

— Ана шундай ишласа-да!

Прораб идорасидан жомакорли болалар бирин-кетин чиқиб келишди.

Улар қатирмоч брезент жомакорда қўлқопларини бесўнақай силкитганларича тўшамада худди ўйин олдидан кучларини синая, оёқ-қўлларининг чигалини ёзаётган раққосалардек шиппак ва ботинкалари билан йўнилган тахтада қалин из қолдирганларича шодон иштишлашарди.

39

Улар машинада кўлни айланиб ўтишди.

Йўл-йўлакай кўлнинг нариги томонида, кўннинг кўрилиш ўрталиги рўпарасида тўхташди.

Бу ердан, кўл ортидан у яна ҳам кенгроқ ва улкан кўринарди.

Бу ердан афсонавий Троя минораси сингари жонсиз, руҳсиз бир манзара туман ва тутун орасидан кўрингандек ғира-шира кўзга ташланарди. Бу манзарани гоҳ шуъла, гоҳ соя қонлар, қатор ёғоч миноралар ва деворлар гўё сузиб бораётгандай, чайқалаётгандай туюларди. Аслида кўзгалмас бўлса ҳам худди ҳаракатланаётгандай кўринарди.

Улар машинадан тушиб, шундоқ кўлга ёндош яшил саҳрода сайр қилишди.

Кўлда беўхшов якка қайиқ сузиб юрипти. Қайиқдагилар баралла қўшиқ айтишарди.

Чўлнинг малҳамдек ҳавоси сархуш этарди.

Кўл қирғоғида болалар чўмилишарди.

Сузувчиларнинг оёқлари муздек сувда чўмилавериб, кўкариб кетган.

Налбандов автомобилнинг қайноқ радиаторига тирсагини қўйганича турипти. У қурилиш манзарасига тикилди. У ҳозир рекордни забт этиш пайидаги Коксохим ишчилар уйини қидирарди.

Уни топди.

Ишчилар уйи бу ердан чоғроқ сариқ чизимга ўхшайди.

— Вавилон, Вавилон,— эслади мистер Рай Руп хўрсиниб, ўз фикрини баралла айтаркан.— Наҳотки олам гўзал бўлмаса? Одамга нима етишмайди тагин?

— Мана шу, биз турган жойда бир йилдан кейин социалистик шаҳар қад кўтаради,— деди Налбандов ҳар бир сўзини чертиб-чертиб.

Мистер Рай Руп ўзлари турган жойга беихтиёр қараб, ўтлар ичида қандайдир ғалати нарсани кўриб қолди.

Уни таёқ билан тирнаб кўчирди-да, илиб кўтарди.

Бу эски, сийқа, қовжираган чипта кавуш эди.

Мистер Рай Руп синчковлик билан тикилиб қарагач:

— Э, ҳа, билдим. Бу рус миллий пойафзалнинг бир тури,— деди.— Жуда қизиқ. Лекин нима деб аталиши ёдимдан чиқди, Леонард.

— Бу русча, ляпоть, деб аталади,— деди Леонард Дарлей.

— Ҳа, ҳа. Энди эсимга тушди. Ляпоть,— такрорлади Рай Руп,— Ляпоть. Деҳқонларнинг чипта кавуши.

Бир томонда — Вавилон, бир томонда — чипта кавуш — лянотъ. Бу одатдан ташқари манзара.

Налбандов яна:

— Бу ерда бир юз эллик минг ишчи ва хизматчи яшайдиган социалистик шаҳар қурилади,— деди ўжарлик билан.

— Ҳа, лекин бундан инсоният бахтлироқ бўлармикан? Бу тахмин қилинган бахт ана шундай ҳаракатга арзирмикан?

«У ҳақ», — ўйлади Налбандов.

— Сиз ноҳақсиз,— деди у америкаликка совуққина қараб.— Сиз буни тасаввурингизга сиғдиролмаяпсиз. Биз табиатни енгиб, жаннатни инсониятга қайтариб берамиз. Биз қитъани илиқ оқим билан ўраймиз. Муз океанларни миллиард киловатт электр қуввати ишлаб чиқаришига мажбур этамиз, бир километрли узун қарағайлар ўстирамиз...

40

— Оҳ, Костичка, етиб боролмайман.

— Етиб борасан.

Феня оғриқ ва қўрқувдан лабларини тишларди.

Ишченко — бетоқат.

Улар аравада узоқ юришди. Туғруқхона қурилишнинг бошқа томонида эди.

Феня бошини эрининг елкасига қўйди, сочлари унинг қулоқларини қитиқлади.

Ишченко зёлнинг белидан қучаркан, бағрида хотинининг иссиқ танасини тўла ҳис қилди.

Баъзан оғриқ қўйиб юборарди. Шу пайтларда у завқ билан гапга тушарди. Ишченкога бугунги барча таассуротларини жўшиб, пичирлаганича тез-тез ҳикоя қиларди.

— Биласанми, Костичка, учинчи участка жойлашган ерда, ўт ўчириш командасининг шундоқ рўпарасида бутун бошли ҳайвонатхонаси билан цирк қурилган, худо ҳаққи... Ҳозироқ томни ёпишяпти. Фил олиб келишди... Худо ҳаққи... У ҳозир ўша ерда занжирда турипти: у, ҳалиги, банди қилингандек қанда-лаб қўйилган. Пичан еяпти. Худо ҳаққи. Пичанни қўли билан олгандек, хартумида бир қучоғини бураб, баландга кўтарадию шундоқ силкиб-силкиб, оғзига тиқади. Оғзи бўлса кичкинагина хурмачаниннг оғзидек тор, пичанни қаёққа олиб боришни билмайди. Унинг

олдида одам шунақанги кўпки! Қафасларда яна маймун ҳам, бўри ҳам, тўти ҳам бор. Вой, Костичка, тўтиларни бир кўрсанг! Қизил, кўк, яшил, пуштиранг. Шунақанги қичқиришади, қанот қоқишадики. Тумшуқларини айтмайсанми, худди қисқичга ўхшайди. У бир боланинг бармоғини чунонам чўқидики, худо ҳаққи, гўштини шундоқ суягигача узиб олди.

— Қўлини тикмасин эди.

Феня унинг кўзига ишонувчан ва мулоҳимлик билан қаради.

— Костичка, мана шундай муҳим қурилишда нега ҳайвонатхона ташкил этишяпти?

Ишченко бурнини тортди.

— «Неганг» нимаси? Ҳаммаси равшан. Маданий ҳордиқ чиқариш учун. Баъзилар барак соясига суқулиб олиб, картавозлик қилишади. Ундан кўра, ҳайвонлар билан овунишгани мақзул.

Феня хўрсиниб қўйди.

— Гапинг тўғри.

— Ҳаммаси равшан.

— Болалар ҳам қизиқиб томоша қилишади, тўғрими, Костичка?

— Ҳа. Партиямиз ҳам, ишчилар синфи ҳам биринчи навбатда болалар ҳаёти билан қизиқишяпти.

— Болалар... — деди Феня ва тўсатдан қип-қизариб кетди, уялинқираб, юзини Костянинг кўкрагига босди.

Шу пайт яна оғриқ турди.

— Оҳ! Оҳ! Етиб боролмайман.

— Етиб борасан.

Лекин оғриқ яна сусайиши билан у тагин гапга тушарди.

— Эҳ, Костичка, қурилишдаги аёллар кийимининг охирги модаси қанақалигини биласанми? Жуда ажойиб: деярли ҳамма аёллар кўйлагининг орқасида ҳам, олдида ҳам йигирма, ўттиз қатордан тугмача қадалган. Нега унақа? Лекин жуда чиройли чиқаркан, кўркам кўринаркан. Биласанми, Костичка, тугмачалари ҳам ҳар хил: яшил, кўк, қизил... Оҳ!

Яна оғриқ бошланди.

— Оҳ, етиб боролмайман.

— Етиб борасан. Етиб боришинг керак.

У яна гапиришда давом этарди.

Ишченко унинг жўшиб пичирлашини тингласа ҳам ўзи бегоҳат бўлиб, лабларини тишларди. Туғуруқхона-

га тезроқ ета қолса-ю, уни ўша ерга топшириб участкага югурса.

Феняни оғриқ исканжага олганда бутун хаёли унда бўлар, оғриқ қўйиб юбориши билан яна участкага кўчарди.

У сираям кеч қолмаслиги керак эди. Аслида-ку, лоқал иш бошланишидан ярим соат олдин борса яхши эди-я.

Бугун у Ермаков бригадаси ишини кузатаётиб, замбилгалтакларнинг тахтадан тушиб, чизма-чизиқлар ҳосил қилаётганини кўрганди.

Ҳозир бирдан унинг хаёлига машинага материаллар олиб бориладиган бутун майдонга ёппасига тахта ётқизиш жуда қулай бўларди деган фикр келди.

Агар дурадгорлар қистовга олиниб, бутун бригада бирдан ёпирилса, ярим соат ичида амалга ошириш мумкин.

У шундай қилинганда иш анча енгиллашиши ва тезлашишини ўзича аниқ тасаввур этди.

Кечиксам ёппасига тўшама яшашга улгурмаймиз, деган фикр уни ниҳоятда ташвишга солар, ҳатто Феняга нисбатан ғазабини кўсатарди.

«Жуда қулай пайтми тонти-да...»

Роса йўл чўзилди-ю!

Темир йўлни кесиб ўтадиган жойдаги ола-була шлагбаумининг имиллаб кўтарилишини-чи!

Изошчининг арабини фаросатсизлик билан ҳайдалиши қаранг!

Иссиқ сутдан оғзи кўйган қатиқни пуфлаб ичари, деганларидек, энди у тўғридан юриш ўрнига ҳаддан ташқари айланиб ўтарди.

Шундай қилишига қарамай барибир бундан бир йил илгари умуман ҳеч нарса йўқ ерда ҳосил бўлган бонни берк кўча ёки ўйдим-чуқур жойга дуч келарди.

Феня бўлса аксинча. Уни оғриқ қамраганда Бугун ҳис-туйғуси Ишченкода жамланарди: уни жуда-жуда севарди, ишдан қолдирганлиги учун уяларди, ҳатто ачинарди ҳам. Оғриқ ўтиши билан шу заҳоти фикри тарқалиб кўзлари атрофга жавдирарди.

Атрофдаги нарсалар ҳам хаёлидан қандайдир юлдуз юлук ва кетма-кет, лекин эътиборсиз ўтарди.

...Ана, семиз, хумқалла бир бола яланг оёқлари билан бир-бирига урганича кетяпти. Унинг бир қўлида мон бурдаси, иккинчи қўли билан эса найзани ерда сургананича чангитиб боряпти.

Қаердадир аллақандай машина чўчқа боласини сўяётгандагидек овоз чиқариб чийиллайди.

Ер қазувчилар чуқур котлован қазишяпти. Унинг ёнидаги тупроқ уюмига чипта кавушли, эгнига пушти кўйлак кийган соқолли бир киши чиқди. У кружкадаги сувни пастга сепди. Сув худди кумушранг қуёшда арқондек, ялтираб узоқ вақтгача ҳавода муаллақ чўзилди.

Феня буларнинг ҳаммасини аниқ кўрарди-ю, лекин шу заҳоти ёдидан чиқарарди.

Ниҳоят етиб келишди.

Улар кирган кўча бошқаларидан узунлиги ва кенглиги билан ажралиб турарди. Бу ердаги бараклар шувоқ қилиниб, оқланган.

Қурилишнинг ҳамма муассасалари шу ерга жойлашган эди.

«Дорихона». «Туғруқхона». «Амбулатория». «Касалхона», «Хирургия», «Юқумли касалликлар».

Лавҳаларга ёзилган ана шу ваҳимали сўзлар йодорфм ҳиди ҳамда скамейка ва зиналарда ўтирган халатли одамлар билан уйғунлашиб кетган эди.

Орқаси тасмача билан боғлоқ кенг ва узун оқ калат кийган аёллар йўлдан шошилиб югуриб ўтишади.

Араваларда касалларни олиб келишарди.

Қандайдир киши бир қўли билан худди тўқмоқдек бесўнақай доқаланган иккинчи қўлини ушлаганча келяпти.

Фенянинг боши айланди. Ранги доқадек сқариб кетди. Қонсиз юзида ёқимсиз сариқ доғлар пайдо бўлди.

Ишченко уни даҳлизга арабг олиб кирди.

Йолдаги катта тегорсада чангли қуён шувъсада муш бўлаги буғланиб турарди.

Неки ва узун оқ калат кийган ёши улугроқ сермақл мушун даҳлизга чиқди.

— Мия биттаси! Саломат бўлинглар-э! Унингмаси-я! Бунга қачон улгурасиелар-а? Қани, айтинг-чи, буни қасрга жойлаштираман?

У Феняга қаради.

— Вой, онагинам-ей, шу ҳам иш бўлдимми? Охириги дунёкагача ўтиришми!

У Фенянинг қўлини тасмак ораб, сенин тегмон саниндо-ди. Ишченко уларнинг сизларда қолдиришди.

— Бу ёқра келгани билан на сенин. Ишченко гини гила-ди. Дахтр.

Очиқ эшикдан ярим оқиш, ярим кўкиш, мойли бир нима ора-чора кўзга ташланди-ю, эшик ёпилди.

Бригадир нима қилишини билмай, скамейкага ўтира қолди. Унинг қўлида нарсалар тугилган бўхча. Атроф жимжит. Кишининг кўнглига ваҳима солувчи сокинлик.

Орадан беш минутча вақт ўтгач, бояги аёл яна чиқди ва бригадирга Фенянинг буюмлари: бузи ботинка, юбка, попукли пушти рўмолни узатди.

Ишченконинг ранги қув ўчди.

— Феня қани? — сўради у қўрқа-писа даҳшатли гап эшитишни кутиб.

У буюмларни беихтиёр олди. Буюмлардан Фенянинг ҳиди келар, ҳали унинг тафти кийимларидан кетмаганди. Шу билан бирга кийимлар қандайдир ваҳимали кўринар, Фенядан аллақандай бегоналашгандек эди.

— Феня қани?

— Ўзинг нима деб ўйлайсан? Қаерда бўлиши мумкин? — истеҳзо билан сўради аёл. — Хавотирланма, Фенянг йўқолиб қолмайди.

— Ахир мен хайрлашганим йўқ... балки, бирон-бир нарса керакдир...

— Ҳеч нарса керакмас.

Аёл бир бўлак бўр олиб, катта қора доскадаги узун фамилиялар рўйхати тепасига «Ишченко» деб ёзиб қўйди.

Шундан кейин аёл яна кетди.

Ишченко жойига ўтирди.

Девордаги соат миллари ўн минути кам учни кўрсатди. Кейин учдан уч минут ўтганлигини кўрсатди. Тоғорадаги муздан ҳамон буг кўтарилади. Соатнинг чиқиллаши ундан мустасно жондорга айланган.

Аёл яна чиқди.

— Хўш, нимани кутяпсан?

Ишченко ўрнидан турди, ўнғайсизланди.

— Бошқа ҳеч нарса керакмасми? — сўради у қўрқиб.

— Ҳеч нарса.

Ишченко буюмларни бесўнақай ўради.

— Қачон келай?

Аёл жиламайди.

— Вақтинг бўлганда келарсан.

Ишченко ўнғайсизланиб, бўшашганича, негадир оёқ учида кўчага чиқди.

Четан арава йўқ, меров аравакаш аллақачон жўнаб қолганди.

— Энди нима қилдим?

Тўсатдан учдан уч минут ўтган соатнинг миллари кўз ўнгида аниқ намоён бўлди.

Участкагача беш километр.

У буюмларни кўксига босганича кўча бўйлаб чопти.

Узоқдан автомобиль кўринди.

Ишченко кўча ўртасига югуриб борди.

— Тўхта! Эй, хўжайин, олиб кет!

Автомобиль атрофга чапг тўзғитганча лип этиб ўтди-да, кўздан йўқолди.

Ишченко шофёрнинг фақат кўкимтир костюминигина кўришга улгурди.

У ерга тупурди-да, югуриб кетди.

41

— Уртоқлар!

Ҳаяжондан Мосянинг товуши бўғзида қолди.

Ўзини тутиб, мулойим, кескин гап бошлаши керак эди. Бунинг ўрнига бирдан ҳаяжонланиб бақирди-ю, бўғилди-қолди.

У ютинди.

Бошқа сўз тополмай, муштини рўпарасида силкиди.

Қопқоғи синган ўн иккита бочка шамолда буруқсади. Шамол бочкага урилиб, ундан кулранг-кўкиш цемент булутини тўзғитди. У илиқ сунъий сирень ҳиди билан қўшилиб, гул гардидек айланар ва чапгирди.

Оқ-кукун бригада аъзоларининг қош ва киприкларига қўнарди.

Улар орасида фақат Ишченко йўқ.

Мекин бу уларни хавотирга солмасди. У албатта келади.

Мося бригада аъзолари билан юзма-юз турипти. Улар ўртасида воситачи йўқ. У Корнеев ва Маргулиесдан ана шу фахрли жанговар ҳуқуқни сўраб олган.

Бу ишбошига топширилган вазифа, у ана шуни бажариши керак, кафолат олган. Ана шунинг ўзи етарли. Энди воситачининг кераги йўқ. Ҳеч қандай аралашув ҳам керак эмас. Тамом. Қолганига ишбоши жавоб беради.

У ана шу дақиқани зориқиб, эҳтирос билан кутган-

ди. У нутқ сўзлашга тайёрланди. Мана, ниҳоят, ўша дақиқа келди.

Энди бўлса сўз келмаяпти.

Мося бригада аъзолари олдида уёқдан буёққа юрди. У вақтдан фойдаланиб, янги тўшамга устида худди эстрададагидек бошини донишмандларча қуйи эгганича юрарди.

Унинг миясидан бемаврид газета шиорлари тартибсиз ўта бошлади.

«Мамлакат биздан арзон сабзавот кутяпти...» Йўқ, йўқ! «Давлат банкаси системаси — хўжалик ҳисобининг кучли таянчи...» Унақа эмас! «Ҳозирги асосий масала — бу... қуёнхона...» Йўқ йўқ!..

Мося атрофга зимдан назар ташлади.

Атрофда одамлар ва материаллар.

У ўзига диққат билан тикилиб турган кўзларни кўрди. Уларни таниди.

Сметананинг мовий ва Нефедовнинг қўй кўзлари, Саенконинг (Ҳа, Саенко келди!) кўкиш, хира кўзлари. Булар орасида Винкичнинг қора, жиддий ва майин, Георгий Васильевичнинг юмалоқ, ўткир кўзлари ҳам бор.

Шулар уни ҳаяжонга солар, ундаги охири хотиржамликни ҳам йўққа чиқарарди.

У замбилғалтакларнинг шилинган дастасини, буруқсаётган бочка ва чанги кўтарилаётган қум уюмларини кўряпти. У монтерларнинг прораб идорасига телефон симини қандай тортишаётганини ҳам, болакай Триггернинг улар изидан бир қарич ҳам орқада қолмай юрганлигини ҳам кўряпти.

Паровик гувиллаб, буферлар бир-бирига урилди. Илгаклар туширилди. Платформа бортлари шарақашуруқ тушди. Шағал тўкилди. Корнеев майин сочларини силкитиб югурмоқда. Ишчилар уйи соясида ўқтин-ўқтин Маргулиеснинг баланд юмалоқ кепкаси кўриниб қолади.

Нарида икки қиз бир тўхтаб, бир юриб келишяпти. Ҳар бирининг қўлида сув тўла брезент қўлқоп. Чамаси кимгадир ичиш учун олиб келишяпти. Қўлқопдан ерга узун сиргадек сув қуйилади. Оғизлари ярим очиқ қизлар милтиллаган кўзларини Мосяга тикишди.

Оғир булутлар пастлаб сузарди.

Мося бўлса бирон сўз айтолмасди. Чиндан ҳам ачинарди. Бу ниҳоятда оғир. Бамисоли тушда кўраётгандек...

Вақт шунақанги тез ўтардики, назарингда соатга яна бир неча қўшимча пружиналар қўйилган-у, у шунинг учун тез юраётгандек туюларди. Бу хаёлий пружина шундай ҳайбатли бўлиб туюлардики, гўё у ҳар дақиқада узилиб кетадигандай, ҳозир жаранглаб, қичқириб овоз чиқарадигандай, гира-шира чанг, тутун орасида қолган узундан-узоқ бутун участка манзарасини ҳам ўз доирасига қўшиб айлантираётгандек эди.

Мося исноддан ер ёрилса, ерга киргудай.

У бутун кучини тўплашга ҳаракат қилиб журналистлар томонга қаради.

— Ўртоқлар!— деярли ҳазин товушда қичқирди Мося.— Қадрли ўртоқлар! Биз ҳаммамиз, бамисоли оддий жангчилар, эътиборли олтинчи участкамиздаги иккинчи хўжалик ҳисобининг зарбдор-ташаббускорлари... Мана, марказий газетадан келган ўртоқлар гувоҳ бўлишсин... Қатъий ва чин ваъда бериб айтамызки...

У дудуқланиб қолди.

Сметана оёқ учида юриб, орқадан Мосяга яқинлашди.

— Митингни тўхтат,— деди у болаларга кўзини қисиб.— Бўлади.

У Мосянинг елкасидан дўстона ушлаб, тисаси билан секингина туртиб қўйди.

Мося жаҳл билан қаттиқ сўкиниб, юзи қаҳри тус олди, лекин шу заҳоти журналистлар томонга қараб, айёрона, сермулоҳазалик билан жиймайди.

— Мен, албатта, ноўрин сўзим учун кечирим сўрайман.

Ишченко тўсини ва кувурлар орасидан телиб кела бошлади.

Янги шимининг почалари тиззасигача сариқ-бахмал қўнждек чанг билан қопланган. Яланг оёқлари чилмиган, қонга бўялган. Кўйлагини тердан жикқа ҳўл. Нам сочлари пешонасида ёпишган гардек ялтирайди.

Ҳарсиллаганидан кўкрак қафаси кўтарилиб-ўтарилиб тушади.

У тўртта участка оралигидаги беш килеватрин уйилган, тошли ерларни тўхтамай чопиб ўтганда.

Ишченко миёсига тахта тўшама, деган фикр урилиб, нуқул кристаланг киларди.

Аммо мўъжиза рўй берди!

Ғояси унинг иштирокисиз бунёд этилиб, тўртдан янги, батартиб пол билан қопланган эди.

Бригадир буни дарҳол сазди.

Лекин мўъжизани фақат Ишченко ўйламаган экан. Унинг ғоясини бошқалар «эзиб ичишипти». Бу худди одатдагидек рўй берганди. У бунга қойил қолмаса ҳам, ҳар қалай тамомила қонунийдек қабул қилди.

Ишченко тўхтаб, нафасини ростлади.

Лекин шу пайт унинг хаёлига янги фикр, янги ташвиш: шағал ташвиши урилди! У темир йўлнинг қайси томонига тушириларкин?

Шағални ўнг томонга, тўшаманинг ёнгинасига тўкиш керак. Лекин янглишда шағални чап томонга ташлашлари мумкин эди.

Унда темир йўл шағал билан бетонқорғич оралиғида қолиб, шағални замбилғалтакларда рельс устидан олиб ўтишга тўғри келади.

Ишченко олдинга отилди.

Туширилаётган шағал шақира-шўқур овоз чиқарди.

Шағалнинг чап томонга ташланаётганлигини кўрган Ишченко қизариб кетди.

У овозининг борича бақирмоқчи бўлди-ю, лекин шу заҳоти бунинг сабабини пайқади.

Ўнг томон материаллар — ёғоч ва арматуралар билан тўлиб ётарди. Уларни олиб ташлашнинг эса иложи йўқ. Умуман сира жой йўқ эди.

42

Бригадирнинг хўжаликка ўрганган кўзлари дарҳол иш fronti манзарасини бошдан-оёқ қамраб олди.

Бригада ўз жойида. Ун олти йигит-қизнинг ҳаммаси шу ерда. Загиров билан Саенко ҳам келипти. Бу яхши.

Мося гирдикапалак бўлиб юрипти. Яхши.

Цемент очиқ бочкада. Ёмон. Бунинг ўрнига, махсус қутига солинса яхши бўларди.

Қум қулай жойга тўкилган. Яхши.

Шағал темир йўлнинг чап томонида. Ёмон.

Шамол кучсиз. Яхши.

Иш жомакорини ёдидан чиқариб баракда қолдирипти. Ёмон.

Ўз вақтида етиб келди. Яхши.

Маслаҳатга кўра, Корнеев бутун ҳокимият аллақачон ишбоши зиммасига ўтган майдоннинг демаркация чизиғини босиб олишдан қўрқиб, фронт томонларини катта қадам билан ўлчаётгандек тўшамани беихтиёр айланиб юрарди.

Ишченко норғул, тер босган, ҳаяжонли гавдасидан тафтли ҳид уфурганича унинг ёнидан тез ўтиб кетди.

— Соат неча бўлди?

— Ўн тўрт минути кам,— деди юриб кетаётган Корнеев соатига қарамай.

— Қани, йигитлар...—

Ишченко тўхтаб Сметанага шартта назар ташлади.

— Кишиларни жой-жойига тақсимладингларми?— сўради у тез-тез гапириб.

Сметана тасдиқ маъносида бошини лиқиллатди.

— Қани, йигитлар,— деди Ишченко оҳиста, кейин овозини аста-секин кавалерия командасининг салобатли буйруғи даражасигача кўтара бошлади.— Менга қулоқ солинг! Замбилгалтакларга-а-а! Ҳам-ма жой-жойига-а-а!

«Замбилгалтакларга» сўзи унда худди «отларга» дегандек салобатли чиқди. Унинг овози худди баджаҳл Ханумовникига ўхшаб кетди.

Ишченко ўз замбилгалтагига биринчи бўлиб ташланди.

Йигитлар унинг орқасидан эргашишди. Улар бир зумда иш фронти бўйлаб ёйилишди-ю, бригаданинг ҳар бир аъзоси қўлида белкурак ёки замбилгалтак билан белгиланган жойни эгаллади.

Ишченко ҳар бир пунктдаги бригада аъзоларини ичида пичирлаб санаркан, иш тақсимотини диққат билан кузатди.

«Моторист — бир. Икки киши — қумда, икки киши — замбилгалтакда. Икки киши — цементда; икки киши — замбилгалтакда. Икки киши — шағалда, икки киши — замбилгалтакда...»

— Тўхта!— бақирди у. — Тўхта!

Шағал узоқроқда бўлгани учун ишга бир оз ўзгартиш киритишни талаб қиларди. Шағалда икки кишининг ишлаши кам. Бу нуқтани мустаҳкамлаш зарур эди.

Бригадир яна одамларни кўздам кечира бошлади. У икки кишини ортириб, шағал ташишга ташлаши керак. Ортиқча одам йўқ, лекин беҳавотир саналган бошқа пунктдаги одамларни бир оз камайитириш мумкин.

Бу фикр шу пайтда бошқаларда ҳам пайдо бўлганди.

— Шағалда одам камроқ!— қичқирди Сметана.

Тригер бу вақтда монёрларни «сиқувга олса» ҳам

бригада аъзоларининг тақсимотини бетўхтов кузатиб турарди.

— Шағалга яна икки киши!— деди у шошилиб.

Ишченко пешонасини тириштирди.

Унинг фикри аниқ ва равшан эди:

— Битта — қумдан, битта — тарновдан. Саенко, Загиров — шағалга.

Корнеев улар томонга қараркан, гўлдираганича олдиларидан кескин одимлаб ўтди:

— Қимирланглар, қимирланглар, қимирланглар...

Оля Трегубованинг кўзлари киноя ва жозибали порлади.

— Қани, Саенко, Загиров, — қичқирди у «шаллақи» аёл овозида, — қани, қандай зарбдор эканлигингизни исботланглар-чи! Қилган гуноҳларингизни ювинглар!

Саенко билан Загиров жойларидан жилишмади.

Корнеев орқага яна ҳам кескинроқ одимлади. У бурнини асабий тортди. Соатни юлқиб олди.

— Йигитлар, йигитлар, йигитлар...

Кенг шим кийган Саенко елкасини тушириб, оёқларини бир оз керганича жим турарди. У бригадирга бўзрайиб қаради, кейин нафратли, лекин зўрма-зўраки жилмайди.

Загиров атрофга ҳорғин аланглади. Унинг чўнтагида ҳозиргина йўлда Саенкодан қарзга олган ўн сўмлик турарди.

Ишченко ўртоқларига қовоғини солиб қаради.

— Саенко, Загиров, шағалга, — такрорлади у шошилмай.

Улар миқ этишмади.

Ишченко ён-верига назар ташлади.

Атрофда қизиқувчилар тўпланишганди. У яқинида Ханумовнинг зар дўшписини кўрди-ю, қорайиб кетди.

— Бўлинглар!— деди у секин.

Саенко жирканиб Ханумовнинг ёнидан узоққа тикилди.

— Нега бизни қистайсан? Нима, биз сенга отмидик? Ёки бизни сотиб, ё бўлмаса ёллаб олганмисан?

— Ишлашдан бош тортмоқчимисизлар?

— Энди охириги чипта кавушимизни ҳам шағалда йиртайликми, нима, бизга махсус ботинка бериб қўйибсанми?

— Нима?

— Эшитганинг.

— Махсус ботинка ҳақида смена тутагач гаплашамиз.

Ишченко ҳайратангиз осойишта эди. У ўзини аранг тутиб турар, кафтлари мушт бўлиб тугилганди.

Саенко елкасини хиёл учирди.

— Сен бизга махсус ботинка олиб бер.

— Ўз номингдан гапирсанг-чи.

— Нега бир ўзим учун гапирарканман, — қичқирди Саенко «шикоятомуз» товушда, кейин кўкрагини ушлаб, давом этди: — Балки менинг жўрам оёқ яланг юриб, сўрашга уялаётгандир, мен буни кўра-била туриб, қандай ўзим ҳақимда гапирай? Тўғримми, Загиров?

Загиров безрайиб турарди. Унинг заъфарон бармоқлари билинар-билинемас қалтирарди.

— Кўрдингизми, виждони йўл қўймапти, у уялпти. Загиров, ботинкангнинг йиртигини кўрсат.

— Мен қаердан ботинка топаман ҳозир сизларга? — деди Ишченко жаҳлдан йиғлагудек бўлиб, заруратдан ўзини аранг тутиб тураркан. — Икковинг ҳам шағалга борларинг, ботинка ҳақида сменадан кейин гаплашамиз. Хоҳламайсизларми?

— Бормаймиз.

— Сен, Саенко, яхшиси, бир ўзинг номингдан гапир.

— Мен икковимиз учун гапираман. Мен қандай бўлсам, у ҳам шундай. Тўғримми, Загиров?

Загиров гарангсиб, жим турар эди.

— Демак, бутун бригада олдида шағалга боришдан бўйин товляяпсизларми?

— Ботинка бер!

Мося Саенко томонга отилди.

— Тўхта!

Ишченко елиб кетаётган Мосянинг қўлидан ушлаб, уни шунақанги сиқдики, ҳатто Мося чир айланганча чўнқайиб ўтириб қолди. Унинг тишларигача гижирлаб кетди:

— Қўйвор... Қўйвор... Майли, ёруг дунёни кўрмай қўя қолай... Қўйвор мени, ана шу курк товуқча...

— Улар ботинкаларини эски-туски бозорида қури-тишган! — жон-жаҳди билан бақирди Оля Трегубова сочлари тагигача қизариб.

Корнеев улар томонга қараганича янада қадамини тезлатди.

— Вақт кетяпти, вақт кетяпти, вақт.

— Турмайсизларми? — сўради Ишченко камоли котиржамлик билан.

У қон қуйилган кўзларини Саенкога тикди. Хану-
мар жылмайди. Кейин қўл силтаб тескари бурилганича
зар дўпписини алтиратиб, бепарво нари кетди.

Саенко зўрма-зўраки жилмайди.

— Мен қандай бўлсам, у ҳам шу. Ботинкасииз тур-
маймиз. Факт.

Ишченко бўғиларди.

— Нима, сизлар бизни бутун қурилиш олдиди шар-
манда қилмоқчимисизлар? Кулгига қўймоқчимисиз-
лар?.. Одамларнинг кўзига тик қаролмайдиган бўлиб
қолайликими?.. Мана шундай муҳим сменада-я?.. Ур-
тоқлар, ахир сизларда жиндак виждон борми?

У йиғлашга тайёр эди.

Саенко эса нил бўёқ теккан лабларини безбетлик
билан ялаганича елкасини тушириб, ҳамон ўз жойидан
қимирламасди.

— Бармоғимизни кесиб, туз сепишинг мумкин!..

— Бўғилма! — бақирди Нефедов.

У шартта полга ўтирди-да, ботинкасининг ипини
еча бошлади.

— Қўй, Саша, — деди бамайлихотир Тригер.

У чаққонлик билан Саенконинг ёнига борди.

Тригер Саенкога қарамасдан лабларини қонагудек
тишлаганича унинг қўлидан белкуракни тортиб олди-
да, сандалети билан тўшамани қаттиқ тақиллатган
кўйи шағалга яқинлашиб, белкуракни қум уюмига
шақирлатиб урди.

— Жуда тўғри қилдинг, — деди Сметана.

Ишченко йигитларга қаради.

— Хўш?

Мося бошидан кепкасини юлқиб олиб, уни жаҳл би-
лан полга урди.

— Энди онасини... га боришсин!

— Ким қарши? — сўради Ишченко.

Ҳеч ким қўл кўтармади.

— Жўналаринг, — деди Ишченко дағдағали овоз-
да. — Ботинка масаласини эртага гаплашамиз.

Саенко афтини буриштирди-да, шалпайган қиёфа-
да елкасини қисиб, оёқларини бир-бирига ургач, тўша-
мадан тушди. Загиров атрофга қўрқа-писа аланглади,
Ундан ҳамма кўзини олиб қочарди. Қалтираётган Заги-
ров Саенконинг орқасидан эргашди.

Бир неча дақиқа ҳамма сукутда қолди.

Фақат Ишченкогина оғир ва антикиб нафас оларди,
У бошини чайқаб, мушти билан чаккасини ишқалар,

Ўзини дарров қўлга олёлмасди. Кўкрак қафаси қаттиқ кўтарилиб тушар, йўгон бўйни қорайган, мускуллари таранг тортилганди.

Мося полдаги кепкасини олди, кейин уни тиззасига уриб қоқди-да, суфра қулоқлари барабар бостириб кийди.

У зимдан жилмаяркан, сариқ-оқиш қаҳрли кўзларини журналистлар томонга тикди. Кейин бирдан лабларида спорт судьясининг уч стволли ҳуштаги пайдо бўлди.

— Тайёрланинг! Бошладик! — қичқирди у шўх болалар овозида, машина ковши томон отиларкан. — Кетдик!!!

Кейин уч марта қисқа, бўлиб-бўлиб ҳуштак чалди. Ҳамма ўрнидан туриб, ишга отилди.

Белкураклар шағалга тарақлаб урилди. Цемент бочкаси узра чанг тўзиди. Қум шитирлади. Замбилгалтакларнинг ғилдираклари илон изи бўлиб гичирларди. Мотор гулдиради. Барабан бир текисда айлана бошлади. Ковш гулдираб, юқорига кўтарилди. Сув шовуллаб урилди.

— Соат неча бўлди? — сўради Маргулиес тирсагидаги чангни қоқиб.

Корнеев соат тасмачасини тортди.

— Ун олтидан саккиз минут ўтди.

— Яхши.

43

— Клава... Нима гап?

— Вой, худойим-ей, кимларга ўхшаб кетдинг?

— Нима бўпти менга?

— Оёғингга қара! Кулранг туфли оққа бўялган!

Даҳшат-ку!..

— Нега бунча шошяпсан?..

— Аранг оёғимда турибман... Тиззаларим қалтираб кетяпти... Тўхта... Соат еттидан бери оёқдаман. Бирон марта ўтирганим йўқ.

— Нега кетяпсан?..

— Э, худо ҳаққи, сўрама... Ўзим ҳам билмайман.

Ақлдан озяпман шекилли. Иссиқни қара!

— Клавдия, қол!

— Тезда келаман. Кўп тўрмайман.

— Нега кетяпсан?

— Августда. Ёки сентябрда келаман. Сентябрнинг ўрталарида. Соат неча бўлди?

— Беш минути кам беш. Менинг соатимда.

— Яна чорак соат бор. Ун беш минут.

— Қол! Клава!

— Чамадонни тепага қўйишга ёрдамлашиб юбор, жоним. Бемаъни гапингни қўй. Вой, худойим-ей жудаям иссиқ-а! Мана шундай. Раҳмат. Бўлди. Нафас олиб бўлмайди-я.

— Бўлмаса-чи. Вагон куни билан қуёш тигида турган. Томи роса қизиган. Деразани кўтарайми?

— Йўқ, йўқ. Қара, ҳаммаёқ чапг. Юргандан кейин чўлда проводникдан илтимос қиларман. Бир оз ёмғир ёгса-чи.

— Қола қол.

— Ҳар станциядан сенга хат ёзаман. Москвадан телефон қиламан. Сенга ҳар куни телефон қилсам майлими? Утир. Мен ҳам ўтираман. Кел, сенга яхшилаб қараб олай.

У Корнеевнинг чаккаларидан икки қўллаб маҳкам ушлади. Унинг қўллари калта, бақувват эди.

Купеда ҳозирча улардан бошқа ҳеч ким йўқ.

Клава Корнеевнинг юзини ўзига қаратиб, худди кўзгуга қарагандек унга тикилди.

Корнеевнинг фуражкиси ҳаворанг барқут сирилган эски диванга тушди.

У Клаванинг йиглаб, кулаётган, хиёл қаримсиқ, лекин ҳамон болаларча лўппи ва момикдек олтинранг, ёқимли, хафақон чеҳрасини кўрди.

Унинг ёшланган мовий кўзлари сўзилган.

Корнеев Клаванинг бошини, қирқилган, силлиқ, дуб ёнғоғидек ялтироқ сочларини силай бошлади...

— Ке, илтимос... Тушунтириброқ гапир... Клавочка, ўтиниб сўрайман!

У қийин аҳволда қолганди. Ҳеч нарсага ақли бовар қилмасди.

Аслида, ахири бориб-бориб аҳвол шундай тугашиши кўнгли сезиб юрарди. Лекин бунга ишонқирамасди. Шунинг учун ҳам бу ҳақда сира гап очмаганди. Ахир Клава уни ҳар қалай севарди-да.

Нима бўлди ўзи?

Нега бунақа бўлаётганлигини Клаванинг ўзи ҳам билмасди.

Кетиш ҳақидаги қарори аста-секин, қандайдир ўз-ўзидан пайдо бўла бошлади. Ҳар ҳолда унга шундай

туюларди. Бу қанча тасодиф бўлса, шунча онгли равишда амалга оширилган эди.

Корнеевдек Клаванинг ҳам дили ғаш эди.

Вақт ўтиб борарди.

Ташқаридан дераза орқали купега кирган чанг-тўзони аста-секин сийраклашиб, қандайдир кўринмас парда ҳосил қиларди.

Бундай пайтда чанг орасида — шундоқ рўпарангизда муваққат станция — тумшугига мис қўнғироқ ҳамда бўрондан титилган, қуёш тигида оқарган қизил байроқнинг ёғочдаги бир парчаси осиглиқ, пачақланган ва занглаган иккита яшил вагон намоён бўлади.

Атрофда ўша-ўша четан араваю эгар-жабдуқ, отларнинг думи, қия турган юк машиналари, гўшт консервали қутилар, лапталар, қора кўзойнаклар, сезончиларнинг сандиқлари, аёллар, қора, кир, иссиқ кийимлар, поездга югураётган одамларнинг ғира-шира шарпаси, палаткаларнинг шамолдаги тарс-турси, тўлқинли қорамтир шамол ва тўзондан ўзини йўқотиб, хаёлчан қаққайган телефон устунлари.

Ухлаб кетиладиган халқаро вагоннинг ичи эса топ-тоза, яхши жиҳозланган, нафис.

Оёқ тагида ҳозиргина иссиқ сув ва совун билан чўткада ювилган кулранг грифель линолеум майин буклади.

Ҳаммаёқда қарағай ҳиди анқийди.

Худди қаламдондек тор ва ялтироқ йўлак охирида лампочкалар устига қопланган хира шиша қалпоқчалар кўзга ташланади. Купенинг очиқ эшиги рўпарасида, бурчакда иштиёқ билан тозаланган мис ўрамидаги махсус курсига қўйилган покиза самовар қайнаб турипти.

Проводник топ-тоза, катта мис идишда стаканларни ювяпти.

Вагонга ҳаммаёғи чанг, кир-чир кишилар — рус ва хорижий инженерлар яхшигина, лекин кир-чир чамоданларни судраганларича киришди.

Улар тап-тап юриб, линолеумда бесўнақай из қолдиришди.

Кейин шу заҳоти соқол олишга, юзинишга тутинишиб, енгил пижама ва туфли кийишгач, эғир этикларини диван тагига тиқишди.

Корнеев ҳамон умидсизлик билан суриштиришда давом этарди.

— Хўш, нега? Нима учун?

Эҳ, Клаванинг ўзи ҳам буни билмасди.

Унинг кир бурни устидан кўз ёши думалар, лекин шунга қарамай, аёл жилмайишга ҳаракат қиларди. Кўз ёшлари қўлидаги сариқ чарм пальтоси енгига қадалган тугмачадек ҳамон дув-дув думаларди.

Корнеевнинг чаккаси асабий тиришди.

— Эрингми?

Клава лабларини қаттиқ тишлаб, бошини кескин чайқади.

— Бу ер сенга ёқмадими? Ёмонми?

— Йўқ, йўқ.

— Хўш, сени америкаликлар посёлкасига жойлаштириб қўяйми? Каттежга? У ер — қайинзор, сигирлар ҳам бор... хоҳлайсанми? Ажойиб, тоза ҳаво...

— Йўқ, йўқ...

— Қизингни соғиндингми?

У бирдан орқасини ўгириб, диван болишига ўзини ташлади.

— Клавочка, Клавдюшка, ахир бу, тўғриси айтсам, кешимаган иш-ку! Хўп, майли десанг, Верочкани буюққа кўчириб келамиз. Ахир бу, арзимаган гап. Нега бунақа қилиясан, ҳеч нарсага тушунмаяпман?

Клава бошини асабий тебратар, нуқул болишни тишларди.

Купега янги йўловчи кирди.

— Кечирасизлар. Сизларники печанчи жой? Ун учинчими? Меники ўн тўртинчи, тепадагиси.

Йўловчи ҳарбий киши бўлиб, ёқасида учта ромба эркирарди.

У чанг қоплаган бежирим этигини диванга оҳиста қўйиб, юқорига кўтарилди. Енгил итқитилган фибрли чамадоннинг бир бурчи кўзга ташланди.

— Бошқа ҳеч нарсам йўқ. Кечирасизлар.

Ҳаворанг бахмалда этик таг чармининг кулранг нзм қолди. Ҳарбий уни газета билан яхшилаб тозалади.

Клава чарм енги билан юзини тезгина артди. Кўзлари қуруқ ва шавқ билан порлади. У бегона киши олдида йиғлашга, сабабини айтишга уялди.

— Хўш... участканда иш қандай? — шошилиб, жиддий қиёфада сўради у. — Кетяптими?

— Курашяпмиз. Худди жангоҳдагидек. Дастлабки ярим соатда йигирма беш қоришма — замес (у русча замес сўзини испанча «Zamess» фамилиясидек талаффуз қилди).

— Бу нима дегани?

Унинг чеҳрасида меҳрибонлик — ишлаб чиқариш гимсоли мавжланарди.

— Агар шу кетиш бўлса, Харьковларинг дод деб юборади! Бир сменада тўрт юз қоришма — замес қу-йилади. Фақат шағал расво бўлди-да...

— Нима бўлди? — сўради Клава чўчиб.

— Темир йўлдан олиб ўтишга тўғри келяпти, ундан эса поезд ўтиб туради. Ноқулай ҳам хавфли. Лекин бешикаст бўлади деб ўйлайман.

— Ҳа-а-а!

Клава бир оз тинчланди.

— Хайрият, жуда хурсандман. Бизда, завод бош-қармасида, биласанми, ҳалиям ишониншмаяпти. Ку-лишяпти. Техник жиҳатдан мумкин эмас, дейишяпти. Сизларни деб мен улар билан уришиб кетишимга сал қолди.

Корнеев бурнини тортиб, қошларини керди.

— Ким, ким ишонмаяпти?

— Бор шунақалар. Айниқса, Маргулес — ёмон-отлиқ. У бунда ўзининг бошига ўзи етади дейишляпти. Ҳа, айтгандай, Давит Львовичнинг аҳволи қалай? Уни кўрмаганимга ҳам кўп бўлди. У доим участкада.

— Давид ўсяпти, Давид ўсяпти, у сенга салом айт-ди. Хўш... Клавдюша, нимага ундай қиляпсан?

У овозини пастлатди.

Клава Корнеевга ёлворгандек қаради, кейин бегона кишини имо қилиб кўрсатди.

Ҳарбий сиполик билан йўлакка чиқиб папирос ту-татди.

— Ҳарбийларни жиним ёқтирмайди, — таъкидлади Клава эрига ишора қилиб.

Корнеев унинг қўлини қўлига олди.

— Нега ундай қиляпсан, Клавдюша?

Клава оқариб кетган ҳаворанг филофли қаттиқ тўрт-бурчақ болишга яна ўзини ташлади.

— Ахир бу, тўғриси, келишмаган иш!.. Клавдюша! Қизимизни кўчириб келайлик! Тамом-вассалом.

— Йўқ, йўқ. Керак эмас. Эсингни едингми? Болани қанақа қилиб бу ерга олиб келиб бўлади? Чанг, лой, худо билсин, сувлари қанақа... Юракбуруқ бўлиб қоли-ши мумкин...

— Ахир бошқа болалар яшаяпти-ю. Уларга ҳеч нарса қилаётгани йўқ-ку. Аксинча. Бақувват, соғлом. Уша болаларни бир кўргин. Мальскийнинг боласи ҳам, Серошевскийнинг боласи ҳам...

Клава сапчиб ўрнидан турди. Унинг чеҳраси тунд-лашганди.

— Сен ўз боланг қанақа бўлишини билмайсан! — бўлиб-бўлиб сўз қотди у шартта.

— Қара, бригадиримиз Ишченконинг ҳомиладор хотини шу ерга келди. Атайин шу ерда туғишга келди. Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Нима қипти, бу ерда яшаш фожиами?

Клаванинг кўзлари чақнади, чакка томирлари бўр-тиб, юзлари буришди.

— У бақувват, соғлом, қишлоқи аёл!.. Мени ўшанга тенглаштирасанми? Боласи ҳам бақувват, соғлом бўлади. Верочка бўлса нозик, нимжон. У бу ернинг расво иқлимига бардош бера олармиди?

— Ҳеч расво эмас-да. Оддий, қуруқ иқлим.

— Бемаъни гапни қўйсанг-чи. Уни буёққа эмас, бирон-бир денгиз бўйига юбориш керак. Василий Николаевич телефон қилди, Анапага путёвка бор экан. Мен уни Анапага олиб бораман.

«Э, ҳа, Анапами?» — алам билан ўйлади Корнеев.

Клава унинг юзида ногаҳоний пайдо бўлган ифода-ни дарров пайқади. Пайқади-ю, ҳаммасини тушунди.

— Ниҳоят мен... — мингирлади у. — Ниҳоят мен ўзим... Қара, кимларга ўхшаб кетдим. Агар дам олмасам... Ахир ўзинг яхши биласан... Кейин фавқулудда бўладиган мана шундай нарсадан фойдаланмаслик ҳам бемаънилик... Бир оз дам олай.. Мен тез қайтиб келаман. Қасам ич десанг, қасам ичаман. Сентябрь ўртала-рида. Кечи билан октябрда...

У Корнеевни аста қучди, ҳўл, қайноқ юзини унинг кўкрагига қўйди.

Корнеев ҳаммаси тамом бўлганлигини пайқади.

Корнеев уни ниҳоятда яхши биледи. Клава севади. Фақат уни севади. Бу ердаги қолган нарсалар унинг учун бегона.

У ерда эса Анапа — денгиз, қандайдир мислсиз янги тахт орзуси.

Феня бу ерга — севгилиси, қадрдони ёнига ўз ихти-ёри билан келди. Унга осон. У, ҳатто, қийин бўлишини тасаввур ҳам қилгани йўқ...

Йўқ, энди сира иложини қилиб бўлмайди.

Корнеев оғир хўрсинди.

Қўнғироқ чалинди. У фуражкасини қидиришга тушди. Юраги Клавага, ўзига нисбатан бўлган севги ва раҳм-шафқатдан қаттиқ ура бошлади.

Клава юзини артди.

Иккови йўлакка чиқишди. Бу ерда, дераза олдида бегона кишилар туришарди.

— Хўш...

Клава титраганича унинг бўйнидан қучди ва атрофга ҳаяжонли назар ташлади-да, дам кўз ёши тўкиб, дам кулиб гўлдиради:

— Йўқ, йўқ. Керак эмас. Худо ҳаққи, биз худди театрдагидек хайрлашамиз... Ҳа, худди саҳнадагидек.

Қўнғироқ икки топқир занг чалди.

Улар энди бегона кишилардан ҳам уялмаёқ бир-бирларини қучишди. Корнеев Клаванинг лабларидан қаттиқ бўса олди. Клаванинг кўзига тўлган ёш худди булоқдан тошиб чиққандек юзига, ияги, бўйнига, қулоғига думалади.

Поезд ўрнидан қўзғалди. Корнеев телбалардек вагондан ўзини ерга ташлади.

У бўшаб қолган изда қўлини орқасига қилиб, фуражқасини ушлаганича бир ўзи турарди.

Шамол омборнинг очиқ дарвозасидан цемент тўзини пуркарди.

Корнеев агар цемент бояги суръатда ишлатилса учтўрт соатга етиши мумкинлигини эслади-ю, цементни тезроқ жўнатиш учун омбор томон югурди.

Унинг бирдан гойиб бўлишини шу оқлаши мумкин эди.

Клава бўлса бу пайтда кўз ёши тўкиб, қуёш тигида ёнаётган ойнага қапишганича деразанинг мис қисқичини тортқилар, проводникни шоширарди.

Дераза очилди. Ичкарига дим елвизак урилди.

Лекин орқада ҳеч нарса кўринмади. Фақат қалин, узун, сузиб юрган чанг кўзга ташланди.

Олдинда эса, гилватадек — деярли бинафшаранг чўл ичида, элеваторнинг руҳ қутичаси орасида ёпирилиб келаётган бўроннинг ҳурпайган кўриниши тез намён бўларди.

44

— Қара, татар боласи, ҳеч кўрганмисан? Тўтилар! Оббо, қузғунлар-э, ўзлари тутқунда-ку, ёғочда худди генералларга ўхшаб ўтиришини қара!

Тўтилар ҳақиқатан ҳам генералларга ўхшаб кетарди.

Улар ярқираган, рангдор мундир кийиб ҳодада туришипти.

Саенко ҳақ эди.

Тўтилар бамисоли генераллик ҳошияси тортилган шим кийгандек ингичка, ялтироқ оёқда, узун, тикка думларини пастга тушириб, орден ва ленталари билан безалган кўкракларини кERGандек ғоз туриб, аристократларча этик тумшукларини қаҳрли шақирлатишар, қабариқ зодагонларникига ўхшаш қовоқлари остидан атрофга мудрагансимон назар ташлашарди.

Усти танга-танга панжалари ходага чангакдек маҳкам ёпишганди.

Баъзан қушлар худди пўлат симни тишлагандек чучук тилда, қаттиқ, қисқа овоз чиқаришарди.

Бу худди такаббур генераллитет, ҳарбий кенгашнинг мотам йигини, ҳарбий сюртук лампаслар, зарбоф погонлар, кокилчалар, доломанглар, шпор, саман отнинг қора соқолига ўхшайди.

Бу нотаниш рақиб, яхши ўрганилмаган душман юртига анча ичкари бостириб бориб қолган ва лекин ҳалокатга учраши муқаррар интервентларнинг асирга олинган штабига ўхшарди.

Бу ерда Урал осувчиларининг сариқ лампаслари уч рангдаги республика жиғалари ва Сен-Сир юнкерларининг мовий шинеллари билан уйғунлашиб кетган.

Бу ерда румин кепкаси ва Речь Посполитанинг сохта жанговар конфедераткаси император жаноб олийлари гусарларининг қирмизи ментиклари билан бирга маъюс турипти.

Лекин улар — маҳкум этилганлар, занжирбанд қилинганлар эди.

Унинг атрофида — кўз илғаган ергача — рудутлар, черковлар, фортификациялар, тўплар сояси ҳалқадек ўраб намоён бўлади...

Загиров четдан келтирилган ғалати қушларга қул қилиб сотилган фаросатсиз боладек маъюс ва маъносиз тикилиб қарарди.

Бу қандай содир бўлди? Узи нимадан бошланди?

У худди баланд тепадан тойиб йиқилган одамдек бунга тушунолмас, уни англай олмасди. Ахир бу қандай содир бўлди? Нега у ерда чалқанча тушиб, булутга тикилганича ётипти? Бу қачон, қандай содир бўлди?

Улар яна карта ўйнашди, Загиров Саенкодан қарзга олган ўн сўмини яна унга ютқазди.

Ҳаммаси тамом бўлди.

Загиров энди йиғламас, ҳеч нарса сўрамас, бир оғиз гапирмасди ҳам. У ўз ҳўкмрони олдида ўта ташналик-

дан қийналиб, Фақир, оч ҳолда юрар, кўзларига тавозели мўлтираб қарарди.

— Энди сен менинг ялтоғим бўласан, — деди Саенко. — Ялтоқ нималигини биласанми?

Загиров индамади. Ялтоқ нима эканлигига тушуңмади. Лекин ҳар қалай қандайдир ўта шармандаликка учраганлигини ҳис этарди.

Аммо бўйсунди. Энди унга ҳамма нарса барибир эди.

Саенко эса нуқул жинниликнинг пайида.

У Загировни турли жойларга эргаштириб борарди.

Шу жумладан, «Шанхайча»га ҳам бош суқлшди. Қурилиш ҳаётидан четда — бирон марта ўз илларидан чиқмай, қоронғиликда чувриндилар орасида, шишган, қайнатилган картошкадек пўрсилдоқ бармоқлари билан иркити чиқиб кетган уч сўмлик, беш сўмликларни «ишлаб» топадиган самогончилар, қаллоблар, қўлга тушмаган ўғрилар, ўгирланган молларни сотиб олувчи чайқовчилар яшайдиган кичкина ертўлалар жойлашган ерни шундай деб аташарди.

Саенко ана шундай қоп-қоронғи ертўлаларнинг бирига кирди-ю, тез қайтиб чиқди.

— Ҳеч вақо йўқ, ҳаммасини қуритишибди. Й-й-ярамаслар! Фақат станцияга боришга тўғри келади.

Улар бирон кишига дуч келиб қолмаслик учун қурилиш участкасини четлаб, яна юришда давом этишди.

Кейин бозорга бориб, чанг босган ойналари орқасида атир шишалари, турли ироқи совунлар, тиш лорошокларининг зангори қутичалари офтобда айниб ётган ТЭЖЭ дўконлари олдида санғишди.

Лекин Саенко ҳеч нарса харид қилмади. Фақат ўзини навбатда турганлар орасига уриб, нарх-навоингига суриштирди, холос.

У ниҳоятда хасис ва тежамкор эди.

Улар барак ортида жойлашиб олган шу ердаги ягона саёқ сураткаш қаршисида тўхташди.

Барак деворида текис, лекин дағал ишланган, каттакон ажойиб бир полотно-расм — декорация осиб қўйилган. Шамол уни худди елкандек шиширарди. Саенко билан Загиров унинг олдида узоқ туриб қолишди.

Расмда ҳамма нарса: ер, сув ва булут; уй ва кунгурадор панжаралар, гулпушта ва дарахтлар, скамейка ва гуллар, қушлар, қайиқ ва кемалар, дирижабль ва

аэропланлар, қутқарув чамбараклари ва чироқлар; тоғ, дара, шаршаралар; сайёра, нур ва юлдузлар тасвирланганди.

Икки квадрат метрли полотно сатҳи ўзида инсониятнинг жаҳон оҳанги, фароғати ва бахти ҳақидаги бутун бир орзу-умидини тўла акс эттирганди.

Бу орзу бекамикўст кўзга яққол кўринадиган даражада рўй-рост тасвирланган орзу эди.

Бунда ҳеч қанақа хаёлий, номавжуд, ғайритабиий нарса йўқ эди.

«Коминтерн» номли ярим ҳарбий кема каналда лангар ташлаб, худди йўлакдек қимир этмай турипти. Ундаги олти тош мўридан кўкимтир чўян дуди буруқсамоқда.

Палубада лентали матрослар шапкасини кийган қора мўйловли қойилмақом денгизчилар туришмапти.

Ҳаммаёғи чирмовгул ва атиргул билан ўралган ола-була соябонли Мавритан қўрғони зиналари билан шундоқ сувга тушган.

Қўрғон тепасида юмалоқ испан камари.

Ундан юқорида «Энтузиаст» деган ёзувли йўгон, йўл-йўл дирижабль, «Ударник» деган ёзувли, ғаройиб конструкцияда ишланган олти қанотли, кўп моторли аэроплан учиб борапти.

Рангпар сарв дарахтлари канал бўйлаб узунасига зич тизилган. Улар узра юлдузлар чарақлайди.

Дабдабали ва қандолатдек оппоқ мрамор скамейкалар атрофида гипсли гулдонга ўхшаш баланд гулсафсарлар, Сароннинг ажойиб нилуфарига монанд гипсли кўрачалар турарди.

Хуллас, ундаги ҳамма нарса инсон нашъу намосига мос эди.

Саенко билан Загиров энг ёрқин ва ўзларининг энг яхши бўёқларини аямаган, лекин ҳар қалай бир оқ ва қора рангдан фойдаланган устанинг мўйқаламда берилиб ишлаган ана шу картинаси қаршисида узоқ туриб қолишди.

Картина уларни ўзига мафтун этиб, хаёлларини соя салқин ҳордиқ олиш маскани томон олиб қочганди.

Саенкода расмга тушиш иштиёқи пайдо бўлди.

У сураткаш билан узоқ савдолашди. Ниҳоят нархига келишишди. Саенко оқ бўз мато олдидаги стулга ўтирди.

Оёғига чипта кавуш кийган, чангга қарши қора кўзойнак таққан сураткаш унга мос ҳолатни топгунча анча уринди. Атрофда бекорчилар тўплана бошлади.

Лекин ҳаммаси тайёр бўлганида Саенко айниди. Йўқ, икки сўм — бу бир оз қиммат.

У стулдан эринибгина турди-да, Загировка ҳуштак чалди. Кейин иккови яна нари кетишди.

Автобус бекати ёнида цирк қурилаётган эди.

Улар дурадгорлар каноф сурп сурилган гумбази тагида болта билан янги ёгочларни йўнаётган ерга киришди.

Загиров билан Саенко тўтиларга қизиқиб қолишди. Олдинги оёқларини букиб, йўгон, буришган қулоқларини оғир силкитаётган филларни томоша қилишди.

Лекин сирли картина Саенконинг ҳамон хаёлидан кўтарилмасди.

У Загировнинг ориқ елкасига қўлини ташлаб, шипшиди:

— Менга қара, татар боласи, хавотирланма. Ҳаммаси жойида бўлади. Сабр қил. У ҳароми кўради ҳали. Нима, биз унга ёлланганмидик? Эҳ, оғайни! Бу ерда, Уралда ўрмонлар, овлоқ жойлар шунақанги кўпки! Айиқлар ҳам бор. Бир маза қилайлик... Ушанда унинг пайтавасига қурт тушади. Тўғрими... Гапимга қулоқ сол...

Бу гапни эшитган Загировнинг қўрқувдан юраги увушиб, этлари музлаб кетди.

Автобус келди. У номигагина автобус бўлиб, аслида кузовига скамейкалар қоқилган беш тоннали эски очиқ юк машинаси эди.

Кондуктор — оддий, оёқ яланг, қора бурун аёл, лекин чангга қарши кўзойнак таққан, бўйнига сумка осиб олганди.

Одамлар ўзларини машина зинасига уришди. Тиқилинч. Шовқин авжига чиқди.

— Зарбдор — ташаббускорларни ўтказиб юборинлар! — қичқирди Саенко.

Улар автобусга чиқишди. Утирадиган жой йўқ эди. Автобус ўрнидан қўзғалди.

Улар оломон орасида бамисоли тик қўйилган ходадек чайқалиб туришарди.

Бир соат чамаси юришгач, бир километрли тўғон ёнидан ўтиб, казаклар станицасига етиб келишди.

Станица бошдан-оёқ дов-дарахтлар билан қопланган эди.

Ён соатсиз инженер!

У баъзи бир бепарво ёки паришонхотир одамлардан эмас. Аксинча. Маргулиес интизомли, батартиб, билимдон, хотираси мустаҳкам одам.

Шунга қарамай, сира ён соат олиб юрмасди. Негадир соат ўнга «дош беролмасди».

У бир неча марта соат сотиб олди, лекин нуқул йўқотар ёки бузилиб қоларди.

Хуллас, инженер соатсиз юришга кўникиб кетди. Соати йўқлигини сезмасди ҳам.

У вақтни азим, ҳаракат авж олган янги қурилиш қўйнида учрайдиган турли аломатлар орқали билиб оларди.

Унинг учун вақт мавҳум тушунча эмас эди.

Барабан ва шкивнинг қанча айланиши, кўшикнинг неча бор кўтарилиши; сменанинг тугаши ёки бошланиши; бетоннинг чидамлилиги; механизмнинг гувиллаши; ошхона эшигининг очилиши; хронометражчи қизлар пешонасининг жиддий тиришиши; ишчилар уйининг ғарбдан шарққа, темир йўл полотноси томон ўтган сояси... — ана шуларнинг ҳаммаси унинг учун вақт ва соат эди.

Маргулиес билан вақт ўртасида айтарли муҳим тафовут йўқ эди.

Улар бир-бировидан ўзиб кетмай, бир-бировидан қолишмай, кўз ўнгида ва қафтлари орасидан ўтаётган секундларни сезиб бораётган икки пойгачидек, пойгачи ва унинг соясидек баравар қадам ташлашарди.

Қиз нарвондан кўтарилиб, равон қўзгалаётган барабан қаршисидаги айвончага ўтирди.

У худди батартиб ўқувчи қиздек тиззасига тушган калта юбкасини тартибга келтирди. Калта пайпоқли сёқлари полга етмай осилиб турарди. У сочлари ортиқча ёйилиб кетмаслиги учун оқ рўмолини энсасидан қаттиқроқ боғлади.

Офтобда қорайган қўллари сарғайиб кўринади. Билагиди — соатнинг қора лентачаси.

Бу — қурилиш комитетидан келган хронометражчи қиз.

Тарновга дастлабки бетон гувиллаб тўкилди.

Қиз тиззасига қоғоз қўйиб, қалам билан биринчи белгини қайд қилди.

«Тўртдан ўн минут ўтди»,— ўйлади шунда Маргулиес беихтиёр.

У йигитларга халақит бермаслик, Мосяни эса ҳаяжонга солмаслик учун иш фронтини четлаб ўтди.

Лекин одамларнинг қай тартибда жойлашгани, материалларнинг жойланиши, машиналарнинг ҳаракати, умуман, Мосянинг ҳуштаги билан иш фронтидаги яхши ўрнашган ва тартибга солинган барча ҳўжаликларни, ҳаракатларни четдан яна бир бор диққат билан кузатди.

Ҳаммаси ўз жойида, ҳаммаси батартиб, ҳамма нарса янги куч, янги оҳангда ҳаракат қилмоқда. Лекин уни ҳамон ташвишга солаётган нарса шағал эди.

Маргулиес шағал уюми олдига борди.

Узини жиддий ва матонатли тутган болакай Тригер Оля Трегубованинг замбилғалтагига илдам шағал соларди.

Оля Трегубова жомакор кийиб улгурмаган, башанг, ҳилпираган юбкада эди. У қўлқопсиз ишлаётгани учун кафтлари аллақачон қизариб кетганди. Қиз панжаларини ёйганича қўлларини ҳавода силкитиб, шамоллатарди.

Унинг эскича ўрилган, қирқилмаган сочларини шамол тўзгитиб ўйнарди.

У ҳар дақиқада лоп этиб состав келиб қолишини назарда тутиб, темир йўлнинг икки томониغا тинмай алангларди.

Ҳали Олянинг замбилғалтаги тўлмасданоқ, Сметана бўш аравачасини темир йўл устидан тарақа-туруқ ғилдиратиб етиб келди.

— Бўл, бўл! Вос!

Унинг кўкимтир чангли юзи пишган шафтолидек қип-қизариб, бўртиб кетган эди.

— Эплаяпсизларми?— сўради Маргулиес.

— Эплаяпмиз,— деди Тригер инқиллаб охирги белкуракдаги шағални Олянинг замбилғалтагига ташлай туриб.

— Ҳайда. Кейингиси!

У белкуракни жаранглатиб шағал уюмига урди.

Оля замбилғалтак дастасини маҳкам ушлади-да, бор кучини тўплаб, қип-қизарганича даст кўтарди ва оғир сакровчи замбилғалтакни темир йўл устидан дў-қир-дўқир ғилдиратиб кетди.

«Ёмон,— ўйлади Маргулиес.— Анча оғир. Бу ерга лозақал яна икки кишини қўйиш керак эди.»

Лекин ёрдам беришнинг иложи йўқ.

— Роса терладиларингми? — сўради у Сметанадан.

— Яна терлаймиз; шошмай тур, хўжайин, бира тўла эмас-да. Яна сол!

Маргулиес шағал уюмидан бир нечта тошни олиб, кўзойнагига яқинлаштирди ва худди заррабинда кўргандек, уларга диққат билан тикилди.

— Мана буни қара, жуда яхши шағал-да, — деди у пичирлаб ва бундан қаноат ҳосил қилди шекилли, уни уюмга ташлади. — Ниҳоят, ўрганишди.

У Тригер Сметананинг замбилғалтагига қайсарона кайфиятда аямай шағал солаётганлигини жимгина кузатаркан, ўйлади:

— Болалар, сизларга айтиб қўяй, — деди у, — бунақа жуда қисталағ қилманглар. Озроқ ташинглар. Кучни эҳтиёт қилиш керак. Энг муҳими — охирига бориб чарчаб қолмасликда. Бутун кучни охиригача тақсимлай олиш керак.

Тригер Сметананинг замбилғалтагига сўнгги белкуррак шағални ташлади.

— Ҳайда. Кейингиси!

Сметана бесўнақай брезент қўлқопини абжирлик билан кийди.

У замбилғалтакка ёпишди.

— Эҳ! Уша ярамаслар бўлмагандами... — деди кейин ғазаб билан. — Агар ўша икки қузгун бўлмаганида...

Шу пайт Мося елиб келди.

— Давид Львович!

У калхатдек ҳурпайган эди.

— Ўртоқ участка бошлиғи!..

Мося овозининг борича бўғилиб бақирди.

— Тўғриси айтсам! Ўртоқ Маргулиес! Бўралаб сўкиб ташлайман энди! Ахир ўзингиз ҳеч нарсага аралашмасликка сўз бергандингиз-ку. Марказий газета ходимлари ҳам бунга гувоҳ! Худо хайрингизни берсин, менинг зарбдор ишимга халақит берманг! Фронддан нари туринг, болалардан мени чалғитманг! Йўқса, рости, кафолат беролмайман!

Маргулиес маъюс жилмайди.

— Хўп! Майли, майли. Кетаман. Фақат бақирмай, секинроқ гапир.

Лекин Мося гапдан тўхтамади.

— Иккисидан бири! — қичқирди у ўз гапидан бошқани эшитмай. — Мен иш бошиманми ёки йўқми! Сметанадан...

нага ким жавобгар? Сменага мен жавоб бераман! Иш барбод бўлса ким шарманда бўлади? Мен! Ҳақиқатни олганда!.. — Кейин бирдан Тригерга ўгирилиб, мушти билан ҳавони кесганича давом этди. — Бас! Тезроқ қимирла! Ишга зарар етмасин! Гаплар тўхтатилсин! Суръат, суръат!..

Иккинчи бетон улуши гулдираб тушиб, тарнов орқали оқди.

Маргулиес кўзойнагининг қулоғи устидаги бандини тўғрилади-да, иш fronti чеккасидан лўкиллаганича нари кетди.

Хронометражчи қиз қоғозга иккинчи белгини қўйди.

«Тўртдан йигирма минут ўтди!» — беихтиёр каёлидан ўтказди Маргулиес.

У тахтасупа томон йўналди.

Лекин Мося бошини эгиб, қўлларини худди дарвозабондек олдида ўйнатганича тахта тўшама орқали кесиб чиқди.

— Давид Львович! — қаҳр билан қичқирди у. — Иккисидан бири!.. Овқатлангани боринг! Сизни қараingu!

Маргулиес қўлини силтади-да, орқасига қайтди.

Орқада учинчи улуш бетон гувиллади.

У жилмайишдан ўзини аранг тутиб, этиги билан миҳга қоқилмаслик учун оёғи тагига ҳушёр қараганича ишчилар уйи томон кетди.

46

Иш ташкил этилиб, юргизиб юборилди.

Ҳозирча у бу ерда ортиқча. Ҳақиқатан ҳам ошхонага бориб, бемалол овқатланиши мумкин.

Лекин шу топда бу ерни ташлаб, ошхонага боришга Маргулиеснинг иродаси етмади. Овқатланиш қочмайди. У яна ярим соат шу ерда туради. Ярим соатдан кейин ҳаммаси ойдинлашади. Ушанда хотиржам овқатланиш мумкин.

Аслида эса овқатланиш халал бермасди.

У опалубка чеккасига ўтирди. Бу ерда у бетон қувишига халал бермас, шу билан бирга ишчилар уйининг қисмларга бўлинган тахта девори орқали бригада ишини бемалол кузатиши мумкин эди.

Бу ер шамол ва елвизаклар жамланувчи кенг оралиг жой эди.

Маргулиес бошидан кепкасини олиб, баланд, ўсиқ, жингалак сочларини силади.

Болалар унинг ёнидан ўнгдан чапга лиқ-лиқ тўла оғир аравачаларни гилдирашиб ўтишарди.

Опалубканинг очиқ нарвонига тўкилаётган ҳўл бетон шатирлаб тушарди.

Чапдан ўнгга эса бўш, бамисоли болалар коляска-сидек енгил аравачалар қайтарди.

Гилдираклар остида лой гирчиллайди.

Гилдираклар ва одамлар бир-бировлари билан уч-рашганларида деворнинг тахтаси олиб ташланган оралиги беркилиб қоларди.

Бу ҳаракатлар бригада аъзоларининг сўниқ қуёш шуъласидан тушиб, яккам-дуккам кўзга ташланиб, тез ҳаракатларидаги сояларини ҳам тўсар, улар онда-сонда бир кўриниб қоларди.

Вақт лаҳза сайин ўтиб борар, Маргулиес учун эса шу топда ишнинг қайси аҳволда кетаётганлигини рўй-рост кўришнинг ҳожати ҳам йўқ эди.

У буни чеккада туриб, эшитилаётган кўпгина товушларнинг овозидан аниқларди.

Белкуракларнинг жаранглаб урилиши. Чинта кавушларнинг тахта тўшамандаги дукур-дукури. Гилдиракларнинг гичирлаши. Ковшнинг шақирлаши. Сувнинг шовуллаши. Замбилгалтакларнинг темир йўл устидан сакрагандаги тарақа-туруғи. Барабаннынг тўнтарилгандаги ва бетоннинг ағдарилгандаги, сираниб тушишидаги овози. Товушлар. Қичқирлиқлар. Гап-сўзлар.

Ана шуларнинг ҳаммаси унга вақт ва суръат ҳақида маълумот бериб турарди.

У ана шу овозларни эшитаркан, уларни худди томир пульсйни ҳисобга олгандек санарди. Пульс эса тўла, соф, бирмунча тезлашган, бир маромда эди.

У кўзларини ярим юмиб, бошини хиёл ҳам қилганича овозларга қулоқ соларди.

У ана шулардан ҳузур оларди.

Улар аллалар, элитарди. Лекин бу уйқу эмас. Бу — ҳар дақиқада сергакланиб, ҳушёрлик билан ишга чаққон киришиб кета оладиган зийрак, юзаки мудроқ эди.

Вақт лаҳза сайин, замон билан ҳамнафас одимламоқда. Ҳа, соат билан у ҳам бирга одимламоқда. Бамисоли улар овозлар ташқида онда-сонда кўзга ташлағувчи дақиқаларга тобе икки чопқир — югурувчи ва унинг соясидек баравад одимларди.

Барабаннинг ағдарилишидаги овоз энг муҳим овоз эди.

Ана шу овоз бетон қоришмасининг сонини ифодаларди.

У борган сари тез-тез такрорланарди.

Маргулиес хаёлан бу товушни йигирма беш бор қайд этди.

Корнеев кўринди.

— Ҳа, Давид? Бунисига нима дейсан? Ишченко ўттиз бир минут ичида йигирма беш бетон қоришмаси— замес берди! Буни қара!

Демак, бир соатда тахминан элликта. Смена давомида эса тўрт юз қоришмага етади. Агар озгина тўхтакса ёки суръат бирмунча сусайганда ҳам уч юз элликтдан кам бўлмайди.

Бу кутилгандан ҳам ортиқ эди.

Овқатлансинми?

Йўқ, фақат ҳозир эмас. Яна ярим соат. Агар шу ярим соатда ҳам суръат пасаймаса, бемаалол овқатланиши мумкин.

— Яхши.

Корнеев бир зум туриб, кўздан ғойиб бўлди.

«Тўртдан ўттиз саккиз минут ўтди»,— қайд қилди Маргулиес хаёлан.

У иш фронтидаги товушларга қулоқ солганича вазиятини ўзгартирмай ўтиришда давом этди. Товушлар ҳамон тезлашгандан-тезлашарди.

Соат олтига яқинлаша бошлади.

Маргулиес ишчилар уйидан судралиб чиқди да, тахта тўшама майдонини четдан, аста айланиб ўтди.

Тўшамада кўзлари ғазабнок Мося юрар, майдонини томошабинлар ўраб олганди.

Маргулиес нарироқдаги устунга ўтирди. У қўлларини тиззалари орасига олиб, кафтларини артди да, тез ҳаракат қилаётган замбилгалтакларга тикилди.

— Э-ҳа! Ишбоши! Ҳорманг. Салом.

Маргулиес эшитмади.

Фома Егорович полтаваликлардек макка попугига ўхшаш мўйлови остидан мулоим жилмайган кўйи Маргулиесга яқинлашиб, бақувват қўлларини унинг кифтига қўйди.

— Жимгина ўтириб тикилишини қаранг! Ҳеч нарсани кўрмайди ҳам, эшитмайди ҳам! Биласизми, ўртоқ Маргулиес, нима демоқчиман, бизнинг америкалик сеҳргар Томас Альва Эдисон шогирдлари билан лампочка

ўртасида ёнувчи мустаҳкам металл толасини ўрганаётганида худди мана шундай ўтирган. Лампочка ёнар, улар бўлса атрофида ўтириб олганларича унинг қандай ёнаётганини кузатишарди. Улар лампочканинг қанчагача чидашини текширишарди. Лабораториядаги стол қаршисида шу кўйи олтмиш икки соат ўтиришган.

Маргулиес билинар-билинмас жилмайди.

— Шоирсиз-да, Фома Егорович.

— Йўқ. Мен америкалик оддий инженерман, холос. Лампочка ёнади-ю, улар бўлса лабораторияда столга боғлангандек ўтиришади. Мен сизга айтсам, бу тарих, Сиз, ўртоқ Маргулиес, бизнинг ўша кичкина Эдисонизмизга ўхшайсиз. Томас Альва Эдисон! Бу сизларча, русча, қандай бўлади? Фома Алексеевич Эдисонми? Ҳа, сиз Фома Алексеевич Эдисонсиз.

У хушчақчақлик билан кулди.

— Бунга қандай қарайсиз?— деди Маргулиес кўзи билан машина олдидаги янги тахта тўшаммага имо қилиб.— Бутунлай бошқача оҳанг, тўғрими?

— Жуда қизиқ,— деди Фома Егорович.— Ҳақиқатан ҳам ажойиб.

Маргулиес тиззасини мамнун силаб қўйди.

У америкалик янги усулларнинг қадр-қимматига дарҳол муносиб баҳо берганлигини жуда яхши фаҳмлади.

— Лекин, Фома Алексеевич Эдисон-Маргулиес, обрўни ҳам билиш керак. Лампочкага қараб ўтираве-риш ҳам етар. Юринг овқатга, бўлмаса ошхона ёпилиб қолади. Иштаҳа билан овқатланиш ҳеч қачон халақит бермайди. Лампочкангиз эса сизсиз ўчиб қолмас. У яхши ёнаверади. Ильич лампочкаси. Менга ишонаве-ринг. Сиз уни яхшилаб ёқиб қўйдингиз. Жуда яхши-лаб, мен буни шундоқ кўриб турибман.

— Эҳтимол... Яна йигирма минутча...

— Кетдик, кетдик, ўша ерда маълум бўлади, йигир-ма минутми ёки кўпроқми. Яхшилаб овқатланиш ке-рак. Шошиб овқатланиш зарарли.

Маргулиес пайсалга солди. Участкани шундоқ қол-дириб бўлмайди. Корнеев ғойиб бўлганди.

У атрофга лоқайд аланглади.

— Тамаддиққа бораверинг, Давид Львович! Сизсиз ҳам иш кетаверади!— қичқирди қалтироқ овоз билан Мося унинг ёнидан ўтаётиб. Кейин америкаликка тез назар ташларкан, бирдан бўғилиб бақирди:— Босинг, босинг, босинг! Чаққонроқ, чаққонроқ! Гап бўлмасин.

Фома Егорович билан Маргулиес ошхона томон тез кетишди. Америкалик чўнтагидан найча илиб ўралган расмли Америка журналини олди.

— Қўшма Штатлардан почта орқали бугун олдим. Овқат пайти ўқиймиз. Ажойиб журнал. Бунга Вениамин Франклиннинг ўзи асос солган. Совет журналларига ўхшамаган, юз эллик йилдан бери ҳар ҳафтада мунтазам чиқади. Кўрасиз, хоҳлаган рекламаниз топилди. Америкадаги ҳамма фирмалар қамраб олинган. Ҳали варақлаб кўрасиз.

Улар темир йўлгача боришди.

Нариги томондан катта одим ташлаб, рельсга ҳасасини урганича Налбандов келарди. Улар сўрашишди.

Налбандов қаттиқ чимирилиб бошини кўтарди, кейин худди мўлжалга олаётгандек четга қаради.

— Сизнинг участкангизми?

— Меники.

— Бир минутга, мистер, Биксби...

Налбандов билан Маргулиес четга чиқишди.

Иссиқ шамол қаттиқ эсарди. Қуёш кўрнмасди. Гилватадек қуюқ рангдаги булут пастлаб, оғир сузиб юрипти.

Маргулиеснинг димоғига Налбандов устидаги қора пальтонинг ҳиди келиб урилди. Бу — чарм ва этик мойининг ҳиди эди. Шундай бўлса ҳам негадир бу ҳид Маргулиесга Налбандовнинг соқоли ва пешонасининг ҳидидек туюлиб кетди.

— У ерда нима бўляпти, Давид Львович? — сўради Налбандов бепарволик билан.

— Биласизми... — гапга оғиз жуфтлади Маргулиес.

Налбандов унинг сўзини бўлди.

— Кечирасиз. Балки идорангизга борармиз.

— Марҳамат, Фома Егорович! — қичқирди Маргулиес. — Сиз ошхонага бораверинг. Бораверинг, бораверинг. Менга ҳам бирон нарса олиб туринг. Мен ўн минутда етиб бораман.

Маргулиес ёши улуғ, қурилиш бўйича навбатчи бўлганлиги учун Налбандовни олдинга ўтказди.

Улар идора томонга йўл олишди.

47

Налбандов қурилиш бўйича навбатчиликни соат бешда қабул қилди.

Бешгача америкаликларни олиб юрди.

Налбандов уларнинг маданий улфатчиликларидан лаззат топти. У дам олганди.

Мистер Рай Руп рус тарихи соҳасида буюк билимдон эканлигини кўрсатди. У билан суҳбатлашиши—қисқа, жиддий мулоҳаза юритиш ниҳоятда мароқли эди.

Улар юз километрча йўл босишди.

Мистер Рай Руп казак станицаларидан биридаги вақт ўтиши билан қорайган кичкина қишлоқ черковининг ўн саккизинчи асрда қурилганлигини тўғри топти.

У майин ва мулойим жилмайиб, Станиславский Бадий театри саҳнасига муносиб бўлган арча ёғочидан тикланган ана шу кичкина қишлоқ черковида, яшил мўйна болишга бош қўйган ана шу қора тахта томли кўркәм бутхонада афсонавий революция қаҳрамони; ёйиқли; казак Емельян Пугачёв бир вақтлар ниқоҳланган бўлса керак, деб фараз қилди.

У мана шу одамзод оёғи етмаган чўл манзараси худди Александр Пушкиннинг ажойиб асари «Капитан қизи» қиссаси саҳифасидан тўғри шу ерга кўчирилгандек; фақат қор, қиш, бўрон ва уч от қўшилган чана етишмайди, деди.

У Пушкиннинг баъзи поэмалари Эдгар По новеллаларига нималари биландир ўхшаб кетади, деди. Бу албатта, бир оз парадокс, лекин тамоман сабаби аниқ.

У Налбандовга моҳирлик билан хушомад қилаётганди.

Ҳали ёш Эдгар По ўз вақтида кемада Петербургга келган. Айтишларича, қовоқхоналарнинг бирида Пушкин билан учрашиб, бир шиша вино устида туни билан суҳбат қуришган. Ушанда улуғ Америка шоири буюк рус шоирига унинг ажойиб «Мис чавандоз» поэмаси учун сюжет совға қилган.

Налбандов улар билан Америка ошхонасида бирга овқатланди.

Соат бешда америкаликлар билан афсусланиб хайрлашди.

Серошевский ҳали қайтмаган экан. Унинг хонаси ёпиқ эди.

Афсус.

У билан жиддий гаплашиб олгани, унга ўз фикрини тўла маълум қилиши керак эди.

Хизматчилар завод бошқармасининг чанг босган кулранг зинасидан пастга қараб югуришиб тушишаётган экан. Иш вақти тугаган. Хоналарни беркитишаёт-

ган экан. Халат кийган фаррошлар қизғин полни юва бошлашганди.

Осма яшил чироқли кимсасиз чизмачилик бюросида эса, саргайган газеталар батартиб ёпилган тахтали қийшиқ чизма столлари шумшайиб, бўш турипти.

Автомобилдан кейин, эркин, шифобахш ҳаво, очиқ чўлдан кейин, назокатли ва маданиятли одамлар муҳитидан кейин бу жой Налбандовга хунук бўлиб кўринарди.

Кир панжа юки деворлар, йўлаклардаги кўчиб тушган бурчаклар. Синиқ ойналар. Ромлардан суғирилган илгаклар. Қоғозлар. Ҳраמידан ажратилган гулқоғозга чаласаводлик билан мақолалар, ҳайқириқли, шунингдек, техник жиҳатдан Европа ва Америкадаг устунликка эришишга даъват этувчи шиорлар ёзилган деворий газеталар...

У йўлак ва зиналардан пиллапояларга, панжара ва деворларга ҳассасини урганча нохуш қараб ўтиб борарди.

Панжаралар шунчаки, темирдан бўлиб, ёғоч тутқичларини винтлашга ҳали фурсат бўлмаганди. Атроф кўчган, аянч аҳволда. Америкаликлар!

Ўзига хос русча, қадимий, туганмас тартибсизлик!

Чўлда Европа техникасининг энг сўнгги ютуқларига асосланиб, ғишт ва ойнадан беш қаватли бино қуришди, бунга миллион сўм сарфланди, лекин унга янши қарашнинг уддасидан чиқишмайди.

Уч ой ичида қай аҳволга келтириб қўйишганини қаранг!

Бу ерда шунақа бино қуриб бўларканми? Чанг, бўрон, қуюн, тинимсиз шамол.

Мана шундай инсон оёғи етмаган, чор-атрофда шамол қутурмиш, қандайдир алламбало Урал чўлида ўта оғир, мутлақо ғайриоддий шароитда полизни қўрган — шу сингари рангпар, нохуш, лаёқатсиз совет идорасини ташкил этиш зарурмиди?!

— Осиё! Қуриб кетсин! — тўнгиллади Налбандов. — Жаҳон рекордлари! Демагогия!

У одамларга дуч келди. Саломлашди.

Ёнидан қўлтиғига газета қистирган, ёқаси ечиқ украинча кўйлак кийган семиз киши ўтди.

— Георгий Николаевичга саломлар! Қаерларда қолиб кетдингиз? Америкаликларни сайр қилдирдингиз шекилли? Бу ерда нималар бўлаётганидан хабарингиз ҳам йўқ! Нақ шайтоннинг иши! Маргулиес олтинчи

участкада Егор бетонқорғич машинасида шунақанги ҳунар кўрсатяптики...

Налбандов индамай ўтиб кетди.

— Қурилиш эмас, қандайдир французча кураш майдони! — қичқирди семиз киши унинг кетидан ва хахолаб кулди.

Налбандов қовоғини солиб совуқ жилмайди.

Учинчи қават саҳнида бир гуруҳ инженерлар суҳбатлашишаётган эди. Ораларидаги тўр майка устидан олди ечиқ ҳарбий бичимда куртка кийган ёш, сариқ, сепкилли, бўйни узун инженер хушчақчақлик билан қичқирди:

— Налбандов, олтинчи участкада нималар бўлаётганини эшитдингми? Маргулиесни? Харьков рекордини ортада қолдиради деявер! Энди уни Қизил Байроқ кавалери деб ҳисоблайвер!

— Эшитдим, эшитдим...

Налбандов қайрилиб ҳам қарамай, тез тўртинчи қаватга кўтарилди.

У ҳассасини эшикка уриб, қурилиш навбатчиси бўлмасига ўтди.

Хона ниҳоятда катта бўлиб, шу топда кимсасиз, ўта зерикарли эди.

Налбандов пальто ва фуражкасини ечмай, стол қаршисига ўтириб, ҳассасини қоғоз устига қўйди.

— Майли, бошини қотираверсин. Тупурдим ўша ишига. Кейин кўрамиз нима билан тугашини.

Катта тўртбурчак катак-катак деразада қора, тош-тахта тусидаги мудҳиш булут сузади. Куйган тупроққа ўхшаш сарғиш девор бамисоли ҳаракатланаётгандек. Очиқ форточка титрар ва илмоғида қалтирарди. Ундан қора йирик тупроқ сочиларди.

Налбандов дераза ёнига келди.

Елкадор симёғочлар чанг булути орасида шамолга ёнлаб гандираклаётгандек. Томлар, йўл ва сўқмоқлар, сойлик ва тоғлар усти дуд билан қоплангандек. Меҳмонхонанинг қизғиш деворлари тагида синган ойна ва тарелкаларнинг парчалари хира ялтирайди.

Бурчак ва муюлишларда қоғозлар рақс тушаётгандек айланади.

Узоқда, Коксохимдаги узун ишчилар уйи ортида янги скрубберларнинг тўртта улкан қувурлари чангга қарши ҳаракат қиляпти.

Эрта билан учта эди.

Налбандов елкасини қисди.

— Бир кунда битта скруббер. Тасаввур қилипман.
У қўлларини орқасига қўйиб, деразадан тескари ўгирилди.

Шведларнинг дуб ёзув столида кўкимтир ойна, олти қиррали кертик сиёҳдон.

У хона масштабига кўра тўққизинчи қавати қад кўтарган 1-домна майдончалик ерни эгаллагандек туюлади.

Телефон жиринглади.

— Алло! Қурилиш бўйича навбатчи эшитади.

Налбандов лекса жарроҳдек ишонч ва қўполлик билан маълумотлар қабул қилиб, буйруқлар берди.

Унинг қарори ва тадбири меъёрида тезкор бўлиб, анъанавий эди. Одамлар уни ялтироқ инженер-администраторнинг қуруқ ачиган назариётчиси қиёфасида тасаввур қилишарди. Унинг тезкорлиги ва қатъиятлилиги ўзи шубҳа қилмайдиган, бировнинг ҳам шубҳа қилишига йўл қўймайдиган муқаддас ва ўзгармас, аниқ ва бенуқсон қонуний билимларга асосланганлигида эди.

Бугун у ҳар қачонгидан дағалроқ ва шафқатсизроқ, ғазабнок бўлиб, сира ўзини босиб ололмасди.

Олтинчи участкада эса қонунни ҳаддан зиёд дадил ва ҳурматсизлик билан тафтиш қилишди. Механика соҳасида ортиқ даражада дағалликка йўл қўйишди. Чет эллик нуфузли кишилар тасдиғини ўта даражада, уятсизларча шубҳа остига қўйишди, анъанани поймол қилишди.

Сиёҳдон — сиёҳдону, домна — домна.

Бошқа ҳеч нарса эмас.

Лекин бугун Налбандов кўзи олдида буюмлар ўз ўрни ва миқёсини ўзгартира бошлади.

У иш билан машғул бўла туриб, кўзига бирдан сиёҳдон домна бўйидек чўзилган-у, домна эса участкадан кўчирилиб, ёзув столи устига қўйгудек ва унга ручка ботиргудек кичкина бўлиб кўриниб кетди.

Соат олтига яқинлашди.

Маргулиес участкасида ҳозир нималар бўлаётганини кин?

У ишга аралашмасликка, Маргулиеснинг ўз бошини ўзи ейишга имкон беришга қарор қилди. Лекин уни йўлдан қайтара олмасди ҳам.

Бундан ташқари, у ҳар қалай қурилиш бўйича навбатчи, Серошевскийнинг вазифасини вақтинча бажарётган киши эди.

У пастга тушиб, машина олдидаги ерда уклаб ётган шофёрни ҳассаси билан туртиб уйғотди.

48

— Участкангизда нималар бўляпти?

Налбандов зарғалдоқрангли йўғон ҳассасининг устига қўлларини қўйиб, қаттиқроқ тутди. У Маргулиеснинг столи ёнидаги пастак табуреткада ёнлама ўтирди. Қора чарм пальтосининг бари баракнинг бўялган тахта полига тегиб турарди.

Маргулиес унинг ён томонидан ингичка қора соқоли ва пишиқ кертик бурнини кўриб турарди.

Налбандов кўзини қисган кўйи Маргулиес узра деразага ҳам, бурчакка ҳам эмас, номаълум томонга қаради. Кўзи ҳар қолда Маргулиесда эмас эди.

У бошини қисқа ва бепарво силкиб:

— Мен қурилиш бўйича навбатчилик қиляпман, — дея уқтирди.

У муносабатларини аниқ белгилаб олиш ва бошқа бу гапга қайтмаслик учун атайин ана шундай деди.

Маргулиес ҳаворанг чизма қоғоз тўшалган эски, лиқилдоқ фанер столга тирсақларини қўйди.

— Хизматингизга тайёрман, Георгий Николаевич.

— Участкангизда нималар бўляпти?

Участка бошлигининг товуқ катагидек бу мўъжазгина хонаси бурчагидаги табуреткада овқат қолдиги қотган темир тарелка турипти. Унинг ўртасида эса қора нон бўлагими ёки қўй қовурғасими, нимадир кўринарди.

Маргулиес кўзойнагини олиб, у суякми ёки нон бўлагими эканлигини аниқлаш учун кўзларини қисиб тикилди.

Налбандов Маргулиесга ижирганиб қаради.

— Хў-ўш?

Маргулиес кўзойнагини тақди-да, беихтиёр ён чўнтагидан чиройли тарашланган сариқ қаламини олиб кафтига қўйгач, ялтироқ қирраларига завқ билан тикилганича аста отиб ўйнади.

— Сизни аслида нима қизиқтиряпти? — сўради у Налбандовга қарамай, бирмунча журъатсизлик билан пичирлаб.

— Участкадаги аҳвол. Умуман ҳаммаси.

Налбандов «умуман» сўзига ургу берди ва яна Маргулиес билан дераза ўртасидаги девордаги ёруғлик

ва ўтаётган составнинг худди варақланаётган китоб саҳифаларида ора-чора кўзга ташланаётгандек кўринган соясига беихтиёр тикилди.

Ёруғлик ва кўланка ўнгдан чапга милт-милт ўтар, состав чандан ўнгга юрарди.

Маргулиеснинг орқасидаги тахта деворда график ва диаграммалар, жароҳатланганда биринчи ёрдам бериш бўйича санитария инструкцияси, чўккан одамни қутқариш, кўзга қандай муомала қилиш кераклиги ҳақидаги турли рангдаги плакатлар; турли рангдаги баллонлар (кўки — кислород, оқи — ацетилин, қизили — водород); Карл Маркснинг тошбосмада босилган портрети илиб қўйилган.

Маркснинг соқоли нимсарик, мўйлаби қорамтир тасвирланган; узун кесма ёқаси орқали оқ кўйлаги кўриниб турган чиройли сюртук; лентада яна қандайдир юмалоқ нарса осилди.

«Монокль¹ шекилли», — ўйлади Налбандов елкасини аста қисиб.

— Умуман... — деди Маргулиес ва ўйчан қиёфада бурнини чўзиб қўйди. — Умуман бугунги кунда Коксохим комбинатида аҳвол шундай...

— Хўш... Хўш...

Маргулиес унга тикилиб қаради.

— Фишт териш бўйича саккизинчи батареяда топшириқнинг саксону ўндан етти проценти, еттинчи батареяда олтмишу ўндан тўққиз проценти. миқдорига эришдик. Материаллар сақлаш омбори қурилишидаги пойдевор қазилш ишлари тахминан бир юз йигирма процент, эстакада бўйича...

— Буни биламан, — унинг сўзини бўлди Налбандов. — Хўш. Бетон қуйиш-чи?

— Бетон қуйиш бўйича аҳволимиз қуйидагича: бетон қуйиладиган жой тайёр, олтинчи батареядаги плита тамомланди: соат ўн олтидан саккиз минут ўтганда бешинчи батареяда бетон қуйиш бошланди.

«Монокльга ўхшайди, — ўйлади Налбандов. — Унақа бўлмаса керак».

У табууреткада ўтирган ерида кескин бурилди.

— Кечирасиз. Ўн олтидан ўн саккиз минут ўтгандагина бошланди. Ҳозир эса соат...

¹ Монокль — бир кўзга тақиладиган кўзойнак (тарж.)

Налбандов шошилмасдан пальтосининг тугмасини ечди ва темир шкафнинг қуйма эшигини очгандек очиб, олтин соатини олди.

— Ҳозир ўн саккиздан эллик икки минут ўтди.

«Ошхона бекилди», — ўйлади Маргулиес.

Налбандов соат қопқоғини «шиқ» этиб ёпди-да, чўнтагига солди.

— Қоришма қанча бўлди? — сўради у парвойи фалак.

Маргулиес столга энгашиб, учи игнадек ўткир тарашланган узун қалами орқаси билан қоғозга аста-аста урди.

— Аниқ айтолмайман-у, лекин тахминан бир юз ўттиз-бир юз эллик бўлса керак.

— Хў-ўш. Бир соатда эллик қоришма. Ҳм!

Налбандов истеҳзо билан томоқ қирди-да, ўзини тутиб туролмай, табуреткадан сапчиб турди-ю, Маркснинг портрети ёнига борди.

Уни яқинроқдан кузатди.

«Ҳақиқатан монокль экан. Қизиқ».

Кейин қўлларини орқасига қилиб, Маргулиесга ўғирилди.

— Қизиқ.

— Ҳа, жуда қизиқ, — деб қўйди Маргулиес.

— Сиз шундай деб ўйлаяпсизми?

Налбандов яна стол ёнига келиб ўтирди.

Маргулиес ўрнидан туриб хона бўйлаб юрди. Тарелка ёнидан ўтаётиб энгашди. Йўқ, у суяк эмас, нон бўлаги экан. Ундан ташқари бир оз қотган бўтқа ҳам бор эди.

У яна ўз ўрнига келиб ўтирди.

Налбандов стол устидан учи тишланган сиёҳ қалам топиб, уни жирканиброқ кафтига қўйди.

Энди улар бамисоли аниқ оғирлигини белгилашмоқчидек кафтларида қаламларни ўйнатган кўйи бир-бировларига рўбарў ўтиришарди.

— Ҳар бир қоришма учун икки минутдан кам вақт сарфлаш мумкин эмаслигини сизга эслатиб ўтиришимнинг ҳожати бўлмаса керак, — деди Налбандов бамайлихотирлик билан аста. — Бу ҳаммага маълум ҳақиқат. Сиз уни хоҳлаган дарсликдан топишингиз мумкин.

У «дарслик» сўзига ургу берди.

— Бунинг ўрнига сиз участкангизда бир қоришма учун бир минуту йигирма секунд сарфлаяпсиз.

— Биз учун хоҳлаган дарсликда қабул қилинган

маълумот шарт эмас. Дарсликлар ҳар йили тузатилган ва қўшимчалар киритилган ҳолда чиқади.

Маргулиес секин, деярли пичирлаб гапирарди. Сиртдан қараганда у бутун диққат-эътиборини қаламга қаратгандек эди.

— Буларнинг ҳаммаси жуда яхши, *шу йилда шу йилги ўқув қўлланмасига амал қилиш тавсия этилади. Шундай эмасми?*

— Агар биз унга келгуси йилда киритиладиган тузатишни аниқ топсак, нима учун ундан бу йил фойдалана олмаймиз?

— Э-ҳа, сиз вақтдан ўзиб кетмоқчимисиз?

— Биз саноат-молия планини бажармоқчимиз.

— Ўз вақтида эмас!

— Олға юриш доим ўз вақти ҳисобланади.

— Лекин биз, фалсафага ўтиб кетдик шекилли. Орқага қайтайлик. Сиз, менимча, Егор бетонқорғич машинасида иш олиб борсангиз керак?

— Ҳа.

— Бу машина паспортида яққол қилиб бир қоринма вақти бир минуту эллик секунддан кам бўлмаслиги керак, деб ёзиб қўйилганлиги сизга маълум бўлса керак, деб ўйлайман.

— Маълум.

— Шундай бўлса ҳам сиз, айтайлик, мазкур паспорт тузувчиларнинг ҳуқуқ доирасини шубҳа остига олишга журъат қиляпсизми? Жаҳон фирмаларининг расмий паспортига-я?

— Расмий паспортни ҳам сиз билан мэнга ўхшаш осий бандалар ёзишган.

Маргулиес шундай деди-ю, яқинда Фома Егорович айтган гапни такрорлаётганлигини фаҳмлаб, билинар-билинимас жилмайиб қўйди.

Налбандов хўмрайганича қизариб кетди.

— Менимча, ҳазилингиз бирмунча ўринсиз,— деди у қаттиқ овозда.— Лекин, ҳар ким билганича, кейин... қандай ўргатилган бўлса шундай вақтихушлик қилади. Аммо, марҳамат қилиб, ундан мени халос этинг. Мен етарли техник билимга эга одамман. Сизнинг қимматбаҳо чет эл асбоб-ускунасига мутлақо... қалтис ёндашаётганлигингизни сезяпман. Кечирасиз-у, ҳозир ҳаддан ташқари мода бўлса ҳам, бошқача сифатлаш келтиришни хоҳламайман.

Маргулиеснинг лаблари енгилгина титради. Ранги оқарди.

— Нимани кўзда тутяпсиз?..

— Машина шу тарзда ишлашида жуда тез шикастланади демоқчиман.

— Беш-олти йилгагина чидайди, демоқчимисиз?

— Ҳа. Лекин расмий паспортига кўра расмана шароитда у ўн йилдан ўн икки йилгача ишлаши керак. Шундай экан, сиз механизмга жабр қиляпсиз.

— Беш йилми, ўн йилми — муҳими бунда эмас. Сизнинг иборангиз билан айтганда, расмана шароитда биз бу ерда қураётган комбинат саккиз йилда битади, лекин, сизга маълумки, биз уни уч йилда тугаллаймиз.

— Сафсатангиз ўзингизга. Лекин мен валютага олинадиган чет эл асбоб-ускунасининг тез бузилишига имкон бераётганлигингизни таъкидлаяпман, долларлар эса, бизда ерда сочилиб ётгани йўқ.

— Машина бузилгунча бизга доллар керак бўлмай қолади.

— Шунга аминмисиз?

— Биз ўз бетонқорғич машинамизга эга бўламиз. Лекин сизга шунни айтишим керакки, биз ҳар ҳолда машинага унчалик жабр қиляётганимиз ҳам йўқ.

— Лекин жуда тез ишляпсиз!

— Ишимиз машина эксплуатациясига бевосита боғлиқ бўлмаган баъзи элементлардан иборат.

— Шунақами! — кулимсираб хитоб қилди Налбандов. — Жуда ажойиб экан бу. Агар сир бўлмаса эшитайлик-чи.

Маргулиес вазминлик билан қорозга учли қаламда ингизчка чизик тортди.

— У, биринчидан, ҳаракатсиз материаллар ташиш жараёнининг рационализациясидан, иккинчидан, одамларни тўғри тақсимлашдан, ниҳоят...

Маргулиес учун бу сўзни айтиш жуда қийин эди, лекин уни барибир тўхтамай айтаверди.

— ...ниҳоят, бригада аъзоларининг ташаббускорликларидан вужудга келди.

У бу қаттиқ ҳаяжонга солувчи, газетабоп «ташаббускорлик» сўзини шунақанги жиддий ва жўн омилкорлик билан талаффуз этдики, агар у таълимотни янада яхшилаш ёки ишбайликка ўтиш ҳақида ҳам оғиз очгудек бўлса, тамом эди.

Маргулиес бу гапларни айта туриб, қулоқларигача қизариб кетди. Бу сўзларни уни, Маргулиесни, афтидан, ёмонликка йўяётган одам олдида айтиш жуда қийин туюлаётган эди.

Ҳар ҳолда бу сўзларни қурилиш бўйича навбатчи олдида (наевбатчи Налбандов эканлигини ҳисобга олмай) техника масаласи соҳасидаги ўз мулоҳазаларини аниқ айтишга мажбур-у, шу ҳақда ахборот бераётгандаги оҳанг билан ифодалади.

Ташаббускорлик тушунчаси техника тушунчасидаги элементлардан бирига кирарди.

Налбандов иягини қисимлаганича бошқа томонга қараб чимирилди.

— Ташаббускорлик бўлиши мумкин, бу жуда ажойиб ҳам, лекин оз ўрганилган,— деди сўнгра бешарволик билан.— Дарвоқе, сизнинг таъбирингиз билан айтганда, ҳаракатсиз материалларни ташиш жараёни рационализацияси ҳақида гапирилар экан, балки сиз механизмлар олдига ташлаб қўйилган тахталарни назарда тутаётгандирсиз. Дарвоқе, мен уни кўрдим. Сизга айтиб қўяй, мен ҳали ишониб бўлмайдиган аллақандай тажриба учун шунча танқис ёғочни исроф қилишингизни мутлақо номақбул деб ҳисоблайман. Ҳали ташаббускорларингизнинг ишини енгиллатиш учун паркетли пол ҳам қилиб берарсиз? Рақс синфига қўйгандек пианино ҳам қўйиб берарсиз?

— Агар музика ишимизни енгиллатиб, саноат-молия планини бажаришга кўмаклашса, пианино ҳам кўямиз.

Налбандов заҳарландали тиржайди.

— Ана-ана. Айтяпман-ку, бу қурилиш эмас, французча кураш майдони бўлди деб.

«Э-ҳа, гап бу ёқда экан-да»,— ўйлади Маргулиес.

— Биз опалубкадан қолган ёғочдан фойдаландик,— деди у.

— Албатта! Албатта!

49

Налбандов намойишкорона заҳархандали кулишда давом этди.

— Хўжалик ҳисоби яхши! Иқтисод қилиш яхши! Сизнинг рекордингиз биз учун бир тийинлик ҳам фойда бермайди, ўртоқ Маргулиес!

Маргулиес елкасини қисди. Улар бир-бирларини тушунишмасди.

— Менга қаранг,— деди Маргулиес.

Лекин шу пайт эшик ланг очилиб, хонага Мося кириб келди.

— Давид Львович!

Унинг чеҳраси ял-ял ёнар, ҳайратга тўла эди.

— Уч соат ичида бир юз эллик тўрт қоришма, ота-онамни кўрмай агар!— қичқирди у остонада туриб.

Лекин Налбандовга назари тушиб, жилмайди:

— Кечирасизлар.

Мося Маргулиеснинг ёнига келиб, унга паст энгашди. Унинг қорайган, бўрсиган юзидан оққан кир тер даҳанида тўпланиб, полга томарди.

— Давид Львович,— деди Мося ҳарсиллаб, Маргулиесга иссиқ нафасини пуркаркан,— Давид Львович, иш шу тезликда кетадиган бўлса, қолган цемент ярим соатга ҳам етмайди.

У кўзларини ола-кула қилиб, Налбандовга зимдан қараб қўйди.

— Мана, марҳамат!— деди Налбандов ичидан суюниб.— Ишонч ҳосил қилдингиз.

Маргулиес қовоғини уюб, қўл силтади.

— Боравер, Мося, боравер. Мен ҳозир. Кўряпсанку, бандмиз.

— Маъзур тутасизлар мени албатта.

Мося оёқ учида юриб, хонадан чиқа бошлади, лекин ҳаяжонли кўзларини катта-катта очиб, Маргулиесга қараркан, эшик олдида тўхтади.

У аҳвол мушкул дегандек, кафтини бўғзига тортиб кўрсатди-да, кепкасини қулоғи устига суриб қўйди.

— Бор, боравер!

Мося таъзим бажо келтиргач, кўздан ғойиб бўлди.

— Энди ишондингизми?— деди Налбандов.— Мана энди материалларингиз ҳам етмайди. Бир сменага етиши керак бўлган цементни уч соатда нес-нобуд қилдингиз.

У «нес-нобуд» сўзларини урғу бериб айтди.

— Биз нес-нобуд қилаётганимиз йўқ,— деди Маргулиес қатъий,— плита қўйяпмиз.

У ғазабнок, лекин ўзини тутиб турарди. Чидам ва интизомлилик овозини баладлатишга имкон бермасди.

У дадил ўрнидан туриб, эғнидаги доғ босган ниҳоятда кенг кўк камзулининг ён-берисини текислаб қўйди.

— Кечирасиз, мен боришим керак.

— Цемент ундириш учунми?

— Ҳа.

— Сиз суткалик таъминот планини бузиб, транспорт тартиб-интизомига халал беряпсиз.

— Ҳар қандай планга яраша бошқача план — муқобил план ҳам бор.

Налбандов ўрнидан турди.

— Кейин сизга пландан ташқари шағал, кейин пландан ташқари қум, кейин пландан ташқари, ким билсин, яна нималар керак бўлмайди. Сиз қум ва тош карьерлари, тош майдалайдиган машиналардан ҳам янада қаттиқроқ ишлашни талаб қиларсиз балки.

— Биз карьер ва тош майдалайдиган машиналардан иш унумини оширишни талаб қиламиз.

— Э-ҳа, сизнинг талабингиз бутун қурилишда суръатни кўтаришга таъсир этиш экан-да! Кечирасиз, билмапман, билмапман.

— Бизнинг талабимиз — саноат-молия планини бажариш ва ошириб бажариш.

— Сизга харьковликлар рекорди тинчлик бермай қўйипти. Ҳаммангизнинг эсингиз оғиб қолган. Бу шуҳратпарастлик, ном чиқариш ҳаракатидан бўлак нарсас эмас.

— Бўлмаса-чи? Агар шуҳратпарастлик, ном чиқариш ҳаракати қурилишдаги муваффақиятга кўмаклашаркан, мен қарши эмасман... Ўз участкамининг шуҳрат қозонишига қарши эмасман...

Маргулиес хавотирланиб, деразага қаради. Манзара кўздан йироқлашгандек хира тортганди.

Хона бир зумда қоронғилашди.

— Сизни яна нима қизиқтиради, Георгий Николаевич?

Налбандовнинг камоли ғазоби қўзиса ҳам, лекин одоб сақлади. У Маргулиесга энг кучли, сира рад қилиб бўлмайдиган далил-исбот билан қаттиқ зарба бериш хаёлида ўзини овутарди.

Налбандов бу далилни эҳтиёти шарт айтмади. Вақти келиб, Маргулиесни йўқ қилувчи бу сўзни албатта айтади.

Бу далил «сифат» эди.

Миқдорга зўр берган Маргулиес сифатни назардан четда қолдирган бўлиши керак.

Шундай экан, ўзидан кўраверсин.

Йўқ, кейинчалик бутун плитани қўпориб, қайта қуйиш талаб этилса ҳам бу гапни айтмайди. Майли!

Шуниси аниқки, Маргулиес тамом бўлади.

У Маргулиесга энағалик қилиши шарт эмас. Техника жиҳатдан саводсизлиги, шуҳратпарастлиги учун ўзи жавоб беради. Жавоб ҳам оғир бўлади.

— Сизни бошқа нарса қизиқтирмайдими, Георгий Николаевич?

Маргулиес эшик олдида суҳбатнинг охирини одоб билан кутиб турарди. У Налбандовнинг сўнгги, сифат ҳақидаги гапини эшитмоқчи эди.

Лекин бу эътирозга ҳам жавоби тайёр — Катянинг Москвадан телефон орқали айтган мақоласи чўнтагида эди.

Сифат масаласида кўнгли тўқ эди.

У миқдорга зўр бериш билан зарурий сифат даражасини ҳамон ушлаб турарди. Бунда у ўз тажрибасига, америкалик пудратчилар тажрибасига ва эндигина Давлат Иншоот институтидаги бир гуруҳ инженерларнинг Москвада ишлаб чиқилган нормасига асосланаётган эди.

Аммо Налбандов бундан гап очмади.

— Ҳар ҳолда, — деди Налбандов қуруқ ва бепарволик билан бутун суҳбатга яқун ясаётгандек, — мен шу сингари бўлмағур иш қурилишга зиён келтиришдан бўлакка арзимади деб ҳисоблайман.

— Бу гапни қурилиш бўйича навбатчи сифатида айтяпсизми?

— Мен қурилиш бошлиғининг ўринбосари сифатида айтяпман, — жавоб қайтарди Налбандов жаҳл билан.

Маргулиес қовоғини солиб, Налбандовнинг ҳассасига қаради.

— Демак, тақиқлайсиз, шундайми?

— Тақиқлаётганим йўқ.

— Демак, рухсат берасиз?

Налбандов зардали елка қисди.

— Тақиқламайман ҳам, рухсат ҳам бермайман.

— У ҳолда буйруғингизни қандай тушуниш керак?

Маргулиес қоп-қора лабларини буриб, билинар-билинамас жилмайди.

— Биласизми, бу... ёши катта одамнинг маслаҳати холос.

Маргулиес қайсарона миқ этмади.

Налбандов ҳассаси билан фанер эшикни очди.

— Хўн, соғ бўлинг!

Маргулиес уни олдинга ўтказди.

Налбандов эшик пештоқига урилмаслик учун бир оз энгашиб, йўлакка чиқди.

Йўлак эргалабкидек соя ва тутунга тўла эди. Қўл

ларида ҳисоб дафтарчаси ушлаган ишчилар бухгалтерия дарчаси олдида уймалашишарди.

Бадний устахона эшигидан Шура Солдатова мўралади. Кейин мўйқалам тутган бўёқли қўллари билан сочини орқага аста тараб Маргулиесга яқинлашди.

Унинг юзида ташвиш ва хавотир.

— Нима, нима гап, Давид? — сўради Шура пичирлаб.

Аёлнинг бўйи Маргулиесдан хиёл баланд эди. Шура нозик қўлларини унинг елкасига қўйиб, ёнма-ён хиёл юрди.

— Ҳеч гап йўқ, Шура, ҳаммаси жойида, кейин.

Шура орқада қолди.

Қоронғи йўлак орқали ташқарига чиқиладиган эшик очиқ эди.

У ердан ташқарида велосипеднинг кегай сими айланаётгандек, ёмғир шивалаб кўринди.

Маргулиес майда, илиқ ёмғир томчилари остида Налбандовни ишчилар уйи томон бошлади.

Қурилиш майдонида иш давом этарди.

Маргулиес узоқданоқ ишнинг бирмунча сусайган суръатини фаҳмлади.

«Ёмғир. Ёмон», — ўйлади у ва ағдарилган бетон товушини эшитиб: «бир юз олтмиш етти», деб хаёлидан ўтказди.

Тахта тўшама ёмғирда хира, қалайи рангда товланарди. Бу ерга келтирилган цемент кукуни қуюқ тийғаноқ лойга айланиб, бутун тўшамани қоплаб олганди.

Ишлаш жуда қийинлашган — одамлар тийғанар, оёқлари турли томонга сирпанарди.

— Жин урсин бунақа кавушларни, — тўнғиллади Маргулиес.

Одамларнинг тер ва ёмғирдан қизарган, кир-чир юзи, тер ва лойдан қорайган кўйлак-иштонларидан иш ниҳоятда қийин кўчаётганлиги сезилиб турарди.

Ниҳоятда тийғаноқ!

Баъзи йигитлар бошларига қоп ёпиниб олишипти.

Баъзилар кўйлак ва кавушларини очиб ташлашган. Белигача яланғоч таналари тюлень терисидек ялтирайди, оёқ яланг, бош яланг, сочлари ҳўл қолда лаҳза сайин тийғаниб, тиззалаб замбилгалтакларни итаришарди.

Налбандов тўшама ёнидан ўтаётиб, уларга бепарволик билан кўз қирини ташлади. Маргулиеснинг назарида у нафрат билан елкасини қисгандек туюлди.

Маргулиес Налбандовнинг орқасидан ва гарданидан унинг фикрини беҳато уқиб борарди.

У янги ҳужумни кутарди. Лекин Налбандов индамасди. Бу юракни яна ҳам ғаш қиларди.

Налбандов машина ёнига бориб, унинг бортига қўлини чўзгандагина елкаси оша Маргулиесга қараб:

— Сизнинг ҳаракатсиз материалларни ташиш жараёнингиз...

У «жараён» сўзига алоҳида урғу берди.

— ... дансинг.

Кейин шофёрга қаради-да:

— Орқага. Завод бошқармасига,— деди.

Ёмғирнинг майда, ўткир томчилари юз, пешона, соқолларига урилди, шофёр қаршисидаги — уфқда сертармоқ чақмоқнинг оппоқ тасвири чақнади.

50

Ёмғир тўхтамади ҳам, тезламади ҳам.

Бахтга қарши, тўшамадаги сирпанчиқ шилта лойни ювишга унинг кучи етмади.

«Лойни ювиш керак,— ўйлади Маргулиес беҳосдан.— Ҳа, ювиш керак».

У югуриб прорабнинг идорасига тушди.

— Ут ўчириш насоси-брандспойт!— қичқирди у.—

Ут ўчириш крани керак!.. Шланг!

Лекин ҳаракат ундан аллақачон аввал бошланганди.

Бу ерда фикр сира якка тугилмасди.

Винкич билан Георгий Васильевич прораб идорасидан ўт ўчириш шлангини судраб чиқишди.

Винкич Маргулиесга савол назари билан қаради. Бу билан у ўзбошимчалик қилганлиги учун Маргулиесдан кечирим сўраётганди.

— Жуда тўғри қилдинглар,— деди Маргулиес.

— Бу Георгий Васильевичнинг фикри,— деди мулойимлик билан Винкич.

— Э, йўқ. Биргаликда, биргаликда!— қичқирди Георгий Васильевич дадиллик билан.— Биргаликда ўйлаб топдик! Ювиш керак! Ювиш! Унга сув сепиш керак! Сепиш керак!

Георгий Васильевич инқиллаганича оғир япалоқ брезент шлангни судрай бошлади. Шахло кўзлари атрофга ҳайрат ва мардонавор тикиларди. Хўл макинтошининг этаклари ёйилиб, шими оқариб кўринарди. Ёнидаги дурбини оғир чайқалар, тиззаларига уриларди. Туфлиси эса лойда шапилларди.

— Ҳечқиси йўқ! Ҳечқиси йўқ! — инқилларди Георгий Васильевич. — Шундай қилиш керак! Ювиш керак, ювиш керак! Юви-иш — шунда зўр бўлади! Икковимиз, икковимиз! Икковимиз ўйлаб топдик. Тажриба йўли билан. Биласизми, нақ тажриба асосида.

Маргулиес идорага кирди.

Кутайсов столда, ҳисобот ва маълумотлар устига мукка тушиб ўтирганича телефонда ким биландир бақриб гаплашарди. У тасмаси ечилган сандалетли оёғини тахта деворга тираб, телефон трубкасига қаттиқ қичқиради:

— Мен сенга яна такрор айтаман, қадрли ўртоқ, бунақа иш кетмайди. Зарари йўқ, зарари йўқ. Топилади. Қидирсанг, топилади. «Комсомольская правда»нинг кўчма редакцияси номидан. Ҳа. Авария штаббининг бошлиғи Кутайсов. Марҳамат, ёзиб ол. Нима? Сен мени қўрқитмай қўя қол, яна мен сени қўрқитиб қўймай! Мен сени газетада шундай қўрқитайки... нима? Ўтир, Давид. Нима? Сени қара-ю, сенга эмас, — кулди у телефонга. — Сенга яна навбат келади.

— Цемент, — деди Маргулиес.

Кутайсов энгашиганича қизарган юзларини буриб, Маргулиесга қаради.

— Нима? Цемент? Ҳозир бўлади.

Кейин телефондаги гапини давом эттирди:

— Хўш, нима бўлди? Гапимни эшитяпсанми? Қирқ бочка, ҳозироқ. Тушунарлими? Тушунарли! Хайрият. Корнеев сизларнинг олдингиздами? Жуда яхши. У ўша жойнинг ўзида талабнома ёзиб беради. Хўп, хўп. Хўп, раҳмат, дўстим. Нима, диспетчерлик бошқармасими? Состав бермайдими? Хо-хо! Ҳозир состав бўлади. Саломат бўл! Ҳозирча хайр!

У телефон трубкасини жойига илиб, енги билан бўрсиган, тер босган юзини артди.

Унинг сариқ сочлари қорайинқираб тўзғиган, кўзларига тушган эди.

— Фу, иссиқни қара!

У жаҳл билан телефон трубкасини кўтарди.

— Алло! Марказ! Диспетчерлик бошқармасини

бер! Сабр қил, Давид, ҳозир ҳаммаси бўлади. Алло! Диспетчерлик бошқармасими? Ким гапиряпти? Салом, биродар... «Комсомольская правда»нинг кўчма редакциясидан гапиряпман. Гап бундай, дўстим...

Маргулиес идорадан чиқди.

Ёзувчи худди қоровулдек шими почасини қайириб, макинтошнинг барини белига қистирганича тўшамага сув сепарди.

Чарсиллаётган сув пальма шохчаси елпигичидай ёйилиб, тўшамага урилар, лойни суриб, нарига итарар, орқада эса топ-тоза беғубор, сариқ тахта бутунича намён бўларди.

Йигитлар энди тийганишмасди ҳам, қийилишмасди ҳам.

Баъзилар энди ўзларини сувга тутишга ҳаракат қилишарди. Сув оқими жўшқин ёшлар танасига урилиб, пальма шохчасидек ҳар томонга сачрарди. Лой ва тердан тозаланган тана лўядек бўртган, силлиқ мускуллари билан киши кўзига ялтираб кўринарди.

Маргулиес машинага яқинлашди.

Хронометражчи қиз айланаётган барабан қаршисидаги ёмғирда ҳамон ўтирар, ҳўл қоғозга ўз вақтида белги қўйишда давом этарди.

Унинг батартиб таңғилган оппоқ рўмоли хира тортган, гарданига сирғалиб тушган эди. Ҳўл сочлари эса юмалоқ саркаш пешонасига ёпишган.

Қизнинг ҳаммаёғи бетон томчилари билан қопланганди.

Унинг чаккалари, бурни, қулоқлари, болаларникидек кичик, ялангоёқларидан тим-яшил сув томчилари оқиб тушарди.

— Қанча?— сўради Маргулиес.

Қиз қора тасмачали соат боғланган қўлига диққат билан тикилди.

— Соат еттидан йигирма уч минут ўтди, бир юз етмиш иккита қоришма қўйилди.

Барабан айланиб гумбурлади.

Қиз кафти билан сочини тўғрилаб, қоғозга эҳтиётлик билан белги қўйди.

Чор-атрофдан ўзларининг ва бошқа участкаларнинг йигитлари югуриб кела бошлашди.

Борган сари янги ишчилар келиб қўшилиб, тўшама атрофида одам кўпайди.

Улар турли қиёфада: кавуш кийган, оёқ яланг, жомакорли, жомакорсиз, ботинкада, малла соч, тоза

кийимли, кийимларига кўкимтир цемент томчилари теккан, мешкобчилардек балчиқ доғли кийимдагилар, бақироқлар, мулойим гапирувчилар, майкали, футболкали, кўйлакли, ханумовчилар, ермаковчилар, инженерлар, прораблар, ишбошилар, бригада бошлиқлари... Лекин ҳаммалари ҳам кўзлари чақнаб турадиган ёшлар эди.

— Бир юз етмиш уч... Бир юз етмиш тўрт... — дейишарди йиғилганлар бир-бировларига қараб, — бир юз етмиш беш...

— Тиргалманглар! Итаришмасанглар-чи! — бақирарди Мося кўзлари чақнаб. — Кириш ҳақи эркаклар учун икки тийин, қизларга ярми баҳол!

Бу вақтда Налбандов ҳўл пальто кийиб, навбатчилик хонасида юрар, ҳассаси билан деворни тақиллатарди.

Телефон жиринглади. У трубкани олмади.

Налбандов ора-сира дераза олдига келиб турарди.

— Шуҳрат... унга шуҳрат керак.

Атроф сузувчи чанг аралаш ёмғир билан қопланган.

Буг кўтариларди.

Бу ердан, тўртинчи қаватдан, атроф узоқ-узоққача, ўттиз километрча жой кўзга яққол ташланарди.

Теварак томонда, тарам-тарам уфқ остида булутнинг қоп-қора, ҳурпайма этаклари осилиб турипти.

Осиё миноралари ва бўрон гирдоблари бамисоли ердан чиққандек уларга рўбарў турар ва бирин-кетин қад кўтарарди.

Улар ҳар дақиқада қурилиш майдонига қулайдигандек туюларди.

Хонага қоронғилик туша бошлади.

Налбандов форточкани ёпиб, виключателни буради.

Шифтда кичкинагина лампочка қизариб, хира нур таратарди.

Хира нур хонани деярли ёритмас, аксинча, бўронни яна ҳам даҳшатлироқ қилиб кўрсатарди.

51

Саенко сайр қилиб юрарди.

Станица сирень, қафарат, қора терак, заранг дарахтлари қўйнида чайқалади, шовуллайди.

У Ёйиқ водийсида бамисоли беланчакдек тебранади.

Тўғон ёқдан шамол кўтарилиб, сув томчиларини олиб келади.

Ёмғир заранг дарахти япроғига шивалаб урилиб, алланималар деб шивирляяпти.

Япроқлар шамол қаршисида шовуллайди, ялтироқ йирик томчилар залваридан тебранади, мунчоқдек реза томчилар эса чанг қоплаган майсалар устига сочилади.

Очиқ ерда қолган хўроз дағал сурп каштасидек ёмғир остида қимир этмай турипти.

Бу ер қурилиш кетаётган жойдан атиги ўн километрча четдалигига қарамай жудаям пасқам ва сокин!

Яшил тўсиқлар, уйга яқин томорқачалар, қудуқ тепасига ўрнатилган паррақлар кўзга ташланади.

Тунукали, қамишли, вақт ўтиши билан қорайган, силлиқ тўсинига тахта таглик тўшоқли, тангасимон тусдаги томлари ёпилган батартиб казак уйлари.

Тўртта ингичка устундан иборат йўлаклар.

Бу ерда ҳамон диннинг қадимий анъаналари, эски ҳунармандчилик, социал тузум ва истеъмолчилик кайфияти ҳукмрон.

Паст, ваҳимали булутлар орасида станицанинг бамисоли кўзи ожиз, қадди тик, батартиб аскардек салобатли, сўниқ черкови сузар ва чайқаларди.

Черковнинг ям-яшил дарахтзор ҳовлисида турли томонга тор йўлкалар тармоқ отган.

Шунга қарамай, тахта зиналар ва ибодатхона эшиги олдидаги айвонда итузум ўсиб ётарди.

Ҳужрачаларнинг у ер-бу ерида яхши сақланган катта тунука лавҳалар турипти.

Занглаган сим билан чирмаб ташланган бу лавҳалар худди шамол ҳаракатини белгиловчи темир паррақдек буралар ва гижирларди.

Косиб ва ҳунармандларнинг ҳафсалали, лекин дағал ишлаган эмблемалари худди машҳур зодагон тобути олдидаги яшил бахмал ёстиқчага қадоқли орден ва нишонлардек ғамгин ва маҳзун эди.

Тикувчиларнинг қайчию дазмоллари. Тракторчиларнинг қумғон ва кулча нонлари. Тобутсозларнинг тобутлари. Косибларнинг этиклари. Соатсозларнинг соатлари.

Соатлар кўп. Лекин булар номаълум наққошнинг амри билан умрбод тўхтаган, кечами, кундузми — но

маълум икки соатни кўрсатувчи каттакон миллар тортилган буфетдек жимжимадор соатлар.

Саенко сайр қилиб юрипти.

Саройнинг нимқоронғи деразаси тагида баланд, зич наша поялари солланар, яшил бошоқлари тебраниб, ойнага уриларди.

Сарой ҳовлиси атрофида илвасин, бурган, қичитқи ўтлар ўсиб ётипти.

Сарой ичида, эшик ёнида бир-бирига ёнма-ён, янги-гина қарағай тобутлар деворга суяб қўйилган.

Эшикнинг иккинчи томонидаги деворга эса заржиак ва попук қадалган қизил байроқлар тираб қўйилпти.

Чамаси, сарой соҳиби қўли гул киши кўринади.

Верстак тагида пайраҳанинг таврот кукунидек уюми ётипти.

Пайраҳа устида қўллари билан тиззаларини кучганича, сочларига пайраҳа кўнган Саенко ўтирипти.

У сўниқ-бинафшаранг мудроқ кўзларини деразага тикканича тебранади. Олдида, пайраҳалар орасидаги увадаси ичидан олган дафтари ётипти.

Саенко инграган кўйи йиғламосираб қироат қилади:

Тупроққа қўйдилар кампир онамни,
Бегуноҳ йўқолди отам — саргардон.
Энг катта қадаҳга қуйинг, жўралар,
Шароб оғушида ором топсин жон!..

Саенконинг юзи асабий қалтирар, нилбўёқдан қорайган лабларида кўпик милтирарди.

У Загировнинг бўйнидан қучоқлади-да, титраб-қақшаб ўзига тортди. Загировнинг юзлари тиришди, кўзлари олайиб, пешонасидаги томирлари ўйнаб кетди.

— Қўйвор, Коля! Қўйвор!..

Загиров унинг қўлидан юлқиниб чиқмоқчи бўлди-ю, лекин бели билан верстакнинг оёғига урилиб, тўхтади. Верстак силкиниб, устида турган шиша учиб кетди.

Этиксиз, уралликларга хос икки ёнига ҳошия тикилган казакона эски шарварли, ҳаворанг чит кўйлак ва нимча кийган уй соҳиби, учиб кетган шишани қора, ғалвирдек ялпоқ қўллари билан кексаларга хос чаққон илиб олди.

Кейин у кумушдек оппоқ соқолларини силкитиб жилмайди.

— Эҳтиёт бўлинглар-да, болалар: эҳтиёт бўлиб ўйнашинглар.

Дарчанинг хира ёруғи уй эгасининг нимсарғиш сочлари қуршовидаги жигарранг ҳаворий тепакал бошида яққол акс этиб турарди.

Унинг соғ кўзлари атрофга хўрозникидек ўткир боқар, иккинчи кўзи эса сўқир, бутунлай оқ тушганди.

— Бир кўзи бизда, иккинчи кўзи қизда, — силкиниб-силкиниб кулди Саенко.

У Загировнинг бўйнидан қисиб, бошини ўзига тортар, эзар, қучар, силар, сочларидан тортқиларди.

Саенко уч марта бурилиб, пистон чўнтагига қўл солди, уй эгаси эса тиззаси баравар бурган орасидан, ҳовли орқали қаёққадир уч марта бориб, чўнтаги қаппайган кўйи қўлида тузланган бодринг билан қайтди.

— Менга қулоқ сол, жигарим, менга қулоқ сол, татар боласи, — бақирди Саенко Загировнинг қулоғига нам оғзини суйкаб. — Мени тушун!..

У хиргойи қилишда давом этди:

Жингалак соч бола эдим, эҳ,
Қурилишга ташлади тақдир.
Етимликда уйсиз ўсдим мен,
Майсиз хароб бўлдим-ку, ахир!

— Қўйвор, Коля, қўйвор...

— Эҳтиёт бўлинглар, болалар, эҳтиёт бўлинглар!
Стаканлар ҳўл бўлиб кетган верстакка тушди.
Саенко бақирди:

Стаканлар — қиррадор
Тушиб синди-ку чил-чил!

Саенко ичар, тақводор уй эгаси ҳам ундан қолишмасди. Загиров аввал ичмади, рад қилди-ю, лекин бодрингдан кўзини узмади.

— Ич, татар боласи, ич, жигарим. Ўйна, уялма. Мени хафа қилмагин. Мени ҳар бир киши хафа қилиб қўйиши мумкин. Мен зиёфат қиляпман. Мен, балки, ўзимнинг тақдиримни сокураётгандирман!..

У стакани Загировнинг оғзига тиқиштирди...

Загиров тишини тишига босиб, стакани олгач, бармоғини унинг ичига тақди-да, ён томониغا бир

неча томчи тўқди. Кейин юзларини тириштираркан, шартта стаканни кўтаргач, бордингга қўл чўзди.

— Энди еявер, еявер, ҳамоқат! — хахолади Саенко.

Ароқ Загировнинг миясига урди.

У кейинги стаканни кўтариш олдидан ҳам қўлини тикиб, пайраҳалар устига бир неча томчи тўқди.

Загиров бу билан кекса татарларга тақлид қилаётган эди. Худо ароқ ичишни тақиқлаган. Қуръонда ароқ томчиларида шайтон ўтиради, деб ёзилган, дейишарди кексалар. Лекин улар ўзларига етарли айёр бўлиб, ароқ тўла стаканга заъфарон бармоқларини тикишар, шайтон ўтирган ерга бир неча қатра тўкиб, қолганини ичишаверарди.

Загиров оч қоринга ичганидан дарров маст бўлиб қолди.

У ўз дўстига айёр кексалар ҳақида, қатра ҳақида, шайтон ҳақида, қуръон тўғрисида айтиб бергиси келиб қолди.

— Қулоқ сол, Коля, — деди у оғзи қулоғида бўлиб, — биласанми, нима демоқчиман? Бизнинг кексалар ичаётганларида ароқнинг бир неча қатрасини, албатта, тўкиб ташлашади. Шундоқ бармоқларига илиб олиб, чертиб юборишади. Чунки ана шу қатрада мурдор маҳлуқ, яъни албатта шайтон бўларкан. Биздаги кексалар шунақа айёр. Кейин битта китоб бор. Уни қуръон дейишади, биласанми, Коля... Қуръон дейишади. Кейин кексаларнинг айтишича...

Саенко заҳархандали тиржайди.

— Оббо, татар боласи-ей, билдим, ўз худоларингни алдамоқчи бўларкансанлар-да?

— Худони алдаб бўпсан, худони алдаёлмайсан, — гўлдиради уй эгаси бурчак томонга қараб чўқинаркан. — Уни алдаёлмайсан.

— Сенинг худойинг одамларнинг ичишига рухсат бермайдиган аҳмоқ, эсипаст экан. Бизнинг худойимиз зўр, қанча ичсанг ҳам, есанг ҳам индамайди! Тўғрими, хўжайин?

Загиров лоқайд жилмайди.

— Нега ундай дейсан, Коля? Бизнинг худо, сизнинг худо, татар худоси, православ худоси бор эканми? Ҳамма одамлар учун битта, яхши худо бор.

У болалигида кўп одамлардан қайта-қайта эшитган бу гапни тўпорилик билан айтди.

Кейин майин, хавотирланиб жилмайди.

Уй эгаси кўзига ойнак тақди-да, жавондан қора чарм муқовасига зарҳал билан «Диний кўшиқлар» битиқли кичик қалин китобчани олди.

Китобчани очаркан, чўқиниб қўйди.

— Парвардигор, бандаларинг гуноҳини ўзинг кечир,— дея пичирлади у кўзларини юмиб.

Кейин бирдан баланд, қироатли, шикаста товушда маъноли қилиб куйлай бошлади:

Улуғвордир қадрдон диёр,
Забардастдир баҳодир каби.
Курра узра ястаниб ётар,
Поён билмас унинг сарҳади.

Бу кенгликлар мадҳини кошки
Эзгуликлар этса инкишоф.
Христианлик даврларин илк
Удумидай муқаддас ва соф.
Руҳ қудрати, сўз сеҳри ила
Маъсуд айла Руснинг қисматин.
Исо мулкин чўққиларига
Кўтара бил халқнинг фикратин.

Мезбон кўзларини қоронғи шифтга тиккан кўйи охириг икки мисрани жиддий, насиқатомуз тарзда яна такрорлади:

Исо мулкин чўққиларига
Кўтара бил халқнинг фикратин.

— Сен бўлсанг, бизнинг худойимиз, сизларнинг худойингиз дейсан,— бақирди Саенко.— Ана, кўриб қўй бизнинг худойимизни, турқинг қурғур татар.

— Нега сўкинасан, Коля?— деди Загиров гинали овозда.— Яхши эмас. Мен сенга нима ёмонлик қилдим?

Сўнгра у икки ўртоққа нохуш қараб қўйиб, куйлашда давом этди:

Поймол бўлсин нобакор ҳислар
Ва худбинлик асоси буткул.
Самовий ўй таратсин нурлар,
Диёр узра зиё сочсин ул!

Эшик бирдан тарақлаб ёпилиб, яна очилди.

Саройга шамол, чанг, ёмгир ёпирилди.

Пайрақалар учиб, ҳавода айлана бошлади. Жавондаги миҳ солинган ту누ка қутича ерга тушди. Китобча саҳифалари эса гоҳ бир-бирига тутқич бермай шитирлаб очилар, гоҳ яраланган кабутардек муаллақ туриб қоларди.

Дарахтдан юлқинган шохча ҳовли узра учиб юрарди.

Ҳа, қоп-қора бўрон гирдоби станицага бостириб кирганди.

Борлиқни қоронғилик қоплади.

Мезбон эшикка отилди. Тобутлар тарақлаб ағдарилди. Байроқнинг олчинранг полотноси тарсиллаб елпинарди.

Мезбон худди қирчанғи отни судрагандек эшикни боғичи билан торта бошлади. Ниҳоят уни ёпиб, боғлаб қўйди.

Қоп-қорайган наша пояси силкинарди.

— Эҳ, участкадаги болаларга ёмон бўлди-да,— зорланди Загиров.

— Ич, таъвия татар,— бақирди кайфитароқ Саенко.— Эшитдингми, бу дунёда ҳеч нарса боқий эмас!.. Бос!.. Яна бос! Дўзахга кирсин у жин ургур! Ҳаммаси кунпаякун бўлсин!

Бўрон гирдоби станица узра, тўғон узра, кўл узра қурилиш майдони томон учарди.

— Ҳой, хўжайин, ёнимга ўтир, азизим. Эшит, мана бу гапни эшит. Менга қара.

Саенко ёнига бурилиб, тебранганича пистон чўнтагини апил-тапил титкилай бошлади. Кейин чўнтакда юравериб сийқаси чиқиб кетган, сиёҳ қалам билан ёзилган қандайдир қоғозни олди.

— Мана буни қара, мана буни қара, хўжайин. Отамнинг, ўз отамнинг хати. Уч ой бўлди. Уни, отамни, отагинамни ҳайдаб кетишипти. Ҳа, қулоқ қилиш-япти, қулоқ деб олиб кетишипти... Бу хатни ўша ердан ёзипти. Тўхта! Қўлингни теккизма! Отамнинг дил сўзларига чанг солма. Қоронғи қилма, қоронғи қилма, деяпман, нақ ўлдираман-а!

Саенко мезбоннинг елкасига бошини ташлади.

— Отам у ёқдан нималар ёзганини эшит: «Ҳеч нарсага тўсқинлик қилма»,— деб ёзипти. Кўрдингми? «Ҳеч нарсага тўсқинлик қилма», деб ёзипти. «Қаерда, кимда бизнинг молимиз бўлса — кўз тагига олиб қўй.

Молларимизни эсла. Уларнинг қўлига тушгандан кўра яхшиси харом қотгани маъқул». Энди гапимга тушунгандирсан, хўжайин?

Саенконинг юзидан ёш томчилари думалади.

— Шундай, шундай, шундай,— шивирлаб, бош силкиди мезбон:— Тўғри. Харом қотгани маъқул... Ҳақ гапни ёзипти, ҳақ гапни ёзипти.

— Тўхта! Бу ёғини эшит. Мана буёғини эшит: «Колхозга шошилма, аммо яна ўзинг биласан». Тушундингми бу гапга, хўжайин? «Аммо яна ўзинг биласан, яна ўзинг биласан...»

Саенко боши билан пайраҳалар орасига йиқилди-ю, яна ирғиб ўрнидан турди.

— Ич, татар. Ич, паразит. Падаргинамни ҳайдаб кетишса-ю, сен бўлсанг ичишни хоҳлайсан!

Гезариб кетган ғазабнок Саенко Загировнинг калласидан тутиб, шишадан унинг оғзига ароқ қуя бошлади.

Ароқ унинг даҳанидан ёқаси ичига оқди.

— Нега мени қийнайсан?— пичирлади Загиров Саенконинг қўлидан аранг қутулиб.— Нега паразит бўларканман энди?

Унинг тишлари маҳкам қисилган, қалтирарди. Ароқ миясига ургани учун боши айланарди. Кўзларига дераза айқаш-уйқаш кўринарди.

— Овозингни ўчир, гўрсўхта! Учир овозингни! Участкадаги болаларга раҳминг келяпти-а? Нега менинг отамга раҳминг келмайди? Ич, гўрсўхта татар!

— Ҳақорат қилма!

Загировнинг ранги оқариб кетди.

— Мен сени рус гўрсўхта демаяпман-ку. Ҳамма одамлар бир хил.

— Акиллама, ҳароми, акиллама. Мен билан тенг эмассан. Мен сени, татар, бутун ичак-чавагинг билан ўн сўмга сотиб олганман. Энди сен менинг малайимсан! Эй, малай, пайтавамни еч! С... Гўрсўхта! М... малай!..

Загиров аламдан қизариб кетди. Қўй кўзларига қон қуйилиб, бамисоли пишган олчадек қизариб кетди.

— Вой ит-ей, итдан ҳам баттар экансан!

Қалтирай бошлаган Загиров Саенконинг оғзига кўрсаткич бармоқларини тиқиб, нил бўёқ юқи лабларини керишга тутунди.

— Улдираман сени! Улдираман! Кимлигингни энди тушундим... — хириллади у.

— Ҳозир Гепега судраб бораман. Гумдон қилишсин. Қутурган итдан ҳам баттар экансан. Сен қулоқнинг ўглисан, қулоқнинг кўппагисан.

У қаҳр-ғазабга тўлиб, ижирганганча такрорлади:

— Сен қулоқнинг кўппаги, сен қулоқнинг кўппагисан, анавилар одамлар, сен қулоқнинг ити! Отиб ташлаш керак сени!.. Муттаҳамсан! Саенко ёйиқ бармоқлари билан ЗагиРОВнинг башарасига ташланди. Унинг лаблари бурчагидан худди сувлиқдек қон аралаш сўлакайи оқарди.

— Меҳмонлар, меҳмонлар, секинроқ, — гўлдиради мезбон. — Меҳмонла-а-ар!

«Меҳмонлар» ерга ағдарилишди.

Мезбон шартта ЗагиРОВнинг белига тепти.

ЗагиРОВ дик этиб турди-да, ағдарилиб ётган тобут ва табуреткаларга, байроққа қоқила-суқила ташқарига отилди.

У эшикни бир тепиб очди-да, ҳовлига чиқди.

Ташқарида югуришнинг ҳожати ҳам бўлмади. Бўрон уни ерга қапишиб қолган бурганлар устига думалатди.

Кўча эшик ошиқ-маъшуғидан чиқиб кетди. Тунука лавҳа қалдиради.

Бояги сочиққа тикилган каштага ўхшаш хўроз ҳам қақоқлаганича девор бўйлаб учди.

Соат миллари шиддат билан айланарди.

Олдинда бўрон тўзонлари орасидан қоп-қора девор аранг кўриниб турарди.

53

Налбандов чаққон телефон трубкасини олди.

Вилка жаранглади.

— Алло! Марказ! Алло!

У шошиларди.

Бўрон ҳар дақиқада кучайиб телефон линиясига зарар келтириши мумкин эди.

Қўлтигига ҳассасини қистириб олган Налбандов пальто ва фуражкада, бошини ён томонга бир оз қийшайтириб, телефон трубкасини чаккасига босди.

— Соцгородни беринг.

Трубка Налбандовнинг чаккасида худди бакенбарддек осилди.

— Марказий лабораторияни уланг. Миннатдорман. Қурилиш бўйича навбатчи гапиряпти. Ҳа, Налбандов. Салом, Ильющенко. Гап бундай...

Налбандов қошларини чимириб, деразага тикилди. Уша ёқда мислсиз тартибсизлик бўляпти. Налбандовнинг чеҳраси қоронғида картошкадек бўзарган.

— Гап бундай, Ильющенко. Ҳозироқ бирон кишини олтинчи участкага юбор. У ерда Маргулиес яна найранг кўрсатапти. Ҳа, ҳа, Харьков рекорди бўйича, албатта. Ақлини еб қўйибди. Мутлақо тўғри. Бетон сифатини текшириш учун намуна олишсин. Лекин, албатта, қонуний бўлсин: жамоатчилик вакиллари, матбуот ходимлари иштирокида комиссия тузилиб, расмий акт тузилсин. Ҳар ўн беш-йигирма қоринмадан намуна олиш керак. Кейин кубикларни лабораторияга олиб боришсин. Кўрамиз, кўрамиз. Узинг бора-санми? Жуда соз. Мен ҳам ўтаман. Бўрон? Бизда ҳозирча йўқ. Ҳа, сизлардами? Палаткаларни учуриб кетяпти? Яхши. Соғ бўл. Авария машинасини жўна-таман.

Налбандов трубкани чаккасидан олмай, кўрсаткич бармоғи билан телефон вилкасини босди.

Телефонда алоқа узилишининг қисқа жиринглаши эшитилди.

Лампочка аста-секин ўчди, лекин хона қоронғилашмади. Ҳамон боягидек бир текис оқиш, ваҳимали ёруғлик ҳукмрон эди. Кунлигини ҳам, тунлигини ҳам ажратиб бўлмасди. Жиҳозлар кўринади-ю, лекин тафсилоти аниқ эмас.

Дераза ойналари эгилмоқда.

Налбандов вилкадан бармоғини олиб, телефон трубкасига бамайлихотир гапира бошлади:

— Аварийная!

Бўрон гирдоби майдонга ёприлди.

Кишилар дуч келган томонга — шамол йўналиши бўйлаб ҳам, шамолга қарши ҳам югуришарди.

Шамол йўналиши бўйлаб югураётган одамларни бўрон кўтариб олгандек елдирад, айлантирад, йиқитар, улар кийимлари ёқавайрон, деярли учиб боришарди.

Шамолга қарши кетаётганлар эса кўкраклари, бошлари, елкалари, бутун гавдалари билан аранг ўзларига йўл очиб боришарди. Одамлар бўрон зўридан қулагудек бўлишар, лекин йиқилишмасди. Шамол уларни бамисоли ҳавонинг қия деворига суягандек бўй баравар тутиб турарди. Ҳа, одамлар ана шу қия

деворга қўл-оёқлари билан бамисоли сузаётган кишидек суяниб боришарди.

Шамол уларнинг кийимларини ечиб олгудек ҳар томонга итқитади.

Юзлари жилвирдек қаттиқ ва шиддатли тупроқ урилавериб қонталаш бўлиб кетган.

Бўрон меҳмонхонага урилди.

Меҳмонхонанинг бештала қаватида ҳам ромлар та-рақа-туруқ очилиб-ёпилди, чил-чил синган ойналар жаранглаб, ойна парчалари, устаралар, стаканлар, дарахт шохчалари дераза илгаклари билан пастга учди.

Қуюн дераза ва балкон эшикларидagi пардаларни юлқирди. Пардалар қаппайиб шатирлар, кулранг вимпелдек ҳар ёққа урилар, ташқарига отилиб чиқар, чайқаларди.

Меҳмонхонанинг барча қаватларидаги йўлак тирқишларида кучли елвизак увиллайди.

Циркнинг ердан суғуриб олинган устунлари тебранади, ағанайди, ёғочга қанишиб олган тўтилар қичқиради. Циркнинг сим билан тортилган каноп сурили томи шамолдан қаппайиб чайқалади.

Тенада турли — қизил, сариқ, кўк-рангдаги патлар учиб юрипти.

Нарида бўронга бошини тескари ўгирганича фил турипти. Унинг қулоғи улкан елпигичдек осилган, хартуми кўтарилган.

Фил чангни хартуми билан уриб қайтаряпти. Кўзлари даҳшатли, телбаларча чақнайди.

Шамол филни чекинишга мажбур қилмоқчи бўлади. У қоп-қора чанг қуюни ўртасида тисарилади.

Фил шамолга дош беролмай қочмоқчи бўлади, лекин тушовланган оёғидаги занжир жойидан қўзғашга йўл бермайди. Атрофни филнинг кишини ларзага солувчи, даҳшатли овози қоплади.

Бу овоз ваҳимали кемадан чиққан карнай овозига ўхшайди.

Даҳшатга тушган фил занжирни шалдиратганича уёқдан буёққа тортқилайди, лекин оёғидаги кишан ботиб оғритади. Шунга қарамай жонивор занжир боғланган тўсинни нари-бери силкитади, аммо йиқитолмайди.

Ниҳоят филга кўмаклашувга келган бўрон бор кучи билан тўсинни итара бошлаганди, тўсин дош беролмай ағдарилди.

Фил занжирга боғланган тўсинни чирпирак қилиб судраганича югура бошлади.

Жонивор филларга хос лапанг-лапанг йўртиб югурар, тахта деворларни қулатар, теннис тўрларини узар, будкаларни дуч келган томонга сулар, жон аччиғида ҳеч нарса кўрмай қўйган сургундаги тутқун каби телефон ёғочлари, футбол дарвозасига уриларди.

Бўрон бор кучи билан жами нарсаларга ёприларди.

Ниҳоят бўрон олтинчи участкага ҳам бостириб кирди.

Опалубка ва пўлат конструкциялар лапанглаб қарсиллади. Бетон қорғич машиналарнинг тахта мачталари, кранлар, кўприклар, том тўсинлари ҳам жўр бўларди бу қарсиллашга.

Ишчиларнинг тахта уйлари ҳам худди картон қутчасидек чайқалиб, қисирлашга тушди.

Бўшаган цемент бочкалар аравачаларга уриларкан, одамларни йиқитган кўйи чанг тўзғитиб тўшама устида бирин-кетин юмаларди.

Моторист бир қўли билан панжарани ушлаб, иккинчисида ричагни бошқарарди.

Бўрон унга ҳам ўчакишиб қўлини панжарадан юлқиб чиқарди. Лекин бармоқлар панжарани яна маҳкам чангаллади. Бўрон яна юлқиди. Бармоқлар яна чирмашди.

Полда кўзларини қисган хронометражчи қиз бошини тиззаларига қўйиб, учаётган қоғозларни иккала қўли билан ушлаб қолмоқчи бўлмоқда.

Бўрон қизнинг рўмолини қушдек учирмоқчи бўлар, сочларини юлқиса ҳам, у барибир қоғозларни тиззаларига босганича қимир этмай ўтирарди.

Бетон гувиллайди.

Қиз лой ёпишган соатига қараб, қаламда қоғозга эпчил белги қўймоқда.

— Саккиздан ўттиз икки минут ўтди, — беихтиёр қайд қилди Маргулес, хаёлан — икки юз йигирма тўртта қорешма.

Тўрт соату йигирма тўрт минут ичида икки юз йигирма тўрт қорешма.

Шамол Маргулесни ишчилар уйига ҳайдади. Бу ер бир оз тинч.

У хаёлида шоша-пиша ҳисоблай бошлади.

— Тўрт марта олтмиш — икки юз қирқ плюс йигирма тўрт — икки юз олтмиш тўрт. Икки юз олтмиш

тўртни икки юз йигирма тўртга бўлинса — тахминан биру йигирма минут. Яъни, битта қоричма ўрта ҳисобда тахминан бир минут-у ўн секундда тайёрланади. Қурилишдаги рекорд ортда қолди, аммо Харьков рекордигача ҳали анча бор.

Лекин бир оз тез эмасмикин?

Ҳавода пиджак, шапка, тахта ва тунукалар учади. Участканинг пўлат арқонлари чийиллайди.

— Сифат!

Маргулиес тарновга яқинлашди. Барабан гулдираяпти. Тарновдан кулранг-яшил тош бўтқа шувиллаб оқа бошлади.

Маргулиес қўлини тикиб, бир қисим бетон олди-да, уни кўзойнагига яқинлаштирди. У ишчилар уйининг қоронғи бурчагида бамисоли заррабинда кўраётгандек бўтқага тикилиб қаради.

У ҳар бир тош ва ҳар бир қум заррасини алоҳида-алоҳида текширди.

Сўнгра шилимшиқ бўтқани кафтлари орасида эзгилаб, бармоқларини дам ёпиб, дам очиб кўрди.

Маргулиес бўтқани ҳидлаб, таъмини тотиб кўришга ҳам тайёр эди.

Бетон унинг назарида — аъло даражали. Лекин у сифатни рангига қараб ҳам, ушлаб кўриб ҳам, огирлигига қараб ҳам белгилаб бўлмаслигини яхши биларди.

Сифатни кейинроқ, намуна олгандан сўнг камиде етти кун ўтгач, лабораторияда аниқлаш мумкин.

Шундай бўлса ҳам Маргулиес бетонни эзиб, майдалади, синчиклаб қарагач, ундан узоқлашмади.

Унинг қўлида бетон, катта бурни ҳам, кўзойнаги ҳам, пиджаги ҳам, кепкаси ҳам, этиги ҳам бетон юқи эди.

— Минг лаънат техникасига, — гудранди Маргулиес, — шунақаям орқада қоладими? Шу пайтгача ҳам бетон сифатини аниқлашнинг янги усулини ўйлаб топилмайдими-я! Илмий-текшириш институтларидагилар нима билан бандлар ўзи? Уят!

У тарновдан узоқлашиб, иш меъёрига қулоқ солди. Ҳа, энди иш суръати кучини аниқлаш учун бўроннинг чийиллаши ва гулдирани босиб кетган унинг овозини янада диққат билан тинглашга тўғри келарди.

Шундай бўлишига қарамай Маргулиес бу овозни топди. У буни бамисоли зилзилада вайрон бўлган шаҳар харобалари орасидан майда рўзгор ашёларини ахтаргандек топиб олди.

Меъёр пастлашган. Барабан аҳён-аҳёнда бир ағда-рилади.

Маргулиес иш фронтига бўрон девори орасидан эгилиб қаради.

Бочкалар думалаяпти.

Оля Трегубованинг янги кўйлаги парча-парча йир-тилиб кетган, атрофида лой аралаш елпинади.

Шамол замбилгалтакдаги цемент ва қумни юлқи-моқда. Шағал атрофга бамисоли ёрилган бомба парча-ларидек учади.

Бу ерда ҳам фронт, портлаш. Бу ерда ҳам штурм гумбури, газ ҳужумининг дуди.

Бўрон Маргулиесни яна ишчилар уйига улоқтирди.

— Давид Львович!

Мося худди портлашдан ғазабланган мушакбоз блиндажга югургандек тахталарни қасира-қусур бос-ганича ишчилар уйи томон сакради.

У овозининг борича бақирар, лекин бўроннинг куч-ли довулида аранг эшитиларди.

— Давид Львович!— бақирди Мося.— Цемент йўқ! Охирги бочка қолди! Уртоқ бошлиқ! Шуям иш бўлди-ми! Цемент йўқ! Тўғриси айтсам, ҳаммаларингни жин урсин!

У тажанглик билан қўл силтади.

Тирналган чаккасидан қон аралаш ифлос тер оқарди.

— Чаккангизга нима қилди?

— Бочка! Бочка, ҳаммаларингни жин урсин, шуям иш бўлди-ми? Охирги бочка цементни ишлатяпмиз!

— Ҳозир!— бақирди Маргулиес.

Уларнинг оралиғи икки қадам. Шунга қарамай бир-бировларининг овозини аранг эшитишарди.

— Нима? Нима-а-а?— бақирди Мося.

— Ҳо-зи-ирр!— қичқирди Маргулиес ҳам.

У ўзини нарвонга отиб, яна бўрон девори орасида энгашганича югуриб кетди.

Шамол Маргулиеснинг кепкасини учирмоқчи бў-лар, лекин кепка дағал сочлар устидан бостириб ки-йилгани учун қимирламасди.

Маргулиес прораб идорасига етиб бориб, эшикни тортиди. Лекин шамол итариб турганлигидан эшикни очиб бўлмади. Бирдан шамол йўналишини ўзгартир-ди-ю, эшик очилиб кетди.

Маргулиес ичкарига отилди.

— Цемент!

Кутайсов столга энгашган кўйи телефон трубкаси-га бақирарди:

— Алло! Алло! Омбор! Алло! Станция! Алло! Станция!

У трубкани дэворга отди.

— Ишламаяпти. Лаънати, узилган! Алоқа узилган! Корнеев билан Слободкин ўша ерда.

Кутайсов Маргулиесга бир зум хира кўзларини катта-катта очганича маъносиз қараб турди-да, бирдан яна трубкани қўлига олди.

— Алло! Станция! Алло! Алло!

У аппаратни муштлади.

— Аварийная! Аварийная! Алло! Аварийная!

54

Слободкин — электр станцияси ва транспорт. Кутайсов — цемент. Тригер — қум ва тош карьери. Семечкин — водопровод.

«Комсомольская правда»нинг марказий авария штаби кучлари ана шундай тақсимланганди.

Лекин иш бошланган дастлабки дақиқаларданоқ бу тартиб бузилди.

Тасодифий ҳол рўй берди. Бригаданинг икки аъзоси — Саенко билан Загиров ишлашдан бош тортишди.

Шунда йўл-йўлакай ўзгартиш киритилди.

Бу стихияли тарзда вужудга келди.

Митти Тригер Саенконинг қўлидан белкуракни тортиб олиб, темир йўлдаги шағал ёнига борди. Бир ўзи саккиз соат давомида икки кишининг ўрнини босишига тўғри келди.

Бу деярли мумкин эмасдек туюларди, лекин бошқа иложи ҳам йўқ эди.

Вақт қараб турмасди. Вақт ўтиб борарди. Уни қувиб ўтиш керак эди.

Шундай қилиб, қум ва тош карьерлари назоратсиз қолди.

Лекин Винкич бор эди.

— Карьерни менга бер,— деди у Кутайсовга.— Нима дейсиз, Георгий Васильевич? Биз Георгий Васильевич икковимиз карьерларни назорат қиламиз.

Бошқа илож йўқ, ҳар бир киши олтиндек зарур эди.

Вақт ўтиб борарди.

Ғарбдан шарққа йўналган бўрон участкадаги ҳамма нарсаларни беаёв бузиб, опалубка ва пўлат конструкцияларни силжитиб ўтарди.

Бўрон ғарбдан шарққа юриб, яна йўналишини ўзгартирди.

Ҳа, бўрон йўналишини тез-тез ўзгартирарди.

У ғарбдан жанубга ўгирилди. Жанубдан шимол томонга йўналди, кейин яна ўгирилиб олди. Энди ҳозиргина зарбасига учраган участкани тит-пит қилгач орқага — шарқдан ғарбга интилди.

Ғарбий, шимолӣй, жанубӣй ва шарқӣй қуюнлар бир-бири билан тўқнашар, олишар, қорайиб, чирмовуқдек буралиб, кўкка бўй чўзарди.

Тўрт қуюн — тўрт армия эди гўё.

Қуюн омборнинг очиқ эшигидан цементнинг нафас бўғувчи тўқ-барикарам чанг тўзонини пуркади.

Цемент чанги тахта девор тирқишларида ташқарига тўзиб чиқар, деворлар бамисоли тутаётганга ўхшарди.

Кўрган одам омборга ёнғин тушган деб ўйларди.

Корнеев қирқ бочка уч ноль маркали вольск цементини талаб қилиб, омборчи билан икки соатча тортишди.

Омборчи икки соатча кўнмади.

Қирқ бочка уч нолли вольск цементи!

Корнеев иложсиз нарсани талаб қиларди. Омборчининг ўз ҳолича суткали нормадан ортиқ цемент беришга ҳақи йўқ. Кўрсатилган план бор. План аниқ бажариш учун ҳам у план-да.

Корнеев муқобил план ҳақида бақариб тушунтирди.

Омборчи инструкцияни рўкач қилди.

Корнеев ишлаб чиқариш унумини ошириш, иш суръатини кўтариш ҳақида гапирди.

Омборчи французча кураш майдонини тилга олди.

Гаплари бир-бирларига тўғри келмасди. Уларнинг овозлари гоҳ бақаришгача кўтарилар, гоҳ пичирлагандек пасаярди.

Уларнинг ҳаяжондан ранглари оқарган, кўзлари чақнаган, бошларидан оёқларигача худди тегирмончидек цемент гарди қоплаган куйи бир-бирларига рўбарў туришарди.

Омборчининг нигоҳи совуқ: ойнага ўхшарди. Корнеевнинг кўзлари эса ўйноқи, қизарган, бир оз шишинқираган.

Омборчи икки соатгача Корнеевдан устун келиб турди.

Лекин телефонда Кутайсов гўлдиради-ю, у паст тушди.

— Қирқ бочка. Накладнойга қўл қўйинг. Состав борми?

Состав йўқ эди.

Кутайсов телефонда, состав ҳозир етиб боради, деди. Лекин состав кўринмасди.

Корнеев минут сайин омбордан чиқиб, рельс бўйлаб тикиларди.

Қутураётган бўрон унинг юзларига қум ва тупроқ сочарди.

Корнеев бурнини асабий торгди, йўталди. Кўзларида пушти ёш гилтиллаб, охири лой аралаш юзларидан оқиб тушди. Ёрилган лабларидаги ёшнинг шўртанг таъмини ҳатто ўзи ҳам сизди.

Бўрон дам кўтарилар, дам пасаярди.

Шалоқ, темирлари занглаган, омонат ёғоч зинали иккита яшил вагондан иборат тинчи хароба станция элас-элас кўзга ташланади.

Бўрон ўнгиб кетган қизил мато парчасини юлқирди, ёғочни тебратарди.

Лекин станция олдидаги йўл очик, рельслар эса ваҳимали ва мутлақо бўш эди.

Ниҳоят состав бўрон тазйиқини аранг енгиб, аста-секин юриб келди.

Слободкин ҳали тўхтаб улгурмаган паровоздан сакраб ерга тушди.

— Бу нимаси? Бу нимаси? — қичқирди Корнеев. — Намунча имилламасанглар! Бўл, бўл, бўл!..

— Уф, қанақа одамлар ўзи, вой аблаҳлар-ей, — деди Слободкин.

У сиртдан бутунлай хотиржам кўринарди.

— Составни шундоқ бўғзидан суғуриб олишга тўғри келди... Вой, итлар-ей!..

Слободкин ҳарсиеллар, аранг нафас оларди. Сочи қирилган кўкиш боши, жигарранг юзидан тер қуйилиб оқарди. Бир томони дарз кетган кўзойнаги ҳўл, кир.

— Лаънати қандайдир пайраҳа келиб урилди.

— Бўл, бўл, бўл!

Юкчилар бригадаси омбордан ёрилган, чанги тўзгиган бочкаларни юмалатиб олиб чиқишди.

Бўрон йўналишини ўзгартириб, орқага — шарқдан ғарбга интилди.

Энди у составнинг орқа томонидан эсарди.

Бўрон составни жадаллар, паровозни ниқтарди. Паровоз эса тоғ ортгандек имиллаб ўрмаларди.

Лекин пастдаги қуюндек буғ барибир паровоздан ўзиб кетарди. Паровоз тутун ортидан етиб ололмасди. Тўнтарилиб, пўлат изларга поёндозсифат тўшалган тутун составни ортидан судраб бораётгандек эди.

Корнеев билан Слободкин бочкада тебранганларича ўтиришарди.

Состав ёнидан ора-чира шлагбаумлар, будкалар, бараклар, опалубкалар ўтяпти. Темир изни кесиб ўтувчи йўлда отлар олдинги оёқларини тираганча тоқатсизланар, аравадаги бўш ёпиқ термосларда эса тошиб осилган хамир кўринарди. Афтидан, қайсидир участкага кечки иссиқ овқат олиб кегишаётганди.

Қора кўзойнак таққан одамлар югуришмоқда.

Состав юрган сари тўзонли бўрон орасида участкалар бурчак бўлиб айланар, ишчи уйлари рота янглиғ саф-саф ортда қолаётганди.

Оёғига устун боғланган фил гирдибод ичида узун-узун қадам ташлаганича енгил, салобатли йўртиб, устун, тупроқ, ускуна уюмларига урила-урила борарди.

Фил темир йўлнинг ўтиш жойига келгач, қоққан қозикдеи туриб қолди. Паровоз уни тутун, буғ, чийиллаш, дуд билан кўмиб юборди.

Фил ўзини четга отди-ю, котлован томонга интилиб, экскаваторга рўбарў бўлди.

Қўнғир дуд билан қопланган «Маршон-6» стреласини тушириб, ковшини тупроққа санчиганча турарди.

Тиззасигача говак лойга ботган фил қулоқларини ёйиб, хартумини кўтарди.

Экскаватор занжирларини шалдирятиб, стрелкасини юқорига кўтарди. Фил бўкирди.

Экскаватор чинқирди.

Жонли ва автоматик икки фил хартумларини кўтарганларича юзма-юз турар ва бир-бировларига йўл беришни хоҳламасди.

Жонли филнинг шамолдан қаппайган қулоғи титрар, митти, ўйноқи, қон қуйилган, телбанамо кўзлари даҳшатли чатнарди.

Состав унинг ёнидан пишиллаб ўтиб кетди.

— Кўчада филни олиб юришларини қаранг, одамларга кўрсатмоқчилар шекилли! — деди Слободкин дўридоқ овози билан шамол орасидан.

Кейин хахолаб кулди.

Корнеев унинг елкасидан қучди.

— Дурустроқ бирор нарса ёзгандирсан, Слободкин? Нима билан бизни хушнуд этасан? Янги поэмами? Қачон ўқиймиз?

Слободкин қўлини силтади.

— Қанақа поэма бўларди бу аҳволда, ука. Ҳозиргина диспетчерлик бошқармасида икки соат мана бу ярамасни нуқул сўкиниш билан тушунтирдим. Сўкиш, бошқа илож йўқ бу ерда. Ҳар куни шу. Яна сен поэма дейсан.

Улар жим бўлишди.

— Ўзингнинг ишларинг қалай, Корнеев?

— Ишларим шуки, ана...

Корнеев соати тасмасини тортди.

— Йигирма минути кам тўққиз,— деди у бурнини тортиб.— Кечикяшмиз, кечикяшмиз.

У тескари ўгирилди. Кўзларида ёш томчилари қалқиди.

Бўрон бўшашай демасди.

Темир йўлнинг ишчилар уйи яқинидаги ўтиш жойида транспорт ва одамлар гужгон эди.

Маргулиес кўзойнагини ушлаб, этиги учи билан ерни тирнаганича состав томонга югурди.

— Нима қилдиларинг шу пайтгача, жин ургурлар! Сизларни деб ўн минут туриб қолдик! Одамни хит қилиб юбордиларинг-ку!

Мося ҳам етиб келди.

— Бўлинглар! Бўлинглар! Бўлинглар-а-ар, худо беҳабарлар!

У ақлдан озиш ҳолатида эди. Кўлчиган, газабнок, оловли, лой чапланган юзидаги кўзи лаққа чўгдек ёлқинланарди.

Ишченко состав тўхтамасданоқ унга сакраб чиқиб бочкага ташланди.

— Тў-ў-хта-а!

Состав аста-секин тўхтади.

Поезд шамолнинг кучи билан анчагина нарида — шағал билан бетонқорғичнинг ўртасида — шундоқ тахта тўшама рўпарасида тўхтади.

— Орқа-га-а! Орқа-га!

— Тўхта! Тўхта! Қаёққа, жин чалгур, орқага!

— Орқага ҳам мумкин эмас. Орқада арматура уйиб ташланган, тушириладиган жой йўқ.

— Составни ажрат! — бақирди Ишченко.— Ажрат! Бирдан-бир йўли — составни ажратиш ва нарироқ

суриш, цемент туширилиб бўлгунча шағални вагонлар орасида очилган ана шу жойдан олиб ўтиш эди.

Корнеев ерга сакраб тушди.

— Давид, қанча?

— Икки юз тўқсон икки. Кўрдингми, арзимас тўшама ҳам қанчалик аҳамиятга эга экан!

— Мен сенга айтдим-ку. Харьков тамом, тамом бўлди Харьков...

— Қаёқдайдинг, жин ургур? Сени деб тушки овқатдан ҳам маҳрум бўлдим. Хўп, майли, ҳечқиси йўқ.

Корнеев жаҳл билан бурнини тортди.

— Икки соатдан ортиқ... Биласанми, Давид, анави омбордаг аҳмоқ билан икки соатдан ортиқ жанжаллашдим. Бермайман дейди. Қайсарлик қилиб туриб олди. Ярамаслар!

— Ҳа...

Маргулиес этигига диққат билан қаради.

— Хотининг кетдими? — сўради у Корнеевнинг тирсагидан аста ушлаб.

Корнеев хаёлчан узоққа тикилди.

— Ҳечқиси йўқ, тезда қайтиб келади, — деди Маргулиес.

Корнеев яна соатига қаради.

— Шағалда аҳвол қандай? — сўради у қошларини чимириб.

— Чатоқроқ.

— Терлашяүтими?

— Терлашяпти.

— Хўп, майли. Бор, овқатлан, Давид. Эрталабдан бери туз тотганинг йўқ.

— Ҳа... Бирон нарса ейилса ёмон бўлмасди. Бугун кечкиликка гўшт билан макарондан ажойиб овқат тайёрлашганмиш.

У кўзини қисиб, оғзини каттакон очди-да, маънодор қилиб такрорлади.

— Гўшт билан!

Маргулиес бирдан ўгирилиб, атрофга қулоқ солди.

Шамол овози, бўрон гувури орасидан қулогига бетонқорғичнинг ҳорғин овози, барабаннинг ағдарилиши эшитилди.

— Кетдик, бошлашди, — деди у ҳаяжонланиб. Кейин шу заҳоти «Икки юз тўқсон уч» деб хаёлидан ўтказди-да, тўшама томонга йўналди.

Икки юз тўқсон уч. Икки юз тўқсон тўрт. Икки юз тўқсон беш.

...олти...

...етти...

...саккиз...

Қопқоғи очилган қирқта бочка оғзида қуюқ чанг тўзияпти.

Чанг кўтарилаётган замбилғалтаклар бирин-кетин ковш ёнига келиб, цемент ағдармоқда.

Бир замбилғалтак шағал.

Бир замбилғалтак цемент.

Бир замбилғалтак қум.

— Ковш!

Моторист бир ричағни сурганди, ковш кўтарила бошлади, иккинчисини сурганди, сув қуйила бошлади.

Сув барабанни кечиктирарди.

Ковш кўтарилаётган пайтда сув қуйилади. Ковш барабанга тўнқарилганда сув қуйилади. Барабан айланаётганда ҳам сув қуйиларди.

Ханумов машина олдидан силжимасди.

Бўрон томошабинларни қувиб юборди. Улар ишчи-лар уйига, саройга, идорага яширинишди.

Ханумов эса кетмади.

Бурни пучуқ, чўтир юзида чақнаган кичкина кўк кўзли бу йигит лабларини қаттиқ қисган кўйи ёноқ суяклари бўртиб, тўшама атрофида қийшайганча югурар, ҳаммаёққа тумшуқ суқар, қўли билан ушлаб кўрар, дафтарчасига алланималарнидир ёзиб қўярди.

— Ханумов, нима, жосуслиқ қиляпсанми? — шодон қичқирди Ишченко Ханумовнинг ёнидан югуриб ўтаётиб. — Орқамдан жосуслик қиляпсанми? Ёз, ёзавер! Планларимдан кўчирма ол, керак бўлиб қолар! •

— Мендан хавотирланмай қўя қол, — тишлари орасидан гўнғиллади Ханумов. — Ўзимга кераклигини қолдирмайман.

У газабнок эди. Жаҳлини чиқарган нарса — тахта тўшама. Наҳотки шу жўн нарса ҳам хаёлига келмаган бўлса!

Тўшама ҳамма ишни дарҳол ўзгартириб юборди. Ишченко ўз мартабасини кўрсатди. У жаҳон рекордини орқада қолдиради. Ханумов бунга бепарво қараб тўролмасди.

— Мендан хавотирланма, ўзимга кераклигини оламан, — гудранди у яна. — Ўзимга кераклигини оламан. Хотирингиз жам бўлсин.

Харьков рекорди ортда қолишидан ҳеч ким шубҳаланмасди. Яна ўн беш минут ичида ўнта қоришма ағдарилса, тамом, Харьков ортда қолди деган гап.

Бундан ташқари, Ишченконинг ихтиёрида смена вақтидан яна уч соат қолади. Тўғри, йигитлар чарчади. Шундай бўлса ҳам уч соат ичида яна бирмунча иш бажарилади.

Ишченконинг паровозга ўтириши аниқ. Бу шундоқ кўришиб турипти.

Лекин ундан сўнг Ханумовнинг сменаси ишга тушади. Ушанда Ишченко ундан яхшигина сабоқ олади.

Ханумов аллақачон баъзи бир камчиликларни аниқлади.

Биринчидан — шағал. Аввало Ханумов болалар билан замбилгалтакларни рельс устидан олиб ўтмаслик учун темир йўл полотносининг ўнг томонида яхшигина жой тайёрлайди. Бу ишни анча енгиллаштиради.

Иккинчидан — бетонқорғич конструкциясида ҳам озгина камчилик бор. Моторист бир қўл ҳаракати билан ковшни кўтаради, иккинчиси билан эса сув қуяди. Биринчи ҳаракат билан иккинчисининг орасида беш секундча вақт ўтади. Шундай қилиб, ҳар қайси қоришма тайёрлаш даврида сувни деб беш минут ютқазил-япти.

— Ишда ортиқча беш секунд — кам вақт эмас бу!

Ханумов бошқариш ричагини диққат билан кузатди.

У иккала ричагни оддий сим билан бўлса ҳам жўнгина улаш мумкинлигини ўйлаб қўйди. Шунда сув ковш билан бир пайтда келади.

“Вақтдан ютилади.

Ханумов бу кашфиётни охириги дақиқагача сир сақлайди, кейин уларга кўрсатиб қўяди!

Ханумов бу дақиқаларни олдиндан пинҳона ором билан роҳатланиб кутарди.

Бўрон уни оёғидан чалишга ҳаракат қилар, урар, айлантлар, кўзларига тупроқ сочарди. У шу онларда ўзини худди аэропанда учаётгандек ҳис қиларди.

Лекин Ханумов барибир жойидан қўзғалмади.

Ишченконинг замбилгалтаклари ва ковши биринкетин тўнтарилишда давом этмоқда.

Бир замбилгалтак шагал.

Бир замбилгалтак цемент.

Бир замбилгалтак қум.

— **Ковш!**

Ковшнинг шақирлаши, шестерняларнинг шовқини, сув ва ағдарилган суюқ бетоннинг шалдираши.

Икки юз тўқсон тўққиз. Уч юз. Уч юз бир. Уз юз икки...

...уч...

...тўрт...

...беш...

...олти...

— **Ура-а-а!**

Мося жазаваси тутиб, кепкасини ҳавога отди. Қуюн кепкани илиб олиб, ракета траекторияси бўйлаб юқорига — қоп-қора осмонга учириб кетди. Кепка қушча каби бетон қуйиш минораси баландлигида учди. Кейин чанг булути орасида кўздан ғойиб бўлди.

Барабан шақирлайди.

Корнеев соатига қаради. Маргулиес елкаси оша унга назар ташлади.

Соат тўққиздан етти минут ўтипти. Бу вақт ичида уч юз етти қоришма қуйилди. Харьков марраси эгалланди. Жаҳон рекордига эришилди. Яна икки соату эллик уч минут иш вақти бор.

Митти Тригер шагал уюмига аста чўнқайди. Белкурак қўлидан тушди. Кафти моматалоқ қавариб кетганди.

Сметана рельсга ўтирди. У иккита платформа ажралган ердаги ўтиш жойида ўтирар, ёнида — шпаллар орасига гилдираги тиқилганича замбилгалтаги турарди.

Оля Трегубова Сметананинг қаршисида чўнқайди.

Уларнинг юзларидан тер қуярди. Кўзлари бахтиёр чақнайди. Улар сукутда. Бир дақиқа нафасни ростлаш мумкин энди.

Иш бир дақиқа тўхтади.

Маргулиес тахта тўшама устидан, ишдан тўхтаган болалар орасида югуради. Улар уч юз еттинчи қоришма қуйилганда қай ақволда бўлишса, ўша кўйи тўх-ташганди.

Улар машинага қараганларича қимир этмай қотиб туришарди.

— Болалар, азизларим, — гўлдиради Маргулиес, — қимирланглар, қимирланглар. Суръатни пасайтирмайманглар. Кейин дам оламиз.

Мося югуриб келди.

— Давид Львович! Мени сўқинишга мажбур қилманг! Рекордга ким жавоб беради? Овқатланишга бординг, сизни қарангу.

Ишченко белкуракка суянганича Ханумовга қараб турарди.

Ханумов эса Ишченкога қарамай, унинг ёнидан тез ўтиб кетди.

— Паровоздан туш! — қичқирди бригадир унинг орқасидан.

Ковш аста-секин юқорига кўтарилди.

Шура Солдатова ишчилар уйи орқали чопди. Елвизак унинг қўлидаги ўралган қоғозни тортқилар, Шура қоғозни кўкрагига босиб олганди.

Аёл сап-сарик қалин қошларини қаттиқ чимирганича югуришда давом этарди.

Дағал қирқилган сочлари кўзларига қаттиқ урилади. У дам-бадам бошини силкиб, сочларини орқага ташларди.

Шура дўрдоқ нимқизил лабларини тишлаганича аччиғланарди.

Унинг орқасидан иккала йигитча югуриб келишди.

Бирининг қўлида мих, иккинчисида эса — болга.

Шура тахтасупага чиқиб, ишчилар уйи деворини кўздан кечирди. Машина ёнидаги ер қулай жой кўринди.

Шура Солдатова панжарага сакраб чиқди-да, ўралган қоғозни тахтага қўя бошлади.

Шамол уни тебратиб, йиқитишга ҳаракат қиларди.

— Васька, михдан бер! Коля, болгани узат!

Шура болга билан мувозанатини тўғрилади. Бу пайтда болга унга посонги ролни ўйнади.

Аёл ўрама қоғознинг тепа қисмини тўртта мих билан мустаҳкам қилиб қоқди.

Кейин ўрамани аста пастга бураб оча бошлади.

Унда катта-катта ҳарфлар билан яшилрангда ёзилган қуйидаги биринчи сатр кўзга ташланди:

КУЗНЕЦКСТРОЙГА ҚАРАШЛИ

Шура Солдатова қоғоз очилган жойнинг икки четига яна мих қоқди.

Шамол қоғозни қаттиқ тортқиласа ҳам, лекин уни кучиролмади.

Қоғозда кўкрангда ёзилган:

БЕТОНЧИЛАР БРИГАДАСИ

деган иккинчи сатр пайдо бўлди.

Яна болға тақиллади, кейин сариқрангли навбатдаги:

БУГУН МИСЛИ КЎРИЛМАГАН СУРЪАТГА ЭРИШИЛДИ

сатрлари кўринади.

Кейин қизилрангда каттакон қилиб ёзилган:

ХАРЬКОВЧИЛАРНИНГ ЖАҲОН РЕКОРДИНИ ОРТДА ҚОЛДИРИБ, БИР СМЕНАДА 402 ҚОРИШМА ТАЙЁРЛАНДИ

жумлалари намоён бўлди.

Охирида эса жигарранг билан кичикроқ қилиб ёзилган қуйидаги сўзлар бор эди:

ЎРТОЛА, ЎРТОЛА, ШУ ПАЙТГАЧА КАЛИШДА ЎТИРИШ ЭНДИ УЯТ.

Барабан шарақлади.

— Кечикдик! — деди тишлари орасидан Ишченко.

У кафтларига туфлаб, шартта белкуракни кўтарди.

— Давид Львович...

Мося ёйилган қўлларини маъюс силкиди.

— Давид Львович... Нима бўляпти ўзи? Кўрдингизми, яна кечикдик! Айтдим-ку.

У бирдан бегона товуш билан бақирди:

— Тўшамадан тушинглар! Бегона одамларнинг ҳаммаси тезроқ тушсин! Давид Львович! Ўртоқ бошлиқ! Сменага ким жавоб беради! Давид Львович, худо ҳаққи, овқатланишга боринг!

Маргулиес майингина жилмайди.

— Хўп, хўп.

У наришонхотирлик билан чўнтагини кавлади-да, шакарланган маккажўхорининг охирги бўлагини олиб оғзига солди.

— Болалар, азизларим, — деди у пичирлагандек, ~~қ~~ қимирланглар, қимирланглар. Яна уч соат вақтимиз бор. Бўш келманглар.

— Давид Львович!!!

— Кетяпман, кетяпман.

— Бос! Қимирланглар. Яна иш бузилади! Гап бас қилинсин... Тезроқ, тезроқ.

Ҳамма ўрнидан қўзғалди, ҳамма яна ишга тушиб кетди.

Митти Тригер дик этиб ўрнидан турди. У бор кучи билан белкуракни шағалга ботирди.

— Пилдира!

Оля замбилгалтакка ёпишди. Кафти эса ловуллади. У бутун кучи билан замбилгалтак дастасини чақгаллади, юзлари қип-қизил бўртиб, йўлга тушди. Замбилгалтак иккига ажралган платформалар орасидан рельсга тақ-тақ урилганича сакраб-сакраб, чийиллаб юриб кетди.

— Кейингиси!

Сметана шу заҳоти Олянинг ўрнини эгаллади.

— Тезроқ сол! Тезроқ сол! Бос.

Унинг юзи ҳозиргина сўйилган тарвуздек ял-ял ёнарди. Мовий кўзлари узун яшил-кулранг киприклари орасида чақнарди.

Бўрон бирдан йўналишини ўзгартириб қутурганча яна ўз изидан — шарқдан ғарбга томон интила бошлади.

Составнинг бир-бирига урилган буферлари биринкетин қарсиллади. Сметананинг замбилгалтаги зарб билан рельсга урилди.

Платформалар юриб кетди.

— Эҳтиёт бўл!

Ажралган платформаларнинг буферлари бир-бирига тарақлаб урилди. Сметана.

— Қўлим... қўлим... — дея бақириб юборди.

Бир зумда унинг ранги ўзгариб кетди. Лов-лов ёнаётган юзлари энди бўзарганди.

Замбилгалтак пачақ-пачақ бўлиб кетди.

Сметана бир-бирига урилган буферлар оралигида — икки из ўртасида турарди.

Унинг чап қўлидаги латтадек осилиб қолган бревент қўлқоп бир зумда намланиб, қорайди.

Сметана букчайганича темир йўл изидан сирғалиб ерга ўтирди.

Одамлар Сметананинг ёнига югуришди.

У ўнг қўли билан чап қўлқопини суғуриб олди. Кўзи сарғиш-қизил қон аралаш панжаларига тушди-ю, Сметана қалтираганича йиғлаб юборди.

Оғриқ кейинроқ бошланганди.

56

Эс-ҳушини йўқотган Загиров чопиб борарди.

У қайси йўлдан кетаётганига ақли етмас, бўрон ағдар-тўнтар қилган жойларни сира таниёлмасди.

Загиров бўрон изи бўйлаб югуради.

У югураркан, дам ағдарилган тахта деворларга қоқиларди, дам тиканли симлар орасидан кўйлаги йиртилиб, лахтақ қолдириб ўтарди.

Загиров пишқираётган кўлдан ҳовучлаб сув ичди. Ичганда ҳам қорни шишиб кетгунча ичди, лекин сира чанқоғи босилмасди.

У чақмоқтошларда сирпана-сирпана тепаликка чиқарди, йиқилар, бамисоли маймундек тўрт оёқлаб яна тирмашарди.

У дабдаласи чиққан ботинкасини отиб юборди.

Энди оёқяланг юра бошлади.

Боши айланарди.

Олдинда — осмон билан ер оралигида бир-бирини қувиб, олиша-олиша, баҳайбат чанг гирдоби чайқаларди. Загиров ўша гирдобга тушиб қолганди.

Загиров ўзича нима қилаётганини ҳам, атрофида нималар содир бўлаётганини ҳам билмасди.

Даҳшат ва қўрқув уни олға, станицадан, Саенкодан, қоронғи саройдан, тартибсиз ўсган кўк наша пояларидан нарига итарарди.

Шу топда Загиров ўзини бўрон изидан кетаётгандек, Саенко эса, орқасидан қувиб келаётгандек сезди.

Загиров шу кўйи бригада томон югурарди.

Унинг кўзи очилди, ўзига келди, атрофга аланглади — қандайдир майдон орқали кетаётганди.

Қаеридир таниш кўринди. Лекин, шунақанги сукунатли, шунақанги дим, шунақанги чидаб бўлмас даражада ўткир нимқизил ёруғликки асти қўясиз!

У теваракка аланглаб, ниҳоят таниди.

Бу ҳали планировка қилинмаган қадимий дашт уюри. У ишчилар уйининг ғарбига жойлашган.

Бу ерда чўл чечаклари, ўт-ўланлар ҳамон сақланиб қолганди.

Ҳаво бадқовоқ, дим. Бўрон тўхтаган.

Боши узра пастак, баҳайбат, қуруқ, пистакўмирдек қоп-қора булут осилиб турипти.

• Булут ғарбдан шарққа — уфқдан уфққа чўзилган.

Шарқда у ер қатламига сингиб кетгандек. Ғарбда эса ергача, унгури Урал тоғ чўққиларигача етиб бормаган.

Булут ғарб уфқи узра чўрт кесилиб, ёрқин нур чулғаган қат-қат чаккалари тиниқ осмон билан кескин уланиб кетган.

Қуёш уфққа бош қўя бошлагану, лекин аёвсиз тафти пасаймаган. У қиём вақтидагидек сернур, фақат бир оз сарғиш.

Офтоб кўзни қамаштирувчи нури билан худди нимсариқрангда локлангандек ерга қия мўраламоқда.

Қурилиш манзараси шафақнинг бенгал нурлари билан ёритилган қора уфқ қаърида бутун икир-чикирларигача намоён бўлади.

Энг ингичка ўт-ўлан кўланкаси ҳам чўл бўйлаб ўн метрларча жойга чўзиларди.

Загиров ишчилар уйи томон кетяпти. Олдида эса каттакон, ёғоч оёқдек узун ингичка сояси чайқалиб, судралапти.

У иш фронтига ғарб томондан яқинлашиб келарди.

Одамлар билан ғилдираклар сояси ишчилар уйининг бутун саккиз қаватли девори баландлиги бўйлаб тебранмоқда.

Нозик, баланд бўйли Шура Солдатова Сметананинг қўлтиғидан оҳиста тутган кўйи четан девор томонга олиб бормоқда.

Сметана нам кўйлақда қуёшдан чимирилиб, оппоқ юмалоқ бошини эгганича лабларини тишлаб, йиғлаб кетяпти. У доқаланган, бақлажондек йўғон чап қўлини ўнг қўли билан кўтариб, оқсоқланиб боряпти. Ярадор қўлини авайлаб, гўдакдек бағрига босиб олган эди.

Шура Солдатованинг елкасида қизил крестли санитар сумкаси осиглиқ.

Улар бир-бирларига яқинлашишти.

Сметана бошини кўтариб, Загировга қаради. Унинг бўзарган япалоқ юзида на ажабланиш, на қаҳрга ўхшамаган ифода бор эди.

— Кўрдингми? Мана...

Сметана кўзи билан қўлига имо қилди. Унинг гезариқ лабида аянчли кулги жилваланди.

— Мана... Кўрдинг... Ажойиб қўлим бор эди...

— Оғрияптими? — сўради Загиров.

Сметана тишини тишига босиб, бош чайқади.

Баҳайбат соялар ишчилар уйи девори бўйлаб тебранарди.

Шура Солдатова пешонасига тушган сочини шартта орқага силтади.

— Бор.

Загиров тахта тўшамага яқинлашди.

Мося замбилгалтакни жадал ғилдиратарди.

Загиров ажабланди.

Бу тартибга хилоф. Одатда ишбошининг ўзи сира ишламасди. У фақат ишни кузатиб туриши керак эди. Лекин ҳозир Мося ҳамма билан бараваар ишлапти.

Митти Тригер Оля Трегубованинг замбилгалтагига куя-пиша шағал ортарди.

— Қимирла! Қимирла! Суръат, суръат! — қичқирди Ишченко.

Унинг қорайган ҳўл сочи кўзига тушган.

Бригадирнинг уни олиб ташлашга ҳам вақти йўқ.

Иш фронтига чор атрофдан одамлар югуриб келишяпти.

Барабан шақира-шуқур ағдарилди.

— Уч юз йигирма тўққиз, уч юз ўттиз, уч юз ўттиз бир... — пичирлади оломон.

Рақамлар оғиздан оғизга кўчарди.

Ханумов митти жиддий кўзларини мөгористдан бир дақиқа ҳам узмай, машина ёнида турипти.

— Бўл, бўл, — ғўлдиради у қўлидаги пайраҳани айлантириб, синдиракан.

Ханумов баъзи дақиқаларда бу бригада уники эмас, бегона эканлигини ёдидан чиқариб қўярди.

Доғ-дуғ туфли кийган Корнеев чошиб ўтди.

У юрган йўлида соатининг тасмасини тортқиларди.

— Соат тўққиздан ўттиз икки минут ўтди. Йигитлар, азизлар, дўстларим...

Юзидаги томирлар билинар-билинемас тортишган. У бурнини тортар, йўталар, бўш портсигарини қўлига оларди.

Загиров яна яқинроқ келди.

У атрофга аста аланглади. Теваракда одамлар кўп, лекин улар Загировдан бошқа ёққа қарашарди.

У темир йўлнинг ўтиш жойига ҳайқиброқ яқинлашди.

Тригер бир нуқтага тикилганча шағалга кетма-кет белкурак босиб, замбилгалтакка ташларди.

— Бўла қол! Кейингиси!

Загиров пича жим турди-да, кейин одатдагидай шимини тортиб қўйиб, қўлига туфлади ва:

— Менга бер,— деди.

Тригер унга елкаси оша қараб, боши билан орқага имо қилди.

— Анави... ерда...— деди у нафаси тиқилиб, — бошқа... белкурак... бор...

Загиров ердаги бўш белкуракни олиб, кафтларига туфлади-да, Тригер билан ёнма-ён турди.

У Мосяга бўшашибгина қаради. Мося юзини ўгирди. Загиров Ишченкога боқди. Ишченко ҳам ундан кўзини олиб қочди.

Загиров томоқ қириб, шағал уюмига белкурак босди.

— Кейингиси.

57

Фома Егорович ранг-баранг ҳошияли юпқа даструмоли билан полтаваликларга хос малла мўйловини артиб, кейин уни ҳаворанг комбинезонининг кўкрак чўнтагига солди.

У ҳозиргина тўйиб овқатланган, совунлаб ювинган, сочларини тартибга келтирганди.

Кечки овқатга макарон аралаш гўштли бабка¹ беришди.

Энди дам олса бўлади.

Фома Егорович бамайлихотир меҳмонхонага кетарди. У ерда чекади, китоб-журнал ўқийди. Ҳозирча ана шу роҳатли дақиқаларини орқага сурарди.

— Хўш, ишларимиз қалай, ўртоқ Эдисон?— сўради Фома Егорович Маргулиеснинг ёнидан ўтаётиб.— Харьковни боппладинларми?

Маргулиес жимгина плакатга имо қилди.

«Кузнецкстройга қарашли бетончилар бригадаси, — мамнуният билан, лекин шошилмай овоз чиқариб ўқий бошлади Фома Егорович, — бугун мисли кўрилмаган суръатга эришди. Жаҳон рекордини енгиб, бир сменада 402 қоришма қуйишди. Уртола, ўртола, шу вақтгача калишда ўтириш энди уят».

У хушчақчақлик билан қийқириб кулди.

— Яхши!— қаттиқ хитоб қилди у тиниқ кўзлари

¹ Б а б к а — қайнатилган гуруч ёки макаронли таом.

порлаб. — Браво, бис! Маррага улар барвақт етишибди. Энди макарондек гердаймасликлари учун уларга яхшироқ зарба бериш керак. Ҳа, яхшироқ зарба бериш керак.

У Маргулиеснинг қўлидан олди.

— Мен сизни ошхонада тушки овқатда кутгандим, бормадингиз. Кечки овқатда кутдим, яна бормадингиз. Сиз туядек бир ҳафта овқатланмайсиз шекилли, ўртоқ Эдисон? Юринг, мен сизга ажойиб америка журналинини кўрсатаман, охириг сонини.

Барабандан яна шатирлаб бетон ағдарилди.

— Уч юз қирқ икки, — деди Маргулиес беихтиёр.

У тўхтаб, ўша томон қулоқ сола бошлади. У товуш суръатига қараб, қоришманинг давомийлигини аниқламоқчи эди.

Маргулиес ўзича секин ҳисоблай бошлади:

— Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти...

— Юринг, ўртоқ Маргулиес. Дам олмай, бир йўла йигирма тўрт соат ишлаб бўлмайди. Улар сизсиз ҳам Кузнецкни бошлашади. Ишонаверинг бунга. Мен бу жиннивойларнинг қандай ишлаётганликларини шундоқ кўриб турибман. Кетдик. «Аввал таом, баъдаз калом», дейишади-ку. Сизга аталган бир шиша коньягим бор.

Бу гаплар Маргулиеснинг қулоғига кирмади.

— Етти, саккиз, тўққиз, ўн, ўн бир...

Энди Кузнецкни енгил учун вақтни тежаш, ҳар бир қоришмага кўпи билан бир минуту ўн секунд вақт сарфлаш керак эди.

Фома Егорович қўлини кўзига соябон қилиб, бригада ишини кузатди.

У ишнинг оҳанги ва аниқ бажарилишига қараб, беихтиёр завқланди.

Катта гилдиракли аравачалар ҳам, замбилгалтаклар ҳам, белкураклар ҳам бир маромда, аниқ ишлар, цемент чангирди.

Ешларнинг ана шу бутунлай янги, кучли ҳаракатларининг тасвири ишчилар уйининг улкан деворидаги заррин экранда кўрсатилаётгандек, сояларда ўз аксини қолдирарди.

Бу хитойларнинг ажойиб кўланка театрига жуда-жуда ўхшаб кетарди.

Узун бўйли одамлар сояси ишчилар уйи деразасининг ўйдим-чуқур ерлари ва нотекис тахталарида иланг биланг тебранарди.

Баҳайбат рикшалар аравачаларни олдинма-кетин физиллатишади. Уларнинг беш қаватли уйдек гилдираклари бегиним айланади. Уларнинг спицалари хитой соябойдек дапқир-дапқир кўзга ташланади. Гилдираклар гилдираклар кетидан юмалайди. Улар баъзан бирлашиб кетишар, баъзан бир-бировларидан узоқлашишарди. Спицалари улар орасида ўзгача ва кучли оҳангда бир-бирови билан қўшилиб кетарди.

Маргулиес етмишгача секин санади. Барабан ағдарилмади.

У саксонгача санади. Тарновга ағдариладиган бетондан дарак йўқ.

Саксон бешгача санади, йўқ.

Машина тўхтади.

— Суви! — қичқирди кимдир алам билан.

— Узр, Фома Егорович, ҳозир.

Маргулиес машина томонга отилди.

— Нима гап?

— Суви! — бўғилиб қичқирди моторист. — Сув-в!

Фома Егорович бир чеккага чиқиб, тахта уюмига ўтирди-да, чўнтагидан журнални олди. У думалоқлаб ўралган қалин, оғир, ялтироқ қоғозли журнални аста очиб, тиззасида ёйди.

Журналнинг тўртдан уч қисмини эълонлар эгаллаганди. Уларни кўздан кечириш, ўқиш Фома Егоровичнинг энг севган машғулоти эди.

У саҳифаларни хотиржам очиб, антиқа буюмлар, мато ва маҳсулотларни кузатарди.

Журнал саҳифаларидан инсон эҳтиёжи, талаб ва эҳтиросини тўла ва тамоман қондириш учун зарур бўлган ҳамма нарса ўз аксини топганди.

Илҳом париси жаҳон бўйлаб олис саёҳатга чорларди. У Атлантика океани орқали ўтувчи океанлар аро қатновчи кемаларга таклиф қиларди.

Тўртта ялтироқ мўридан майин тутун бурқсиятти.

Лангар мокининг бўртиқ кўзи тасвиранган баланд бурни баравар қўзгалмас тўлқин тик турипти.

Башанг каравотлар, олди очик қулай печлар, чарм креслолар билан жиҳозланган люкс каюталар кишини мафтун қилади.

Лекин буларнинг ҳаммаси, аслини олганда, унчалик қиммат эмас.

Ҳаммаси кўнгилдагидек арзон, аниқ, кўзга кўринарли, имкони бор нарсалар.

Бошқа бир саҳифада сариқ печкадан «Верблюд»

сигаретлари сочилиб тушяпти. Уларнинг йўгон тухум шаклидаги кесмаларида асалнинг хушбўйиси ва хурмо лаззатини эслатувчи аъло даражадаги олтинранг тамаки толалари кўриниб турипти.

Яна бир саҳифада сўнги конструкциядаги чиройли қўл соатлари ва зажигалкалар.

Журнал саҳифалари варақланган сайин киши кўз ўнгида яна бошқа буюмлар гавдаланади. Маълум бир услубда ишланган жиҳоз. Бронза. Картиналар. Гидамлар. Уртаси гулли осма гиламчалар. Копенгагеннинг нафис идиш-товоқлари. Уйинчоқлар. Режали газ плиталари. Китоблар. Туфлилар. Костюм-шимлар. Галстуклар. Газмоллар. Гуллар. Итлар. Котгежлар. Духилар. Экстрактлар. Мевалар. Дори-дармонлар. Автомобиллар.

Фома Егорович нарсаларни завқ билан тамоша қилди, улардан лаззат олди, баъзиларини ўзича танқид ҳам қилди.

Фома Егоровичнинг уларнинг ҳар бирига қурби етарди. Лекин ҳаммасини бир йўла олгиси келарди.

Ўн саккиз минг доллар!

У ана шу бутун ашёлар дунёсини деярли қўлга киритяпти.

Бир йилдан кейин — йигирма минг, ўн йилдан кейин эса икки юз минг долларга етади.

Ушанда ҳамма буюмлар унга тегишли бўлади.

Албатта, моторли яхтанинг унга нима кераги бор?

У автомобиль танлашни яхши кўрарди. Марка ва моделларини таққослаб кўрди. Уларнинг фазилатлари ва камчиликларини яхши биларди.

Лекин Фома Егоровичга ёқадиган ва сирли нарса охири саҳифада экан.

Такомиллашган, патентли хонаки холодильник.

Бутун бир саҳифани рангли картина эгаллаганди.

Уни оёқчалари чинни чоғроқ нафис жавон дейиш мумкин. У очик. Полкаларига турли егуликлар тартиб билан териб қўйилган.

Сарғиш ветчина¹, куврак сабзавотлар, бўлка, консервалар, карт ёғ, шакар-қаймоқ, зираворли ширинликлар, тухум, товуқ гўшти, мурабболар, ҳаммаси янги ва аслидек нафис бўёқларда.

Эгнига рангдор қўйлак кийган аёл суяниб турипти. Ёш, қизил юзли, кўк кўз, мисранг сочли, ёқимтой,

¹ В е т ч и н а — чўчқанинг дудланган сон гўшти (тарж.)

хушчақчақ Мэгги. У мамнун жилмаяди. Олчинранг дудоқчаси маржон қутичадек ним очик. Аёл Фома Егоровичга: «Қани, ёш хотинчангни ўп. Бўл тезроқ», дегандек қараб турарди.

Хизматга мунтазир Лара ва Пенаталар ширинлик тайёрлаш учун керакли турли шаклдаги қолиплар, мис костреюлкалар, дазмол, оташкураклар, мясорубкалар шайланган.

Фома Егорович аёлга қараркан, ўзининг анча ёшга бориб қолган хотинини, хунуккина болаларини, ўзининг фақат меҳнатдангина иборат бўлган, ҳузур-ҳаловатсиз, бегона ўлкаларда дарбадар ўтаётган оғир ҳаётини бир зум унутган эди.

Қуёш ботди.

Пистакўмирдек қопқора булут шарққа томон сурилди. Осмон тиниқлашди. Шафақ бенгаль нуридек ёнди. Унинг тўқ-қизил ёлқини журналнинг ялтироқ саҳифаларини ёритди.

Америкаликнинг оёғи ёнидаги халқобда худди локланган тасмадек катакларга бўлинган, деярли қотган қора лой қизариб ялтиради.

58

Маргулиес машина ёнига югуриб келди.

— Нега тўхтади?

— Сув!

— Нима гап?

— Сув йўқ.

Ҳар бир лаҳза ҳисобли эди. Жаҳон рекорди ана шу лаҳзаларга борлиқ. Жаҳон рекорди қил устида.

— Эҳ, еткизолмаймиз!

Иш тўхтади. Одамлар қандай тўхташган бўлишса, шу кўйи қотиб қолишди. Улар дам олишарди.

Кутайсов телефон трубкасига бақирди:

— Алло! Водопровод! Мен «Комсомольская правда» авария штабининг бошлигиман. Олтинчи участкада нега сув йўқ? Нима? Сув бор? Беркитмадинларми? Йўқ бўлгандан кейин қанақасига бор бўлсин? Нима? Мен сенга айтяпман-ку йўқ деб? Бўлмаса ким билади? Узр, ким гапиряпти? Фамилиянг нима? Хўп, эсингда бўлсин Николаев, шу гапларинг учун шахсан жавоб берасан. Демак, сен бор демоқчимисан? Яхши.

Корнеев туфлисини тахтада йирта-йирта ишчилар уйига тирмашиб чиқа бошлади.

Нариги томонда, олтинчи участканинг бошқа бир каттакон «Рансома» деб аталувчи стационар бетонқорғич машинаси ишлаётган эди.

Оқшомнинг барча йўналишлари бўйлаб қизил ва паға-паға бўлиб кўтарилаётган тўсиқларига урилиб, нарчаланаятган улкан ҳаво оқими, одамлар ва филдиракларнинг ҳаракатланаётган кўланкаси кўзга ташланади. Айланаётган катта барабандан қайроқтошнинг сўниқ ғадир-ғудур овози эшитилади.

Корнеев кафтларини оғзига карнай қилиб:

— Вей! «Рансома»да ишлаётган ким? Сизларга сув келяптими?— деб бақирди.

Энди у ўгирилиб, кафтларини қулогига тутди.

— Келяпти! Кел-яп-ти!

Бу сўз ишчилар уйи тепасидаги улкан ҳаво оқими ичида гувиллаб оҳистагина таралиб келди.

— Кейяпти... кейяпти... кейяпти...— дея эшитилди акс-садо саккиз қаватли уй баландлигида.

— Келяпти!

Корнеев орқага отилди.

— «Рансома»да сув бор. Водопровод жойида.

Маргулиес машина атрофида айланди.

— Келяптими?

— Келмаяпти.

— Нима бўлди ўзи?

Моторист ричағни олдинга, орқага тортди. Сув йўқ. Ишченко, Мося, Нефедов, Тригерлар югуриб келишди.

— Нима гап? Нима бўлди?

— Водопровод бузилдими?

— Йўқ.

— Машина синдими?

— Йўқ.

Маргулиес камзулини ечиб ташлаб, куйлаги енгини шимарди. Кейин тахтасупага югуриб чиқди-да, машина ўрнатилган тагликда туриб, сув бакига бошини тикди.

У бакни диққат билан узоқ вақт кўздан кечирди. Сув ўлчоғични мушти билан урди. Қўнжидан французлар ключини олди-да, тишлари орасидан қаттиқ сўқинганича гайкаларни бўшатди, маҳкамлади, мурватларни ушлаб кўрди, бак деворларини дукуллатди, қулогини унга тутди.

Ҳаммаси жойида.

У тахтасупадан пастга тушиб, камзулининг чанги-ни ҳам қоқмай кийди.

Бошини юқори кўтарди.

— Нима бўлдийкин?

Моторист елкасини учириб ҳуштак чалгандек тупурди.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Сув шундай келиб туровди, бирдан тўхтади-қолди. Шартта кесилгандек йўқ бўлди-қўйди.

У ричагни тутиб, тунд қиёфада олд-орқага торта бошлади.

— Давид Львович!— ғамгин гап қотди Мося.— Бунга нима дейсиз? Худди қасддан, атайин қилгандек-а!

У тахтасупага мушт урди.

Ханумов темирдек панжалари билан пайраҳани синдириб, майдалади ва зарда билан оёғи остига отди.

Маргулиес қалин қошларини қаттиқ чимириб, одамларни тирсағи билан турта-сурта, қоқилиб-суқулганича ишчилар уйи томон югурди.

— У ерда улар нима қилишяпти ўзи?— пўнғиллади у,— анави шуҳрати улуғ авария штаби нима билан шуғулланияпти? Водопроводни зиммаларига олишди-ю, сув йўқ. Ўзлари эса қораларини кўрсатмай кетишди. Ким шуғулланиши керак эди сув билан?.. Семечкин эди шекилли?.. Семечкин қани?

У тўхтаб, баланд овозда бақирди:

— Семечкин! Семечкин қаерда? Семечкинни ким кўрди? Семечкин!

У бошқа томонга қараб югурди.

— Хўш? Нима гап? Тагин қанақа ваҳима?— Семечкиннинг дўрилдоқ овози эшитилди.

Маргулиес тўхтади. Семечкиннинг овози қаердандир — ертўладан эшитилаётганди. Маргулиес настига қаради.

Ишчилар уйи полининг ана шу ерида тўрт бурчак тирқиш очилиб турарди. Ундан худди театр нарвонидан чиқаётгандек қўлтиғига парусин портфель қистирган қора кўзойнакли, ҳарсиллаётган Семечкиннинг фигураси аста-секин юқори кўтарилди.

Унинг бурнига қизил сурик текканди.

— Нима гап?

— Водопроводга сен масъулмисан?

— Ҳа, мен.

— Сув йўқ!

Семечкин нарвондан юқорига бамайлихотир чиқиб,

галифе шимининг тиззасини эҳтиёткорлик билан қоқди-да, такаббурона қиёфада томоғ қириб:

— Ҳаммаси жойида. Бўлди,— деди.

— Нима?

— Қўйишяпти. Айтдим.

— Қўйишяпти? Нимани қўйишяпти?

— Счётчикни.

— Қанақа счётчик?

Семечкин қўллариини ёйиб, Маргулиеснинг елкасига юпатганнамо бир неча бор уриб қўйди.

— Эҳ, сизлар. Яна булар ишлаб чиқарувчилар эмиш! Жаҳон рекордини ўйлайсизлару, хўжалик ҳисоби билан ишларинг йўқ. Майли, ҳечқиси йўқ, хўжайин, ўкинманг. Буюриб қўйдим.

Кўзларини қисган Маргулиес унга тикилиб қаради. Семечкиннинг чехраси қатъий ва тунд эди.

— Нимани буюрдинг?— деди у ҳар бир сўзга ургу бериб, таъкидли оҳангда.— Нимани буюрдинг?

Семечкин бепарволик билан елкасини қисди.

Счётчик қўйишни буюрдим. Бир ярим соатдан кейин ишлайди. Йўқса, қанақасига хўжалик ҳисоби бўлсин?

— Трубани чиқариб, сувни тўхтатиш ҳақида сен буйруқ берганмидинг?

Маргулиес даҳшатга тушди.

— Шундай. Пулга чақиб кўрмоқчиман,— деди йўғон овозда Семечкин.

— Дарҳол... эшитяпсанми? Дарҳол...

Маргулиес бўғилди.

— Дарҳол қувурни улаб, сувни очиб юбор!

Семечкин оқариб кетди. Лаблари титради.

— Ҳеч ҳам-да. Водопроводга мен жавоб бераман.

— Аҳмоқ!— гулдиреди Маргулиес.— Каллаварам! Овсар! Дарҳол! Буюраман, дарҳол сувни очиб юбор!..

— Илтимос қиламан, ўргоқ Маргулиес, сўкинманг. Семечкиннинг тиззалари қалтиради.

Маргулиес тахта учларидан ушлаб, нарвонга сакради.

Пастда беш юз свечали рефлектор лампаси ёниб турар, икки водопроводчи эса ерда балиқ консерваси еб ўтиришарди. «Томатли оқ балиқ»,— консерва қутчасига кўз ташлади Маргулиес. Этикеткасига велосипедда ўтирган ясси бурун севрюга расми ишланганди. Маргулиеснинг асаби бузилди.

Водопровод қувури чиқазилиб, бир учига ёғоч ти-

қин қоғиб қўйилган эди. Бошқа учига эса сурик суртилганди. Нариди зигирпоя устида катта счётчик ётарди. Атрофда водопровод қузури қийқимлари, асбоб-укуналар.

— Дарҳол уланглар!— деди Маргулиес тиши орасидан.

Тепида Семечкиннинг кулранг кўзойнаги ялтиради.

— Счётчикни қўйинглар. Аввал счётчикни қўйинглар.

— Дарҳол!

— Уламанглар.

— Буюрарман, уланглар.

— Буюрарман, уламанглар. Мен авария штабининг вакилиман. Водопроводга мен жавоб берарман.

— Ҳозироқ улаб, сувни очиб юборинглар!

Маргулиес тахта четларини ушлаб, осилиб, гавдасини юқорига кўтарди-да, чайқалиб туриб нарвондан тепага чиқди. Кейин Семечкинга яқинроқ борди.

— Учир овозингни!— бақирди Маргулиес.— Мишиқи!

— Одоб доирасидан чиқмаслигингни...

— Нима? Нима-а-а?

Маргулиес чўнтагидан қуштагини олди. Қалтираган қўллари билан уни лабларига босиб, чуриллатди.

— Эй! Ким бор! Соқчи!

Тахтани дўқиллатиб чопганича соқчи етиб келди

— Мени биласизми, ўртоқ?— бамайлихотир сўради Маргулиес.

— Худди шундай, сиз — олтинчи участка бошлиғисиз.

— Тўғри.

Маргулиес Семечкинни имо қилди.

— Олинг уни!

— Мана бу кишиними?

— Ҳа, ўшани.

Соқчи Семечкиннинг енгидан тутди.

— Ўт ўчирувчилар саройига қамаб қўйинг.

Соқчи Семечкинга, камзулининг қайрилма ёқасига қадалган бирталай значокларга, галифе шими устидан каттакон инглизча тўғнағич билан илинган пайпоғига, туфлиси устидаги капалакнусха бантикларга, ниҳоятда қоп-қора кўзойнагига, қип-қизил кекирдагига қизиқиш ва бирмунча ачиниш билан кўз югуртириб чиқди.

— Қани, кетдик, ўртоқ.

— Бунга ҳаққингиз йўқ!— бақирди Семечкин қи-

зариб.— Ҳеч қаёққа бормайман. Мен авария штабининг вакилиман. Сиз бунга жавоб берасиз. Ҳали, мен область матбуотига ёзаман.

У соқчининг қўлидан юлқиниб чиқишга уринди. Лекин соқчи уни маҳкам ушлаб турарди, уриниши бекор кетди. Қора кўзойнаги бурнидан тушди. Ваҳимали кўзойнаги остидаги атрофи қизарган митти мовий кўзлари очилиб, атрофга жавдиради.

— Мени ўзингизга итоат қилишга мажбур қиляпсиз...

— Кетдик, акам, кетдик.

— Икки соатдан кейин чиқарасан,— деди Маргулиес елкаси оша унга қараркан.

У нарвонга яқинлашиб, пастга энгашиди-да:

— Трубани уланглар,— деди бамайлихотир.

Маргулиес машина томон югурди.

Оқшомнинг чўғи тиғи аста-секин сўнди, узоқ Урал тизма тоғларининг бор бўйи зангори-бинафша гард билан қопланди.

— Сув!

Ковш шақирлаб юриб кетди. Барабан ағдарилди.

«Уч юз қирқ уч»,— хаёлидан ўтказди Маргулиес.

— Соат неча бўлди?

Корнеев соатига қаради.

Ундан уч минут ўтипди.

— Қанча турилди?

— Ун икки минут. Яна бир соату эллик уч минут вақтимиз бор.

— Еткизолмаймиз:

Маргулиес тўшама ўртасига отилди.

— Болалар!— қичқирди у.— Йигитлар! Босинглар, бўш келманглар! Уялтириб қўйманглар!

Ҳамма ўрнидан қалқиди. Иш яна юришиб кетди.

Участка атрофида бирин-кетин — ерда ҳам, тиниқ осмонда ҳам сўниқ, қуюқ минг свечали лампалар юлдузи ёнди.

— Эҳ, еткизишолмайди! Еткизишолмайди!

Ханумов ўзини қўярга жой тополмай қолди. У тўшама бўйлаб уёқдан буёққа юрар, дам-бадам мотористга назар ташларди.

Бирдан у кескин бурилиб, Ишченконинг олдига югурди.

— Эҳ!

У Ишченконинг кўйлагидан ушлади.

— Менга қара, Костя! Қуриб кетсин... Қара, анови иккита ричагни. Битгаси ковшни кўтаряпти, битгаси сув қуйяпти. Оралиғида беш-етти секунд вақт бекор кетяпти. Икковини сим билан бирлаштир. Ковш ҳам, сув ҳам барабар ишга тушади. Шунда ҳар қоришмада ўн секунддан ютасан. Эҳ, ўзим учун сақлаётгандим бу сирни. Майли, фойдалана қол. Майли, қонимни сўра қол. Барибир сени йиқитаман. Менинг йигитларим сеникидан яхшироқ.

У кескин бурилиб, йўл-йўлакай дўшисини бир неча бор ечиб-кийганича четга қараб кетди.

Ишченко тўхтаб, пешонасини тириштирди. У бир лаҳзадаёқ гап нимада эканлигини уқди. Тўғри. Икки ричаг бир вақтда ишлайди.

У тўшамага отилди.

— Слесарь ремонт! Слесарь ремонт! ким бор? Морозов, ричагларни сим билан бирлаштир.

— Шағал! Шағал!— хавотирланиб қичқирди Мося.— Шағал тугаяпти!

Атрофга қисқа-қисқа буг пуркаганича аста-секин паровоз яқинлашди.

Унинг биринчи зинасидан Винкич билан Георгий Васильевич ерга сакрашди. Илгаклар шақирлади. Бортлар туширилди.

— Шағални қабул қилиб олинглар!

Георгий Васильевич бошидан оёғигача оппоқ тош кукукига беланган эди.

Унинг йиртилган тунги туфлиси кулгили ва аянчли аҳволда.

Юзидан кирли тер сизиб тушарди.

Унинг боси ҳамон тош майдаловчи машинанинг чидаб бўлмас даражадаги тарақа-туруқ овозидан ҳамон гангийди. Кўз олдида аста айланувчи ўз салмоғи билан валнинг айланишини таъминлайдиган каттакон, оғир гилдирак — маховик билан кичкина, жуда тезликда айланаётган гилдиракча — шкив оралиғида бир текисда пилдираётган узатма тасма милт-милт намоён бўлади.

Маховик гилдирак билан шкив оралиғидаги масофа шунчалик катта эдики, эни бир метр келадиган трансмиссия тасмаси тош майдалайдиган машинанинг бош айланарли даражадаги баланд қисмига етганида худди бир энлик ҳошияга ўхшаб кетарди.

Тош майдалайдиган машинанинг ўзи эса худди улкан ксфе тегирмонидек салобатли турар, атрофга май-

даланган ва янчилган тош бўлакларидан онда-сонда чиқаётган кучсиз учқунлар сачрарди.

— Роса ажойиб кун бўлди-да, бугун,— деди Георгий Васильевич ерга ўтирар экан оғир тин олиб.— Ҳа, майли!

Унинг ёнидан Корнеев югуриб ўтди.

— Биласизми,— деди у Корнеевга ҳаяжонли юмалоқ кўзлари чақнаб.— Биз уларга шўғал қанчалик зарур эканлигини икки қарра икки тўрт дегандек тушунтиряпмизу, улар бўлса нуқул нормадан ортиқ беролмаймиз, дейишади. Ахир, жин ургурлар, нормани оширларинг, деймиз, улар бўлса завод бошқармасини рўкач қилишади. Биз уларга имкони борича оширишлари зарурлигини асосли қилиб тушунтирдик, улар эса, ўзингиз ўйлаб кўринг...

Корнеев атрофга ҳорғинлик билан қараб турди, бурнини тортиб, бўш портсигарга назар ташлади-да: «Кечирасиз»,— деди-ю, югуриб кетди.

Кутайсов ўқтин-ўқтин тўхтаб, телефон трубкасига бақирарди:

— Нима? Ҳеч нарса эшитмаяпман. Сизларда ҳам йўқми? Лекин, биласанми, қадрли оғайни, бизга йигирмата анкета жудаям зарур. Ҳа-да. Оддий, комсомолга кириш учун тўлдириладиган анкета. Ҳа! Ишченко бригадасининг ҳамма аъзосига. Нима? Шаҳар комитетига телефон қилдим. У ерда йўқ. Бюрога? Бюрога ҳам телефон қилдим — йўқ. Жуда бўлмаса ўн бешта! Йўқ! Жин урсин, билмадим, нима бор унда ўзи сизларда! Нима? Нима қипти, ҳаммаси чиқиб бўлган бўлса! Яна янгиларини босиш керак! Биз сизларни бир чўзиб қўяйлик... Нима? Йўқ, дўстим, мени кўрқитмай қўя қол. Мен ёш бола эмасман!.. Марҳамат. Политбюрога бўлса ҳам майли... Хайр... Политбюрога бўлса ҳам майли, деяпман-ку. Хоҳлаган жойингга. Хайр.

У трубкани илди.

— Слободкин!

59

Соат ўн бирдан қирқ беш минут ўтди.

Маргулиес дилида қоришмалар сонини санарди.

— Уч юз саксон саккиз, уч юз саксон тўққиз, уч юз тўқсон...

Оломон тўшамага яқинлашарди. Атрофни шовқин босди. Энди қоришма сонини оломон овоз чиқариб ҳисобларди:

— Уч юз тўқсон, уч юз тўқсон бир, уч юз тўқсон
икки...

— Уч...

— ...тўрт...

— ...беш...

Ишчилар уйи томондан пастга тўда-тўда ўрнатиқли
прожекторларнинг шуъласи урилди. Ҳар бир тўдада
олтитадан прожектор. Улар ҳар қайси қалқонга икки
қатордан тикилган кўзни қамаштирувчи ойнали туг-
мага ўхшарди.

Равшан ёритилган тўшаманинг турли томонига
замбилгалтакчиларнинг кўланкаси югурарди. Улар-
нинг аксари калта қияма соялари тўшама узра ёнбош-
лаганди.

Сояларнинг хилма-хил бурчакли юлдузлари бир
маромда бир-бирини кесиб ўтар, тўқнашар, бирлашар,
ажралишарди.

Иш суръати бир секундгача тўғри келар, одамлар
соат милидек бир текис ишлашарди.

Бир замбилгалтак шағал.

Бир замбилгалтак цемент.

Бир замбилгалтак қум.

— Ковш ва сув!

Ричаглар барабар тортилди. Энди ковш ва сув бир
вақтнинг ўзида бир қўл ҳаракати билан ишга туша
бошлаганди.

— Етишолмайди!

— Етишади.

Бетон ағдарилди.

— Уч юз тўқсон олти...

— Уч юз тўқсон етти...

— ...саккиз...

— ...тўққиз...

— Соат неча бўлди?

Корнеев соатни кўзига яқинлаштирди. Прожек-
торлардан кўз қамашарди. Корнеев кўзини шуъла-
дан кафти билан тўсди. Бурнини асабий тортиб, йў-
талди.

Кўзида аччиқ ёш қалқиди.

— Икки минути кам ноль.

— Етишади!

— Етишмайди!

Налбандов қоронғиликда иш fronti томон йўналди.
Чор атрофда пастак, ёрқин шуъла учқунлари. Улар
қарашга халал берарди. Налбандов ёғоч уюмлари ва

симларга қоқилиб, туртиниб, ҳассаси билан йўл ти-
мирскилаб келарди.

Олдинда шуъла ва оломон.

Шуҳрат!

Шу шуҳратми?

Ҳа, шуҳрат.

Налбандов ҳассаси билан кишиларни нари суриб,
оломон эрасига суқилди.

Барабан гулдирарди.

— Тўрт юз.

Оломон ўртасида сукунат. Замбилғалтаклар ғий-
қиллаб чийиллайди. Мотор овози. Ундан кўкиш уч-
қунлар учади. Ковш шақирлаб, гижирлаб ўрмалайди.

Барабан гулдирарди.

— Тўрт юз бир...

— Соат ноль, — деди Корнеев секин.

Шунга қорамай, унинг овозини ҳамма эшитди.

— Етказишолмади.

— Битта-я.

— Эҳ!

Сукунат ва охиста тўхтаётган барабanning су-
ст овози.

Ана шу жимлик орасида узоқдан чалинган карнай
овози эшитилди.

Валторна ажойиб ва чиганоқдек бурама маршнинг
кириш қисмини бўлиб-бўлиб чаларди. Ёшлик ва шуҳ-
рат ҳақидаги бахтли қисми жаранглади. Унинг кети-
дан бутун оркестр жўр бўлди.

Оркестр ногорасининг яхлит ва тўмтоқ тампон би-
лан урилган бўғиқ йўғон сохта овози, мис тарелкалар-
нинг жаранги фаготнинг садоси остида гумбурлади.

Бу — Ханумов. У ана шу оркестр садоси остида
ўз бригадасини олиб келаётган эди.

У яқинлашарди.

Бригада колоннаси фонардан фонарга, прожектор-
дан прожекторга ўтяпти. У дам прожекторнинг кўзни
олувчи ёрқин шуъласида кўзга ташланар, дам қорон-
ғилик қаърига шўнғирди. Баъзан қурилиш материал-
лари уйиб ташланган тубсиз чуқурликлар орасида
кўздан ғойиб бўлади, бир қатордан иккинчи қаторга
ўтади, баъзан бирдан котлован тубига ўрнатилган кў-
ринмас прожекторларнинг пастдан сочган нур даста-
сида янги тупроқ уюми қиррасида рўй-рост пайдо бў-
лади.

Ана шунда киши кўзига чолғу асбоблари, колонна

олдида байроқ кўтариб келаётган Ханумовнинг зардўзи дўпписи ялтираб кўринади.

У ўз бригадасини ичкаридан иш fronti томон бошлаб келарди.

— Етолмадик!

Ишченко белкуракни оҳиста елкасига ташлади. Кўзига чор-атрофдан прожекторлар урилди. У кафти билан кўзларини яшириб, атрофга назар солди. Ҳаммаёқда одамлар, одамлар...

Ишченко кўзини улардан, кўзларидан яширарди.

У бошини ҳам қилганича, қаддини букиб, чангалдек қаттиқ панжали яланг оёқларини аста босиб, тўшамада юра бошлади.

Йигитлар ҳам унинг орқасидан аста эргашишди.

Машина тўхтаб бошлади.

Мося чордана қуриб, бошини осиятирганича тўшама ўртасида ўтирипти. Қўллари эса икки томонга ёйилган.

Машина орқасида ишчилар уйида бетон сифатини текшириш учун ёғоч қолипга унинг охириги намуна кубиклари қуйиляпти.

Бу ерга лабораториядан, завод бошқармасидан вакиллар, мухбир, инженерлар ва техниклар тўпланишган.

Улар худди ерда ётган ҳарбий шлёмлардек кўзга ташланувчи прожекторлар шуъласида бошларини эгганларича сиёҳ қалам билан расмий актга имзо чекишарди.

Диққат билан номерланган ва муҳрланган ўнта ёғоч қути, ўнта бетон намунаси экспертиза учун марказий лабораторияга юборилади.

Роса етти кундан кейин у ерда қотган бетон кубиклари синалади. Ана ўшанда унинг сифати аниқланади. Ундан илгари сира мумкин эмас.

Бетон бир квадрат сантиметр ҳисобида юз килограмм юк босимида бардош бериши керак. Агар бунга дош беролмай ёрилса, демак, ҳамма иш чиппака чиқади, плита олиб ташланиб, қайтадан қуйилади.

Маргулиснинг тақдири ана шу сифатга боғлиқ. Унинг сифатдан кўнгли тўқ. Далиллар чўнтагида.

Лекин у барибир ҳаяжонланар, жиддий эди. Ҳаёлидан беихтиёр жадвал ва формулалар ўтарди. У шу топда ўзининг бутун билим ва тажрибасини худди жон-жаҳди билан варақлаётгандек эди. Саҳифалар эса бирин-кетин кўзи олдида ўтарди.

Назарида ҳаммаси жойидадек.

Лекин, бирдан... Ким билсин?.. Борди-ю, цементнинг сифати ёмон ёки сув миқдори нотўғри бўлса-чи..

Маргулиес калта снѐҳ қаламни қўлга олиб, донадона қилиб имзо чекди.

Налбандов кубикларни жўнатишни буюрди. У ҳасасини белгисиз қўтиларга ниқтаб санаб, турли буйруқлар берарди.

Оркестр сўзи яқингинадан эшитила бошлади.

Оркестр овози Налбандовнинг қулоғига ҳам чалинди. У чимарилиб, совуққина жилмайди, елкасини беихтиёр учирди.

Оркестр жуда яқиндан эшитиларди.

— Назаримда бу ер иш жойи эмас, масленица!¹ Ницедаги карнавалга ўхшайди! Қизиқ.

Маргулиес Налбандовнинг пастдан ҳайкалдек ёритилган қора соқол, ўткир ёруғлик ва кўланкалар алмашаётган заҳил юзига диққат билан тикилди. Маргулиес нимадир демоқчи бўлди-ю, шу заҳоти даҳшатли сукуватни пайқеди.

Мотор жимиб қолган эди.

— Нима бўлди? Кечирасиз...

У машина томонга югурди.

Корнеев устунга тирсак тираганича, бошини юқорига кўтариб, моторист билан суҳбатлашарди. Моторист эса зигирпоя толаси билан қўлларини артарди. Хронометражчи қиз қоғозларни буклаб, санаяпти.

— Нима гап? Нега ишлашмаяпти?

— Смена. Тамом. Бир қоришма етмади. Тўрт юз битта.

— Тўхта... Тушулмадим... Соат неча бўлди?

Маргулиес кўзойнагини олиб, кафти билан пешонасини артди. У юзига ёпишган бетон юқини артиб ташлади.

— Нолдан бир минут ўтди.

Маргулиес шартта кўзойнагини тақди.

— Биз соат нечада бошлаган эдик?

— Ун олтидан саккиз минут ўтганда.

— Хўш, сизлар нима қиляписизлар?.. Тўхта!!! Нима қиляписизлар!!!

Маргулиес оёгини қўлига олиб, тўшама томонга отилди.

¹ Масленица — славянларда ва бошқа христіан халқларида қишги кутиш байрами, бу байрам блнлар пишириб, турли ўйин-кулгилар билан ўтказиларди(тарж).

— Тўхта! Сизларга ким ишни тўхтатинглар деди?
Ҳамма жой-жойига!

Бригада тўхтади.

— Мотор!— асабий қичқирди Маргулиес.— Мото-
о-ор!!! Иш соат ўн олтидан саккиз минут ўтганда бош-
ланди, цемент омборининг айби билан ўн минут, Се-
мечкиннинг айби билан саккиз минут, Сметана ши-
кастлангани орқали етти минут, ҳаммаси бўлиб ўттиз
уч минут иш тўхтаб қолди. Бизнинг яна ўттиз уч ми-
нут вақтимиз бор.

Ишченко қоққан қоziқдек қотиб қолди.

Мося ирғиб ўрнидан турди.

— Тўхта! Тўхта! Мотор! Орқага!

— Орқага қайтинглар!— қичқирди Ишченко.—
Қани, йигитлар, орқага! Диққат! Замбилгалтакларга!
Бел-ку-рак-лар-га! Ара-ва-ча-лар-га!

Унинг овози аста-секин баландлаб, суворилар ко-
мандаси нуқтасига кўтарилди бошлади.

— Ҳам-ма жой-жо-йи-га!

— Тайёрланинг! Бошладик!— бор овози билан қич-
қиради Мося.— Кет-ди-и-ик!

Ҳамма жойидан кўзгалди, одамлар югурар, кўлан-
калар бир-бирига қўшилар, белкураклар шағалга ша-
рақа-шуруқ уриларди...

Бир замбилгалтакда шағал.

Бир замбилгалтакда цемент.

Бир замбилгалтакда қум.

— Ковш ва сув!

Барабан ағдарилади.

— Тўрт юз икки! Тўрт юз уч. Тўрт юз тўрт.

— Кузнецк тамом! Энди унга йўл бўлсин!

Мося замбилгалтакни ярим йўлда ерга улоқтириб,
машина томонга интилди. Кейин шайтондек ирғишлаб,
тўшама панжарасига отилди.

У бир ҳамлада плакатни юлқиб олди-да, уни май-
да-майда қилиб осмонга отди. Қоғоз парчалари про-
жектор ёруғида бамисоли кабутардек айлана қуриб
уча бошлади.

У шиддат билан орқага, замбилгалтак томонга
отилди.

— Ур-р-р-а-а!

— Болалар, болалар, болалар...

Оломон барабар қоришма сонини санай кетди:

— Тўрт юз беш, тўрт юз олти...

Магний лоп этиб ёнди. Ойна ҳалқаси шарақлади.

- ...етти...
- ...саккиз...
- ...тўққиз...

Маргулиес ҳар томондан нур сочиб турган прожектор ёруғида ўзига, кийим-бошига қаради. У тиззасини, тирсагини кўздан кечирди, чанглари қоқди. Кейин елкаси оша, ифлос бўлган-бўлмаганлигини билиш учун аланглаб қаради. Дастрўмолини туфуги билан ҳўллаб, яширинча юзларини, кўзойнагини артди.

Этигини ерга тапиллатиб қоққан бўлди, кепкасини тўғрилади.

Кейин ўзича майин жилмайиб бригадага бошқа қарамай, шошилмасдан прораб идораси томонга юрди.

У ерда Налбандов ўтирарди.

У пастак ёғоч каравотда йўгон елкаси ва энчасини тахта деворга суяганича ястаниб ўтирибди. Қора пальтосининг барлари полга тушган. Олдига қўйиб олган ҳассасини бепарво ўйнарди.

Тутун билан қопланган идорада одам кўп, шовқин авжида.

Столлар устига қуёш нури ўнгитган газеталар ёзиқли. Уларга сарғиш-бинафша сиёх тўкилган, қалам билан турли расмлар чизилган.

Столларда бухгалтер дафтарлари, 'ведомостлар, актлар, талабномалар, буйруқлар, графиклар.

Шура Солдатова полда ўтирганича «Суръат учун» деворий газетасини елимламоқда. Сочлари кўзларига урилади. Шура уларни итқитади, кир, силлиқ, пуштиранг тиззалари устига тор юбкасини уятчанлик билан тортади.

Идора хизматчилари чўт қоқишяпти, чекишади, кружкада хлорли сувдан қайнатилган ҳиди анқиб турувчи яхна чой ичишмоқда.

Кутайсов телефонда сўкиняпти.

Георгий Васильевич пастак ва лиқилдоқ табуреткада стол бурчагига тирсақларини кенг ёйганича ўтириб, мақола ёзмоқда.

Унинг орқасида туриб, елкаси оша қоғозга тикилган Винкич сочларини ёйганича уни шоширарди.

— Ёзаверинг, ёзаверинг, Георгий Васильевич. Жуда яхши. Ҳақиқий ёзувчи дарров билинади қолади. Яна сиз техник жиҳатдан тайёр эмасман, бунақа мақола ёзолмайман, дейсиз-а. Ман-ман деган прорабданам яхши тушунар экансиз-ку техникага.

Винкич Унга уялмай-нетмай тилёгламалик қиларди. Бунинг сири аниқ: унга обрўли ном, Георгий Васильевичнинг самарадор имзоси керак.

Жанг бўлиши аниқ. У ҳаёт-мамот жанги бўлади. У ўзига олдиндан қурол танлаётганди.

— Ёзинг, Георгий Васильевич, ёзаверинг.

Георгий Васильевич гарчи Винкич унинг фазилатларини анча ошириб юбораётганлигини сезса ҳам мақтов хуш ёқарди.

— Қани, бир пайтлар газетага ёзиб юрган вақтимизни эслаб кўрайлик,— гўлдиради у инқиллаб.— Қани, қани, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, дейишадик-ку.

Унинг кўзлари мулоим чақнамоқда. Руҳи баланд. Қалами қоғоз устида тез ўрмалаяпти. Винкич у ёзганлари ярим овозда ўқий бошлади:

— «Кейинги вақтларда бетон тайёрлаш суръати бетонқорғич машинадан тўғри фойдаланиш масаласи бўйича икки қарама-қарши оқим кўрина бошлади...» Жуда яхши, жуда тўғри... «Бир томонда, қурилиш биғинида қоришмалар сони тинимсиз ошиб бормоқда. Нуқта. Иккинчи томонда, улкан қурилишлардаги баъзи масъул инженерлар қоришмалар сонининг ортиб боришига қатъий қаршилик кўрсатяптилар, вергул, улар қоришмалар сонининг бундай ошиши қимматбаҳо чет эл асбоб-ускуналари амортизациясига салбий таъсир кўрсатади деган мулоҳаза билдиришяпти». Жуда яхши.

Винкич Налбандовга бир кўз ташлаб олди-да, атайин овозини кўтариб деди:

— Георгий Васильевич, «салбий» сўзи олдига «гўё» сўзини қўшиб қўйинг.

У «гўё» сўзига-урғу берди.

— «Гўё салбий». Ҳа, «гўё салбий», деб ёзинг. Шунда кучлироқ чиқади.

— «Гўё», яхши. Сиз айтганингиздек бўла қолсин. «Гўё салбий»... Бўп-пти...

Налбандов эътиборсиз эди. Ҳозир унинг қулоғига ҳеч нарса кирмасди.

«Амортизация ва сифат», ўйлади у.

Сўнгра бепарволик билан хонага кўз югуртирди.

Ҳаммаёқда газеталар, газеталар, газеталар...

Уларда қаҳрамонларнинг суратлари акс этган.

Портретлар тизими. Группали суратлар. Зинапоя бўлиб тушган суратлар.

Суратлар, суратлар, суратлар.

Турли касб эгалари улар: юкчи ва бетончилар, арматурачи ва ер қазувчилар, опалубкачи ва дурадгорлар, такелажчи ва кимёгарлар, чизмакашлар...

Катта ёшдагилар, ёшлар, ўрта яшарлар.

Кепкали, телпакли, шляпали, фуражкали, дўппили...

Номлар, номлар, номлар.

Шухрат!

Шу шухратмикин?

Ҳа, бу — шухрат.

Ҳақиқий шухрат мана шу. Шухрат айнан шу тарзда қўлга киритилади. Шухрат «шу ерда» қўлга киритилади. «Анави ерда» эса маҳрум бўлинади.

У Шура Солдатовага кўз қирини ташлади.

Шура бу вақт эмакляётган вазиятда гўдаклардек тилни ўйнатиб, деворий газета саҳифасига Маргулиснинг суратини ёпиштирарди.

«Ҳа, бу шухрат, — ўйлади у. — Мен бўлсам аҳмоқлик қилиб уни бей беряпман».

Шухрат, шухрат! Шухратни қўлга киритиш керак.

Номинг газеталарда босилиши, ҳисоботларда қайд этилиши, митинг ва баҳсларда такрорланиши, тортишувга сабаб бўлиши керак.

Бу ишни қилиш оппа-осон!

Бунинг учун фақат вақт билан техника даражасида бўлиш керак. Бу даража паст, оддий бўлса ҳам майли. У гарчи юқоридек кўринса-да, Европа ва Америка даражасидан минг карра паст бўлса ҳам майли.

Давр авантюризмни талаб этади, демак, авантюрачи бўлиш керак.

Давр қолоқларни ва келишолмаганларни аямайди.

Ҳа, бу шухрат.

Мана, бугун у бахтли фурсатни қўлдан чиқарди.

Қайсиниси маъқул?

Давр савиясида одимлаш керак эди. Рекорд ишини ўз қўлига олиши, ташкил этиши, илгари суриши, довруқ солиши, биринчи бўлиши керак эди...

У тактик хатога йўл қўйди. Лекин ҳали ҳам кеч эмас. Ҳали олдинда яна бунақа ҳодисалар минг-минглаб учрайди.

1 ўрт юз йигирма тўққиз..

Ирнеев соат милларидан кўзини узмасди.

— Соат нолу ўттиз уч минут. Бўлди! Тамом!

Ишченко замбилгалтакни аста ерга қўйиб, кўйлагининг бари билан юзларини артди.

— Бўлди! Моторни ўчир!

У мотористга толиққан қўлларини силкиди.

Барабан аста тўхтади.

Оломон «ура!» дея қичқириб юборди.

Ишченко ҳеч қасқа қарамай, бафуржа тўшамздан тушди. Оломон унга йўл бўшатди.

Оломон ёнида Ханумов турарди.

Бошига ялтироқ зардўзи дўпни, оёғига каттакон ботинка кийган, чечак сабабли дўл ургандек из қолган малла юзли, пучуқ бурун Ханумов кўтарилган қўлини ёйилган байроқнинг дастасига беихтиёр тираб, оёқларини қаттиқ босганича турарди.

Ишченко ерга қараб, жилмайди.

Ханумов ҳам жилмайди. Лекин шу заҳоти энэ қовоғини уюб олди.

— Хўш, Костя...

Унинг овози дўстона, тантанавор, шу билан бирга дардағали янгради.

Ханумов тўхтади. Мосроқ сўз қидирди-ю, тополмади. Бир дақиқа жим турди-да, Ишченкога қўлини чўзди.

Улар бир-бировларини қучоқлашди, байроқ панасида уч бор беўхшов ўпишишди.

Ишченко лабларида уч марта Ханумовнинг тахтадек қаттиқ лунжларини ҳис этди.

— Ҳа, Костя... Бугун обрўйинг баланд, катта галабани қўлга киритдинг. Жаҳон рекорди, бу ҳазил гап эмас... Хуллас, қандингни ур, табриклайман. Бугун қурилишда сен биринчисан. Бугун, албатта. Тўрт юз йигирма тўққиз қоришма... Қойил. Яхши бригадирсан. Харьковни бопладинг. Кузнецкни ҳам. Бир смена давомида икковини ҳам бопладинг. Жуда яхши кўрсаткич. Энг яхши бригадирсан... Ҳозирча.

Ханумов тупугини ютди.

— Сен тўрт юз йигирма тўққиз қоришма қўйдинг, — деди у ва бирдан овозини кўтарди. — Биз эса сендан ўзиб кетиш учун муқобил план қабул қиламиз — беш юз қоришма қуямиз! Битта ҳам кам эмас —

беш юз. Беш юз қоришма қуймагунча жойимиздан қўзғалмаймиз. Етиб оламиз.

У бригада аъзолари томон ўтирилди.

— Тўғрими, йигитлар?

— Тўғри! Беш юз эллик! Унгача жойимиздан қўзғалмаймиз! — бақришди бригада аъзолари.

— Эшитдингми, Ишченко? Эшитдингми йигитларимнинг гапини? Ёзиб қўй. Беш юз. Энди тамом бўлдим деявер.

— Нэ кажи гоп¹, — деди Ишченко қовоғини солиб.

Ханумов унга бошдан-оёқ диққат билан тикилди, лекин ҳеч нарса демади.

У такаббуруна бир чеккага бориб, байроқни шағал уюмига қададида, аввалги жойига қайтиб, бригада аъзоларига юзланди:

— Ўртоқлар! Командамни эшитинг. Ҳамма жой-жойига. Замбилгалтакларга! Белкуракларга! Ара-ва-ча-лар-га!

Унинг овози сара суворилар командасининг қалди-роқ товуш баландлигида жаранглади.

— Босла-ри-и-инг!

Ханумовнинг бригадаси тўшамага ёниб кетди.

Мося прораб идорасига кирди.

Корнеев столда ёнлаб, оёқларини осилтириб ўтирганича сиёҳ билан қўшимча қум нормасига талабнома ёзарди.

— Ўртоқ прораб!

Корнеев эшитмади.

— Корнеев! — зардали бақирди Мося.

— Ҳа?

Мося қаддини рўй-рост тиклади-да, атрофда ўтирган Винкичга, Георгий Васильевичга, Маргулиес ва Налбандовга, Шура Солдатова ҳамда бошқа идора хизматчиларига шодиёна илдам назар ташлади.

У чеҳрасини жиддий тутиб, қуруққина рапорт берди:

— Ўртоқ прораб. Учинчи смена ишни тугатди. Икки юз тўқсон тўрт куб бетон қуйилди. Қоришма сони тўрт юз йигирма тўққизтага етди. Харьков ортда қолди. Кузнецк енгилди. Жаҳон рекорди қўлга киритилди. Ишлаб чиқаришнинг ўртача нормаси бир юз йигир-

¹ Украинча. «Катта тишла, катта гапирма», деган маънода. (тарж.)

ма процентга ортди. Бригадир — Ишченко. Ишбоши— мен.

Бу ҳаммага аллақачон маълум бўлган хабар эди. Такрорлаш шарт эмасди. Лекин Мося шу мазмундаги рапортга роса тайёргарлик кўрган, бу дақиқани анчадан бери сабрсизлик билан кутган, унда олдинроқ лаззатланган эди. Мана энди Мося орзу қилган танта-на дақиқаси етиб келганди.

У ҳарбийларга хос чаққон ҳаракат билан рапортни Корнеевга узатди.

— Яхши, — деди Корнеев бепарво.

Сўнгра қўполлик билан ручкани силкиди. Катта бир томчи сиёҳ ажралиб чиқиб, туфлисига тушди. Корнеев буни кўриб, башарасини нохуш тириштирди. Кейин қогозни деворга қўйиб, унга қарамаёқ имзо чекди.

— Ханумов бошладими? — сўради холос кейин.

Бошқа ҳеч нарса демади. Мося бир сменада икки юз тўқсон тўрт куб бетон қўйиб, мисли кўрилмаган суръатга эришса, иккита жаҳон рекордини ортда қолдирса-ю, у бир оғиз ҳам гапирмаса-я! Худди ҳеч нарса бўлмагандек.

Мося алам билан рапортчкани чўнтагига солди.

— Ханумов иш жойида. Сменани топширайми?

— Топшир.

— Ханумовнинг нормаси қанча?

— Норма?

Корнеев бурнини тортди. У Маргулиесга савол назари билан қаради.

— Давид! Ханумовга қанча?

— Соатига қирқ беш қоришма, — деди Маргулиес эснаб, — кўпи билан эллик.

У чунонам қаттиқ ва роҳатланиб эснадики, ҳатто «кўпи билан эллик» иборалари тушунарсиз эшитилди.

Мося қулоқларига ишонмади.

— Қанча, Давид Львович? Қанча?

— Айтдим-ку, соатига кўпи билан эллик қоришма деб, — бамайлихотир такрорлади Маргулиес.

— Нима деярсиз, Давид Львович, ҳазиллашяпсизми? Бу бир сменада қанча дегани?

Мося хаёлида тез кўпайтира бошлади:

— Бешу саккиз — қирқ, ноль қўшамиз, тўрти дилда... — У Маргулиесга худди эси жойидамасдек тикилди.

— Бир сменада тўрт юз қоришма? Биз тўрт юз йигирма тўққиз қўлайлик-да, Ханумовга тўрт юзми?

У секин, ҳақоратомуз, маърагандек кулди.

— Уч юз олтмиш, кўпи билан тўрт юз.

Маргулиес яна оғзини катта очиб эснади. У сира эснашини тугатолмасди. Унинг «кўпи билан тўрт юз» дейиши ғалати бўлиб чиқди.

Налбандов иягини тутамлаганича кўзини қаттиқ қисиб Маргулиесга тикилди.

— Кўпи билан тўрт юз? — қайта сўради Мося.

— Кўпи билан тўрт юз, — тасдиқлади Маргулиес.

— Давид Львович!

— Бор, бор.

Маргулиес чўнтагини кавлади, лекин шакарли жўхори қолмаганди.

— Бор, Ханумовни ишдан қўйма.

Мося ўрнида депсийди.

— Хўп!

У эшикка яқинлашиб, ҳалқасидан тутди-ю, шу заҳоти яна орқасига қайтиб, бурчакда турди. Кейин тахтага тирсагини тираб, бармоғи билан ундаги қатрон томчисини тирнади.

Ташқарида музика овози янграрди. Маршнинг парад тактлари дераза ойнасини дириллатарди. Маргулиес Мосяга қатъий, сўроқ назари билан тикилди.

— Хўш?

— Майли, нима десангиз денг, Давид Львович, лекин мен бормайман.

Маргулиес қошларини чимирди.

— Давид Львович, — ғамгин гап қотди Мося, — фақат мен эмас. Ханумов билан гаплашини учун ўзингиз боринг. Давид Львович. Мен бормайман. Улар мени ўлдиришади.

— Нима?

— Улар мени ўлдиришади! Тўғриси! Нима, Ханумовни билмайсизми? Қаранг, у ерда нималар бўляпти. Роса тўполон. Уларнинг муқобил плани — беш юз, битта ҳам кам эмас. Мен бормайман. Беш юздан камига Ханумов қўнмайди.

Мося полга чордана қуриб ўтириб олди.

— Нима қилсангиз ҳам ўзингиз боринг.

— Улар ҳозирча беш юзга қоринишма ҳақида ўйламай туришин, — деди Маргулиес созуқинна қилиб. — Кўпи билан тўрт юз. Бир грамм ҳам ортиқ эмас.

— Ўзингиз боринг!

Маргулиес туришга улгуролмади.

Мося дик этиб турди-да, Маргулиесдан олдин отланди.

— Утиринг! — жаҳл билан қичқирди Мося. — Утиринг! Мен ўзим.

Мося идорадан дадил чиқди, лекин бир дақиқа ўтар-ўтмас ҳарсиллаганича хонага отилиб қайтиб кирди-да, эшикни қаттиқ ёпти.

Дераза ортида ҳаяжонли қичқириқ ва ҳуштак овозлари эшитили.

— Вуй! Нималар бўляпти у ерда? Тўрт юз деб энди оғиз очгандим ҳамки...

Мося бурчакка ўтирди. Унинг ранга оқариб кетганди.

— Давид Львович, ўзингиз боринг! — қичқирди у шикаста товуш билан. — Узингиз боринг! Улар менга қулоқ солишмайди. Узингиз боринг.

Маргулиес ўрнидан турди-да, эшикни тақ этиб ёпиб, идорадан чиқди.

Чиқди-ю, остонада тўхтади.

61

Оломон унга йўл бўшатди.

Маргулиес бир-бир машина томон юрди. Ханумов калта, маймоқ оёқларини тираганича тўшама ўртасида турар, унинг кўзидан нигоҳ узмасди. Маргулиес Ханумовга яқинроқ борди.

— Нега бошламаяпсизлар? — деди у бригадирга қўлини бераркан, ройиш оҳангда. — Соат нолу ўн беш минут бўлди. Вақт кетяпти, хўжайин, вақт кетяпти.

Ханумов Маргулиесга қадалган сузик кўзларини узмай тураверди. Прожекторларнинг ялтироқ-гелиотропик ёғдусида юзлари ниҳоятда оқариб кўринди.

— Нега Мося бизнинг нормаизни судраяпти, хўжайин? — деди у таниб бўлмас даражада паст, бўғиқ овозда, — барака топкур, айт! Норма қанча?

Бригада аъзолари уларни жимгина қуршаб туришарди.

— Норма соатига қирқдан қирқ бешгача. Бир сме-нада кўпи билан тўрт юз қоришма.

Ханумовнинг кўзлари яна ҳам қисилиб, жиддийлашди.

— Костя тўрт юз йигирма тўққизта қоришма қуйиб, жаҳон рекорди қўйсину, бизга тўрт юзтами?

— Ортиғи ҳозирча мумкин эмас.

— Давид Львович, сен балки ҳазиллашаётгандирсан-а?

— Вой, тентаг-ей! Жинни экансан, Ханумов, — Маргулиес унинг кўзларига хира кўзлари билан яқинроқдан тикилди. — Тўрт юздан ортиғи ҳозирча сира мумкин эмас. Аввал сифатини текшириб кўриш керак. Етти кундан кейин кубикларни босиб, сифатини текшириб кўрайлик, кейин, майли, агар сифати яхши бўлса, менга деса, марҳамат, саккиз юз қоришма қуйсанг ҳам йўқ демайман... Тушундингми?

— Қостяга мумкину, менга мумкин эмасми? — қайсарланди Ханумов.

— Сабр қил.

— Давид Львович, беш юз.

— Мумкин эмас.

Ханумов Маргулиесни яхши биларди. У баҳслашиши фойдасиз эканлигини билди. Шундай бўлса ҳам ўжарлик билан такрорлади.

— Беш юз.

— Йўқ.

Бригадир атрофга паришон аланглади.. Чор-атрофдан жиддий чехра, суст, илтижоли кўзлар қараб турарди.

Корнеев, Мося, Налбандовлар яқинлашишди.

Ханумов нажот излагандек жилмайди.

— Тўрт юз... эллик... хўжайин?

Маргулиес калласини лиқиллатди.

— Вақт кетяпти, вақт...

— Тўрт юз эллик... хўжайин?

— Савдолашишни қўй, Ханумов. Бозорда эмасмизку. Иш тўхтаб қолди. Вақт кетяпти.

Ханумов лунжини шиширди-да:

— Беш юз! — деб қичқирди кучининг борича. — Унда беш юз — битта қоришмаям кам эмас. Беш юз!

Ханумов ғазаб ва қайсарликдан титраб кетди.

— Мумкин эмас.

— Нима деяпсан... Нима деяпсан... — дерди Ханумов аранг нафас олиб. — Нима деяпсан, Давид Львович? Жонимни суғуриб олмоқчимисан? Одамлар олдида мени шарманда қилмоқчимисан? Масхара бўлайми? Давид Львович! Мени биласан-ку... Сен мени, мен сени яхши биламиз. Икковимиз тўғон қурганмиз. Биргаликда қўл-оёғимизни совуқ олдирганмиз...

Налбандов белини ушлаб, ҳассасига орқаси билан

тиралганича турарди. У пешонасини тириштириб, кулимсиради.

Маргулиес бошини кескин силкиди.

— Уртоқлар! Болалар!— қичқирди Ханумов бутун вужуди титраб.— Биринчи енгилмас бетончилар! Кўр-яписизми, бизни нима қилишяпти?

Бригада аъзолари жимгина, маъюс қараб туришарди.

— Давид Львович! Уртоқ участка бошлиғи! Маргулиес! Одамгарчилик қил. Ҳақиқий инсон бўл. Беш юз!

— Тентаклик қилма, Ханумов,— деди алам билан Маргулиес.— Барибир овора бўласан. Сменани бошла.

Ханумов нима дейишини билолмай қолди. У шартта кўйлаги ёқасини йиртиб ташлади.

— Унда... биласанми... Сенга нима демоқчиман... Давид Львович... Мени қийнама... Биласанми... Нима демоқчиман... Жин урсин... Ишинг, чўчқа экан! Ит экан! Мана нима!

Ханумов титраганича қўлини чўнтагига тикди, қўли чўнтак астарига илашди-да, у билан бирга портсигарини олди.

— Мана... Тўғон қурилишида ишлаганим учун берилгани ўйиб ёзилган кумуш портсигар... Саксонтўртинчи пробали... Ол... Керак эмас...

У бошқа чўнтагидан кумуш соатини олиб, портсигар ёнига қўйди.

— Совга соат... ЦЭС учун...

Соат устига дўпписини ташлади.

— Дўппи... темирчилик цехи плитаси учун берилган...

У ерга тап этиб ўтирди-да, оёгидаги ботинкасини еча бошлади.

— Қуюв цехи ҳовлиси учун берилган ботинка... Ол... Йўқот... Ҳеч нарса керак эмас.

Маргулиес бир нима деб улгурмасданоқ, у оёгидан ботинкасини ечиб, бир четга ирғитди.

— Жин урсин, қурилишдан кетаман. Менга расчёт ёзиб бер. Оппортунистлар билан бирга ишламайман. Йўқолинглар...

Маргулиеснинг ранги оқариб кетди.

Ханумов ўйноқи кўзлари билан атрофга аланглаб, бирдан Налбандовни кўриб қолди.

— Уртоқ Налбандов...

У похолни тутамлади.

— Уртоқ Налбандов, сиз гувоҳ бўлинг... Бу ерда ўнг оппортунистлар инсонни калака қилаётганларига гувоҳ бўлинг! — бақирди у газаб билан.

Ҳамманинг кўзи Налбандовга қадалди. Налбандов кўзлар қуршовида қолганди.

У ўзига умид ва илтижо билан мурожаат қилиб турган бу кўзларни аниқ кўриб турарди.

Мана кутилган дақиқа. Шухрат ёнгинада. Фақат қўл узатиб олинса бас. Давр қолоқларни аямайди, иккиланганларни кечирмайди.

Иккисидан бири.

— Давид Львович, — деди Налбандов умумий сукунат ичида.

Унинг овози хотиржам ва кескин эди.

— Мен сизга сира тушунолмай қолдим. Нега Ханумов бригадаси ишлаб чиқаришни сменада беш юз қоригмагача кўтаришига рухсат бермаяпсиз? Менимча, буни бемалол бажарса бўлади.

— Албатта бўлади! Тўғри! Шак-шубҳасиз! Мумкин! — чувиллашди бригада аъзолари.

— Кўрдингми, Давид Львович, навбатчи инженердек одам нима деяётганини! — деди Ханумов шошилиб, дик этиб ўрнидан тураркан.

Налбандов Маргулиесга ўгирилди.

— Маслаҳатим шуки, қарорингизни қайта ўйлаб кўринг.

— Маслаҳатингизга муҳтож эмасман! — деди Маргулиес қўполдан-қўпол.

— Мен сизга фақат маслаҳат бериш ҳуқуқигагина эга кимса эмасман, Давид Львович. Қурилиш бошлигининг ўринбосари сифатида буйруқ ҳам бераоламан.

Налбандов «буйруқ» сўзига ургу берди.

— Мен сизнинг буйруғингизга бўйсунитишни хохламайман! — ингичка товуш билан қичқирди Маргулиес.

— Мен партия олдидаги бурчимга жавоб бераман!

Налбандов елкаларини қисди.

— Билганингизни қилинг. Менинг вазифам — айтиб ўтиш. Лекин сизнинг фармойишингизни ошкора оппортунистик характерга эга деб ҳисоблайман. Қўлга киритилган натижада, олдинги сменадаги тажрибадан фойдаланиб, олға интилиш ўрнига орқага чекиняпсиз ёки нари борганда жойингизда депсиняпсиз. Бу билан суръатни бузаяпсиз. Суръат реконструкция даврида ҳамма нарсани ҳал қилади.

Бу гап бамисоли ёниб турган гугуртни қуруқ хашакка ташлагандек оломонни гуриллатиб юборди.

— Мен... сиздан... демагогиясиз гапиришингизни сўрайман...

Маргулиес муштрларини тугиб, Налбандовга яқинроқ борди. Унинг ияги қалтирар, ўзини аранг тутиб турарди. Маргулиес ўзини осойишта тутушга тиришиб, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапира бошлади.

— Аввал бетон сифатининг яхшилигига ишонч ҳосил қилмагунимча сонини кўтаришга рухсат бермайман. Бу французча кураш майдони эмас, қурилиш. Тушундингизми?

У зарурат бўлмаса ҳам кўзойнагини тўғрилаб, нари борди ва елкаси оша қараб деди:

— Бемалол бўлса, иш fronti ўртасига тушманг. Сиз тартибни бузаяпсиз.

Шундан кейин Маргулиес Ханумовнинг ёнига бориб, бир оз қалтираётган қўлларини унинг елкасига қўйди.

— Сен, Ханумов... Мени яхши биласан-ку... Сенга мумкин эмас деяшманми, демак, мумкин эмас. Мен сенга бирон марта панд берганмидим? Икковимиз, Ханумов, биргаликда тўғон қурдик. Тўғримиз? Нима, ёш боламисан? Кейин ҳамма плиталарни бузайликми?

Ханумов Маргулиеснинг юзига шубҳаланиб қаради. Ханумов ундаги бутун ҳақиқатни, энг сирли ҳиссиётни, фикридаги сирли ҳаракатни уқиб олиш учун диққат билан узоқ тикилди.

Лекин бу рангпар, лой юқи, прожектор нурида ялтираб турган чеҳрада дўстона ҳиссиёт, меҳр, хайрихоҳлик, чарчоқ ва қатъиятдан бўлак ҳеч нарсани кўрмади.

— Тўрт юз эллик... Майлими? Хўжайин...

Маргулиес бошини чайқади.

— Вақт кетяпти.

Ханумов энгашиб, ерда ётган нарсаларини йиғиштира бошлади.

Оломон четга чиқиб йўл берди.

Маргулиес оломон орасидан шошилмай, прораб идораси томон юрди. Мося ёйилган қўлларини ликиллатганича унинг орқасидан эргашди.

Маргулиес тик турганича блокнотни олдига сурдида, қаламни синдириб, бир минуту йигирма секундда бир қоришмадан оширмаслик ҳақида тез-тез буйруқ ёзд. Уни шартиллаб йиртиб, Мосяга узатди.

— Ханумовга олиб бориб бер. Аниқ бажариши учун.

Мося ташқарига чиқди.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас Маргулиес барабаннинг аста юрган товушини эшитди.

— Соат йигирма беш минути кам бир,— деди Корнеев.

62

Семечкин ўт ўчирувчиларнинг қоронғи саройида тагига пақир қўйиб ўтирипти. Узун тирқишдан ичкарига электрнинг бир тутам ёғдуси тушарди.

Семечкин ана шу ёғдуда область ва марказий газеталарга мўлжалланган айбномасини ёзарди.

Мақоланинг мавзуси матбуот вакилига нисбатан бемаъни муносабат.

У қоғозни тиззасига ёйган кўйи пичинглар, қавс, қўштирноқ ва кўп нуқталар тўла узун, батафсил айбнома ёзди.

Унинг лаблари учарди. Ранги бўзарган. Ёнида эса, сарой бурчагига ялтироқ шуъла ташлаб, парусин портфели ётипти.

Ташқарида гулдираб поездлар ўтади. Сарой дариллайди. Онда-сонда соя ташлаб шуъла тушади.

Сарой бамисоли олд-кетинга юраётгандек соя дам ўнгдан чапга, дам чапдан ўнгга ўрмалайди.

Тамба шарақлаб тушди. Саройга соқчи мўралади.

— Ёзяпсанми?

— Ёзяпман,— деди йўғон товушда Семечкин гердайиб.

Унинг қора кўзойнаги оппоқ электр нурида аксланиб, нохуш ярақлади.

— Нарсаларингни йиғиштириб, туёгингни шиқиллат, акаси.

Семечкин қоғозларни тахлаб портфелига солди-да, гердайиб саройдан чиқди.

Составларнинг кўланкаси лип-лип ўтади. Ёруғликда кўланка ташлаб, ишчилар югуришади.

Улар аллақачон жомакорларини ечиб, ювиниб олишган, лекин ҳамон ишдан сўнг ўзларига кела олишмасди.

Кўйлак остидаги кўкрак қафаслари ҳарсиллашларидан нуқул кўтарилиб тушади. Ҳўл сочлари осилиб, кўзларига киради. Ечиқ энглар солланади.

— Уҳ! У-у-уҳ! — чийиллади Оля Трегубова. — Уҳ-ҳ! Ким мени бараккача кўтариб борса, икки тийин бераман.

У аранг нафас олар, ачишаётган кафтларига пуфларди. Кўзлари жозибали ноз-карашма билан маъюс чақнайди. Оддий латтадан фарқи қолмаган, жулдурга айланган яп-янги кўйлаги тагидаги сийначалари кўтарилиб тушади.

— Ярим танга ол, фақат чакагингни ўчир!

Саенко участка бўйлаб дайдиб юрипти.

У фонарь ва прожекторларни ёнлаб ўтар, бўри юриш қилиб, соядан сояга интиларди.

Қоронғи тун унинг теварагида дам бамисоли бўри жунидек атрофга тарс-турс учқун сочиб милтиллайди, дам ёришади.

У баракка худди ўғридек орқа томондан пусиб келарди.

Олтинчи участкадан духовой оркестрнинг овози эшитиларди. У ана шу жойдан ҳам айланиб ўтди.

Ишчилар уйи ва опалубкалар кўланкасида соқчи ва қоровулларнинг кичкина уйчалари турипти.

Тун. Саенко ишчилар уйи ва опалубкалар ёнидан ўтди.

Домна цехи бамисоли уйқудагидек ёрқин ва сокин тунги ҳаётини кечирмоқда. Ажойиб чироқлар қад ростлаган домналарни афсонавий тарзда ёритади. Пастдан юқорига чиройли ёритилган бу домналар тунда кундузга қараганда кўзга яққолроқ ташланарди. Ялтироқ нур уларнинг айлана қаватларида титрайди.

Эрта билан қаватлар саккизта эди. Энди тўққизтага етипти. Учинчи қават эса энди қурила бошланган.

Кран стрелкаси кўз илғамас баландликда майишган зангли тунукани чангалида ушлаб турипти.

Бу каттакон тунука ердан қараганда тиш ҳажмидек кўринарди. Аслида эса оғирлиги бир ярим тонна юк. Агар бошга тушсами, нақ майда-майда қилиб ташлайди.

Тунуканинг заиф кўланкаси домна танасидаги ўйдим-чуқур, кенг ёндорда ҳаракатланади. Тунука бўлаги баландликда аста-секин айланади.

Электросварканинг ложувард юлдузлари қаттиқ гувиллаш билан учқунланади. Атрофда шуъласимон кўланкалар титрайди.

Сваркачиларнинг қўлларидаги асбобларидан яшил ёғду таралади, юзларида эса ниқоб. Югураётган одам

лар пастдан кичкина бўлиб кўринади. Улар кичкина кўринишса-да, қўшиқлари катта, бу улкан қурилишлар қўшиғи эди.

Кўчма кўралар гувиллайди. Одамлар узун қисқичлар билан ёқутранг олов ичидан опшоқ оқаргунча қиздирилган металл парчини замбуруқларини тортиб олишади. Парчинлар тўпчи плитасидек тутайди. Югуриб, жойига олиб борилгунча ранги ўзгаради. Оқранг сариққа, сариғи пуштига, пуштиси эса тўқ-барикарам тусга айланади.

Кувалда металл парчининг барикарам бошига тўплонча отилгандек қарсиллаб ташланади. Атрофга уқунлар сачрайди. Парчин қаттиқ зарба остида яна рангини ўзгартиради. У аввал кўк, кейин зангори, тимқора рангга, кейин яна оқ, лекин совуқ, хира, темир тугма рангига киради.

Саенко домна цехини ҳам, «Комсомольская правда» вагонини ҳам айланиб ўтди.

Ленин расми туширилган яшил пульман вагони боши берк темир йўл пэнда туринти. У ерга бамисоли қаттиқ қоқиб қўйилгандек туюлади. Вагоннинг ташқариси ҳам, ичкарисини ҳам чироқ ёғдуси билан бурканган.

Саенко вагонни айланиб ўтиб, деразадан мўралади. Ҳамма деразалар равшан ёритилган, лекин ичкарида атиги бир киши бор эди.

Шоир Слободкин кўлида верстат ушлаганича ҳарфлар кассаси олдида турар, кўзини кассага яқинроқ тикиб, анкетага мос сўзларни терарди. У зич терилган ҳарфлар квадратини каноп билан боғлайди. Кейин рух столга олиб ўтади, уни чўтка билан уради. У шошиларди.

Саенко вагонни четлаб ўтди.

Яшил вагон унинг орқасида ўзи босиб ўтган давр ичидаги барча жойлар — Златауст темир дуди, Миасс папаротниги, Қараганда қуюни, момақалдироғи ва камалаги, антрацит ҳиди, Челябининг жилваси, Катта Уралнинг бутун соф ҳавоси ва кучи билан иссиқ нафас олади.

Омборхонанинг узун кўланкасида соқчининг милтиғи совуқ ялтирайди.

Саенко омборхонани оҳиста айланиб ўтди. У қўлларини кенг шими чўнтақларига тикиб олган, чўнтагидаги гугурт қутичасини шиқиллатмасликка ҳаракат қиларди.

У майдонни кесиб ўтди.

Чўл туни қора чигиртканинг олтин калитчаси билан юлдуз соатини бурайди.

Буралган юлдузлар бир-бири билан тўқнашиб, кесишиб, дам кўриниб, дам кўздан ғойиб бўлиб, турли томонга ҳаракат қилади, лекин бу ҳаракат кўзга кўринмасди.

Кўтарилган ойнинг яширин ёғдусида рельслар ялтирайди.

Поезд ўта бошлади. У узоқ маршрутга мўлжалланган. Бу ер тепалик бўлганлиги учун платформа секин юрарди. Платформалардаги бир пудли темир бўлак тебранади, мудрагандек ғилдиракларга тўқиллаб урилади.

Саенко платформа орқасидан югуриб, қўли билан бортни ушлади.

Тормоз будкаси соясида стрелканинг қора гавдаси кўринди.

Саенко темир йўл кўтармасидан пастга тушгач, аланглаб туриб, иккита платформани ўтказди-ю, яна унинг ортидан югурди.

Кондукторнинг пўстини, қизил чироқ ва милтиқ кўзга ташланди. Баландлик тугаб, поезд тезлашди.

Поезд Саенконинг ёнидан ўтиб кетди.

Саенко чўнтақларидаги нарсаларини шақирлатганича қизил чироқ кетидан югурди, энтикди, ниҳоят ортада қолди.

Тун ва шуълалар унинг кўзига тиңимсиз урилди.

Боши узра аэроплан учиб ўтди. У кўзга кўринмайди. Фақат ёрқин сигналлари кўзга ташланади. Тепада мавахум товуш босими эшитилади.

Аэроплан чўл узра худди ёниб турган примусдек ўтиб кетди.

63

Серошевский қурилишга саккиз соат кечикиб қайтди. Уни бўрон бошқа ерга қўнишга мажбур қилганди.

Серошевский учиб келяпти-ю, қийиқ деразадан пастга қарайди. Уфқнинг тўртдан уч қисмини улкан оқ қанот яширганди.

Самолёт омборхонанинг йўл-йўл руберойд¹ томига теккандек пастлаб ўтди.

Самолёт қанотида тўртта ҳарф.

¹ Руберойд — томга ёпиладиган махсус қоғоз (тарж.).

Ундаги каттакон Р, сўнгра бир оз кичик, лекин катта С, янаям кичикроқ С, унча катта бўлмаган яна бир С ҳарфлари тун қўйнида кўзга ташланади.

Самолёт қурилиш майдони устида айланиб, қўйини учун пастлай бошлади.

Унинг қаноти остида юлдузли майдон ҳаракатлар, айланарди. Пастда шуълаларнинг статистик жадвали бамисоли жон ато этилгандек милтиллар ва нафас оларди. У бамисоли сўнаётган гулхан учқунларига ўхшаб кетарди.

Лекин юқорида тўқ-пушти, бу ерда эса оқ, ёрқин, электр нури порларди.

Ерда автомашиналар қўнгиздек ўрмаларди. Поездарнинг оқиш буғи. Чор-атрофга тортилган кўча ва йўл чизиқлари бир-бири билан туташади, кесишади.

Турли рангдаги сигналлар шарбат томчиларидек ёлқинланади. Қизили — ўт ўчирувчилар саройиники, кўки — навбатчи омборларники, яшили эса темир йўл стрелкаси ва семафорларники.

Бўртқиқ ёнбағри шуъла билан қопланган тоғлар сузади, айланади.

Серошевский мураккаб хўжалигининг юлдузли геометриясини таниди. Энди унинг теоремаларини бемалол ёддан еча оларди.

Чапда — кон. Унга — домна цехи. Ғарбда — социалистик шаҳарча. Шарқда — карьерлар. Ўртада ялтираб кўринган қутича — марказий меҳмонхона, Коксохимкомбинатга тегишли ишчилар уйи, йиғилаётган органлар, скруберларнинг қийшиқ қувурлари.

Бир тўп прожекторлар билан ёритилган объектлар ва агрегатлар пастда бамисоли муздан йўниб ишланган шахмат доналаридек қийшайиб турипти.

Кўл жўшиб, мавжланади.

— Ҳаммаёқ бўлак-бўлак, тарқоқ.

Лекин Серошевский буни шунчаки хомаки чизма эканлигини биларди. У тепадан ёритилган ишчи лойиҳага қарагандек қурилиш майдонига тикилади.

У келажакни бир йил олдинроқ кўз олдига келтиради.

Яна икки йилдан кейин ана шу яккам-дуккам, бўлак-бўлак қисмлар бир-бирови билан бирлашади, ёпишади, уланади. Ана ўшанда қурилиш худди автомобилнинг ташқарига олинган моторидек бутун клапанлари, қувур ва цилиндрлари рўй-рост кўринган заводга айланади.

Кўл ҳам ўшанда бошқача, янги бўлади. У ўттиз квадрат километрга чўзилади, об-ҳавони ўзгартиради. Кабинада «Диққат» деган сўз ёзилган қизил чироқ ёнди.

Серошевский ўриндиқ тутқичига ёпишди.

Атрофга галати сокинлик тушди.

Қандайдир ғайритабиий ҳолат содир бўлди. Унг томондаги деразадан, ногаҳон, ер кўзга кўринмай қолди.

Ер ўрнининг ўртасида нўхатдек марваридгулли улкан кўкиш бўшлиқ — тўнтарилган осмон пайдо бўлди.

Уша бўшлиқ кўкиш сайёранинг афсонавий сатҳини қаттиқ тортди.

Шу пайт чап томондаги деразадан пастдаги юлдуз тўла ер кўринди. У ўзининг бутун кўриниши — чарогон бараклар томи, шлагбаумлар, темир йўл, экскаваторлар, ерга қадалган прожекторлару йўлларни кўз-кўз қилганча Серошевскийга кўрсатди.

Самолёт ғаройиб парвоздан ўз ҳолига келгунча худди тахта аргимчоқдек юлдузли осмон ва юлдузли ер (ой ва меҳмонхона)ни алмаштириб учиб, охири марта айланди-да, қўниш учун пастлаб кетди.

Самолёт қаноти остида ўт-ўланлар капалакдек пириллайди. Қанотлари учида эса бенгаль чироқлари хира ёнди. Рангдор чўғ кўкат устига тушди. Ўтлар ёна-ёна яна пириллади. Тутун чиқса ҳам барибир пириллашда давом этди.

Одамлар югуришди.

Серошевский жигарранг қўнжли этик кийган оёғини автомобилнинг вафлига ўхшаш узун зинасига қўйди. Зина оёғига узангидек тақалди. Шофёр газни босди.

— Қаёққа?

— Завод бошқармасига.

Серошевский чангдан ҳимоя қилувчи кўзойнагини кўзига туширди. Прожекторлар унинг ойналарида кескин ёлқинланди. Магний лоп этиб ёнди.

Серошевский торпедога чиқиб, ўриндиққа портфелини ташлади.

Налбандов ўзининг швед столи ёнида ўтирипти.

У девордек каттакон, тўртбурчак деразага соқолли юзини кескин ўгирганича, нақшинкор полга ҳассасини тақиллятиб уриб ўтирарди.

Маргулиесга қарши иккита айб қўйиш мумкин.

Биринчиси: Маргулиес ҳозирги фаннинг аниқ талабига хилоф равишда бир сменада қоришмалар сонини тўрт юз йигирма тўққизтагача етказишга *рухсат берди*, бу билан бетон сифатини хавф остига қўйиб, душманнинг ишини қилди.

Иккинчиси: Маргулиес партиянинг суръатни мутасил ошириш ҳақидаги қарорига хилоф равишда бир сменада тўрт юздан ортиқ қоришма тайёрлашга *рухсат бермади*, бу билан бригада ташаббусини бўғиб қўйди ва ўзини ишончсиз, ўнг оппортунист сифатида кўрсатди.

Иккала айб ҳам ҳаққоний — улар ҳақиқатга тўғри келади.

Фақат уларга далиллар етишмайди. Маргулиес қандай сабабга кўра бирига рухсат берди-ю, иккинчисига рухсат бермади.

Лекин булар майда-чуйдалар.

Хуллас, бир-бирига қарама-қарши иккита айб вужудга келди. Бемалол унинг оёғини осмондан келтирадиган рапорт ёзса бўлади.

Энди қайси айб устида тўхталиш керак, деган битта жумбоқ қолди.

Налбандовга биринчиси бирмунча кучли ва илмийроқ туюлди. Лекин унинг кучи сифатни текшириш натижасига боғлиқ.

Иккинчиси, илмий томондан унчалик бўлмаса ҳам давр нуқтаи назаридан устун. Бунда Налбандов юқори суръат тарафдорию Маргулиес унга қарши бўлиб чиқади. Рад қилиб бўлмайдиган вазият. Лекин унинг кучи яна тажриба натижасига боғлиқ.

Агар тажриба салбий натижа берса, унда иккинчи айб Налбандов учун кучли қурол бўлади: у миқдорни сифат ҳисобига оширишни талаб қилган эди.

Агар текшириш ижобий натижа берса, ҳамма нарса Налбандовга қарши бўлади: чунки у сифатни ошириш учун суръатни камайтиришни талаб қилган. Диалектикани қаранг!

Налбандов жаҳл билан ҳассасини тўқиллатди.

Назариди сиёҳдон ниҳоят даражада катталашгандек. У энди дунёнинг ярмини эгалларди. Унинг ойнали шахтасида аэропланлар учиши, поездлар юриши, ўрмон ўсиши, тоғ қад кўтариши мумкиндек эди.

Налбандов ручкани олиб, иккита рапорт ёзди. Бирида биринчи айб, иккинчисида — иккинчи айб.

У икковини ёнма ён қўйиб, кўздан кечира бошлади. Телефон жириглади. У янада авжига чиқди. Налбандов яқинлашмади.

Налбандов жиддий ва ҳаяжон билан хаёл сурарди. Йўқ, биринчи айб барибир унга ишончлироқ туюлди. Фан-фан-да. Унга доим суяниш мумкин. Фан назарий жиҳатдан пухта, қадимийдир.

Ниҳоят махсус фирма паспорти. Хорижийлар янглишмайдилар. Янглишолмайдилар.

Налбандов иккинчи айбномани йиртиб-йиртиб, саватга ташлади.

У биринчи айбномани олиб, Серошевский хонаси томон дадил юриб кетди.

У хона олдига боргач, тўхтади.

Балки фойдасиздир? Рапортни бермаган маъқулмикин?

Унда Маргулиес яна тантана қилади.

Йўқ! Йўқ! Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Налбандов ўзини тутиб туролмади.

Мазкур рапортни бериб, ўз обрўсини, тақдирини гаовга қўяётганини шундоқ сезарди.

Бордию лаборатория тажрибаси...

Лекин Налбандов ўзини ўзи бошқара олмади.

У эшикни хассаси билан очиб, хонага кирди.

— Менга қара, Серошевский, — деди у баланд овозда. — Мана! Рапорт!

64

Филонов пешонаясини қаттиқ тириштирди. У Семечкиннинг асосий фикрини тушуниш ва уқиб олиш учун ҳаракат қиларди.

Семечкин сўниқ ва ранжиган бўғиқ овоз билан жумлага жумлани улашда давом этарди. Жумлалар эса ғализ, узундан-узоқ, заҳарли кинояларга тўла эди.

— Шошма, азизим... — деди Филонов қип-қизариб. — Шошма... бир чеккадан гапир...

Хонага ҳар хил одамлар кириб-чиқиб турарди.

Эшик тақиллаб, очилиб-ёпилади.

Лампочка дам чўғ бўлиб қолар, дам прожектор равшанлигида атрофни чароғон қиларди.

Вақтли электростанция вазминлик билан бир текисда нафас оларди.

Хона бурчаклари гоҳ узоқлашиб, зулмат қўйнида йўқолар, гоҳ кишининг кўзи олдида бутун плакатлар, графиклар, табуреткалар билан намоён бўларди.

Эски ёзув машинкаси бамисоли велосипеддек аста пақиллар ва жиригларди.

Ишченко Филоновга яқинлашиб, столга қоғоз қўйди.

Тепасига босма ҳарф билан «Деб» ва «Кред» сўзлари ёзилган эски бухгалтерия дафтарида йиртиб олинган бир варақ бланка қоғозга сиёҳ қаламда ҳарфлари дона-дона қилиб диққат билан ёзилган ариза эди бу.

Филонов уни дарров равшан ёниб турган чироққа солиб кўрди.

— Шошма, Семёчкин.

Филонов уни ўқий бошлади:

*Кбксохимкомбинат ВКП (б) ячейкасига
Учинчи смена бетончилар бригадири
Константин Яковлич Ишченкодан*

АРИЗА

Мени партиёга қабул қилишингларни сўрайман, менинг 6 ойлик кандидатлик стажим тугади. Мен Социалистик қурилишга қишлоқдан, колхоздан саводсиз ҳолда келдим, бу ерда саводсизликни тугатдим, ўз сиёсий билимимни оширдим, ўз ишимни ер қазувчиликдан бошладим, ҳозир мен учинчи энгилмас зарбдор бетончилар бригадириман, ўз планимни 20—25 процент ошириб бажаряпман, бу ерда мен йигитлар билан бирга бетон қўйишда Харьков ва Кузнецкни ортда қолдириб, жаҳон рекордини ўрнатдим, мен бу ерда қурилишда ишлаётгани ишчиларнинг ҳаммаси ўзи учун курашаётганлигини тушундим ва шунинг учун мен коммунистик партиёда ва менинг йигитларим эса комсомолда бўлиб, партиёнинг бош йўлига ёрдам беришимиз ва уни амалга оширишимиз керак.

К. Я. Ишченко.

Ишченко қўйнидан бир пачка комсомол анкеталарини олиб, ўз аризаси ёнига қўйди.

— Хўш, хотининг қалай?— сўради хиридлаган овозда Филонов бурни тагидаги ялтироқ қошдек қорайиб турган қоққора майин мўйловини учириб, оғзини катта очиб эснаркан.— Кўсан ёридимми?

— Э, ким билади. Мана бу жаҳон рекорди билан бошим огриб турипти ўзи. Балки бўлгандир, эрта билан бораман.

— Унақа дема.

Филонов Ишченконинг анкетасини ҳорғинлик билан кўндаланг қўйиб, бурчагига: «Қабул қилинсин. Филонов», — деб ёзди.

— Тентак хотин, — деб жилмайди Ишченко хижолат тортиб.

Маргулиес бадий устахона деразасидан ичкарига мўралади.

Болалар бошлари тагига гулқоғоз ўрамини қўйганларича бурчак-бурчакда ухлаб ётишарди.

Шура Солдатова полда оёқларини йиғиб, ёни билан ўтирганича Ишченконинг аэропланда ўтирган плакатини ишларди.

Аэроплан илгари бўлмаган конструкцияда — каттакон, олти қанотли, Ишченконинг боши кабина деразасидан мўралар, яланг оёқлари эса қандай қилибдир ташқарига чиқиб турарди.

Оёқлари тошқўмир флорасининг мозийдан қолган афсонавий манзараси узра осилиб турипти.

Гиёҳлар дарахт баландлигида. Дарахтлар эса гиёҳ бўйи.

Бўгим-бўгим бамбук худди митти япон боғларидан бу ерга олиб келиб ўтқазилгандек кўринади. Ярмигача дарё билан яширинган хаёлий қизил қуёш сутканинг тонгими, оқшомими — қай вақти эканлигини аниқ белгилай олмасди.

Маргулиес ойнани чертди.

Шура мўйқаламини чинни изоляторга оҳиста тикиб, қўлларини юбкасига артди-да, кўзи уетига тушган сочларини орқага итқитиб, ташқарига чиқди.

Улар участка бўйлаб кетишди.

Шура футболкасининг енги тирсагидан юқоригача шимарилган бирмунча узун оёпоқ қўлини Маргулиеснинг бўйнига ташлади. Маргулиес бўйнидаги қўлларни бармоқларидан ушлаб, обкашдек елкасидан оширди.

Уларнинг бўйи деярли баробар эди.

— Касалхонада нима дейишди? — сўради Маргулиес.

Шура елкасини қисди.

— Қўлини кесимарканми?

— Ҳали номаълум.

— Ғирт бемаънилик бўлди-да...

— Менга қара, ўзинг бирон нарса едингми?

Маргулиес бошини лиқиллатди.

— Очингдан ўласан. Факт.

— Ўлмайман. Ҳозир соат неча бўлди?

— Иккидан чорак ўтди.

— Саккизда ошхона очилади.

— Ухламайсанми?

— Тўғри. Ухласа ёмон бўлмасди. Бир оз айланайлик.

— Сен — туясан. Болалар сени шундай дейишади.

Маргулиес енгил кулиб қўйди.

Улар соядан ёруққа, ёруғдан сояга ўтишарди. Ёруғ жой кундузни, соя жой тунни эслатарди. Улар тунни қидиришяпти.

Атрофда ёруғлик манбаи тикилиб ётипти. Тол билан ёпилган том тепасида фонарь ёнади. Нариди семафор. Яланғоч юлдуз — беш юз свечали электр лампочкаси. Прожекторлар. Стрелка ва ўт ўчирувчилар сарёйининг сигналлари. Автомобиль чироқлари. Кўралар. Электросварка.

Лекин ҳамма ерда ҳам деярли билинмас сирли марваридгул чироқлар муттасил ёниб турар, аксига олгандек улар бир-бировига уланиб кетарди.

Шура бошини аста Маргулиеснинг елкасига қўйди.

— Менга қара, Давид, Корнеевнинг уйида нима гап?

— Клава қайтиб кетди. У ёқда боласи, эри. Бутун бир тарих.

Кичкина ой нимяшил осмон ўртасида худди ҳали очилмаган марваридгулнинг таранг гунчасидек турарди.

Шура Солдатова Корнеевнинг ҳаётида содир бўлган воқеани ўйлаб, жим бўлди.

— Болаларинг борми, Давид? — тўсатдан жиддий сўради Шура.

— Йўқ. Менинг аслида хотиним ҳам йўқ.

— Сираям бўлмаганми?

— Йўқ, нега, бўлган эди.

— Ҳозир қаерда?

Маргулиес қўл силтади.

— Хуллас, бор эди, энди йўқ.

Шура кулди.

— Зерикмаяпсанми?

— Баъзан зерикаман.

У бошини Шуранинг совиган, бўрсилдоқ қўлига босди ва соқолли ияги билан қитиқлади.

Улар омборхона соясига ўтишгач, астагина ўпишишди.

Омборхона соясида қоровул турарди.

Улар котлованлар тубига тушишди, янги чиқарилган тупроқ уюмига чиқишди. Тиконли сим орқали ўтиб, бошлари узра электр шнурлари ва дала телефон симларини ошириб ташлашди. Ниҳоят боши берк кўчага бориб қолишди, охири ёғоч панжаралар билан ўралган улкан агрегатлар корпуси ва опалубкаларни айланиб ўтишди.

— Айтгандай, Давид, неча ёшдасан?

— Кексайиб қолдим.

— Шундай бўлса ҳам.

— Айтиш даҳшатли. Уттиз олти.

— Пфу... Буни қара-ю, қариб қолганмиш!

Шура нафратомуз пўнғиллади.

— Ҳали ёш боласан-ку.

— Биласанми, гапинг тўғри. Ҳақиқатан ҳам мен ўзимни доим ёш боладек ҳис қиламан. Етти ёшли гўдакдек. Бу ерда болалигим қайтиб келяпти. Мана ҳозир юрибману, қара, атрофимизда қандай улкан нарсалар, шовқин, тутун, чироқлар... Муҳаббат. Балки бу гаплар сени унча қизиқтирмас.

— Йўқ, жуда қизиқтиради. Гапир, гапиравер.

— Биласанми, болалик даврим ҳали-ҳали эсимда. Етти-саккиз ёшдамидим ўшанда. У пайтда Екатеринбургда яшардик... Дадам, айтмоқчи, ажойиб касб эгаси эди. Каллиграфия профессори. Албатта, профессор — фақат шунчаки кўрк учун. Қисқаси, тентакларни чиройли ёзишга ўргатарди. Кўчада, эшик олдида ойна витрина бўлиб, унда қора бахмалда бармоғи билан роз пати ушлаган нимқизил қўл бўларди. Атрофни акацияларнинг жимжимадор сояси билан қопланганди. Бугун кўча бўйлаб худди парктагидек баланд дарахтлар ўсган. Шу боисдан ҳамма ёз бўйи чивиндан сақлақниш учун бошига қалампирмунчоқ мойи шимдирилган тўр боғлаб оларди. Шу туфайли қалампирмунчоқ ҳидидан киши сира қочиб қутулолмасди. Ҳа, қисқаси, бешинчи йилдаги қирғин пайт. Дадамни ҳалок этишди, биз негадир Николаевга қочдик. Николаевда кемага ўтирдик. Тун. Биринчи марта кемадамыз. Ҳақиқатан кема расветина эди. Лекин менга у жуда катта, сирли туюларди. Болалиқда ҳамма нарса каттароқ туюлишини сира

сезганмисан? Хоналар, стуллар, буфетлар, картиналар, мушуклар, итлар, ҳатто чумчуқлар ҳам анчагина, анчагина йирик туюларди. Мана бирдан кема! Тасаввур қиляпсанми? Бўғча устида ўтирибману уйқу босади, онам уёқдан бу ёққа югуради, синглим йиғлайди, осмон қоп-қора, ёй шаклидаги фонарларнинг қандайдир ойдиндек, рангпар ёруғида оқ буғ кўринади. Ҳаммаси ҳам — фонару тутун ҳам, қўрқув ва осмон ҳам, онам ва чириллаётган оққушлар ҳам, ҳавода осилиб турган жойлару кема трапи ҳам, қувур ва гудок ҳам — ҳамма-ҳаммаси катта кўринади менга. Айниқса, гудок — баҳайбат, худди шартта кесилган чой колбасасидек йўғон, узун, бўғиқ гудок. Кейинроқ ҳеч нарса бўлмагандек буларга ўрганиб қолдим. Уса бошладим — олам эса кичрая бошлади. Нарсалар ҳам, қўрқув ва одамлар ҳам. Онам жиккаккина кампир бўлиб қолди. Тахтдек катта туйилган стуллар кичкина маймоқ қақир-қуқурга айланди, хоналар палатадан қафасчага... Мен оламдаги нарсалардан кўра улгайдим. Энди бўлса, қарасам, олам яна мендан ўсиб кетяпти. Мен яна унинг улуғворлигини сезяпман. Атрофдаги нарсалар — ишчилар уйи, километрлар, тонналар, домналар, тўғонлар, фонарлар... ҳам катта. Олам менга нисбатан катталашяпти. Мен майдонда болалигимдек юраман-у, кичкина доводирдек, ҳамма нарсдан ҳайратланаман. Баъзан шунчаки ажабланаман ҳам. Худди ҳалиги айтганим — сирли кемадагидек. Жумладан, буларнинг ҳаммаси ўша портдаги тунга, юк ортилаётган пайтга ўхшайди. Ҳуштак овози, оққушлар, ойдиндаги буғ, умуман...

— Давид, сен мабодо шоир эмасмисан?

— Йўқ, нима эди?

— Шунчаки. Менга плакат учун биронта шеър ёзиб берардинг.

— Тентаксан-да, Шурочка.

— Ўзинг тентак. Нима, мени тушунмайди деб ўйлайсанми? Мен ҳам жуда яхши тушунаман. Ўзим ҳам сезаман. Аввал ҳамма нарса қандайдир йирик туюларди. Ҳозир эса ҳаммасидан кўра ўсганман... Фақат нарсалардан, масалан, юбкадан, кофтадан... эмас. Бутун олам орасидан чиқиб тургандекман... Қандайдир тордек... Унга сирмайсан киши. Ёшлигимда бутунлай бошқача эдим.

— Сендақа кампиршони қара-ю!

— Кампир эмас, лекин жуда ёш ҳам эмасман, — деди Шура ишонч билан.

Кейин бирдан иккала кўли билан Маргулиеснинг бўйнидан ушлаб, унга ёнишди ва унинг кўзига тик қараганча:

— Давид, менга тегасанми? — деди.

Маргулиес кулиб юборди.

— Қизиқ гап! Нега энди сен менга тегмай, мен сенга тегишим керак экан, — деди у шивирлагандек. — Сен менга тегасанми?

Бир нуқтадан чиқаётган ҳарбий прожекторларнинг иккита тўғри нафис нури осмоннинг юлдузли циферблати бўйлаб ҳаракат қиларди. Бамисоли юлдузли соат тўхтаб қолгану, милларини тўғрилаш зарурдек эди.

Тонг ёриша бошлади.

Мистер Рай Рупнинг уйқуси ўчиб кетди. У кексалликдаги уйқусизликдан азоб чекарди. Кичкина ёзув машинаси чиқилляйди. Лекин хона ниҳоятда дим.

Рай Руп катак кигиз туфли ва пижамада югтежанинг айвонига чиқди-да, қурилишнинг узоқ пастак манзарасига қаради.

Қурилиш тунда таниб бўлмас даражада эди. У жылваланарди, шуъла, нур, гуруллаш, тутун, афсонавий кифоа билан нафас оларди.

Мистернинг кексаларча тасавури қурилишни ўзича қабул қилди, ўзича лаззат кашф этди.

Бу хаёлий порт шахри эди. Булар — барлар, дансинглар, кафе, кема мўрилари, ортилаётган юклар гижирляйди, кемалар келиб тўхташи учун қиргоқ ёнида қурилган тахта кўприк — баланд эстакададаги буферларнинг тақирлаши, ратушаларнинг ярқираган миноралари.

Стаканларда ҳайратангиз турли рангдаги кучли чироқлар жилоланади.

Чорраҳалар узра светафорлар осилган. Улар бамисоли кўзбўямачи қутисидек, бамисоли мўъжазгина уч қаватли буддий хитой ибодатхоналаридек осилиб турпти.

Ранго-ранг шариклар тусини сирли тарзда ўзгартириб бўлимдан бўлимга сакрайди. Сарикранг яшилга айланади, яшил эса қизилга.

Дабдабали тўлқинланган оломон шовқин солади. оҳиста чалинган музыка овози янграйди. Бутун чироқлар, ҳидлар, ҳаракатлар, эҳтиросларнинг аёниш кучли симфоник оркестри унинг қулоғига-элас-элас эшитилляди.

Илиқ, қизиган шамол Рай Рупнинг киприкларига куч билан урилади.

Ойдин, юлдузли тун жимирайди.

— Вавилон... Вавилон...

Айвон палубадек сузади. Рай Руп ҳам аста сузиб бормоқда...

— Шўринг қуриди, Вавилон!

У даҳшатга тушди. Энди тунлари ана шундай даҳшатни бошидан кечирадиган бўлиб қолган эди. Бу асосан ўлим барҳақлигини, айниқса, унинг яқинлашаётганини тан олиш эди. Хўп, яна ўн, ўн беш йил... Наридоғри, ўн етти йил!

Кейин!..

65

Нозиккина тукумсимон столда безакли журнал қўйилган. Ича бошланган коньяк, кичкина рюмкача турарди. Журнал саҳифасида қолдирилган Дунгилнинг яхши, тўқ-қизил, тўғри трубкаси ва тамаки қутичаси шойи стол лампаси билан шунақанги сарғиш ва ёрқин ёритилганки, улар худди тамаки фирмасининг рангли рекламасидан ажабтовур қўчириб олингандек кўринарди.

Атрофда кепстеннинг ёқимли ҳиди.

Фома Егорович сочини ҳурпайтирганича стол ёнига ўтирди-да, тирсакларини журнал устига қўйди.

У бармоқлари билан бошини қисди. Шу кўйи гичирлайдиган ялтироқ қоғозда кўкиш товланиб, шунақанги равшан ва ялтираб кўринаётган ана шу ҳамма нарсаларни сиқиб олаётгандек эди. Улар энди етишиб бўлмас даражада, ёв ва совуқ.

Улар нечоғли етишиб бўлмайдигандай кўринса шунчалик аниқ, равшан, табиий туюларди.

Уларга осонгина қўл чўзиш, ушлаб кўриш, олин мумкиндек, лекин чўзилган қўллар, дарҳол сирғанчиқ қоғозга дуч келарди.

Чироқ папиросдек дам ёнар, дам ўчар, дам яна равшанлашарди. Трубканинг қавариқ жигарранг ёғочи ялтирайди. Коньякнинг икки даражаси: қадаҳчанинг наст, шишанинг баланд даражаси қалқийди. Буларнинг ҳаммаси мазмунсиз бир нарса эди.

Бундаги идиш-товоқлар, жиҳозлар, девору матолар, чамадонлар расмда ифодаланган бутунлай пуч нарсалар эди.

Лекин ёшлик, ҳаёт, Мэгги, холодильник, коттеж...

Ҳаммаси тамом.

Фома Егорович кетма-кет олти қадаҳча коньяк ичди, лекин бу денгиздан бир қатрадек туюлди унга.

Шунда у коньякни алюминдан ишланган соқол олиш приборининг стаканига қуя бошлади. Коньяк энди совун ва шоколад таъмига эга бўлди.

Фома Егорович хонага буюм ва китобларни сочиб, чамадондан морфий таблеткаси солинган шиша приборкани олди.

Пробирканинг синган қирраси бармоғини кесиб кетди. У бармоғини болаларга ўхшаб сўра бошлади.

Пробирка, ундан тушган иккита таблетка бамисоли дорихона фирмасининг ажойиб босма рекламасидек чироқнинг сарғиш ва тиниқ ёғдусида ёритилган каби журнал саҳифаси устида ётарди.

Фома Егорович тишини тишига босганича стаканда устма-уст коньяк ичар, лекин сираям кайф қилмасди. Кейин бирдан кайфи кўтарилиб кетди.

Сўнаётган чироқ унинг кўзига чўзилиб, юриб кетаётгандек кўринар, қанча тикилмасин, оқим тугамасди ҳам, тўхтамасди ҳам. Фома Егорович хонадан йўлакка югуриб чиқди. Қўлидаги газета эса нуқул титрарди.

Меҳмонхона уйқуда.

Йўлакдаги баъзи лампочкалар ўча бошлади.

Лампочкалар квадрат шаклидаги қора деразаларда ажойиб манзара касб этиб, аста-секин сўнарди. Нурдан маҳрум бўлган ёруғлик ўз кучини йўқотиб, оппоқ тусдан тўқ-қизилрангига алмашинарди.

Ниҳоят бутунлай ўқди.

Энди, чироқ ўчиши билан ичкаридан кўра ташқари ёруғроқ бўлиб қолди.

У ердан қурилиш чироқлари ва прожекторларнинг нури мўраларди. У шиддатли, узун катакли уюри билан бурчак ва знааларда кесилиб узала тушган. Эшиклардаги пардалар унинг тиниқ ёғдусида жонсиз ва мудроқ ҳолатда осилиб турипти.

Меҳмонхона номерларидақ хуррак, алаҳсираш, чуқур хўрсиниш, уёқдан буёққа ардарилгандаги каравотнинг гижирлаши яққол эшитилади.

Бир неча вақт ўтгач, лампочкалар тескари тартибда тусдан тусга, ночор нурнинг тўқ-қизилрангидан яна кўзни қамаштирадиган оппоқ тусга айланиб, ёритди.

Лампочкалар худди қоронғилекда чекилаётган папиросдек сўнар, ёришар, яна сўнарди.

Вақтли электростанция туриш нуқтасини енгган маховик каби нотекис, қийин хўрсиниб нафас оларди.

Лампочкалар яна ёришар, яна сўнарди.

Фома Егорович йўлак бўйлаб югураркан, зиналардан дам юқорига кўтарилар, дам пастга тушар, дераза олдида тўхтаб, пиллапояга ўтирарди.

У ҳар бир ёруғлик қаршисида туриб, газетани кўзи олдига олиб келар ва нуқул қуйидаги телеграммани қайта-қайта ўқирди:

АМЕРИКА БАНКИНИНГ ИНҚИРОЗИ

Нью-Йорк, 28 май. Америкадаги банкирларнинг узлуксиз синиши бутун мамлакатда давом этмоқда. Қўйилган сумма 30 миллиард долларни ташкил этадиган Чикагодаги йирик «Коммершиэл Компани» банки кеча тўловни тўхтатди. Бошқарма раиси ва бош директор ўзларини ўлдиришди. Кредит бўлимининг мудирини қамоққа олинди. Тергов олиб борилмоқда.

— Менинг пулларим... — мингирларди Фома Егорович. — Менинг пулларим...

Йўлакда, зинада, гоҳ ёруғликда, гоҳ қоронғиликда одамлар ўтиб туришарди. Уларнинг баъзилари ишга кетишар, баъзилари эса ишдан қайтишарди.

Фона Егорович танишми, нотанишми — кимни кўрса олдига борарди.

— Мени кечиринг... Ўртоқ... Бир минутга, — дерди Фома Егорович қўлида титраётган газетани унга узатиб. — Мен русча газетани унча яхши ўқий олмайман. Балки менга ёрдамлашиб юборарсиз, а... Бу шунчаки англашилмовчилик бўлса керак... Сизни ишонтириб айтманми, бу бўлмаган гап...

Баъзилар ундан кечирим сўраб, шошилиб ўтиб кетардилар.

Баъзилар тўхтаб, қизиқсиниб газетани қўлларига олишарди.

— Қаерида? Нима экан? Ҳа, Харьков рекордини? Уч юз ситмиш қоришмами? Биз бундан ҳам ўзиб кетдик. Бугун олтинчи участкамизда қоришма сони тўрт юз йигирма тўққизтага етказилди! Нима? Сиз ҳам буни бўлмаган гап дейсизми?

Фома Егорович унг ва сўлга чайқалди. Димоғидан спирт ҳиди анқирди. У бир жойда туролмас, йўловчига

дам яқинлашиб, дам узоқлашиб, яна қайтиб келар, деярли йиқилаётгандек қаттиқ гандиракларди.

— Йўқ! йўқ! У эмас. У ери эмас. Нью-Йоркдан берилган телеграммани ўқинг.

У резинка подтяжкасини тортар, қўлига бураб шарқиллатарди.

— Америкадан берилган телеграммани ўқинг, ўқинг, ўртоқ. Мана буни, мана буни.

— Оббо, яна инқироз! — деди ўткинчи ҳафсаласи пир бўлиб.

— Нималар ёзилпти? Ушанда нима деб ёзилган, илтимос, овозингизни чиқариб ўқинг.

— Нима ёзиларди. Хеч қанақа қизиқарли жойи йўқ. Ҳа — инқироз. Ҳа — Чикагода. Хўп — «Коммершиэл Компани». Хўп — омонат пуллар йўқ бўлипти. Хўп — ўзини ўзи ўлдирипти... Яхши ётиб туринг. Ухлаш керак. Кечирасиз. Ҳадемай тонг отади. Боринг, ухланг.

Фома Егорович Маргулиеснинг хонасини муштлаб тақийлатди. Хона ичи қоронги. Ҳеч ким жавоб бермади.

Фома Егорович ўз хонасига қайтиб келди.

У беихтиёр атрофидаги нарсаларни йиртишга тушди.

Ишни аввал журналдан бошлади.

У саҳифаларини бирма-бир йиртиб, полга ташлади. Улардаги кемалар, пальмалар, автомобиллар, коттежлар, костюмлар, соатлар, ракеталар, соябонлар, ҳассалар, запонкалар, папирослар таблеткалар ҳавода айланганича полга тушарди.

Мэггининг олтин сочлари, қирмизи сабзавотлари, булкалари, лимон ва ветчинаси, унинг бўсага муштоқ очиқ лаблари, жўн, арзон, катак кўйлаги хона ичида айланиб, полга ёйилар ва каравот тагига кириб кетарди.

Журналнинг саҳифалари, бирон-бир тасвирий нарсаси қолмагач, Фома Егорович ҳақиқий буюмларни синдиришга ўтди.

Аввал қаламлар синди, кейин соқол олиш асбобларини полга ташлаб, оёғи билан мажақлади, рюмка ва стаканларни ерга урди, чойшабларни пора-пора қилиб йиртиб, стулни синдириб, унинг оёғини ойнабанд жавонга отди.

Буюмлар худди филистимяндек ундан қочар, у бўлса стулнинг суянчиғи билан уриб синдирарди.

Фома Егорович ўз «душманлари»ни анчадан кейин аниқ мўлжалга олиб урардики, ҳатто хонасидан эшитилаётган овоз ҳеч кимда ижтимоий тартиб бузилапти, деган шубҳа қўзғатмас, ҳеч кимнинг диққатини тортмас эди.

Унинг бўғриққан юзидан тер оқа бошлади. Боши айланди. Мувозанатини йўқотди. Ерга йиқилди. Аҳволи оғирлашиб, бўғила бошлади. Ойнани синдиргач, каравотга ағдарилди.

У ёстиққа бошини қўйди-ю, ўзини тутиб туролмади, кўзларидан дув-дув ёш тўкиб, йиғлаб юборди.

— Менинг пулларим... Менинг пулларим...

У энтикиб-энтикиб йиғлар, маккажўхори попугига ўхшаш украинча мўйлови бутунлай сув бўлиб кетганди.

Оёқлари полда.

У қўллари билан каравотнинг никелли чивигидан маҳкам ушлаб олганди. Каравот назарида хона бўйлаб юрар, уни ортидан судрар, ҳавога кўтарилар, учар, чайқалар, бирдан ер қаърига киргандек пастга тушарди.

66

Мистер Рай Рупни ваҳима босди.

У Леонарднинг хонасига борди.

— Леонард, ухлаётганингиз йўқми?

Дарлей ухлаганди. Шунга қарамай сапчиб ўрнидан турди ва катта, қалин шотланд жун рўмолни белигача ўраб, қора шойи пижамادا ўрни устига чўнқайди.

Рай Руп унинг каравоти чеккасига ўтирди.

— Кечирасиз, Леонард. Сизни уйғотиб юбордим. Сиздан бир нарсани сўрани ёдимдан кўтарилибди...

У лабларини қимтирди.

Ахир у билан тунда гаплашиш имконига эга бўлиш учун Леонард Дарлейга яхшигина ҳақ тўлайди.

— Леонард, Чикагодаги анави инқироз ҳақида қандай фикрда эканлигингизни билимоқчиман.

Мистер Рай Руп мийиғида майин кулиб қўйди. У ёруғ хонада ўтириб, ёш, тирик одам билан суҳбатлашяпти. Энди у қўрқувдан фориг бўлганди.

Дарлей оғриниб эснади ва стулдаги сигаретини қидира бошлади.

— Ишонаманки, мистер Рай Руп, бу бахтсизлик шахсан сизга таъсир қилмаган бўлса керак?

— Э? Сиз мен ҳақимда унчалик яхши фикрда эмас экансиз, Леонард! Хавотирланманг, мен ўз пулларимни кафолатли корхоналарда сақлайман.

У боши билан дераза томонни имлаб кўрсатди:

— Мен ўз пулларимни Вавилон қурилишига сарф лаяпман. Бу ҳам қулай, ҳам ўта хавфсиз.

У бу билан мазкур лойиҳалаштирилган завод қурилиши концернининг йирик акционерларидан бири эканлигига шама қилаётган эди.

— Шундай қилиб, мен кейинчалик ўз китобим билан... уни портлатишдан ҳузур қилиш учун Вавилон қуришга кўмаклашяпман. Бу, Леонард, парадоксаль эмасми?

Рай Руп иягини худди чарм ҳамёндек майин ва мулойимлик билан мамнун қисди.

— Бунда диалектика бор. Бу янги дўстимиз ўртоқ Налбандовнинг руҳиятига нақ мос. Шундай эмасми, Леонард? О, мен пулларимни қаерга сарф қилишни биламан...

Кекса анчагина эзма эди. Айниқса, тунда, уйқудан қийналган пайтларда.

Дарлей деразага қаради. Ойдин. У гелиатроп шимини кия бошлади.

— Тўғриси айтсам, Леонард, мени энди мана шу Осие толиқтира бошлади. Лидода ҳозир айни чўмилиш бошланаётган палла.

67

Фома Егорович ўзига келди. У худди ички зарбадан уйғонгандек тўсатдан ҳушига келди.

Боши айланиб, ёруғ дунё кўзига қоронғи бўлиб кетди. Унда нимадир содир бўляпти.

Лекин нима? Буни сира билолмасди.

Аллақачон тонг отганлиги учун хона ёп-ёруғ. Лекин хонага офтоб тушмасди. Балки ҳали умуман қуён чиқмагандир.

Синган, йиртилган буюмларнинг бўлаклари пол юзини қоплаб ётарди. Дераза синган. Шунга, қарамай, ундан ичкарига салқин ҳаво кирмасди. Хонадаги ҳаво иссиқ ва ҳаракатсиз эди.

Борлиқ тонготардаги сокинлик қўйнида. Ваҳимали сукунат.

Фома Егоровични ашаддий, юракни ларзага солувчи кўрқув қамраб олди.

Ҳаммаёқда қабр сукунати.

Сукунат одамсиз минг километрча атрофга чўзилган. Фома Егоровичга бутун ер юзида ундан бошқа бирон-бир жон зоти — на ҳайвон, на парранда, на балиқ, на инсон ва на бактерия йўқдек туюлди.

Меҳмонхона мутлақо жонсиз, бўм-бўш, ташландиқдек.

Фома Егоровични шу ерда бамисоли унутишгандек.

Жимлик чидаб бўлмас даражадаги автоматик оҳангнинг даҳшатли чўққисида илингандек.

Бу қаровсиз ташлаб қўйилган қозон клапанидан чиқаятган паға-паға буғнинг бир хилдаги ҳуштаги.

Чакка томирларидаги қон қаттиқ ва аниқ ура бошлади.

Қон шунақанги сокин урардики, ҳар бири оралигида кетма-кет одам ўтаётган қоридорнинг бутун саҳни бемалол сиғиши мумкиндек эди.

Жимлик худди доктордек йўлак бўйлаб тўхтовсиз одимларди.

«Мен ўламан», — ўйлади Фома Егорович.

Пешонасини совуқ, ёпишқоқ тер сели қоплади. Чоратрофдан унга азроил ҳамла қилаётгандек туюлди. Бу ҳамлани бутун иродасини ишга солиб аранг енгарди.

Нима, нима бўляпти? Нима бўляпти ўзи?

У эслашга ҳаракат қилар, лекин хаёлига ҳеч нарса келмасди. У хотирасига зўр бера бошлади. Ниҳоят ёдига тушди.

— Морфий!

Таблеткалар бор эди. Лекин ичганимиди? У эслолмади.

Полда бўш ишича ва алюмин стакан ётарди.

У даҳшатли қўрқув остида ўзини полга отиб, ҳуши элас-элас ўзига келиб, эски тускилар, лахтак буюмлар орасини титкилай кетди. У таблеткаларни қидирарди, лекин уларни тополмади.

Сокинлик торнинг чидаб бўлмас даражадаги пардасига чиқиб олганди.

Унга яна ҳам баландроқ иккинчи оҳанг, кейин учинчиси қўшилди.

— Морфий. Заҳарланибман. Таблеткалар йўқ.

У деразага отилди.

Энди чидаб бўлмас баландликдаги сонсиз товушлар бир хил овозда инградди.

Қурилиш майдони тонгинг сопол тусидаги пушти-
кулранг ёруғда бутун борлиги билан кўзга яққол кў-
ринди.

У даҳшатли вазиятда — кимсасиз ва бўш эди.

Фонар ва прожекторларнинг сусайган, ёруғлик ва
мазмунини йўқотган нурлари кучсиз ва заиф ёнар, ни-
гоҳи тушган ергача аранг мўлтирарди.

Кўз илғаган жойгача ҳаммаёқ ҳаракатсиз, оппоқ
қорга ўхшаш буг билан қопланган.

Ҳаракатсиз қурилиш манзараси ҳайратга солувчи
восита — қувурларнинг бутун ҳавозаси тўхтовсиз гум-
бурлар, алоҳида металл овозлари янглиғ бақирарди.

Паровозлар, экскаваторлар, юк машиналари, локо-
мобиллар, тракторлар.

Буг ҳуштаклари, гудоклар, сиреналар.

Булар бир неча минг механизмнинг ҳаяжонга солув-
чи симфонияси, қўрқув ва мардликнинг тўхтатиб бўл-
мас кучли инграши эди.

Унинг кўзи дераза токчасидаги таблеткали пробир-
кага тушди.

Ҳаёт!

Фома Егорович хоңадан отилиб чиқди.

Дераза йўлакнинг бутун кўндаланг кесими бўйлаб
ғарбга қараган эди. Унинг катак экранида тиниқ, сариқ
қулупнайрангидаги ўтли парда бетўхтов кўтариларди.

Йўлак ва зиналарда одамлар юришарди.

Фома Егорович дераза олдига югуриб борди.

Тонг шафағида унинг узун сояси йўлакни эгаллаб
олган эди.

Муқим ҳавода ўт ўчирувчи машинанинг кескин,
бўғиқ-бўғиқ сигнали янгради.

Аланга қоплаган дарахтларнинг қасира-қусури ва
ёнғиннинг бир текисдаги гувиллаши эшитилди.

Фома Егорович ксилолит полга ўтириб, пастгача
етадиган қизиган ойнага энгашди.

Уни энгиб бўлмас даражадаги уйқу қамраб олди.
Бамисоли тунда ота қўлида ётган боладек мудрар, бар-
моқларини қимирлатишга ҳам ҳоли етмасди.

Енаётган барак олдида югураётган одамлар кўрин-
ди. Кўзларини аранг очиб, уларнинг баъзиларини тани-
ди. У жилмайди. Лекин жилмайиш ҳам оғирлик қилди.

Югураётганлар — Маргулиес, Тригер, Корнеев, Шур-
ка Солдатова, Мося.

Уларнинг қўлларида белкурак, енаётган баракнинг
атрофини кавлашади, тупроқ итқитишади.

Ўт ўчирувчи қизил автомобилдан шланг тортишди.
Сув чирсилларди.

Бамисоли алвон парчалардек гуруллаб ёнаётган олов бутун бинони қоплаб борапти.

Олов девордан ошиб, яна юқорига интилар, ҳавога сингиб кетарди.

Бояги алвон парчадек аланга бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтар, аллақандай парусин босими билан тарсиллаб ўтар, бу ўтиш ҳароратни шунақанги ошириб юборардики, ҳатто меҳмонхона ойналаригача чирсиллаб синарди.

Ғома Ёгоровични уйқу элитган, уйқули кўзларига теварак-атрофдаги воқеалар аланг-жалаанг, ғира-шира туш сингари кўринарди.

68

Ҳамма нарса ўрнидан қўзғалди, ҳамма нарса ҳаракатга тушди. Ғеняни олиб келган ўша поезд энди Клавани олиб кетарди.

У шарқдан ғарбга томон бормоқда.

Поезд қуёш ҳаракати бўйлаб кетяпти. Лекин Москвага боргунча қуёш йўлдан уни уч марта қувиб ўтди. Поезд кўланкаси уч марта шарққа чўзилиб, узала тушганича ортда қолди, Уралдан ажралишга кучи етмаётгандек «югураётган» чалавга тирмашди.

Клава шишиб, чатнаган лабларини тишлаганича қайишқоқ, титраётган дераза столчасида хат ёзарди. У сира тўхтамай, тез-тез ёзар, шопилганидан қалами синиб, уни очиш учун проводник олдига пичоққа югурарди.

Хат узундан-узоқ, эҳтиросли, чалкаш, қисқартиришларга, тире, кўп нуқта, доғ-дугга, нотўғри бўғин кўчириш ва ундов аломатларига тўла эди.

У бошдан-оёқ манзара, йўловчилар, об-ҳаво, вагон воқеалари қақидаги ажойиб гаплардан иборат. Улар ҳам нуқул аҳд-паймон, режалар, ўкинч, кўз ёши ва бўсалар олиш сингари гаплардан иборат.

Ромба таққан ҳарбий ҳар бир станцияда хатни қутига ташлаш учун сезончиларни у ёқдан буёққа туртиб югурарди.

Поезд юргандан икки соат кейин у бутунлай Клава ҳаётига сингиб кетди. У Клаванинг дағал эми ҳақида, эҳтиросли севгилиси Корнеен тўғрисида, қизин ва Анап

ҳақида билиб олди. Клава энди бегоналардан уялмай, юзини беркитмасдан кўз ёшини артиб йиғларди.

Ҳарбий киши бундан қаттиқ таъсирланиб, унга қаламини тарашлаб берар, ноёб марка ва конвертларни тақдим этарди.

Кечқурун унинг қисмати бутун вагонга тарқалиб, шу ҳақда қизгин гап бўлди.

У ботир аёл эди, ички сирларини қўрқмасдан ҳаммага айтиб берар, ўзини ўзи сира аямасди.

Одамлар аёлни юпатишар, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишарди.

Немислар унга патефон қўйиб беришди. У негрлар хорининг речитативини, банджонинг карахт металл аккордлари, гавай гитараларининг ҳаёсиз ноласини эшитди. Бу товуш ва овозларнинг ҳаммаси, бошқа, сирли оламдан таралаётгандек эди.

У йиғи аралаш куларди. Қаҳқаҳа отар, лабларини тишлаб кулар, ҳўнграрди. У ўзи кулгани, кўз ёши тўккани учун аччиғланарди. Аввал кўпроқ кулгани учун, кейин кўз ёши тўккани учун.

Аввал деразада белкурак ва қўлқоп билан отилган сарғиш туiproқ уюми чўзилиб кўринди.

Ҳозиргина бўрон ўрлаб ўтган чўл энди дим ва жазирама иссиқ аралаш жимиллайди.

Чўлда тушовланган булут оҳиста сузиб юрипти.

Бир томонда кўчманчи ўтов нақ чалавга ташланган дўппидек сузиб ўтди.

Патефоннинг силлиқ-ялтироқ қора гардиши, унинг ўртасида овозии кучайтирб берувчи карнай рўпарасида турган ит гир айланади. Мембрана нимадандир чўчигандек сакраб-сакраб тушади. Тирсакли ялтироқ карнай сирли минғирлайди.

Кеч кира бошлади.

Босиб ўтилаётган ҳар бир километр масофа тақир табиатта ўғирланган ҳусн-жамолини қайтариб бера бошлади.

Дастлабки дарахтлар кўзга ташланди.

Дарахтлар!

Эҳ, дарахтларни кўрмаганига қанча бўлди Клава-нинг, энди унга дарахтлар қанчалар завқ бағишляпти! Наҳотки Клава шунча вақт дарахтларсиз чидаган бўлса?

Дастлаб битта-иккита дарахтлар кўринди.

Ботаётган қуёшнинг заррин нурига чўмилган яккам-дуккам дарахт тўплари.

Бу дарахтлар бамисоли армиядан ортда қолган, янги аскарлардек аранг судраларди.

Сўнг улар взвод, рота сафига уланган аскарлардек кўпайиб кўрина бошлади.

Кейин булбуллар нолиши ва сайраши билан полк ва дивизиялар намоён бўлди.

Пахмоқ ғолиблар «армияси» тоққа кўчди. Улар катта шон-шуҳратга бурканиб уйга қайтарди.

Кўк булутлар бамисоли қорайтирилган пўлат ўқ отувчи қурол сингари тоғда узала тушган.

Поезд жозибали биллур ёмғирда, ярқироқ қирққулоқлар орасида, камалак қўйнида, соф ҳаво ва азоб бағрида елиб боряпти.

Поездда чироқ ёқилди.

Биз кўланкадек ғарбдан шарққа жўнаямиз.

Биз қуёшдек шарқдан ғарбга қайтямиз.

Биз Урални кесиб ўтямиз.

«...Суръатни пасайтириш ортда қолиш демакдир. Қолоққа эса шапалоқ. Лекин биз шапалоқ ейишни истамаймиз. Йўқ, сира истамаймиз! Дарвоқе, кўҳна Россия тарихи шундай эди, уни ортда қолганлиги учун тинимсиз шапалоқлашган. Мўғул хонлари ҳам, турк беклари ҳам, швед феодаллари ҳам, польша-литва панлари ҳам, инглиз-француз капиталистлари ҳам, япон баронлари ҳам шапалоқлашган.

Ортда қолганлик учун ҳамма шапалоқлаган. Ҳарбий тайёргарликда ортда қолганлиги учун, маданиятда судралганлиги учун, давлат тузумида қолақлиги учун, ишлаб чиқаришда имиллагани учун, қишлоқ хўжалигида исшудлиги учун ҳам. Даромад қилганимиз, бу даромадни осонгина қўлга киритганимиз учун ҳам шапалоқлашган...»

«...Шунинг учун ҳам биз энди сира ортда қолмаслигимиз керак...»

Ортда қолмаслигимиз керак! Қолмаслигимиз керак! Қолмаслигимиз керак!

Қора ва қизилрангга бўялган темир йўл будкаси ёки трансформатор шкафи кўринади. У қояга тўрт бурчак магнит ёпиштирилгандек чиройли ўрнатилган. Тепасида чоққина Урал арчаси қад кўтариб турибди.

Қора билан қизил — шиддатли ҳаракат ранги, тротил қутисида оғоҳлантирувчи этикетка.

Дим купеда кичкина жинчироқ ёниб турипти. У
нимпушти медуница тусида ёгду сочади.

Субҳидам.

Поезд Уралдан ўтяпти.

Деразадан «Осиё-Европа» обелиски ўнгдан чапга
айланиб, физиллаб кўзга ташланади.

Маъносиз устун...

Мен уни олиб ташлашларини талаб этдим!

Биз энди мингбад Осиё бўлмаймиз.

Мингбад, мингбад, мингбад!

Тоғлар оралигидаги кичкина ўтлоқларда сариқ
гуллар, ўрдакчалардек пахмоқ ўсимликлар кўри-
нади.

Бир бурда ой кўк гумбазида марваридгул донаси-
дек сўниб бормоқда.

Клава намиққан юзларини марваридгуллар чам-
барагига босди.

У марваридгуллар орасидан деразага қаради.

Олисдаги марваридгул бутоқлари телеграф устун-
ларидек кўринади.

Станцияларда болалар марваридгул сотишарди.
Ҳаммаёқда марваридгул ҳиди.

Тонг муздек шабнам билан тўйинган.

Тонг қўйнида сопол қувачадаги ўткир, кишига те-
тжлик бахш этувчи, қуюқ, хушбўй ҳид таратувчи
майдек овозлар булқиллайди.

Тонггача булбулларнинг овози тинмайди.

Булбуллар поезднинг тарақа-туруғига ўрганиб қол-
ган, парво ҳам қилмайди.

Йўл марваридгул ва булбуллар маконига ай-
ланган.

Уфа—Саратов йўли.

Булут, элеваторлар, тахта деворлар, водокачка,
катерпиллерлар, эшелонлар, черков ва миноралар,
колхоз ва қишлоқ советлари.

Қаёққа қараманг, ҳаммаёқда—ўнгдан чапга ва
чапдан ўнгга, ғарбдан шарққа ва шарқдан ғарбга кат-
та қувватли ток ўтказадиган симёочлар бурчакма-
бурчак оёқ кериб турибди.

Олти қўл ва тўрт оёқли бу симёочлар ўрмон ва
тоғлар, дарахтзор ва дарёлар, қамиш томли қишлоқ-
лар узра соя ташлаганича марсиялардек ажб қиёфа
касб этган.

Биз энди мингбад Осиё бўлмаймиз.

Мингбад, мингбад, мингбад!

Мазкур хроника муаллифининг Магнитогорск ша-
ҳар, Марказий меҳмонхона 60-номеридаги Ростанинг
Махсус мухбири ўр. А. Смолянга мактуби.

Қадрли Саша!

Ҳозиргина хатингизни олдим. Уни менга Москва-
дан юборишибди.

Эслатганингиз учун раҳмат. Хрониками кузатиб, ил-
тифот қилганлигингиз учун икки карра раҳмат.

Мен буни «бизнинг хроникамиз» дегим келади.

У охирлаб қолди.

Сиз, биринчи боб қани, деб сўрабсиз..

Мен уни худди шу тобда ёзмоқчи бўлиб турган-
дим.

Қадрли дўстим ва раҳбарим, биринчи боб, аслида,
сизга тегишли.

Сиз менга ёмғир томчисида боғ кўришни ўргатдинг-
из.

Биринчи боб сизга бағишланган. Мен узун бағиш-
лов анъанасини тиклаяпман. Аммо бир оз мукаммал-
лаштириб юбордим. Мен бағишловни ҳеч қачон ўқил-
майдиган жойга — асар бошига эмас, балки охирига,
албатта ўқиладиган жойга қўймоқчиман, чунки у во-
қеа ечимини очиб беради.

Воқеа ечими эса бетоннинг сифатига боғлиқ.

Маълумки, бетоннинг сифатини етти кунсиз анди-
лаб бўлмайди.

Менинг хроникам бўлса йигирма тўрт соат ичидаги
воқеаларнигина ўз ичига олган.

Шундай қилиб, композиция бузилиши мумкин.

Етти кун оралигида эса узилиш пайдо бўлади.

Буни қандай ҳал қилиш мумкин?

Лекин, мана, йўли топилди. Мен ечишни бағишлов-
га қўшаман-у, уни асар бошига эмас, охириги бобдан
олдинга жойлаштираман.

Бағишлов-байроғи остида ечимни ўз ўрнига қўя-
ман, шу билан услуб бузилишидаги масъулиятни ҳам
зиммамдан соқит қиламан.

Ечим байроғи остида яна китобхонни бағишловни
ўқишга мажбур қилишга, шунингдек, номингиз ва му-
носиб ҳурматингизни ёдга олишга, миннатдорчили-
гимни изҳор этишга имкон яратилди.

Шундай қилиб, қадрли Саша Смолян, ўша, иккови-
миз эрта билан соат еттида қурилиш майдони оралаб

соцшаҳарга, марказий лабораторияга югурганимиз ёдингиздами?

Бу, мазкур хроникада баён этилган воқеадан сўнг етти кун ўтгач содир бўлганди.

Баъзи нарсаларни ошириброқ ёзганлигим учун унча таъна қилмассиз, деб умид қиламан.

Жумладан, фил масаласи. Аслида у ерда фил йўқ эди. Мен уни ўзимча тўқидим. Ахир бўлиши мумкин эмасми? Албатта, бўлиши мумкин. Бўлиши керак эди. Бўлмагани учун қурилишда яхши цирк ташкил қилолмаган томошахоналар бошқармаси айбдор.

Айтгандай, ҳозир балки фил олиб келишгандир ҳам? У ҳолда мёнга ёзиб юборинг.

Қолган воқеаларни аслидагидек ёзишга ҳаракат қилдим.

Шундай қилиб, парусин пардалар кетимизданоқ хонадан йўлакка отилди.

Биз ҳатто уни орқага суриб қўйишга ҳаракат ҳам қилмадик. Бунинг иложи йўқ эди.

Пардалар елвизакда силкинар, учар, айланар, шўхлик қиларди.

Икковимиз ҳам пардалар шундай бўлишини билардик. Пардаларни шунчаки, эшик билан қисиб қўя қолдик. Парда барлари ташқарида худди кулранг байроқдек осилиб қолаверди.

Тоғда руда портлайди. Пала-партиш портлаш овозлари ўқтин-ўқтин эшитилади.

Меҳмонхона эшиги олдида Уралнинг кажавали тарантаслари инженерларни кутиб турарди. Тарантасларнинг орқа томони гижирлар, нақшинкор дўғалари ялтирар, гуп-гуп от ҳиди анқирди.

Қуёш магний лентаси тезлигида қизийди.

Олдингда чанганинг жимир-жимир қора пардаси термометрнинг симоб ўқидек кўзни қамаштиради.

Биз кечикмаслик учун оёқни қўлга олиб югурардик.

Ҳазирама иссиқ ҳаво юзга олов пуркайди, чўл ва отнинг нашатир спиртидек ҳиди димоққа урилади.

Баракларнинг толь ёнғини томлари эфир билан қоплангандек қуёшда жимирлаб бугланарди.

Лабораториянинг салқин ертўласида оҳак, цемент ва қўғнинг намеққан ҳиди димоққа уриларди.

Хрониканинг Налбаиловдан бўлак ҳамма бош қаҳ-

рамонлари сув кучи билан ишлайдиган — гидравлик пресс ёнида туришарди.

/Сизга тахаллусларни очишнинг ҳожати йўқ албатта. Сиз уларни аллақачон биласиз. Китобхонга эса, қанақа эканлиги барибир./

Корнеев шошилмай соатига қаради. Унинг туфлиси кўзни қамаштиргудек оппоқ. Афтидан, ҳозиргина бўяган бўлса керак. Ҳали бирон-бир гард унинг тонги ҳолатини ўзгартириб улгурмаган.

Маргулиес безовталаниброқ кўзойнагини артди.

Мося пресс қаршисидаги ерда оёғини йиғиб ўтирганича ўткир кўзларини ундан узмасди.

Ильющенко келди. У столга ўтириб, ёзувлар қайд қилинадиган катта дафтарни очди.

Икки ишчи тиззаларини буккан кўйи биринчи кубикни олиб келишди. Улар кубикни асбобнинг пўлат тахтасига эҳтиёткорлик билан қўйишди. Кейин насос бандини аста-секин силкий бошлашди.

Бошқа бир пўлат тахта кубикни устидан аста сиқа бошлади.

Маргулиес кўзойнагини тақди. Узун ингичка бармоқларини қирсиллатганича манометрнинг циферблатига яқинроқ бориб, хира кўзларини ундан узмай тикилиб турарди.

Ишчилар насос бандини силкитишда давом этишди. Манометр стрелкаси эса қисқа силжиш билан рақамдан-рақамга суриларди. У жуда секин, аммо бир текисда ҳаракат қиларди.

Кубик босимга қаттиқ бардош бериб турарди.

Бирдан кубик бурчаги бўйлаб ногик дарз пайдо бўлди.

— Тўхта!

Ильющенко манометрға яқинлашди.

— Бир юз йигирма.

Кубик бир квадрат сантиметр бетон ҳисобида бир юз йигирма килограмм босимга чидаганди. Бу аслидагидан ҳам ортиқ даражада эди.

Ильющенко қаноатланмагандек столга яқинлашди ва дафтарга керакли рақамларни ёзиб қўйди.

— Кейингиси.

Ўнта кубикнинг ҳаммаси ҳам босим билан шу тарзда синаб кўрилди. Ҳаммасининг ҳам натижаси озгина паст-баланд демаганда биринчи кўрсаткич атрофида эди.

Семечкин Маргулисенинг ёнига келди, маънодор қилиб, ҳам... ҳам, дея ҳиқиллади ва бирмунча такаббурилик билан унга намиққан бесўнақай қўлини узатди.

— Хўш... хўжайин... табриклайман,— деди у дўриллаб.— Биз голиб чиқдик.

— Қойил қилдик!— деди Слободкин.

Маргулис энгашиб, ертўладан кўзни қамаштирувчи, иссиқ пуркаётган ҳовлига чиқди.

Мося нам деворга, тиззаларига, ботинкасига, ўртоқларининг елкаси ва бўйнига шапатилаганича уларнинг орқасидан югурди.

У ҳансирарди.

Ҳамма чиқиб кетганидан кейин Ильющенко телефонга яқинлашди:

— Завод бошқармаси коммутаторими? Налбандовни беринг. Алло! Ильющенко гапиряпти. Ҳа. Ҳозиргина. Урта ҳисобда бир юз йигирма.

— Яхши.

Налбандов телефон трубкасини жойига аста қўйди.

У ручкани олиб, одатдаги ҳажмига қайтган сиёҳдонга ботирди-да, блокнот varaғига «Касаллиги ҳақида рапорт» ёза бошлади.

У бўйнини рўмол билан қаттиқ боғлаб олганди.

Биз уни кеча соат бешда автомобилда вокзалга кетаётганини кўрдик. У бошини каттакон жигарранг ҳассасига қўйиб ўтирарди. Хаёл сураётган шекилли, саломимизга алик ҳам олмади. Бизни сезмади ҳам.

У олтинчи участка ёнидан ўта туриб, атрофини митти дарахтлар,баҳайбат ўт-ўланлар ва хаёлий қизил қуёш қуршаган замбилғалтакда қўлтиғига жигарранг ҳасса қистирган қора соқолли, ваҳимали одам ўтирганлиги тасвирланган кичкина янги плакатни ҳам кўрмади.

Буларнинг ҳаммаси етти кун ўтгандан кейин содир бўлганди.

Лекин хроникамиз тугайдиган ўша тонгда ҳаммаси ҳали мужмал ва хавотирли эди...

Хўп, қадрли Саша, шу билан сизга сиҳат-саломатлик тилашга руҳсат бергайсиз.

Бағишловим бошида французча бўлмай, бирмунча тантанавор жаранглагани учун афу этинг.

Лекин, Парижда бўлишимнинг чўзилиши мента, тўғриси айтсам, таъсир эта бошлади.

Париж ҳақидаги суҳбатимиз ёдингиздами?

Тасаввур қилинг — Париж биз ўйлаганча эмас экан асло. Мен унда хаёл қилганларим ва қидирганларимни тополмадим, лекин шундай бўлса ҳам ўйлаганимдан кўра кўпроқ нарсани топдим.

Мен Парижда тарих туйғусини топдим.

Биз ниҳоятда ёшмиз. Биз ҳазирча ҳали бу туйғудан мақруммиз. Лекин ақлли илғор кишиларимиздан кимлардир бизда ана шу туйғуни уйғотишга ҳаракат қилишмоқда.

Шунинг учун ҳам Горький: фабрика ва заводлар тарихини ёзинг, Қизил Армия тарихини ёзинг, «улуғ» француз революциясидан минг ва минг карра улуг ва ажойиб бўлган Улуғ Рус Пролетар Революцияси тарихини бунёд этинг, деб бекорга такрор-такрор айтмаган.

Биринчи беш йиллигимиздаги такрорланмайдиган қаҳрамонона кунларимизнинг ҳатто кичкинагина зарраси, майда-чуйдаси ҳам ёддан чиқмасин.

Ахир авлодлар ёдида сақланишга лойиқ Консьержери қоронғи қамоқхоналаридан бирида кўрганим — занг босган гильотина тигидан кўра пролетар ёшлар уюшган зарбдор бригада, жаҳон рекордини ўрнатган Егер системасидаги бетонқорғич кўпроқ аҳамиятга эга-ку.

Ахир биз учун Дантоннинг жигарранг фраки, Де-муленнинг ағдарилган стули, фригийск қалпоғи, Робеспьернинг зангори қўли билан қамоққа олиш учун ёзилган ордерлар, қироличанинг ўлими олдидаги мактуби ва қуруқшаган гулдек енгил ва эски, туси ўзгарган уч рангли кокардадан зарбдорнинг футболкаси, комсомол қизларнинг рўмоли ва шишаги, зарбдор бригаданинг кўчма қизил байроғи, тошбақа ёки паровоз тасвирланган болаларча плакат ва йиртилган брезент шимлар минг карра афзал эмасми?

Қўлингизни қаттиқ қисаман. Тез орада кўришгунча хайр, сизнинг В. К.

Париж

Тонг ёришмоқда.

Улар телеграф дарчаси рўпарасига келишди.

Винкич навбатга турди. Георгий Васильевич молния телеграммаси ёза бошлади.

Енларида улардан бир қадам ҳам ортда қолмай Мося интиқ юрарди. Ҳозир ҳам у шу ерда.

Мося гоҳ у, гоҳ бу оёғини босиб, Георгий Васильевичнинг елкаси оша мўралайди, тирсаги билан туртади.

Енғинни ўчиришда иштирок этганлигидан юзлари буткул қурум билан қопланган. Шу дақиқада у нақ шайтоннинг ўзига ўкшаб кетарди.

Георгий Васильевич ўзича кулимсираб ёза бошлади:

«Бетончилар бригадаси бир сменада 429 қоришма қуйиб, Харьков, Кузнецк рекордларини ортда қолдириб, жаҳон рекордини ўрнатди...»

Мося унинг ёзганларини елкаси оша тез ўқиб, ёлворгандек деди:

— Георгий Васильевич... Уртоқ ёзувчи... Тагига бригадир Ишченко, ишбоши Вайнштейн деб ёзинг.

— Ҳечқиси йўқ, шундай ҳам бўлаверади.

— Бригадир Ишченко, ишбоши Вайнштейн дег,

Мося йиглаб юборай деди.

— Ишченко ва Вайнштейн. Аниқ гап-ку. Нима кетди сиздан? Ахир бу аниқ факт бўлгандан кейин.

— Бекорга пул кетади,— деди Георгий Васильевич насихатомуз.— Давлатнинг пулини тежаш керак.

Мося ўзини қаерга қўйишни билмай қолди. Нуқул турган жойида айланар, қўллари умидсизликдан тебранарди.

— Аниқ факт-ку,— бўғилиб пичирлади у.

— Бригадир Ишченко билан ишбоши Вайнштейн деб қўйсакмикин?— Винкичдан сўради Георгий Васильевич Мосяга ишора қилиб.— Лекин арзирмикин?

Винкич Георгий Васильевичга жиддий тикилди.

— Фамилиямизни қўя қолинг, Георгий Васильевич,— пичирлади Мося.— Сиздан нима кетди? Пулини редакция тўлайди. Қўя қолинг!

Георгий Васильевич стойкага дадил энгашди.

— Яхши. Сенингча бўла қолсин. Бригадир Ишченко деб қўяман.

— Мени-чи?

Мося ўқувчи боладай қовоғини уюб, бўйинини қисди. У бамисолн ўқитувчи билан гаплашгандек ҳаяжонланарди.

— Георгий Васильевич, менинг фамилиямни ҳам қўясизми?

— Сени бунга нима даҳлинг бор?— вазминлик билан сўради Георгий Васильевич.

— Менинг нима даҳлим бор? Мени-я? Кимнинг даҳли бор бўлмаса!!!

Мосянинг юзига қон тепти. У қичқириб юборди.

— Георгий Васильевич! Жин урсин сизни, ана бўлмаса! Лекин сўкишга мени мажбур қилманг!!! Мени, албатта, кечирингу...

— Хўп, майли, майли,— деди шошилиб Георгий Васильевич.— Ҳазиллашдим. Ҳазилни ҳам билмайсизми?

У тез-тез ёза бошлади:

«Бригадир Ишченко, ишбоши Вайнштейн».

Мося Георгий Васильевичнинг елкаси оша мўралаб, ўз фамилиясини ўқиди-ю, ҳорғин конторачи аёлнинг телеграммани олиб, қалам билан сўзларини ҳисоблаганлиги, квитанция ёзиб берганлиги ва узун дастали итемпель билан тақирлатиб муҳр босганлигини ўз кўзи билан кўрмагунча унинг ёнидан қўзгалмади.

Шундан сўнг у:

— Хўп, мен кетдим, ўртоқлар!— деб қичқирди-ю, зинадан пастга отилди.

— Эҳ, роса шилқим одам экан-да!— хитоб қилди Георгий Васильевич Винкичнинг қўлтиғидан олиб.— Урганинг, яхши йигит: «Бетончилар бригадаси бир сменада тўрт юз йигирма тўққиз қоришма қуйиб, Харьков, Кузнецк рекордларини ортда қолдириб, жаҳон рекордини ўрнатди, бригадир Ишченко, ишбоши Вайнштейн!» Гомерес! Или-ада-с!

Портлашларнинг оппоқ тутун билан қопланган тоғ тепасида қуёш кўринди. У чошгоҳдагидек аллақачон забтига олганди.

Ишченко туғуруқхонада эир югуриб юрипти.

Уни ишкарига қўйишмасди.

Қора доскадаги Ишченко фамилияси рўпарасида тушуниб бўлмайдиган ҳарф ва рақамлар ёзилган:

«Ур. 3 1/2 кг».

Халат кийган катта ёшли аёл Ишченкони даҳлиздан итариб туширди:

— Бор, бор. Икки-уч кундан кейин келасан. Ҳозир мумкин эмас.

Ишченконинг юзи шишган, ўжар, сўлғин кўринарди. Сочи пешанаси оша кўзига тушганди.

— Бу қанақа гап ўзи? — бақиради Ишченко. — Наҳотки мен ўз боламни ҳам кўра олмасам?

— Бор, бөр.

— Мен жаҳон рекордини ўрнатган бригаданинг бошлиғиман! Уттиз биринчи йилдан бери партия аъзосиман!

— Шовқин солаверма. Жаҳон рекордини ўрнатибсану, ўзингни қандай тутишни ўрганмабсан да.

Аёл жилмайиб, бригадирни аста эшикдан чиқарди.

— Тўхта, — деди Ишченко. — Сабр қил. Бир нарса ни менга айт-чи: ўғилми, қизми?

— Уғил, ўғил. Уч ярим кило.

— Уч ярим кило? — шубҳаланиб сўради Ишченко. — Камроқ эмасми?

— Бошланиши кам эмас.

Ишченко кўтага чиқди. У касалхона барагини айлайди. Деразаларга қаради. Ойналар кўзни қамаштиргудек оппоқ ялтираб, ҳеч нарса ни кўриб бўлмасди.

Лекин, мана, битта деразада одам шарпаси кўринди. Бу — Феня. У дераза ойнасига юзини тиради. Фенянинг бурни, пешонаси ва даҳани ялпайиб кетди. Оппоқ тишлари ялтиради. Қўлида йўргак. У йўргакни кўтариб, эрига кўрсатди.

Ишченко ялтираб турган ойнада маъносиз, қора арча уругидек юмалоқ, кўк, хира кўзлари билан митти қизил юзни кўрди.

Бригадир қўллари билан турли имо-ишоралар қилар, нималардир деб қичқирар, Феня эса эшитмасди. Феняни дераза олдидан олиб кетишди. Кекса аёл уни койиди.

Ишченко четроққа чиқиб, барак соясига ўтирди. Унинг бўғзига ёш тиқилганди. Бунинг сабабини Ишченконинг ўзи ҳам билмасди.

Қуёш магний лентаси тезлигида қизирди.

Маргулиеснинг хонасида будильник жиринглади. Олти ярим. Будильник обакнинг тунука қутичасидек жиринглади.

Қуёш тафтида қизиган пашшалар будильник атрофида кўринмас ҳалқа ҳосил қилиб айланар, бир тўдаси сариқ газета устида ўрмаларди.

Будильникни ҳеч ким тўхтатмади. У буралган пружинаси бўшалгунча жиринглади.

Маргулиес бу вақтда Шура Солдатова билан меҳмонхона олдидаги скамейкада ўтирарди.

Улар ошхона очилишини кутишарди.

Маргулиес бесўнақай қўллари билан Шура Солда-тованинг қўлини худди ранда ушлагандек қаттиқ уш-лаб олган. У шу ҳолда етти кундан кейин синаладиган кубикларни ўйларди.

Қиздираётган қуёш уларнинг қорғин, хира юзлари-га саҳий нур сочарди.

Маргулиес деярли ухлар, бурни пишиллаётганди. Шу топда уни қаттиқ уйқу тортиб кетаётганди.

Меҳмонхона эшигидан Винкич чиқиб, тўғри Мар-гулиес томонга юрди.

Маргулиес уйқу аралаш махсус мухбирнинг кўк курткиси чўнтагидан чиқиб турган янги газетани кўр-ди.

Маргулиес уйқу аралаш билинар-билинемас жил-майганча:

— Хўш... қаерда? — деб сўради.

— Челябинск трактор заводида, — қичқирди Вин-кич.

— Қанча?

— Беш юз тўрт.

1931 — 1932

СУНГСҮЗ ҰРНИДА

«Валентин Катаев совет адабиётини бошлаб берган забардаст ёзувчилардан бири. Унинг номи кенг китобхонлар оммасига тарқалган. Асарлари жаҳоннинг ҳамма тилларига таржима қилинган. Китобларининг тиражи катта. Валентин Катаев ўз ижодий йўлини шеърятдан бошлади. У мамлакатимиздаги энг яхши ҳажвчилардан бири. Лекин Валентин Катаев насрга анчайин кучли. Айнан мана шу соҳада у ажойиб, машҳур асарлар муаллифи эканлигини намоён қилди. Катаевнинг китоблари замон синовидан муваффақият билан ўтди».

Замонамизнинг улкан ёзувчиси А. А. Фадеев Валентин Петрович Катаев ҳақида мана шундай илиқ сўзларни айтганди.

Дарҳақиқат, В. Катаев совет адабиётининг кекса авлодига мансуб, кўплаб жанрларда қалам тебратган сўз устаси ҳисобланади...

Валентин Петрович Катаев 1897 йил 28 январда Россиянинг жанубидаги порт шаҳар — Одессада дунёга келди. Ёзувчининг oilаси халққа маърифат тарқатиш мақсадида хизмат қилган рус интеллигенциясига мансуб бўлиб, адабиётни ниҳоятда севар, уни қадрларди. Катаевлар oilаси XIX аср классик адабиётини яхши билар ва юксак баҳоларди. Бўлажак совет ёзувчилари — Валентин Петрович ҳам, унинг ukаси Евгений (Евгений Петрович) ҳам рус реализмининг энг яхши намуналари таъсирида тарбияландилар.

Валентин Катаев ўз асарларини анчагина барвақт эълон қилдирди. Унинг «Куз» деб аталувчи биринчи шеъри 1910 йилда эълон қилинганди. Шу вақтдан бошлаб ёш шоир ўз шеърлари билан «Одесский вестник», «Одесский листок», «Южная мысль» газеталари саҳифаларида мунтазам кўрина бошлади. Баъзи асарлари, ҳатто Петербургда чиқадиган «Пробуждение», «Весь мир», «Лукоморье» журналларида ҳам босилди, 1912 йилдан эса, дастлабки ҳикоялари эълон қилинди...

Валентин Катаевнинг ижодий билими, излавиши, маҳорат учун кураши шу зайлда бошланган эди.

Биринчи жаҳон уруши арафасида Владимир Маяковский шеърляти билан танишув эса ёш ёзувчининг гоёвий ва ижодий камолотига катта таъсир кўрсатди.

В. Катаев 1915 йилда гимназия партасидан кўнғилли бўлиб фронтга отланди. У оддий артиллериячи-аскарликдан прапор-

шчикликкача хизмат қилди. 1917 йил ёзида Улуғ Октябрь социалистик революцияси галабасини кутиб олди.

Валентин Катаев шундан сўнг ҳаётини революция иши билан, унинг галабаси билан боғлади. Бу даврда у Владимир Маяковский байроқдорлик қилган РОСТАда ишлаб, ҳажвий асарлари, фельетонлари билан революция душманлари кирдикорларини фош этди.

1919 йил ёзида Валентин Катаев Қизил Армия сафига қақрилади ва қўлига қурол олиб, оқгвардиячиларга қарши курашадди.

Катаевнинг ижоди 1922 йилда Москвага кўчиб ўтгандан сўнг янада равноқ топди. Насрий асарлари бу ерда чиқадиغان «Москва», «Россия» журналларида эълон қилина бошлади. Унинг 1918-1923 йилларда ёзилган «Музыка» (1918), «Кранц тажрибаси» (1919), «Гражданлар уруши ҳақида эсдаликлар» (1920), «Олтин қилам» (1920), «Эдуард танбал» (1921) сингари ҳикоялари Одесса газеталари ва журналларида босилган эди.

Валентин Катаев ижодида янги давр бошланиши «Гудок», «Рабочая газета», «Труд», кейинчалик «Правда» газеталарида ва 1925 йилда шахсан танишган кишиси Маяковский ҳам хизмат қилган безакли, сатирик журналларда ишлаши билан мустақкам боғлиқдир.

Маяковский билан ёнма-ён ишлаш, у билан ҳар куни мулоқатда бўлиш Валентин Катаев учун гоаявий, ижодий мактаб ролини ўйнади. «Гудок» газетасида Юрий Олеша, Евгений Петров, Илья Ильфлар ҳам ишлашарди. Бу мазкур ёзувчилар ўртасида ўзинга хос ижодий мусобақа вужудга келишига сабаб бўлди. Валентин Катаев «Гудок», кейинроқ «Рабочая газета»да ишлаган пайтида «Митрофан Горчица», «Оливер Твист», «Сатирик Саббакин» таҳаллуслари билан очерк, фельетон, шеър ва ҳикоялар ёзди.

Валентин Катаев 1924-1925 йилларда ёзган қатор ҳикояларида ривкорликнинг турли кўринишлари галереясини чизиб берди. Бу ўринда унинг 1926 йилда ёзилган «Растратчи» қиссаси асосий ўринни эгаллайди. Ёзувчи мазкур асари билан ўзининг сатира устаси эканлигини яна бир бор исбот қилди.

«Давр, олға бос!» роман-хроникаси Валентин Катаев ижодида янги босқични ҳам бошлаб берди. Роман марказида даврнинг сош ҳақрамони — социализм қураётган совет кишилари туради.

1930 йил бошида Владимир Маяковский «Давр марши» шеърини ёзади. Унда Катаев ҳаёлида тиним бермаётган чуқур кешималар тараннум этилган эди. Шеърни ўқиб чиққан Валентин Катаев Маяковскийга:

— «Давр, олға бос!» — ажойиб роман учун сарлавҳа-ку,— дейди.

— Ахир биз ўз қурилишларимиз, ҳаётимиз ва юксалишимиз билан даврни қувиб ўттигимиз. Жуда тўғри топилган номлар.

Маяковский буни эшитиб:

— Езинг ўша романини. Ахир мен роман ёзмайман-ку, — дея жавоб қайтарди.

Шу йили Валентин Катаев Магнитогорскка боради. У ерда ёзувчи ташаббускор, бунёдкор бригадаларни, қурилишдаги суръатни ўз кўзи билан кўради.

Ёзувчи кейинчалик бу ҳақда: «Дунё миқёсидаги бу металлургия гигантининг биринчи домна печлари пойдевори қўйилаётган ва бўй чўзаётган пайтида Магнитогорскда бўлишдек буюк бахт ва буюк шараф менинг зиммамга тушганди... Мен у ерда бетончилар, ер қазувчилар, монтажчиларнинг оммавий новаторлик ҳаракати туғилишини кўрдим... деб ёзган эди.

Ишчилар коллективи ҳаётида иштирок этиш Катаев тасаввурини бойитди, унинг кўз ўнгиде янги ҳаётини қарама-қаршиликлар, янги қаҳрамонлар намоён бўлди.

Валентин Катаев роман устида икки йил ишлади ва асарини 1932 йил охирида эълон қилди.

«Давр, олға бос!» романида Уралдаги улкан саноат маркази қурилишдаги атиги бир кун қаламга олинади. Романда социалистик мусобақада иштирок этадиган бетончилар бригадалари ўртасидаги кураш ҳам қаҳрамонона меҳнат ҳам гоъзий кураш мисолида очиб берилади. Оддий совет кишилари ҳисобланган роман қаҳрамонлари эскирган традиция, эскирган нормаларга барҳам бериб, меҳнатнинг бирмунча юксак усулига ўтадилар. Бир кунлик воқеада беш йиликнинг қаҳрамонона даври намоён бўлади. «Томчи ёмғирда боғни кўришга ўргандингиз», дейди муаллиф қаҳрамонлардан бирига. Кенг лирик-романтик ва фалсафий умумлашма билан ажралиб турадиган китобни тушунаш калити ҳам мана шунда.

Романдаги энг муҳим хусусият — ўткир ватанпарварлик туйғуси, социалистик ватан билан фахрланиш туйғуси бўлиб, у китобнинг бошидан охиригача сингиб кетган.

Китобда икки хил образ мавжуд. Бир жонли — кишилар образи, иккинчиси жонсиз — шаҳарлар.

Қақир чўлда большевиклар иродаси билан қад кўтараётган шаҳар Катаев наздида аниқ, реал, шу билан бирга шоирона умумлашгандир. Бирон бир «анъанаси ҳам бўлмаган» бу шаҳар ниҳоятда тезкорлик билан, «ана шундай катта шаҳарни барпо этишда талаб қилинадиган вақт ҳақидаги тасаввурни улоқтириб ташлаб, тезлик билан бўй чўзарди». У Катаев романида буржуазиянинг кўҳна «давлат-шаҳарлари», «қотиб қолган мурда-шаҳарлар» долларга сўтиб олинган халқлар ва барча даврлар ус.

лубидаги янги, лекин эски анъаналарни сақлаб қолган капиталистик шаҳарларга қарама-қарши қўйилади.

Катаев асарда социалистик маданият эҳтиросининг жўш уриши, янгиликнинг эскилик билан кескин кураши асосида пайдо бўлишини кўрсатиб беради. Роман марказида улкан ижодий ғайрат ва жасорат эгаси бўлмиш қурувчи Маргулиес образи туради. Маргулиес — янги типдаги инженер, инженер-большевик, барча тўсиқларни енгиб ўтувчи новатор. Унинг қурилиш раҳбарларидан бири, «қуруқ назариётчи» Налбандов билан тўқнашуви пешқадамнинг консерватив йўналиш билан тўқнашуви ҳамдир. Маргулиес — олға ҳарақат, Налбандов — тургунлик тимсоли, у «хатарли тажриба»га, ишнинг «ваҳшиёна суръати»га қарши. Налбандов олтинчи участкада қондани ҳаддан ташқари дадил ва ҳурматсизлик билан тафтиш қилган, хорижий муаллифлар кўрсатмасини уятсизларча инкор қилгани учун Маргулиесни кўролмайди.

Маргулиес ўз ҳисобларини совет кишисидаги янги, ижодий ижкониётлар чексиз эканлигига бўлган ишонч замирига қуради.

Коллектив билан шахс ўртасидаги ўзаро муносабат Катаев асаридаги асосий темалардан биридир. Романда Меҳнат шароити, да коллектив ва яқка шахс қандай пайдо бўлиши аниқ акс эттирилади. Унда ҳар бир киши меҳнати коллектив меҳнатига қўшилиб кетади. Ёзувчи романдаги бутун воқеа давомида коллективга уюшган кишилар маънавий жиҳатдан қандай бойиганлигини ифода қилади.

Олтинчи участкада бригадалар мусобақаси вужудга келади. Яқинда ташкил топган Ишченко бригадаси илғорликка эришиш учун бутун кучини сарфлайди. Ишченко Ермаков бригадаси ишени четдан туриб кузатар экан, бетончилар ишнинг бутун жараёнини биринчи марта анализ қилади. Кузга ташланган камчиликларни пайқайди, ундаги заиф звеноларни, уларни қандай мустаҳкамлаш йўлларини қидиради.

Ишченко топган камчиликни тугатиш йўли кейинчалик бутун қурилиш участкасидаги меҳнат суръатини кўтаришда туртки ролини ўйнайди. Унинг ўйлагани бошқа қаҳрамон — Ханумов ишлаб чиқариш жараёнини янада такомиллаштириш учун янгилик бўлади. Лекин муҳими бошқа ерда: Ханумов ўз «топилма» — сирчи жаҳон рекордини амалга ошираётган рақибига нибом этади. Бунда янги инсоннинг ички қудрати, унинг маънавий бойлиги очиб берилгандир. Буларнинг ҳаммаси коллектив иши, коллектив қудратидир.

«Давр, олға бос!» романида ёзувчи қаҳрамонюва қурилишнинг Маргулиес, Ишченко, Ханумов сингари иштирокчиларини эски олам кишиларига қарама-қарши қўйган. Уларнинг меҳнат тантанаси америкалик бизнесменлар кўзи олдида ривож топади,

уларни қўйил қолдиради. Езувчи меҳнат жараёнини табиат тас-
вири билан шундай уйғунлаштирганки, бу асар қийматини яна
ҳам ошириб юборган.

Хуллас, «Давр олға бос!» романи беш йилликлар даврида
эратилган совет адабиётидаги энг дурдона асардан бири бўлиб
қолди.

Валентин Катаев 30-йилларда ҳам, Улуғ Ватан уруши ва
урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида ҳам совет адабиёти
юксалишига муносиб ҳисса қўшди. Унинг қаламига мансуб бўл-
ган насрдаги, назмдаги ва драматик асарлар совет китобхона-
ларининггина эмас, балки хорижий халқларнинг ҳам севимли ки-
тобларига айланган. Унинг «Оқариб кўринар бир елкан» (1936)
қиссасида 1905 йилги Одессадаги революцион воқеалар акс эт-
тирилган бўлса, 1946 йили СССР Давлат мукофоти берилган
«Полк ўғли» ва бошқа ҳикоя, қисса ва пьесаларида совет киши-
ларининг ватанпарварлиги, душманга нафрати ифодаланган.
«Оқариб кўринар бир елкан», «Полк ўғли», «Даштдаги қишлоқ»
(1956) «Хайл чечаклари» асарлари ўзбек тилига таржима қилин-
ган.

На узбекском языке

Библиотека дружбы
Проза народов СССР

Валентин Петрович Катаев

ВРЕМЯ, ВПЕРЕД!

Роман-хроника.

Перевод с издания издательства «Художественная литература»,
Москва, 1969

Редактор *Х. Эргашев*. Серия рассомы *И. Кириакиди*. Рассом *Э. Кизай*.
Расмлар редактори *А. Кива* Тех. редактори *Э. Саидов*. Корректор *С. То-
ҳирова*.

ИБ № 1803

Босмахонага берилди 20.10.83. Босишга руҳсат этилди 17.01.84. Формати
84×108¹/₂. Босмахона қоғози № 3 Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли
босма л. 17,22+0,42 вкл. Шартли л. кр. — оттиск 19,84. Нашр л. 18,8+0,5 вкл.
Тиражи 30 000. Заказ 1599 Баҳоси 1 с. 60 т. Гафур Гулом номидаги Ада-
биёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат
комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг
Бош корхонаси. Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат
комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг
1-босмахонаси, Тошкент. Хамза кўчаси, 21.